O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING HUZURIDAGI QONUNCHILIK VA HUQUQIY SIYOSAT INSTITUTI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KRIMINOLOGIYA TADQIQOT INSTITUTI

A. ANORBOYEV

ШАҲСГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИ

Кибералогия методи асосида
тайёрланган ўқув-услубий қўлланма

Тошкент – 2026

ЎЗБЕКИСТОН РСЕПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПБУЛИКАСИ КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

А. Анорбоев

ШАХСГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИ

Кибералогия методи асосида тайёрланган ўқув-услубий қўлланма

Тошкент – 2026

А. Анорбоев. Шахсга қарши кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий ва техник жиҳатлари. Кибералогия методи асосида тайёрланган ўқув-услубий қўлланма. – Т.: “Dimal” нашриёти. 2026 й. – Б. 423.

Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А. Расулев

Тақризчилар:

ю.ф.д. профессор А. Закурлаев, ю.ф.д. С. Гулямов, ю.ф.д. Б. Мўминов

DOI	**GOOGLE академия**	**ORCID**	**Index Copernicus – ID 48623**

Мазкур ўқув-услубий қўлланма ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки у орқали содир этилаётган шахсга қарши кибержиноятларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги ҳолати нуқтаи назаридан ўтказилган таҳлиллар натижасида тайёрланган илмий иш саналади. Ушбу илмий ишда шахснинг ҳаёти, соғлиғи, аҳлоқи, конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик-техник таҳлили, улар бўйича жазо тизими ва жазо тайинлаш тартиби назарда тутилган. Ушбу таҳлиллар кибералогия методи асосий амалга оширилган бўлиб, бу усул орқали ўқув қўлланмани тайёрлаш нафақат ўқувчиларга, балки сунъий интеллект ҳам ўзаро тушунишга, инсон ва технология ўртасида ўзаро тушуниш имкониятини бир мунча яқинлаштиради.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, ўрта-махсус таълим ташкилотлари ўқувчи ва талаблари, магистр ва тадқиқотчилари, профессор ва ўқитувчилари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, тезкор қидирув, назорат органлари ходимлари ва мутахассислари, шунингдек, мустақил тадқиқот олиб бораётган ёки таълим олаётган фойдаланувчиларга ҳам мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кенгашлари тавсиясига асосан чоп этилган.

© А. Анорбоев

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....4
1-БОБ. ШАХСНИНГ ҲАЁТИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ТАҲЛИЛИ.....13
1.1-§. Киберқотиллик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....13
1.2-§. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб содир этилган киберқотиллик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....24
1.3-§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, киберқотиллик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....34
1.4-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....39
1.5-§. Киберсуицид жиноятининг юридик-техник таҳлили.....47
2-БОБ. ШАХСНИНГ СОҒЛИҒИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ТАҲЛИЛИ.....54
2.1-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....54
2.2-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили..75
2.3-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....84
2.4-§. Зарурий мудофаа чоралари чегарасидан четга чиқиб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....93
2.5-§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....101
2.6-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....109
2.7-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қийнаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....117
3-БОБ. ШАХСНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ТАҲЛИЛИ.....126
3.1-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....126
3.2-§. Аёлни ўз ҳомиласини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб сунъий равишда туширишга мажбурлаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....138

3.3-§. Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб олишга розилик беришга мажбурлаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....145

4-БОБ. ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ТАҲЛИЛИ.....154

4.1-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб номусга тегиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....154

4.2-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....172

4.3-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....180

5-БОБ. ШАХСНИНГ АХЛОҚИ ҲАМДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ТАҲЛИЛИ.....189

5.1-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....189

5.2-§. Кибероилавий (маиший) зўравонлик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....205

5.3-§. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....218

5.4-§. Кибертиланчилик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....228

5.5-§. Киберпорнография жиноятининг юридик-техник таҳлили.....239

5.6-§. Киберзўравонлик маҳсулотини тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....250

5.7-§. Киберқўшмачилик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....260

5.8-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....270

5.9-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси жиноятининг юридик-техник таҳлили.....279

5.10-§. Кибертуҳмат жиноятининг юридик-техник таҳлили.....286

5.11-§. Киберҳақорат жиноятининг юридик-техник таҳлили.....295

5.12-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....303

5.13-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....312

5.14-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....322
5.15-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....334
5.16-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....331
5.17-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб виждон эркинлигини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....353
5.18-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....364
5.19-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....374
5.20-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....387
6-БОБ. ШАХСГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ.....405
6.1-§. Шахсга қарши кибержиноятлар учун жазо тизими.....405
6.2-§. Шахсга қарши кибержиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби...411
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....417

КИРИШ

Давлат ва жамоат арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор **Раҳмонқулов Миракбар Ҳожиакбарович** хотирасига бағишланади!

Жаҳон ҳамжамиятида ахборот-коммуникация технологияларининг шиддатли тараққиёти ва глобал рақамлашув жараёнлари бугунги кунда инсоният фаолиятининг беқиёс кўмакчисига айланди. Бироқ, ушбу инновацион имкониятлардан ғаразли ва жиноий мақсадларда фойдаланиш оқибатида ижтимоий хавфли қилмишларнинг янги авлоди юзага келиб, уларнинг сони ва кўлами кескин ортиб бормоқда. Бундай қилмишлар тизимида, айниқса, шахсга қарши қаратилган кибержиноятлар алоҳида хавфлилик касб этиб, алоҳида ажралиб туради. Ушбу тоифадаги кибертаҳдидлар нафақат фойдаланувчиларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига путур етказмоқда, балки уларнинг интеллектуал мулкига ҳам жиддий тажовуз қилмоқда. Ҳаттоки, фуқароларнинг рақамли идентификация маълумотларидан (шахсидан) қонунга хилоф равишда фойдаланиб, учинчи шахсларга нисбатан оғир оқибатли ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши мунтазам кузатилмоқда. Бунинг натижасида ахборот-коммуникация технологияларидан ноқонуний фойдаланиш омили инсониятнинг барқарор тараққиётига, шунингдек, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи реал ва глобал хавф сифатида намоён бўлмоқда.

Анъанавий жиноятчилик турларининг эволюцион тарзда кибермуҳит ва кибермуҳить, шу жумладан, кибермаконга кўчиб ўтиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига мутлақо янги, технологик ва юридик жиҳатдан ўта мураккаб вазифаларни қўймоқда. Кибермаконда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг географик чегара билмаслиги ва аксарият ҳолларда трансмиллий (трансчегаравий) хусусиятга эга эканлиги бундай жиноятларга қарши курашиш механизмларини янада мураккаблаштиради. Бундан ташқари, жиноятчиларнинг юқори даражадаги латентлиги (аноним қолиши) ва ўз рақамли изларини кибермуҳитда криптографик ёки бошқа усуллар билан яшириши уларни тезкорлик билан фош этиш жараёнида жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай мураккаб шароитда кибержиноятларга қарши курашишнинг мустаҳкам, изчил ва замонавий талабларга жавоб берадиган ҳуқуқий базасини яратиш ҳар бир ривожланаётган демократик давлатнинг энг устувор вазифасига айланган. Ўзбекистон Республикаси ҳам глобал ахборот маконининг ажралмас ва тенг ҳуқуқли қисми сифатида ўз миллий киберхавфсизлигини таъминлашга давлат сиёсати даражасида жиддий эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ва ахборот-коммуникация тизимларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида миллий қонунчиликка, хусусан, жиноят қонунчилигига тизимли равишда концептуал ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида кибержиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларнинг мунтазам такомиллаштирилиши ушбу йўналишдаги давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Кодексда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормалар бугунги куннинг шиддатли ва инновацион талабларидан келиб чиқиб, илмий-назарий ва амалий жиҳатдан чуқур комплекс таҳлил қилинишини тақозо этади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу ўқув-услубий қўлланма айнан мана шу долзарб эҳтиёжларни қаноатлантириш, соҳадаги мавжуд назарий бўшлиқларни тўлдириш ва амалий муаммоларни изчил очиб бериш мақсадида яратилди. Мазкур илмий-ўқув манбасининг асосий мақсади – талабалар, мустақил тадқиқотчилар, шунингдек, амалиётчи мутахассислар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган шахсга қарши кибержиноятларнинг юридик табиатини пухта тушунтиришдир. Қўлланмада ушбу жиноятларнинг догматик таҳлили, содир этишнинг ўзига хос усуллари (модус операнди), криминалистик рақамли изларни аниқлаш, тайинланиши ва ўтказилиши лозим бўлган суд-компьютер экспертизалари ҳамда кибержиноятларни фош этишнинг тергов тактикаси ва методикаси батафсил ёритилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида тўғридан-тўғри назарда тутилган ёки тутилмаган бўлишидан қатъи назар, ўз моҳиятига кўра кибержиноят саналадиган барча ижтимоий хавфли қилмишлар мазкур китобнинг асосий тадқиқот объекти сифатида олинган. Фойдаланувчи ушбу фундаментал асар орқали кибержиноятнинг амалдаги қайси норма бузилиши оқибатида вужудга келишини, жиноят таркибининг барча элементларини – объекти, объектив томони (содир этилиш тартиби ва усуллари), субъекти ва субъектив томонини, шунингдек, жиноятнинг тамом бўлиш босқичларини, тўғри квалификация қилиш қоидаларини, жиноят предмети ва қуролларини, қилмишни фош этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган рақамли далиллар ва экспертиза турлари ҳақидаги энг замонавий билимларни ўзлаштиради.

Ушбу қўлланманинг ўзига хос инновацион жиҳати шундаки, у замонавий кибералогия методологияси асосида тайёрланган бўлиб, матн тузилиши ва маълумотлар архитектураси нафақат инсон қабули ва мутолааси учун, балки сунъий интеллект технологиялари ва машина ўрганиш алгоритмлари томонидан ҳам эркин таҳлил қилиниши ҳамда тушунилиши учун қулай, мантиқий-тизимли шаклда ишлаб чиқилган. Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари бугунги кунда электрон ва рақамли далилларни тўплаш, қонуний процессуал қайд этиш, сақлаш ва уларни суд муҳокамасида тўғри баҳолашда кўплаб мураккаб процессуал коллапсларга дуч келмоқда. Шу боис, дарсликда соф жиноят-ҳуқуқий малакалаш (квалификация) масалалари билан бир қаторда, бундай тоифадаги жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг ўзига хос жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатларига ҳам чуқур урғу берилган. Ҳар бир кўриб чиқилган модда ва ҳуқуқий норма илмий-амалий жиҳатдан кенг шарҳланиб,

қилмишни тўғри малакалаш учун зарур бўлган қонуний мезонлар ва чегаралар аниқ, асосли ва тушунарли тарзда кўрсатиб берилган.

Бугунги даврнинг етук ва профессионал юристи нафақат соф ҳуқуқий нормаларни яхши билиши, балки ахборот-коммуникация технологияларининг базавий ишлаш принциплари ва дастурий-аппарат таъминотини ҳам муайян академик даражада тушуниши шарт эканлиги – мазкур дарсликнинг энг асосий концептуал ғояларидан биридир. Ушбу ўқув адабиёти айнан мана шу икки муҳим ва йирик соҳа – юриспруденция ва ахборот-коммуникация технологияларининг конвергенцияси (кесишиш нуқтаси) натижасида юзага келадиган жиноий-ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усулларини ўргатади. Қолаверса, миллий қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва қиёсий-ҳуқуқий (компаративистик) таҳлил ўтказиш ғоят муҳим илмий аҳамият касб этганлиги сабабли, китобда хорижий давлатларнинг кибержиноятчиликка қарши курашиш борасидаги муваффақиятли амалиёти таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, миллий тизим учун зарур таклиф ва амалий тавсияларга ҳам кенг ўрин ажратилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги реал суд ишлари, кейс-стадилар (case-study) ва тергов материаллари асосида келтирилган ҳаётий мисоллар ўқувчининг назарий билимларини визуаллаштириш ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади. Ишончимиз комилки, мазкур дарслик олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар учун муҳим базавий илмий манба бўлибгина қолмай, балки амалиётдаги суриштирувчилар, терговчилар, прокурорлар, судьялар, суд-электрон экспертлари, IT-мутахассислари ва адвокатларнинг (ҳимоячиларнинг) кундалик машаққатли фаолиятида мураккаб кибержиноятларни тўғри малакалашда яқин кўмакчи ва бебаҳо дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш орқали шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг ягона ва мукаммал тизимини яратиш – ушбу илмий асарнинг энг олий ва бош мақсадидир.

1-БОБ. ШАХСНИНГ ҲАЁТИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1. Кибержиноят бўлиши мумкинлиги тасдиқланган ушбу жиноят турлари – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан одам ўлдириш (киберқотиллик), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш (киберсуицид);

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – жиноят содир этгунига қадар қуйидаги ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс:

14 ёш – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан одам ўлдириш (киберқотиллик);

16 ёш – шахснинг ҳаётига қарши қолган кибержиноятлар.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – қуйидаги усуллар орқали Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳолат ва ҳаракатлар бўйича шахсга қарши кибержиноятларни содир этиш:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

8. Кибержиноят мақсади – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари. Шу жумладан, тизим, тармоқ, дастур, дастурий восита, дастурий аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий маҳсулот, дастурий таъминот, қурилма, аппарат, техник восита, алоқа, ахборот, сунъий интеллект, телекоммуникация воситаси, тиббий восита, ахборот, булутли, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникациялар, кибер, шу жумладан, киберхавфсизлик, био, веб-технологиялари, платформалар, маркетплейслар, мессенжер, веб-сайт, ахборот ресурси ва хк.

10. Кибержиноятнинг умумий зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
6) алоқа;

7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Қўшимча зарурий белгилари, Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳаракат бажарилган ёки оқибат вужудга келган вақтдан бошлаб Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури –

моддий таркибли кибержиноят – ушбу жиноятлар тугалланган деб ҳисобланиши учун қилмиш натижасида албатта муайян жисмоний ёки моддий оқибат (ўлим, тан жароҳати ва ҳк.) келиб чиқиши шарт ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан одам ўлдириш (киберқотиллик), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш кибержиноятлари кириши мумкин;

формал таркибли кибержиноят – бу тоифадаги жиноятларда оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, жиноий ҳаракатнинг ўзи содир этилиши билан (масалан, хабар юбориш, тарқатиш, мажбурлаш ёки қўрқитиш ва ҳк.) қилмиш тугалланган ҳисобланади ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдиришга ундаш (киберсуицид) кибержиноятлари кириши мумкин;

аралаш таркибли кибержиноят – ушбу қилмишлар ҳам ҳаракатнинг ўзи (формал), ҳам унинг натижасида келиб чиқадиган зарарли оқибатларни (моддий) ўз ичига олувчи комплекс жиноятлар бўлиб, бу турга кирувчи шахснинг ҳаётига қарши кибержиноятлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилмаган;

кесик таркибли кибержиноят – тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичидаёқ тугалланган деб топиладиган жиноятлар бўлиб, шахсга қарши кибержиноятларга кесик таркибли кибержиноятлар Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилмаган.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир кибержиноятларга бўлинади.

Бунда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик

оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Мисол учун:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш кибержиноятлари кириши мумкин;

Унча оғир бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш кибержиноятлари кириши мумкин;

Оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш кибержиноятлари кириши мумкин;

Ўта оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан одам ўлдириш кибержинояти кириши мумкин.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

14. Жазо тизимига кўра тури –

1) Жиноят кодексида қилмиш учун жарима жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – бу турга кирувчи шахснинг ҳаётига қарши кибержиноятлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилмаган;

2) Жиноят кодексида қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – бу турга кирувчи шахснинг ҳаётига қарши кибержиноятлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилмаган;

3) Жиноят кодексида қилмиш учун мажбурий жамоат ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – бу турга кирувчи шахснинг ҳаётига қарши кибержиноятлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилмаган;

4) Жиноят кодексида қилмиш учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – бу турга кирувчи шахснинг ҳаётига қарши кибержиноятлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилмаган;

5) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб,

қасддан одам ўлдириш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш (киберсуицид) кибержиноятлари;

6) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан одам ўлдириш (киберқотиллик), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш (киберсуицид) кибержиноятлари.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

Юқоридагиларга кўра, айтадиган бўлсак, шахсга қарши кибержиноятлар шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлиги, ахлоқи, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати, шунингдек, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноятлар саналади. Унга Жиноят кодексининг 97, 100-101, 103-103^1-моддаларида назарда тутилган, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация, интернет тармоқларида, ундан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки улар орқали содир этилган кибержиноятлар кириши мумкин.

1.1-§. Киберқотиллик жиноятининг юридик-техник таҳлили

97-модда. Қасддан одам ўлдириш –
ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни:
а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;
б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;
в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни;
г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини;
д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;
е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
ж) ўта шафқатсизлик билан;
з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда;
и) тамагирлик ниятида;
к) миллий ёки ирқий адоват замирида;
л) безорилик оқибатида;
м) диний таассублар замирида;
н) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;
о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида;
п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;
р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши –
ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади.

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга,

тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[1].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[2].

Сунъий интеллект иштирокчилари сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланишда Этика қоидалари талабларига қатъий риоя этишлари шарт. Этика қоидаларининг мақсади сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган сунъий интеллект тизимларидан хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Давлат сирлари ва бошқа қонунчилик билан қўриқланадиган сирларни ташкил этувчи маълумотлар билан ишлашда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирлари тўғрисида”ги, “Банк сири тўғрисида”ги, “Тижорат сири тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши шарт. Сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ва “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан амалга оширилиши шарт. Сунъий интеллект иштирокчилари сунъий интеллект технология ва тизимлари томонидан қабул қилинган қарорларни якуний қарор сифатида қабул қилмасликлари лозим. Сунъий интеллект иштирокчилари сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланишда қонунийлик, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳамда атроф-табиий муҳитни ҳимоя

---

[1] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қилишнинг устуворлиги, тушунарлилик, масъулият, жавобгарлик ва назорат, адолатлилик ва камситишга йўл қўймаслик, очиқлик ва шаффофлик, маълумотлар ҳимояси, ишончлилик ва хавфсизлик тамойилларига риоя қилишлари лозим.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[3].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

[3] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[4].

Ушбу норманинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

---

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан одам ўлдириш.

8. Кибержиноят мақсади – инсонни ҳаётидан маҳрум қилиш, уни ўлдириш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг ўлими ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – инсоннинг биологик ўлими вужудга келган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар ва ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жабрланувчининг тегишли таъна аъзоси уланган тиббий воситаларга ва жиҳозларга киберҳужум амалга ошириш;

2) жабрланувчини телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона қасддан ўлимини амалга ошириш;

3) сунъий интеллект ўрнатилган робот ёрдамида ёки маиший робот-ёрдамчиларни “қуролга” айлантириш (уйдаги хизмат қилувчи роботлар, манипуляторлар ёки ҳатто юқори тезликда ишлайдиган “ақлли” саноат қурилмаларининг дастурий таъминотини ўзгартириб, уларни инсонга

жисмоний шикаст етказишга (масалан, бўғиш ёки туртиб юбориш) дастурлаш);

4) жабрланувчи ёки бошқа шахсга тегишли бўлган ва жабрланувчи турган ақлли уй ва IoT (буюмлар интернети) тизимларини бошқариш ёки уларга зарар келтириш;

5) транспорт воситаларга ноқонуний уланиб олиб, унинг бошқарувини эгаллаш (Hacking vehicles) жабрланувчининг ўлимини ташкил қилиш, электрон транспорт хавфсизлик тизимларини (V2X) дезинформация қилиш (“Vehicle-to-Everything” (V2X) тизимига эга автомобилларга сохта сигналлар юбориш, жумладан, машинанинг бортига “олдинда йўл очиқ” деган сохта маълумотни юбориб, унинг юқори тезликда тўсиққа ёки жарликка урилишини таъминлаш ёки учувчисиз бошқариладиган самолётларни (авиация тизимларини) масофадан бузиш, яъни кичик хусусий самолётлар ёки вертолётларнинг борт компьютерига (Avionics) киберҳужум уюштириб, парвоз пайтида двигателни ўчириш, ёнилғи датчикларини нотўғри кўрсатиш ёки автопилот тизимини ерга урилиш траекториясига созлаш);

6) тиббиёт ва фармацевтика соҳасига оид тизимларга ноқонуний уланиб, жабрланувчининг дори-дармонларини, тиббий хулоса ва ташхисларини ўзгартириш, йўқ қилиш йўли билан бошқа шахс ёки воситадан ноқонуний фойдаланиш, дори юборилувчи автоматлаштирилган тизимларга кириб, дори таркибини ёки юборилиш вақтини критик даражада ўзгартириш, беморнинг ҳолатини (пульс, нафас олиш, қон босими) масофадан кузатиб турувчи тизимларга кириб, сохта кўрсаткичларни юбориш, беморнинг аҳволи оғирлашганда тизим “нормал” кўрсаткични кўрсатаверишини ва шифокорлар ёрдамга келмаслиги орқали бемор вафот этишини ташкил қилиш ёки нано-роботларни бошқариш (келажак технологияси), яъни тиббиётда инсон қон айланиш тизимига юбориладиган нано-роботларнинг бошқарувини қўлга олиб, уларни муҳим органларни (масалан, мия ёки юрак) шикастлашга йўналтириш);

7) муҳим ахборот инфратузилмаларига киберҳужум амалга ошириш йўли билан жабрланувчи (лар)нинг оммавий ёки олдиндан аниқ бўлган шахснинг ўлимини ташкил қилиш;

8) deepfake ва психологик манипуляция орқали бошқа шахс ёки воситадан ноқонуний фойдаланиш;

9) смарт-инфратузилма ёки “ақлли шаҳар”, “Хавфсиз шаҳар”, “Рақамли ҳукумат” ва бошқа тизимларга ноқонуний кириб, хавфсизликни бузиш ёки манипуляция қилиш (светафорни бошқарадиган тизимга кириб, йўл харакати хавфсизлигини бузиш, ёқилғи (газ, нефт, бензин), энергетика тизимига кириб, босимни кучайтириш, электр чақнашини вужудга келтириш, лифт, эскалаторни техник носоз ҳолатга олиб келиш ва хк.), ақлли шаҳар “видеотелефония” ва шошилинч хизматларни блоклаш (DoS-ҳужум) яъни жабрланувчи ҳаёти хавфли вазиятда қолганда (масалан, юрак хуружи ёки жароҳат), унинг ҳудудидаги барча алоқа воситаларини ва шошилинч хизматларга (103, 101) чиқиш имкониятини ахборот-коммуникация технологиялари орқали блоклаб қўйиш ва “ёрдам кўрсатмаслик” ҳолатини

рақамли қамал орқали амалга ошириш ёки рақамли “Иссиқлик қуроли” (Smart HVAC hacking), яъни жабрланувчи ёпиқ ва изоляция қилинган хонада (масалан, юқори технологик серверхона ёки махсус лаборатория) бўлган вақтда, кондиционер ва вентиляция тизимини бузиб кириб, ҳароратни критик даражада ошириш ёки кислород етказиб беришни тўхтатиш, турар-жойлардаги “ақлли” хавфсизлик газларига киберҳужумни амалга ошириш, яъни айрим юқори технологик биноларда ёнғинни ўчириш учун кислородни ҳайдаб чиқарувчи газ тизимларига кириб, ёнғин бўлмаса ҳам ушбу газни қўйиб юбориши ва одамларни бўғиб ўлдиришини ташкил қилиш);

10) биометрик ва хавфсизлик тизимларини блоклаш (ёнғин ёки газ сизиб чиқиши каби фавқулодда ҳолатларда бинонинг электрон қулфлари ва чиқиш йўлларини ахборот-коммуникация технологиялари орқали блоклаб қўйиш, натижада одамларнинг чиқиб кетишига йўл қўймаслик (қасддан хавфли ҳолатда қолдириш);

11) GPS ва навигация маълумотларини сохталаштириш (GPS Spoofing) (келаётган кема, самолёт ёки автомобиль навигация тизимига нотўғри координатларни юбориш орқали уларни жарликка, қояга ёки бошқа хавфли ҳудудга йўналтириш);

12) виртуал реаллик (VR) ва визуал ҳужумлар (эпилепция билан касалланган ёки руҳий заифлиги бор шахсларга ахборот-коммуникация технологиялари ва (ёки) воситалари (VR кўзойнаклари ёки экранлар) орқали тезкор ўчиб-ёнувчи нурлар ёки специфик частотадаги товушлар юбориш орқали ҳушни йўқотиш ёки юрак тўхташига олиб келиш);

13) саноат объектларини масофадан бошқариш (SCADA тизимларига киберҳужум қилиш, яъни завод ва фабрикалардаги босим, ҳарорат ёки кимёвий жараёнларни бошқарувчи компьютер тизимларига кириб, портлаш ёки заҳарли моддалар тарқалишини ташкил этиш);

14) овоз ва видеони реал вақтда манипуляция қилиш (AI Voice Spoofing), яъни жабрланувчининг яқин инсони овозини сунъий интеллект ёрдамида симуляция қилиш орқали уни хавфли ҳудудга (масалан, қурилаётган бино тепасига ёки миналанган майдонга) чақириш ва ўлимга сабаб бўлувчи вазиятни юзага келтириш);

15) ақлли кўзойнаклар ва AR (тўлдирилган борлиқ) тизимларига киберҳужумни амалга ошириш (жабрланувчи фойдаланаётган тўлдирилган борлиқ кўзойнакларига сохта визуал объектларни киритиш, масалан, баландликда юрган одамнинг кўзига йўлни текис қилиб кўрсатиш ёки зинапоя ўрнини нотўғри кўрсатиб, йиқилиб ўлишига сабаб бўлиш);

16) масофавий жарроҳлик роботларини бошқариш (жарроҳлик амалиёти масофадан (теле-медицина) амалга оширилаётган вақтда алоқа каналига киберҳужум уюштириш ва роботнинг ҳаракатларини ўлимга олиб келувчи кесишлар қилишга мажбурлаш);

17) рақамли психо-акустик киберҳужумлар (махсус алгоритмлар ёрдамида паст частотали (инфратовуш) ёки юқори частотали товушларни алоқа воситалари (смартфон, қулоқчинлар, “ақлли" колонкалар) орқали юбориш ва инсон организмида юрак ритмининг бузилишига, қаттиқ ваҳимага

ёки мияга қон қуйилишига сабаб бўлиш), смарт-фотон ва ёритиш тизимлари орқали киберҳужумни амалга ошириш, яъни замонавий “ақлли” бинолардаги ёритиш тизимларини маълум бир тезликда ва частотада милтиллашга мажбур қилиш ва шу йўли билан фотосенситив (нурга сезувчан) эпилепсияси бор шахсларда оғир хуруж ва нафас тўхташига олиб келиш);

18) крипто-активлар ва “Smart Contract” орқали ёллаш (Decentralized Hitman), яъни блокчейн технологиясидан фойдаланиб, қотиллик учун автоматик тўлов тизимини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари жиноятни ижро этиш қуроли эмас, балки жиноятни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг изсиз усули сифатида хизмат қилиш);

19) биоинформатик киберҳужумлар (замонавий биолабораториялар ва ДНК-синтезаторлар компьютер бошқарувида ишлашлиги сабабли лаборатория тизимига кириб, синтез қилинаётган дори ёки вакцина таркибини масофадан ўзгартириб, уни ҳалокатли заҳарга ёки вирусга айлантириш);

20) смарт-шаҳарнинг дренаж ва сув тўғонлари тизимига киберҳужумни амалга ошириш (сув омборлари ёки дренаж тизимларининг электрон клапанларини масофадан очиб юбориш орқали сунъий сув тошқини ҳосил қилиш ва маълум бир ҳудуддаги шахсларнинг ўлимига сабаб бўлиш) ёки бошқа йўллар орқали.

Юқоридаги рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Энг муҳими уларнинг барчасида мазкур қилмиш объектив томондан ҳуқуққа хилоф равишда шахснинг ҳаётига зомин бўлиш, ҳаётдан маҳрум қилиш йўли билан содир этилади. Кам аҳамиятли қилмишлар, зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш, буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади ва бунинг учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Мазкур қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилади ва қасд эгри ёки тўғри бўлиши мумкин. Бунда, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади. Суиқасд эса, ҳар доим тўғри қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари жиноят квалификацияси ўзгариб кетишига сабаб бўлиши мумкин, шу сабабли айбдорнинг мақсади жабрланувчини ўлдиришга қаратилган ёки қаратилмаганлигига, жиноятнинг тамомланишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мисол учун, айбдор томонидан қасддан жабрланувчига енгил, ўрта ва оғир тан жароҳати етказилиши ёки унинг ҳаётига суиқасд қилиниши мумкин. Қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда ушбу жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар: қасд тури, қотиллик сабаблари, мақсади, усули, жиноят содир этилган вазият ва жиноят босқичи, шунингдек, айбдорнинг

шахси, унинг ўз қилмишига муносабати, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши зарур. Айни пайтда жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, қотиллик содир этилмасдан олдинги хулқ-атвори ўрганилиши лозим. Айбланувчининг (судланувчининг) руҳий жиҳатдан соғломлигига шубҳа туғилган тақдирда, амбулатория ёки стационар шароитида суд-психиатрия экспертизаси ўтказилиши керак.

Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ҳолатлари ҳам киберқотиллик шаклида содир этилиши мумкин. Бунда, ушбу қисмда назарда тутилган бандлардаги ҳолатлар бўйича Жиноят кодекси Махсус қисмининг бошқа моддаларида назарда тутилган ҳолатлар билан ушбу жиноят қўшимча квалификация қилмайди, балки Жиноят кодекси 97-модданинг иккинчи қисмидаги тегишли бандининг ўзи билан қилмиш квалификация қилинади.

Жиноят кодекси 97-модданинг иккинчи қисмидаги тегишли бандда назарда тутилганидан ташқари ҳолатларда киберқотиллик жинояти содир этилса ва бу қилмиш тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий мудофаа чегарасидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилган бўлса, бундай жиноят ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг тегишли банд(лар)ида назарда тутилган квалификация белгилари бўйича содир этилган деб баҳоланмаслиги лозим.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққан ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан содир этилган одам ўлдириш жиноятини содир этган мансабдор шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарлик белгиланган моддалари ҳамда 206-моддасининг тегишли қисмида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахс томонидан жазони ижро этиш муассасаси ходимини, шунингдек, маҳбусни унинг ахлоқан тузалишига тўсқинлик қилиш ёхуд жамоат вазифасини бажарганлиги учун ўч олиш мақсадида ахборот-коммуникация технолгияларидан фойдаланиб қасддан ўлдириш жиноятини содир этган бўлса, унинг қилмиши ЖК 97-моддасининг тегишли қисмидан ташқари, Жиноят кодексининг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи 220-моддаси бўйича ҳам квалификация қилиниши лозим[5].

Қилмиш рашк, ўч олиш ва Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми тегишли бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бири орқали содир этилган бўлса, қилмиш қўшимча равишда квалификация қилинмайди, яъни 97-моддага қўшимча модда қўшилмайди. Агарда мазкур ҳолатлардан ўзга ҳолатларда, қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилган бўлса, қилмиш ЖК

[5] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

97-модданинг қўшимча моддаси билан ҳам қўшилган ҳолда квалификация қилиниши даркор. Шунингдек, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш ҳолати вужудга келган бўлса, ушбу қилмиш қўшимча равишда ЖКнинг 97-моддаси билан квалификация қилинмайди, балки тегишинча ЖКнинг 100 ва 101-моддалари билан квалификация қилинади.

Бу турдаги жиноятларни фош этишда анъанавий излар (бармоқ изи, ДНК) иккинчи ўринга ўтади. Асосий эътибор рақамли далилларга қаратилади ва қуйидагилар орқали ҳам рақамли излар фош этилади:



1) **Log-файллари**: Сервер ва қурилмалардаги кириш ва чиқиш вақтлари, IP-манзиллар.

2) **Тармоқ трафиги**: Маълумотлар пакетларининг ҳаракати ва масофавий бошқарув буйруқлари.

3) **RAM (Тезкор хотира) қолдиқлари**: Тезкор хотирада сақланиб қолган зарарли кодлар ёки очиқ сессиялар.

4) **Булутли маълумотлар**: Жиноятчи томонидан ишлатилган булутли бошқарув панеллари тарихи.

Рақамли излар орқали ушбу жиноят фош этилиши учун суд-компьютер техникавий экспертизаси ўтказилиб, қурилманинг дастурий таъминотига ташқаридан аралашиш бўлган-бўлмаганини аниқланиши, дастурий-инженерлик экспертизаси амалга оширилиб, зарарли код (malware) нинг функционал имкониятлари ўрганилиги, тиббий-техник экспертизалар ўтказилиб, тиббий қурилма (масалан, кардиостимулятор) ишидаги носозлик табиийми ёки ташқи рақамли таъсир натижасими эканлиги текширилиши шарт. Бунда, бошқа усуллар ва тергов ҳаракатлари биланам ушбу жиноятни фош этиш мумкинлигини унутмаслик керак.

Бундан ташқари, қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, жумладан:

Суд-биологик экспертизасида қон, тўқима излари текширилади;

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси – шахс аниқланади;

Суд-трасологик экспертизасида излар (оёқ, қўл, предмет излари) таҳлил қилинади;

Суд-фонография экспертизасида агар аудио далиллар бўлса, улар таҳлил қилинади;

Видеоматериалларнинг суд экспертизасида камера ёзувлари бўлса, улар таҳлил қилинади;

Суд-филологик (Лингвистик) экспертизасида киберқотиллик миллий ёки ирқий адоват замирида, безорилик оқибатида, диний таассублар замирида содир этилганлиги ҳолатига аниқлик кирилади;

Суд-психологик экспертизасида қилмишнинг ЖКнинг 103-103[1]-моддалари билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади.

1.2-§. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб содир этилган киберқотиллик жиноятининг юридик-техник таҳлили

100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш –
уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади.

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[6].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга

[6] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[7].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[8].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини

[7] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[8] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[9].

Ушбу норманинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

[9] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

7. Кибержиноят объектив томони – зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан одам ўлдириш.

8. Кибержиноят мақсади – инсонни ҳаётидан маҳрум қилиш, уни ўлдириш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
6) қилмишнинг зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб содир этилиши;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – инсоннинг биологик ўлими вужудга келган вақтдан бошлаб. Ушбу ўлимга эса, мудофаланувчининг рақамли буйруғи орқали вужудга келади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) автоматлаштирилган ва масофавий ҳимоя тизимларидан фойдаланиш. Мисол учун, “ақлли” периметр ҳимояси, яъни уй ёки объект ҳудудига рухсатсиз кирган шахсга нисбатан ахборот-коммуникация технологиялари орқали бошқариладиган юқори кучланишли электр токини юбориш ёки масофадан бошқариладиган қуролларни (дрон, автоматик милтиқлар) қўллаш орқали қуролланмаган жабрланувчини ўлдириб қўйиши ёки кибертузоқлар (Digital Booby Traps), яъни жиноятчининг компьютерига ёки тизимига жавоб қайтариш учун юборилган ва унинг

жисмоний қурилмасини (масалан, литий батареясини) портлатиб юборувчи махсус кодларни яратиш ва тарқатиш;

2) масофавий блокировка ва изоляция (рақамли қамал). Мисол учун, хавфли муҳитда блок қилиш, яъни ҳужумчидан қочиб, уни ахборот-коммуникация технологиялари орқали “ақлли хона”, лифт ёки лаборатория ичида блок қилиб қўйиш ва у ерда ҳаёт учун хавфли шароит (ҳавони сўриб олиш, иситишни максимал кўтариш) яратиш, ўзини ҳимоя қилиш учун фақат эшикни блок қилиш кифоя бўлган ҳолда, уни ўлдириш мудофаа чегарасидан чиқиш;

3) транспорт воситаларини масофадан бошқариш. Мисол учун, автопилотни ҳужумга йўналтириш, яъни ўзига нисбатан ҳужум уюштирган шахсни тўхтатиш учун ахборот-коммуникация технологиялари орқали автомобиль ёки дронни унинг устига юқори тезликда ҳайдаш орқали ҳужумчини зарарсизлантиришнинг бошқа (камроқ хавфли) йўллари мавжуд бўлмаган ҳолда, ўлдириш;

4) тиббий ва биометрик дезинформация. Мисол учун спорт ёки соғлиқни кузатиш гаджетларини бузиш, яъни агар ҳужумчи шахсга яқин бўлса ва унинг кардиостимулятори ёки бошқа тиббий аппаратига кириш имконига эга бўлса (ҳужумдан ҳимояланиш мақсадида), унинг ишини тўхтатиб қўйиш орқали ҳужумчини ўлдириш орқали содир этилиши мумкин.

Мазкур қилмишда мутаносиблик алоҳида аҳамиятга эга, яъни жабрланувчи ўша вазиятда содир этган ҳаракатини бошқа усул ёрдамида жабрланувчидан ҳимояланиш имконсизлиги текширилиши шарт.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, зарурий мудофаа ҳуқуқи шахсга тегишлидир. Зарар етказиш мақсадида қасддан ҳужум қилиш истагини қўзғатиш зарурий мудофаа деб топилмайди.

Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уни содир этган шахснинг жавобгарликка тортилганлиги ёки ақли норасолик туфайли, жиноий жавобгарлик ёшига тўлмаганлиги сабабли ва бошқа асосларга кўра жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар Жиноят кодексининг 37-моддаси доирасида ҳимояланишига асос берувчи ижтимоий хавфли тажовуз деб ҳисобланади. Зарурий мудофаа ҳолати фақатгина ижтимоий хавфли тажовуз юз берган пайтнинг ўзидагина эмас, балки тажовузнинг бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади. Агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтни аниқ англай олмаган бўлса, зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин. Ҳужум вақтида ишлатилган киберқурол ва бошқа ашё ҳамда воситаларнинг тажовузчидан ҳимояланувчининг қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди.

Тажовузнинг олди олинган ёки тугагандан сўнг ва ҳимоя воситаларини қўллаш зарурияти аниқ йўқолганда ҳимояланувчининг тажовуз қилувчига

зарар етказганликдаги ҳаракати зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолатларда жавобгарлик умумий асосларда юз беради. Судланувчининг бундай ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида юз берган воқеанинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, бу ҳаракатлар улар томонидан ижтимоий хавфли тажовуз сабабли кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган-этилмаганлигини аниқлаш зарур.

Агар шахс зиён етказиш (уришиш, азоб бериш, ўч олиш ва бошқалар) ниятида ҳужумнинг келиб чиқишига сабабчи бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинда қилинган деб топиш мумкин эмас. Бу ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда тавсифланиши лозим.

Тажовузнинг характери ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ бўлмаган мудофаани ва бунинг оқибатида тажовузчига ҳеч қандай заруриятсиз Жиноят кодексининг 100, 107-моддаларида назарда тутилган қасддан зарар етказилсагина зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Тажовузчига унинг ҳужумини қайтариш вақтида эҳтиётсизлик билан етказилган зарар жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан ташқари, тажовузчи томонидан ҳимояланувчига туғдирилган хавфнинг характери, ҳимоянинг кучи ва тажовузни қайтариш имкониятлари, шунингдек, ҳужум ва ҳимояланувчининг кучи нисбатларига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатларини (ҳужум қилувчи ва ҳимояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, қуроли, жой, вақт ва бошқалар) ҳисобга олишлари зарур. Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли ҳимоя чораларини кўришга ҳақли. Тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ҳимояланувчи ҳамма вақт ҳам юз берган хавфнинг характерини аниқ англаб олмаслиги ва ҳимоянинг тажовузга нисбатан мувофиқ усулини танлай олмаслигини судлар эътиборда тутишлари керак. Агар тажовуз қилувчига ҳимояланувчи томонидан етказилган зарар, тажовуз қилувчининг етказган зараридан кўп бўлса ва тажовуз оқибатида етказилган зарарни тўла қопласа ҳамда ҳимояланиш тажовузнинг характери ва хавфлилик даражасига нисбатан бутунлай номувофиқ бўлишига йўл қўйилмаган бўлса, бундай ҳолда ҳимояланувчининг ҳаракатларини зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказилганлик тажовузчининг ўлимига олиб келса, ҳимояланувчининг айби тажовузчининг ўлимига нисбатан эҳтиётсизлик оқибатида юз берган бўлса, Жиноят кодексининг 107-моддаси билан тавсифланиши керак.

Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб, содир этилган қасддан одам ўлдириш, қасддан оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш жиноятларини кучли ҳаяжонланиш ҳолатида юз берган одам ўлдириш, оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатлари етказиш кибержиноятларидан фарқ қилади. Кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида содир этилган кибержиноятларда жабрланувчига зарар етказиш ҳимояланиш мақсадида бўлмайди, зарурий мудофаа ҳолатида ҳам юз бермайди. Бундан ташқари жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган руҳий ҳаяжонланиш жиноятлари (Жиноят кодексининг 98, 106-моддалари) худди шундай ҳаяжонланиш таъсири остида вужудга келади, зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган жиноятлар учун эса бундай белги бўлиши шарт эмас. Агар ҳимояланувчи тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида зарурий мудофаа чегарасидан чиқса, айбланувчининг ҳаракати Жиноят кодексининг 100 ёки 107-моддалари билан тавсифланиши керак.

Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб одам ўлдириш Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг “а, б, д, ж, р, с” бандларида кўрсатилган ҳолатларда содир этилган ҳолларда ҳам Жиноят кодексининг 100-моддаси билан тавсифланиши лозим.

Зарурий мудофаа ҳолатини аниқ ижтимоий хавфли тажовуз юз бермасада, шахснинг янглишиб, шундай тажовуз қилиши мумкин деган тахминий ҳолатларидан фарқ қилади. Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланиши керак.

Агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва хаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни албатта билиши мумкин бўлгани ҳолда зарар етказса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан тавсифланиши лозим. Шунга кўра, суд ҳукмда иш юзасидан аниқланган ҳамма ҳолатларга асосланиб, ҳимоянинг ҳужум характери ва хавфлилик даражасига бутунлай номувофиқ эканлигини англатувчи хулоса бўлиши шарт.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдиришда, оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказишда айбли топилганларга нисбатан жазо чоралари белгилашда, Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси талабига кўра ҳар бир муайян иш юзасидан жиноятнинг содир этилиши ҳолатларини ва судланувчиларнинг шахсига оид маълумотларни эътиборга олиб, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиш керак. Агар озодликдан маҳрум этиш жазоси белгилаш лозим бўлса, бу ҳолат ҳукмда асослантирилиши лозим.

Зарурий мудофаа ҳолатида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмай етказилган зарар Фуқаролик кодексининг 987-моддасига кўра ундирилмайди.

Шахсга унинг ижтимоий хавфли тажовузини қайтариш пайтида етказилган зарарни қоплаш миқдори, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишга йўл қўйилган бўлса, иш ҳолатларидан ҳамда мудофаланувчи ва тажовуз қилувчининг айб даражасидан келиб чиққан ҳолда камайтирилиши ёки зарарни қоплаш талаби рад этилиши лозим.

Жиноят кодексининг 100, 107-моддалари билан судланган шахслардан, уларни даволашга сарфланган маблағларни ундириш қонунда кўрсатилмаган. Бундай шахсларни даволаш ҳаракатдаги қонунга мувофиқ амалга оширилади[10].

Қуйидаги рақамли изларни текшириш орқали ҳам ушбу жиноятни фош этиш мумкин, хусусан:

Reverse Connection (Тескари алоқа): Мудофаланувчининг компьютеридан ҳужумчининг тизимига йўналтирилган қайта зарба пакетлари.

Exploit Payload: Мудофаланувчи томонидан ишлатилган код. У ҳужумчини фақат тўхтатишга эмас, балки унинг ҳаётий муҳим тизимларини (масалан, тиббий аппаратини ёки ақлли уйини) ишдан чиқаришга қаратилганини кўрсатувчи излар.

Time-stamps (Вақт белгилари): Ҳужум ва унга берилган жавоб ўртасидаги вақт интервали (секундлар ичида бўлиши керак).

Ушбу жиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ўтказилади:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қурилмага масалан, кардиостимулятор, сунъий нафас бериш аппарати, ақлли уй тизими қилинган масофавий рухсатсиз кириш (киберҳужум) фактини, жиноят қуроли сифатида ишлатилган зарарли дастур (вирус, троян, эксплойт) тури ва унинг ишлаш алгоритмини, киберқотилнинг рақамли изларини (IP ва MAC манзиллар, логинлар, ҳужум қилинган вақт, серверлар ва булутли тизимлардаги маълумотларни, тизимдаги ҳимоя қатламлари қандай ошиб ўтилгани ва буйруқ масалан, ускунани ўчириш буйруғи айнан қайси қурилмадан берилганини;

2) суд-электротехника экспертизаси қурилма масалан, реанимация аппарати ёки автоматик иситиш тизими ўзининг техник носозлиги туфайли ишдан чиққанлигини ёки ташқаридан берилган дастурий буйруқ (киберҳужум) натижасида электр таъминоти узилганлигини, электр тизимларида қисқа туташув ёки ўлимга олиб келувчи ёнғин келтириб чиқариш мақсадида тизимга атайлаб ортиқча кучланиш берилган-берилмаганлигини;

3) суд-транспорт-трасология экспертизаси агар киберқотиллик замонавий ақлли автомобиль (смарт-кар) тизимини бузиб кириш, масалан, тормозни ишламайдиган қилиш, руль бошқарувини ўзгартириш орқали содир этилган бўлса, йўл-транспорт ҳодисаси ҳайдовчининг хатоси, йўл шароити ёки автомобилнинг механик бузилиши сабабли эмас, балки автомобилнинг борт

[10] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида” 1996 йил 20 декабрдаги 39-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

компьютерига (ECU) ташқаридан аралашув натижасида содир бўлганлигини, авария вақтида автомобилнинг тезлиги, тормоз тизими ва ҳаракат траекторияси қай ҳолатда бўлгани ва бунга электрон тизим қандай реакция қилганини;

3) дори воситалари суд экспертизаси агар киберқотил касалхонанинг электрон тизимига бузиб кириб, беморнинг электрон тиббий картасидаги маълумотларни масалан, дори дозасини ошириш ёки аллергияси бор дорини ёзиш орқали ҳақиқий дорига оид рецептни ўзгартириш орқали қотиллик қилган бўлса, жабрланувчининг организмига киритилган дори воситасининг кимёвий таркиби ва миқдорини, ушбу препаратнинг айнан шу дозаси ўлимга олиб келувчи (летал) хусусиятга эга эканлигини;

4) видеоматериаллар суд экспертизаси кузатув камералари ёки видеорегистраторлардаги ёзувлар киберқотил томонидан ўчирилганлигини, таҳрирланганлиги ёки deepfake (сохталаштирилган кадрлар) орқали алмаштирилганлигини, жабрланувчининг ўлим ҳолати тафсилотларини (агар видео сақланиб қолган бўлса) ва жиноятнинг ўта шафқатсизлик билан содир этилганлигини тасдиқловчи визуал далилларни, зарурий мудофаада асосий масала киберҳужумнинг реаллиги ва мудофаанинг ҳужумга мутаносиблиги видеокузатув камералари ёки смартфонларга муҳрланган тасвирлар ҳужум биринчи бўлиб ким томонидан бошланганини;

5) суд-филология экспертизаси қотил томонидан ёзилган зарарли код ичидаги изоҳлар, фишинг хатлари, ижтимоий тармоқлардаги таҳдидли хабарларнинг муаллифини ва унинг лингвистик портретини, матнда миллий, ирқий ёки диний адоват бор-йўқлигини;

6) суд-психология экспертизаси қотилнинг рақамли хулқ-атвори асосида унинг психологик портретини, мақсадини ва мотивини, қилмишнинг кучли руҳий ҳаёжонланиш ёки қўрқув ҳолатида содир этилганлигини;

7) суд-иқтисодий ва бухгалтерия экспертизаси агар киберқотиллик йирик корпорация раҳбарининг ҳаётини сақлаб қолиш учун крипто-тўлов талаб қилиш ёки ёлланма киберқотиллик учун ҳақ олиш мақсадида содир этилган бўлса, жиноятга алоқадор бўлган молиявий транзакцияларни, электрон пуллар ва криптовалюта ўтказмаларини, молиявий маблағларнинг ҳаракатланиш схемаси ва якуний олувчини (буюртмачи ёки ижрочини) аниқлашни;

8) суд-биологик экспертизасида кибержиноятчи компьютер клавиатураси, сичқончаси ёки тизим блокида қолдирган тер, сўлак ёки соч толаларини тадқиқ қилинади ва кибержиноят содир этилган вақтда компьютер ёнида айнан ким бўлганлигини;

9) одам ДНКси суд-биологик экспертизасида агар кибержиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса ва бир нечта шахс битта қурилмадан фойдаланган бўлса, ДНК таҳлили компьютер тугмалари орасидан олинган микро-изларни, рақамли маълумотларни (IP-адрес, логин) инкор этиш мумкин масалан, компьютеримни бузиб кириб ишлатишган деб, лекин воқеа жойидаги ДНК изини инкор этиш деярли имконсизлигини;

10) суд-трасологик экспертизасида қурилма, яъни ноутбук ёки сервер корпуси қандай асбоб билан очилганлиги аниқланадаи (ичига чип ёки жучок ўрнатиш мақсадида), монитор ва клавиатурадаги бармоқ изларини ўрганилади, банкоматларга ўрнатиладиган ноқонуний қурилмалар (скимерлар) қандай ўрнатилгани ва уларда қолган механик изларни;

11) суд-фонография экспертизасида воқеа жараёнида ёзиб олинган аудиоёзувлар (масалан, диктофон ёки телефондаги суҳбат) мавжуд бўлса, овозларни ва ҳужумчининг таҳдидли сўзларини, бақириқларини ва воқеанинг кетма-кетлигини аниқлайди.

1.3-§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, киберқотиллик жиноятининг юридик-техник таҳлили

101-модда.Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш –
уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади. Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[11].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги

[11] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

шарт[12].Ушбу норманинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан одам ўлдириш.

8. Кибержиноят мақсади – инсонни ҳаётидан маҳрум қилиш, уни ўлдириш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
6) қилмишнинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилиши;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – инсоннинг биологик ўлими вужудга келган вақтдан бошлаб. Ушбу ўлим ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, айдорнинг қасддан қилинган киберҳаракати орқали вужудга келади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

[12] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1) транспорт ва навигация тизимлари орқали ушлаш. Мисол учун, транспорт воситасининг бирон бир жисмга урилиши, пастликка тушиб кетиши ёки бошқа аниқ мақсадларни инобатга олиб, жиноятчи қочиб кетаётган транспорт воситасини тўхтатишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали транспорт воситасининг тормоз тизимини масофадан блоклаш, автопилот ёки электрон бошқарув тизимига кириб, машинани атайлаб девор ёки бошқа тўсиққа йўналтириш, GPS-спуфинг (алдаш), яъни навигация тизимига сохта маълумот юбориб, жиноятчи кетаётган воситани жарлик, дарё ёки хавфли ҳудудга бошлаш;

2) смарт-инфратузилма ва "ақлли бино" имкониятларидан фойдаланиш. Мисол учун, қочаётган шахсни бино ичида қўлга олиш вақтида лифт тизимини бошқариш орқали жиноятчи ичида бўлган лифтнинг арқонларини электрон блоклашдан чиқариш ёки лифтнинг кескин пастга тушиб кетишини таъминлаш, ҳаво айланиш тизимини (HVAC) блоклаш, яъни жиноятчи беркиниб олган герметик хонанинг вентиляция тизимини ахборот-коммуникация технологиялари орқали ўчириб, кислород етказиб беришни тўхтатиш, киберқамал ва ёнғинга қарши тизим, яъни хонада ёнғин бўлмаса-да, ахборот-коммуникация технологиялари орқали газли ёнғин ўчириш тизимини (кислородни сиқиб чиқарувчи) ишга тушириб, чиқиш эшикларини электрон қулфлаш;

3) биометрик ва тиббий қурилмаларга таъсир ўтказиш. Мисол учун, агар ушланаётган шахснинг соғлиғига оид маълумотлар ёки қурилмалари ахборот-коммуникация технологияларига уланган бўлса, имплантларни манипуляция қилиш, яъни жиноятчининг кардиостимулятори ёки инсулин помпаси бошқарувини қўлга олиб, уни тўхтатиш ёки ҳалокатли дозани юбориш орқали уни ҳаракатдан тўхтатишга уриниш, электрон "кишанлар" ёки гаджетлар орқали шахсни кузатиш учун ўрнатилган электрон воситаларга юқори кучланишли разряд юбориш;

4) автоном ва масофавий қурол тизимлари. Мисол учун, жанговар дронлар ёрдамида қочаётган шахсни шунчаки кузатиш ёки тўхтатиш ўрнига, дрон ёрдамида унинг ҳаётий муҳим аъзоларига қасддан шикаст етказиш, сунъий интеллект билан бошқариладиган қўриқлаш роботларини жиноятчини зарарсизлантириш эмас, балки йўқ қилиш режимига ўтказиш;

5) алоқа ва руҳий (психологик) таъсир (кибермanипуляция). Мисол учун, шошилинч ёрдамни блоклаш, яъни жиноятчи жароҳатланган ёки хавфли вазиятда қолган вақтда (масалан, ушлаш жараёнида), унинг ёрдам чақириш имкониятларини (смартфонини, тармоғини) ахборот-коммуникация технологиялари орқали атайлаб тўсиб қўйиш ва унинг ўлимига йўл қўйиш орқали содир этилиши мумкин.

Мазкур қилмишда мутаносиблик алоҳида аҳамиятга эга, яъни жабрланувчи ўша вазиятда содир этган ҳаракатини бошқа усул ёрдамида

жабрланувчидан ҳимояланиш имконсизлиги текширилиши шарт. Суд ва тергов органлари жиноятчини қўлга олиш ва қонун устуворлигини таъминлаш вақтида ахборот-коммуникация технологиялари а воситаларини қўллаш (код, киберҳужум, масофавий бошқарув)да қўлга олиш учун ўта зарур бўлмаган, аммо шахснинг ўлимига сабаб бўладиган усулларни танланган ёки танланмаганлигини текшириш ва шахснинг ўлимини вужудга келиш сабаб, мақсад ва мотивларини аниқлашлари зарур. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади. Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ушбу жиноят фош этилиши учун, қуйидаги рақамли излар таҳлил қилиниши ҳам фойда бериши мумкин:

Geofencing ва GPS маълумотлари. Бунда, жиноятчининг ҳаракатланиш траекторияси ва уни тўхтатиш учун масофавий аралашув нуқтаси аниқланади;

System Overload Logs. Бунда, агар жиноятчи бошқараётган транспорт ёки қурилма тизимига юклама (DDoS ёки бошқа) берилган бўлса, бу юкламанинг даражаси аниқланади;

Comms Logs. Бунда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ёки IT-мутахассислар ўртасидаги “уни тўхтатинг!” деган буйруқ ва унинг ижро этилиш усули аниқланади.

Жиноят фош қилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилади, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси қўлланилган рақамли қурол масалан, автопилотни масофавий блоклаш дастури фақат тўхтатиш учун мўлжалланганлигини ёки у тизимни бутунлай ишдан чиқариб, ҳалокатга сабаб бўлиши олдиндан маълуммиди, деган масаланинг жавобини, агар ушлаш жараёни махсус рақамли технологиялар (масалан, шахсни юзидан танувчи тизимлар ёки ГПС маълумотлари) асосида ташкил этилган бўлса, ушлаётган шахснинг (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг) планшети ёки компьютеридаги маълумотларни текшириш орқали унга берилган буйруқлар ва қидирилаётган шахснинг хавфлилик даражаси ҳақидаги маълумотлар қандай бўлгани, айбланувчи томонидан ишлатилган дастурий воситалар фақатгина жиноятчини тўхтатиш масалан, компьютерни блоклаш учун мўлжалланганмиди ёки бевосита ҳаёт учун хавфли функцияга эгамиди? қурилмага масофавий таъсир ўтказишда чегарадан чиқиш вақти масалан, шахс аллақачон зарарсизлантирилгандан кейин ҳам ҳужум давом эттирилганми? деган саволларнинг жавоби, жиноятчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун техник имконият мавжуд бўлганми ёки йўқлиги аниқланади;

2) суд-автотехникавий ва трасологик экспертизаси агар жиноятчи ақлли машинада қочаётган бўлса, унинг тормоз тизими киберҳужум натижасида қандай ҳолатга келганини, кибержиноятчи қочиб кетаётган ақлли автомобилни тўхтатиш учун автомобилнинг электрон тизимига аралашилган бўлса, автомобилни тўхтатиш учун электрон тормоз тизимига берилган буйруқ техник жиҳатдан автомобилнинг ағдарилиб кетишига ёки бошқарувни бутунлай йўқолишига олиб келишини, хавфсизроқ тўхтатиш усуллари мавжуд бўлганлигини, воқеа жойидаги механик излар орқали оёқ излари, шина излари ёки куч ишлатиш натижасида қолган механик шикастларни, видеодаги ҳаракатлар ердаги изларга мос келишини, агар видеода шахс қочгани кўринсаю, лекин трасологик излар бошқача бўлса, бу зиддиятнинг жавобини;

3) видеоматериалларнинг суд экспертизасида ушланаётган шахс ҳақиқатда қаршилик кўрсатганлигини ёки қочишга уринганлигини, ушлаётган шахс қурол ишлатишдан олдин бошқа чораларни кўрганлигини, “Хавфсиз шаҳар” камералари ёки воқеа гувоҳларининг телефонларидаги видеоларни таҳлил қилиш орқали ушлаш чораларининг мутаносиблигини;

4) суд-фонография экспертизасида ушлаш жараёнида бўлган рация сўзлашувлари ёки телефон мулоқотлари мавжуд бўлса, “Тўхта!”, “Қуролни ташла!” каби огоҳлантиришлар берилган-берилмаганлигини, овоз тони орқали воқеанинг драматик даражаси ва ушлаётган шахснинг руҳий ҳолатини;

5) суд-психологик экспертизаси ушлаётган шахснинг руҳий ҳолатини (қўрқув, ҳаяжон, ваҳима), айбланувчи шахсни ушлаш вақтида кучли ҳаяжон (аффект) ёки қўрқув ҳолатида бўлганини, у вазиятга тўғри баҳо бера олганми ёки хавфни бўрттириб юборганини, қотил чегарани онгли равишда бузганлигини ёки вазиятни нотўғри баҳолаганлигини, агар жиноятчи киберҳужум орқали сохта хавф сигналини юборган бўлса, масалан, ушланаётган шахс қуролланган деган сохта маълумотни, шахснинг профессионал тайёргарлиги унинг киберҳужум натижасини олдиндан кўра олишига имкон берганини;

6) суд-биологик ва одам ДНКси экспертизаларида трасологик изларни (масалан, оёқ изи ёки кураш жойи) аниқ бир шахсга боғлаб, кибержиноятчи клавиатурада ёки серверда из қолдирмаган бўлса ҳам у ерда қолган микро-тола ёки биологик материал унинг ўша ерда бўлганини;

7) суд-филологик экспертизаси ушлаш жараёнидаги мулоқотлар (чатлар, овозли хабарлар)ни, айбланувчининг (ушлаётган шахснинг) мақсади шахсни тириклайин қўлга олиш бўлганми ёки унда олдиндан қасддан ўлдириш нияти бўлганлигини (сўз қўлланилиши ва хабарлар мазмуни орқали), жиноятчига берилган тўхташ ҳақидаги огоҳлантиришларнинг мазмуни ва характерини;

8) суд-электротехника экспертизаси агар ушлаш мақсадида бирор бир техник ускунага электр кучланиши орқали таъсир ўтказилган бўлса, берилган электр импульси ёки техник таъсирнинг қуввати (инсон ҳаёти учун хавфлилик даражаси)ни, бу таъсир фақат ускунани ишдан чиқариши кераклигини ёки инсонни ток уришига сабаб бўлиши олдиндан маълум эканлигини аниқлайди.

1.4-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

103-модда. Шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш, –
уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар:
а) моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан;
б) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
г) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –
етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади.

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[13].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан ўз жонига қасд қилишга даъват этиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[14].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[15].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш тақиқланади[16]. Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки

---

[13] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[14] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[15] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[16] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[17].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва

[17] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[18].

Ушбу норманинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш.

8. Кибержиноят мақсади – инсонни ҳаётидан маҳрум қилиш, уни ўлдириш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;

[18] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6) қилмишнинг шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида содир этилиши;

7) алоқа;

8) ахборот;

9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказилган вақтдан бошлаб. Ушбу даража шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини **муттасил равишда камситиш натижасида** амалга оширилган бўлса, вужудга келади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) кибербуллинг (Cyberbullying) ва кибертаъқиб: ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар (Telegram, WhatsApp ва б.) ёки форумларда жабрланувчини муттасил равишда таъқиб қилиш, унга нисбатан нафрат уйғотиш ва ижтимоий яккалаб қўйиш;

2) дистанцион (масофавий) қўрқитиш: интернет тармоғи орқали жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки яқинларига нисбатан зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, доимий равишда таҳдидли хабарлар юбориш;

3) кибершантаж ва сексторшн (Sextortion): жабрланувчининг шахсий ҳаётига оид сирларни, шарманда қилувчи, шу жумладан, интим характердаги маълумотларни ёки шахсий фото ёки (ва) видеоларини, шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш ёки тарқатиб юбориш орқали унинг шаънини муттасил камситиш;

4) дистант раҳмсиз муомала: жабрланувчини интернет тармоғи орқали руҳий босим остида ушлаб туриш, унга овқат емаслик, ухламаслик ёки ўзига жисмоний шикаст етказиш каби шафқатсиз кўрсатмалар бериш;

5) фейк (сохта) маълумотлар тарқатиш: жабрланувчи номидан сохта профиллар очиш ва у ерда унинг шаъни ва қадр-қимматини топтовчи, жамиятда уни қабиҳ кўрсатувчи ёлғон маълумотларни муттасил эълон қилиш;

6) “ўлим гуруҳлари” ва хавфли ўйинлар (Deadly Challenges): тармоқлар орқали турли босқичли вазифалар (масалан, “Кўк кит” каби) бериш йўли билан жабрланувчининг руҳиятини синдириш ва якуний босқичда уни ўзини ўзи ўлдиришга ундаш;

7) оммавий камситиш (Public Shaming): турли гуруҳ ва каналларда жабрланувчининг камчиликлари, касалликлари ёки ўтмишини муҳокама қилиш орқали унинг устидан оммавий кулиш (троллинг) ташкил этиш;

8) диффамация (туҳмат ва ҳақорат қилиш): интернет тармоғида шахсни муттасил равишда ҳақорат қилиш, уни “нокас”, “хоин” ёки бошқа камситувчи сўзлар билан тизимли равишда аташ натижасида унинг иродасини фалаж қилиш орқали содир этилиши мумкин ва ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Жиноят кодексининг 103-моддасининг иккинчи қисми “г”-бандига назарда тутилган телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини Жиноят кодексининг 97-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш зарур эмас. Ушбу жиноятларда ахборот-коммуникация технологиялари фақатгина жиноят содир этиш қуроли бўлиб хизмат қилади, юқоридаги ҳаракатлар бир марталик эмас, балки маълум вақт давомида такрорланиб келган бўлиши шарт. Шунингдек, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши ёки бунга суиқасд қилиши айнан Интернетдаги ушбу тазйиқлар натижасида келиб чиққан бўлиши керак ва бу ҳолат тергов давомида исботланган бўлиши шарт. Айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлсагина, қилмишни ЖКнинг 103-моддасининг иккинчи қисми “г”-банди билан квалификация қилиш мумкин. Акс ҳолда, қилмиш ҳолатга қараб, Жиноят кодексининг 97- ва бошқа моддалар билан квалификация қилинади.

Кибербуллинг жиноятларининг бугунги кунда 44 та турини олимлар аниқлашган. Бироқ, уларнинг қайси бири амалга оширилишидан қатъий назар, қилмиш жабрланувчини қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказилган бўлсагина қилмиш ЖКнинг 103-моддасининг иккинчи қисми “г”-банди билан квалификация қилиш мумкин. Ушбу жиноят амалга оширилишида айбдор жабрланувчини қўрқитиши, унга раҳмсиз муомала қилиши ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиши натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш ҳолати ўртасида сабабий боғланиш бўлиши зарур ҳамда ушбу жиноят мазкур ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилган вақтда тамомланган саналади. Айбдор жабрланувчини бир марта қўрқитган, унга раҳмсиз муомала қилган ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиши натижасида жабрланувчи ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказилган бўлса, бу ҳолатни ЖКнинг 103-моддасининг иккинчи қисми “г”-банди билан квалификация қилиш

мумкин эмас. Мисол учун, эркак ўзининг қонуний турмуш ўртоғи билан эмас, бегона аёл билан саёҳатга чиқиб, уни намойишкорона телекоммуникация тармоғига жойлаштирса, ўзининг ижтимоий тармоқлардаги профили орқали тарқатса, бу қилмишни гарчи у ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилаётган бўлса-да, уни ЖКнинг 103-моддасининг иккинчи қисми “г”-банди билан квалификация қилиш мумкин эмас. Сабаби ушбу модданинг диспозициясида харакатлар муттасил давом эттиши назарда тутилган. Қилмиш моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга ёки вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 103-моддасининг иккинчи қисмининг тегишли бандлари билан ҳам квалификация қилинади.

Мазкур жиноят фош этилиши учун қуйидаги рақамли изларни йиғиш ва таҳлил қилиш ҳам мумкин:

Мессенжер ва ижтимоий тармоқлар (Telegram, Instagram, TikTok ва хк.) даги шахсий ёзишмалар, таъқиб қилиш (stalking) ва ҳақоратли шарҳлар;

Deepfake ва инстилляция, яъни сохта (манипуляция қилинган) фото ёки (ва) видео материаллар орқали шантаж қилиш излари;

кибертаъқиб тарихи кўтарилиб, айбдор томонидан жабрланувчининг профилларига мунтазам кириш ёки турли сохта (фэйк) аккаунтлардан юборилган хабарлар блоки;

махсус дастурлар ёрдамида тикланган “history” ва кэш файллардаги ўчирилган маълумотлар.

Мазкур жиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жабрланувчига юборилган таҳдидли хабарлар, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар ва электрон почталар тикланиб, кибержиноятчи хабарларни ўчириб юборган бўлса ҳам, уларни қурилма хотирасидан ёки серверлардан қайта тиклаш, хабарлар айнан қайси қурилмадан (IP-адрес орқали) юборилганини, жиноят телекоммуникация тармоқлари ва Интернет орқали содир этилганлигини, гумонланувчининг қурилмалари (компьютер, телефон, планшет ва бошқалар) ва жабрланувчининг қурилмаларидан ўчирилган ёки яширилган хабарлар, постлар, чатлар, аудио-видео файлларни, IP-манзиллар, аккаунтлар, логинлар, пароллар, вақт ва жойни, хабарларнинг асл нусхалиги (ўзгартирилмаганлиги), уларнинг юборилганлигини ва қабул қилинганлигини, рақамли изларнинг бутунлигини ва аутентиклигини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси телекоммуникация тармоқлари ва Интернетда тарқатилган матнлар (хабарлар, постлар, шарҳлар) ёки хабарлар мазмунида ҳақиқатда “қўрқитиш”, “раҳмсиз муомала” ёки “шаън ва қадр-қимматни камситиш” аломатлари борлигини, матндаги яширин маъноларини, психологик босим ўтказиш усулларини ва шахсни камситувчи ибораларда қўрқитиш, раҳмсиз муомала қилиш, шаън ва қадр-қимматни муттасил камситиш белгилари мавжудлигини, матнларнинг маъно-мазмуни,

уларнинг жабрланувчига таъсирини, матн ва хабарда ҳақиқатан ҳам инсонни руҳий тушкунликка солувчи, камситувчи ёки қўрқитувчи элементлар, ҳаракатларнинг муттасиллиги (тизимли эканлигини) мавжудлигини;

3) суд-психологик экспертизаси жабрланувчининг руҳий ҳолати ва унинг ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки суиқасд даражасига етказилганлигини, айбдорнинг ҳаракатлари (қўрқитиш, раҳмсиз муомала, шаън ва қадр-қимматни камситиш) билан жабрланувчининг руҳий жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини, вояга етмаган, ҳомиладор аёл ёки моддий ва бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан ҳаракатларнинг оғирлигини, ҳаракатларнинг жабрланувчининг руҳий ҳолатига таъсирининг даражаси ва муттасиллигини, гумонланувчининг “мен бу хабарларни ҳазил сифатида ёзганман” ёки “унинг ўзини ўлдириш нияти борлигини билмаганман” деган важларида айбдорнинг ҳақиқий нияти ва у воқеа оқибатларини олдиндан англаган-англамагани;

4) суд-фоноскопик ва видео-техникавий экспертиза ўтказилиб, шантаж учун ишлатилган аудио ва видео материалларнинг ҳақиқийлигини ёки монтаж эканлигини текширилади, суд-психиатрик ва психологик экспертизаси орқали жабрланувчининг ўлимидан олдинги руҳий ҳолатини ва виртуал босимнинг таъсир даражасини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси агар жабрланувчига таҳдид солувчи видеолар юборилган бўлса ёки ижтимоий тармоқларда уни шарманда қилувчи (интим ёки сохталаштирилган) видеолар тарқатилган бўлса, видеонинг ҳақиқийлигини ёки унга рақамли ишлов берилганлиги (deepfake)ни;

6) суд-биологик ва ДНК экспертизаси агар жабрланувчи ўзини ўлдиришдан олдин жисмоний зўравонликка ҳам учраган ёки учрамаганлигини, масалан, уйида қолган биологик изларни;

7) суд-трасологик экспертизаси жабрланувчининг телефони ёки компьютерини жиноятчи томонидан куч билан тортиб олинганлигини ёки синдирилганлиги ҳолатларини (механик шикастлар орқали) аниқлаш учун ўтказилади.

1.5-§. Киберсуицид жиноятининг юридик-техник таҳлили

103[1]-модда. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, –
икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар:
а) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
в) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –
беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади.

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[19].

[19] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан ўз жонига қасд қилишга даъват этиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[20].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[21].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш тақиқланади[22].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий

---

[20] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[21] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[22] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[23].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва

[23] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[24].

Ушбу норманинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш.

8. Кибержиноят мақсади – инсонни ҳаётидан маҳрум қилиш, уни ўлдириш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;

[24] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
6) қилмишнинг кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш йўли билан шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши орқали содир этилиши;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган вақтдан бошлаб. Ушбу даража кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш орқали содир этилган бўлса, вужудга келади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) **Кўндириш** (Ишонтириш) шахснинг онгига таъсир ўтказиб, ҳаётдан воз кечиш энг тўғри йўл эканлигига ишонтиришдир. Бунда ҳаётнинг мазмунсизлиги, ўлимдан кейинги “фароғат” ёки муаммолардан қутулишнинг ягона чораси ўлим эканлиги ҳақидаги аргументлар ишлатилади.

2) **Алдаш** шахсни адаштириш орқали ўлимга йўналтиришдир. Масалан, “бу дори сени даволайди” деб заҳар бериш ёки ҳақиқатда мавжуд бўлмаган қўрқинчли оқибатлар билан қўрқитиб (мисол учун, “барибир сени ўлдиришади, яхшиси ўзингни тугат”), ягона чиқиш йўли ўлим деган янглиш тасаввур уйғотиш орқали бу амалга оширилиши мумкин.

3) **Қизиқтириш** ўзини ўзи ўлдиришни бирор бир манфаат ёки “қаҳрамонлик” сифатида тақдим этишдир.

4) **Тарғиб қилиш** (культ яратиш), яъни интернетдаги турли “ўлим гуруҳлари” орқали ўлимни романтикалаштириш, эстетик жиҳатдан чиройли кўрсатиш ва буни тренд даражасига чиқаришдир.

5) **Кўрсатма ва йўриқномалар бериш** ўзини ўзи ўлдиришнинг энг “самарали” ва “оғриқсиз” усуллари ҳақида маълумотлар бериш, керакли воситаларни топишда кўмаклашиш ёки жойни танлаб бериш ҳисобланади.

6) **Кибербуллинг ёки психологик босим ўтказиш** Интернет тармоғида шахсни тинимсиз масхара қилиш, обрўсизлантириш ва камситиш орқали уни руҳий тушкунликка (депрессияга) тушириб, ўлим ҳақида ўйлашга мажбур қилишдир.

7) **Виртуал ўйинлар ва “Вазифалар”** маълум бир босқичли ўйинлар (масалан, “Кўк кит” ва шу кабилар) орқали шахсга вазифалар бериш ва охирги босқичда ўзини ўзи ўлдиришни буюриш саналади.

Мазкур жиноят фош этилиши учун қуйидаги рақамли излар олиниши ва таҳлил қилиниши мумкин:

1) **даркнет ва ёпиқ чатлар**. Discord, Telegram ёки махсус форумлардаги ўйин алгоритмлари (масалан, кунлик вазифалар бериш);

2) **алгоритмик излар**. Жиноятчи томонидан юборилган ва маълум вақтдан кейин ўзини ўзи ўчириб юборадиган хабарларнинг кэш қолдиқлари;

3) **мультимедиа файллар**. Жабрланувчига юборилган ва унинг иродасини синдиришга қаратилган депрессив мусиқалар, видеолар ёки қўрқинчли тасвирлар.

Мазкур жиноят қуйидаги экспертизалар орқали ҳам фош этилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жиноятнинг телекоммуникация тармоқлари ва Интернет орқали содир этилганлигини; гумонланувчи ва жабрланувчининг қурилмаларидан (компьютер, телефон, планшет) ўчирилган ёки яширилган хабарлар, постлар, чатлар ҳамда аудио-видео файлларни, алоқа ўрнатилган IP-манзиллар, аккаунтлар, логинлар, пароллар, хабар алмашилган вақт ва жойни; рақамли изларнинг бутунлигини ва аутентиклигини, хабарларнинг ўзгартирилмаганлиги ҳамда уларнинг айнан қайси воситалар орқали юборилганлиги ва қабул қилинганлигини айбдор жабрланувчига ўзини ўзи ўлдириш усуллари ҳақида маълумот юборганлигини ва бу мулоқот масофадан туриб бошқарилганини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси жиноятчининг сўзларида “кўндириш” ёки “алдаш” элементлари борлиги аниқланади, матндаги манипуляция (руҳий бошқариш) усуллари топилиб, шунчаки суҳбат билан “ўзини ўзи ўлдиришга ундаш” ўртасидаги чегарага аниқлик киритилади, эксперт матнда шахсни ўлимга рози қилишга қаратилган лингвистик конструкцияларни, телекоммуникация тармоқлари ва Интернетда тарқатилган матнлар (хабарлар, постлар, шарҳлар)нинг лингвистик таҳлили асосида уларда шахсни ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш белгиларининг мавжудлигини, матнларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг жабрланувчига таъсир қилишга қаратилганлигини; таклиф, алдаш ёки қўрқитиш каби лингвистик воситаларнинг ишлатилганлигини ҳамда ҳаракатларнинг муттасиллиги ва жиноий қасднинг мавжудлигини;

3) суд-психологик экспертизасида жабрланувчининг руҳий ҳолати ва унинг ўзини ўзи ўлдиришга ёки суиқасд қилишга ундалганлигини, айбдорнинг ҳаракатлари (ундаш, кўндириш, алдаш) билан жабрланувчининг руҳий жароҳати ҳамда ўзини ўзи ўлдириш ҳаракати ўртасидаги бевосита сабабий боғланиш мавжудлигини, вояга етмаган ёки ҳомиладор аёлларга нисбатан содир этилган ҳаракатларнинг оғирлигини, жабрланувчининг нега "алдов"га учганлиги ва "кўнгани" сабабларини, жабрланувчининг иродаси қандай қилиб синдирилганини ва унда ўзини ўлдириш ҳисси қай тарзда шакллантирилганини, жабрланувчининг ёши ва руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, айбдорнинг психологик таъсири қанчалик кучли бўлганини;

4) видеоматериалларнинг суд экспертизасида агар ундаш жараёни видеострималар, онлайн трансляциялар ёки махсус тайёрланган тарғибот видеороликлари орқали амалга оширилган бўлса, видеодаги шахснинг овози ва тасвирини айбдорга тегишли эканлигини;

5) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси агар ўзини ўзи ўлдиришга ундаш бирор-бир экстремистик ёки диний оқимларнинг ғоялари ниқоби остида амалга оширилганлиги масалан, "шаҳидлик" ниқобидаги алдовлар мавжуллигини;

6) суд-биологик ва ДНК экспертизаси агар ўзини ўзи ўлдиришга ундаган шахс жабрланувчи билан аввал яширинча учрашган ва унга бирор-бир модда берган бўлса, воқеа жойидан олинган биологик излар уларнинг реал ҳаётдаги алоқасини;

7) суд-трасологик экспертизаси жабрланувчининг телефони ёки компьютерини ишлатиш жараёнида қолган механик излар ўрганилади, масалан, бировнинг мажбурлови остида бу қурилма ишлатилиши оқибатида жабрланувчи ўзини ўзи ўлдирганлигини аниқлайди.

2-БОБ. ШАХСНИНГ СОҒЛИҒИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1. Кибержиноят бўлиши мумкинлиги тасдиқланган ушбу жиноят турлари – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга енгил, ўртача оғир, оғир шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш, қийнаш (киберқийноқ);

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – жиноят содир этгунига қадар қуйидаги ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс:

14 ёш – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга ўртача оғир, оғир шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш;

16 ёш – қолган шахснинг соғлиғига қаршки кибержиноятлар.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – қуйидаги усуллар орқали Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳолат ва ҳаракатлар бўйича шахсга қарши кибержиноятларни содир этиш:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

8. Кибержиноят мақсади – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари. Шу жумладан, тизим, тармоқ, дастур, дастурий восита, дастурий аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий маҳсулот, дастурий таъминот, қурилма, аппарат, техник восита, алоқа, ахборот, сунъий интеллект, телекоммуникация воситаси, тиббий восита, ахборот, булутли, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникациялар, кибер, шу жумладан, киберхавфсизлик, био, веб-технологиялари, платформалар, маркетплейслар, мессенжер, веб-сайт, ахборот ресурси ва хк.

10. Кибержиноятнинг умумий зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;

5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Қўшимча зарурий белгилари, Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳаракат бажарилган ёки оқибат вужудга келган вақтдан бошлаб Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури –

моддий таркибли кибержиноят – ушбу жиноятлар тугалланган деб ҳисобланиши учун қилмиш натижасида албатта муайян жисмоний ёки моддий оқибат (ўлим, тан жароҳати ва хк.) келиб чиқиши шарт ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятлари кириши мумкин;

формал таркибли кибержиноят – бу тоифадаги жиноятларда оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, жиноий ҳаракатнинг ўзи содир этилиши билан (масалан, хабар юбориш, тарқатиш, мажбурлаш ёки қўрқитиш ва хк.) қилмиш тугалланган ҳисобланади ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қийнаш (киберқийноқ) жиноятлари кириши мумкин;

аралаш таркибли кибержиноят – ушбу қилмишлар ҳам ҳаракатнинг ўзи (формал), ҳам унинг натижасида келиб чиқадиган зарарли оқибатларни (моддий) ўз ичига олувчи комплекс жиноятлар бўлиб, унга кирувчи соф кибержиноятлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилмаган;

кесик таркибли кибержиноят – тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичидаёқ тугалланган деб топиладиган жиноятлар бўлиб, шахсга қарши кибержиноятларга кесик таркибли кибержиноятлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилмаган.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир кибержиноятларга бўлинади.

Бунда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Мисол учун:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, қийнаш кибержиноятлари кириши мумкин;

Унча оғир бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, қийнаш кибержиноятлари кириши мумкин;

Оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш кибержиноятлари кириши мумкин;

Ўта оғир кибержиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бу бўйича ҳолатлар назарда тутилмаган.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

14. Жазо тизимига кўра тури –

1) Жиноят кодексида қилмиш учун жарима жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан баданга енгил шикаст етказиш кибержиноятлари;

2) Жиноят кодексида қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бу тоифадаги кибержиноятлар назарда тутилмаган;

3) Жиноят кодексида қилмиш учун мажбурий жамоат ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан баданга енгил шикаст етказиш кибержиноятлари;

4) Жиноят кодексида қилмиш учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация

технологияларидан фойдаланиб, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш кибержинояти;

5) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш, қийнаш (киберқийноқ) кибержиноятлари;

6) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш, қийнаш (киберқийноқ) кибержиноятлари.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

Юқоридагиларга кўра, айтадиган бўлсак, шахснинг соғлиғига қарши кибержиноятлар шахснинг соғлиғини таъминловчи муносабатларга қарши қаратилган жиноятлар саналади. Унга Жиноят кодексининг 104-105, 108-110-моддаларида назарда тутилган, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация, интернет тармоқларида, ундан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки улар орқали содир этилган кибержиноятлар кириши мумкин.

2.1-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

104-модда. Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса ва ушбу Кодекснинг 126[1]-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, –
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:
а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
б) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
в) ўта шафқатсизлик билан;
г) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
д) тамагирлик ниятида;
е) безорилик оқибатида;
ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;
з) диний таассублар замирида;
и) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида;
к) бир гуруҳ шахслар томонидан;
л) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:
а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
б) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан;
в) ўта хавфли рецидивист томонидан;
г) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
д) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса, –
саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза

қилинади. Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[25].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[26].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[27].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан

---

[25] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[26] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[27] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш тақиқланади[28].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини

[28] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[29].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[29] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[30].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлган ва ЖКнинг 126^1-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмишнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлган ва ЖКнинг 126^1-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда содир этилиши;

---

[30] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида қуйидагилардан ҳеч бўлмаса бири вужудга келган вақтдан бошлаб жиноят **тамомланган** саналади:

1) кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш;
2) бирон аъзонинг ишдан чиқиши;
3) бирон аъзонинг фаолияти тамоман йўқолиши;
4) руҳий ҳолатининг бузилиши;
5) соғлиғининг бошқача тарзда бузилиши;
6) умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолиши;
7) ҳомиланинг тушиши;
8) баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши.

Уларнинг ҳар бири бўйича мисоллар келтирамиз:

1) кўриш, сўзлаш ёки эшитиш қобилиятини йўқотиш. Инсоннинг ташқи олам билан алоқа қилувчи асосий функцияларини маиший ёки техник воситалар орқали издан чиқариш мумкин. Масалан, айбдор масофадан бошқариладиган қурилма ёрдамида жабрланувчининг кўзига юқори қувватли лазер нурини йўналтириб уни кўр қилиши, ёки ахборот-коммуникация технологиялари орқали “smart” эшитиш аппаратига хакерлик қилиб, ўта баланд частота бериш орқали эшитиш қобилиятини бутунлай йўқотиши мумкин.

2) бирон таъна аъзонинг ишдан чиқиши. Қўл, оёқ ёки бошқа аъзонинг танадан ажралиши ёки амалий функциясини йўқотиши ҳам шу тарзда юз бериши мумкин. Масалан, жабрланувчи масофадан бошқариладиган (IoT) саноат дастгоҳида ишлаётганда, айбдор дастурга ноқонуний кириб, хавфсизлик тизимини ўчиради ва натижада дастгоҳ унинг қўлини кесиб юбориши мумкин.

3) бирон аъзонинг фаолияти тамоман йўқолиши. Аъзо танада сақланиб қолган бўлса-да, аммо ўз функциясини бажара олмайдиган (“ўлик”, масалан, фалаж) ҳолат ҳам шу тарзда юзага келиши мумкин. Масалан, айбдор хакерлик орқали автомобильнинг “cruise control” тизимига ноқонуний кириб, қасддан йўл-транспорт ҳодисасини келтириб чиқаради ва натижада жабрланувчининг умуртқа поғонаси шикастланиб, оёқлари бутунлай ҳаракатсиз (фалаж) бўлиб қолиши мумкин.

4) руҳий ҳолатининг бузилиши. Бу тиббий ташхис билан тасдиқланган сурункали ёки вақтинчалик руҳий касалликни англатади. Масалан, кибербуллинг ёки тизимли психологик таъсирлар натижасида жабрланувчида

оғир реактив психоз ёки шизофренияга хос аломатлар юзага келиб, доимий қўрқув (паранойя) ҳолати туфайли руҳий касалхонага ётқизилиши мумкин.

5) соғлиғининг бошқача тарзда бузилиши. Ҳаёт учун хавфли бўлган ички аъзолар шикастланиши (масалан, буйрак ёки жигар фаолиятининг бузилиши) ҳам шу тарзда юзага келиши мумкин. Масалан, айбдор шахс инсулин помпасига масофадан ноқонуний кириб, дозани кескин ошириб юборади ва бу жабрланувчининг организмига қайта тиклаб бўлмайдиган даражада заҳарли таъсир кўрсатиб, оғир интоксикацияга олиб келиши мумкин.

6) умумий меҳнат қобилиятининг 33% дан кам бўлмаган қисмининг йўқолиши. Шахснинг касбидан қатъи назар, яшаши учун зарур бўлган меҳнат қобилиятининг сезиларли даражада йўқолиши ҳам шу тарзда юзага келиши мумкин. Масалан, кучли электр токи таъсири ёки ахборот-коммуникация воситаларининг (VR кўзойнак, кучли батарея ва ҳ.к.) портлаши натижасида жабрланувчининг бош мияси оғир шикастланиб, у мустақил ҳаракатлана олмайдиган ва меҳнатга яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин.

7) ҳомиланинг тушиши. Ҳомиладор аёлга нисбатан қасддан қилинган таъсир натижасида, агар айбдорга унинг ҳомиладорлиги аён бўлса, ҳомиланинг нобуд бўлиши ҳам юзага келиши мумкин. Бунда, аёлнинг ҳомиладор эканлиги ҳолати унинг баданига шикаст етказилгунга қадар айбдорга маълум бўлган бўлиши лозим. Масалан, аёлнинг ҳомиладорлигини била туриб, унга ахборот-коммуникация технологиялари орқали ўта ваҳимали ва даҳшатли сохта хабар (масалан, “фарзандингиз аварияда ҳалок бўлди”) юбориш орқали кучли эмоционал шок келтириб чиқарилиши, натижада унинг соғлиғи кескин ёмонлашиб, ҳомиласи тушиб кетиши мумкин. Бунда қилмишни мазкур белги билан квалификация қилиш учун ҳомилани туширишга нисбатан қасд мавжуд бўлиши, айбдорнинг ҳаракатлари ҳомиланинг тушишига олиб келмаган ҳолларда эса, баданга бошқа, тегишлича, оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлиши шарт. Акс ҳолда, ҳаракатлар, келиб чиққан оқибатлар бўйича, Жиноят кодексининг баданга қасддан шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси билан квалификация қилинади. Агар жабрланувчи ҳомиладор эканлигини айбдор англамаган бўлса, унинг баданга қасддан етказилган ва ҳомиланинг тушишига сабаб бўлган шикаст фақат айбдорда жабрланувчи баданига оғир шикаст етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган ҳолда ЖК 104-моддаси биринчи қисми билан, акс ҳолда ЖК 111-моддаси билан квалификация қилинмоғи лозим.

8) баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши – жарроҳлик аралашувисиз бартараф этиб бўлмайдиган инсон қиёфасига ёқимсиз, сескантирадиган кўриниш берувчи жароҳат (жумладан, механик таъсир, олов, агрессив моддалар ва ҳ.к.лар таъсирида юз симметриясининг, мимиканинг бузилиши, чуқур чандиқлар, кертиклар пайдо бўлиши, баданнинг яра босиши, бурун, лаб, қулоқнинг ажратилиши ва бошқа

нуқсонлар). Бадан жароҳатларининг тузалмайдиган даражада эканлигини аниқлаш суд-тиббий экспертиза ваколатига тааллуқлидир. Жароҳатларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласи тергов органлари ва суднинг ваколатига тегишли бўлиб, у жамиятда мавжуд эстетик тасаввурлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади. Бунда мазкур жароҳатларни кийим, соч турмаги ва бошқа йўсинда яшириш имконияти борлиги уларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласини ҳал этишга таъсир этмаслиги лозим.

Юз ёки тананинг кўриниб турадиган қисмида жарроҳлик амалиётисиз бартараф этиб бўлмайдиган чандиқ ёки деформациялар қолиши ҳам шу тарзда юзага келиши мумкин. Масалан, айбдор масофадан бошқариладиган кимёвий лаборатория ёки маиший техника тизимига ноқонуний аралашиб, жабрланувчининг юзига иссиқ сув ёки кимёвий модда сочилишига сабаб бўлади ва натижада юз қисмида умрбод сақланиб қоладиган куйиш чандиқлари пайдо бўлиши мумкин.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усулларни кенгроқ шарҳлаймиз:

1. **Психофизик таъсир ўтказиш усуллари орқали, жумладан** шахснинг сезги аъзолари ёки асаб тизимига ахборот-коммуникация технологиялари орқали зарба беришга қаратилган ёки фотосенситив (визуал) ҳужумлар, яъни интернет орқали махсус частотада липиллаб турувчи тасвирларни юбориш (масалан, эпилепсия ёки руҳий касаллиги бор шахсларда ҳуруж ва фалажликни келтириб чиқариш учун) ёхуд акустик ҳужумлар, яъни телекоммуникация тармоқлари орқали қулоқ пардасига ёки асаб тизимига зарар етказувчи ўта юқори/паст частотали товушларни масофадан узатиш ёинки ахборот шоки, яъни шахсга ўта оғир руҳий зарба берувчи сохта хабарларни (яқинларининг ўлими ва ҳ.к.) қасддан юбориш орқали юрак хуружи ёки инсультга сабаб бўлиш;

2. **Тиббий ва техник қурилмаларга хакерлик ҳужумлари**, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини масофадан бошқариш орқали соғлиққа зарар етказиш, имплантларни бузиб кириш, яъни юрак кардиостимуляторлари ёки инсулин помпаларининг ишлаш режимини Интернет орқали ўзгартириб, шахснинг ҳаётини хавф остига қўйиш, тиббий маълумотларни сохталаштириш, яъни электрон тиббий картадаги маълумотларни (қон гуруҳи, аллергия) ўзгартириш орқали шифокорларни нотўғри (ҳалокатли) даволашга ундаш ёки “Ақлли” тизимларни бошқариш,

яъни уй ва транспорт бошқаруви тизимларини бузиб кириб, портлаш, ёнғин ёки йўл-транспорт ҳодисасини содир этиш;

3. **Жиноят кодексининг 103[1]-моддаси доирасида ижтимоий ва психологик томондан шахсни ўзини ўзи ўлдиришга ундаш;**

4. **Кибертаъқиб ва ижтимоий муҳандислик**, яъни кибербуллинг (Cyberbullying) орқали шахсни тизимли равишда Интернетда масхара қилиш ва камситиш йўли билан уни оғир руҳий касаллик (депрессия, шизофрения) ҳолатига олиб келиш ёки сохта маслаҳатлар (Social Engineering), яъни ўзини тиббиёт ходими сифатида таништириб, Интернет орқали шахсга соғлиқ учун зарарли дориларни ёки кимёвий моддаларни истеъмол қилдириш орқали содир этилиши мумкин.

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов хулосасида ҳамда суд ҳукмида айбдорнинг қасддан баданга шикаст етказиши натижасида жабрланувчида юқоридаги қайси ҳолатлар вужудга келган бўлса, барчаси батафсил кўрсатилиши шарт.

Мазкур жиноят бошқа жиноятлар билан жуда ўхшаш бўлганлиги учун уни фақатгина экспертиза йўли билан аниқроқ малакалаш мумкин. Бунда, турли хил экспертизалар ўтказилиши мумкин. Жумладан, суд-тиббий экспертизаси жараёнида экспертлар қуйидаги саволларга жавоб беришлари шарт:

жароҳатнинг оғирлик даражаси: етказилган шикаст ҳақиқатдан ҳам “оғир” тоифасига киradими? (Масалан, меҳнат қобилиятининг йўқолиши 33% дан ошадими ёки аъзо ўз функциясини йўқотдими?)

сабабий боғланиш: соғлиққа етказилган зарар айнан айбдор томонидан амалга оширилган ахборот-коммуникация технологиялари ҳужуми (масалан, психологик шок ёки техник таъсир) натижасида юзага келганми?

вақт омили: жароҳат қачон етказилган ва у воқеа содир бўлган вақтга мос келадими?

Аксарият ҳолатларда, қайта-қайта экспертиза ўтказилишининг олдини олиш учун **комплекс экспертиза** тайинланади ва суд-тиббий экспертизадан ташқари қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилади, хусусан:

кибербуллинг ёки “ўлим гуруҳлари” таъсирида юзага келган руҳий бузилишларни аниқлаш учун **суд-психиатрия ва психология экспертизаси** ўтказилиб, бунда шахснинг Интернетдаги ёзишмалари ва виртуал хулқ-атвори таҳлил қилинади;

агар шахснинг кардиостимулятори хакерлик ҳужумига учраган бўлса, **суд-компьютер техникавий экспертизада** қурилмага ташқи таъсир бўлганлиги экспертизадан ўтказилади ва **суд-тиббий экспертиза** эса бу таъсир натижасида юракда юз берган ўзгаришларни қайд этади;

интернетдаги хабарлар матнида ҳақиқатдан ҳам “ўзини ўзи ўлдиришга ундаш” ёки “руҳий зарба бериш” мақсади бор-йўқлигини аниқлаш учун суд-филология экспертизаси ўтказилади.

Бунда, **баданга шикаст етказиш деганда**, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўкислиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи лозим. Баданга етказилган шикастнинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш, одатда, тиббиёт органлари ваколатига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланган тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидаларига мувофиқ ўтказилади[31].

Мазкур жиноят оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноятлардан ўзаро фарқ қилади.

Юқоридагилардан бирортаси бўлса, бу ҳолатда жиноят Жиноят кодексининг 104-110-моддаси билан эмас, балки 126^1-моддаси билан квалификация қилиниши зарур.

Шунинг учун, баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозим. Бунда, айбдорнинг қасддан қилган ҳаракатлари оқибатида жабрланувчи баданига оғир шикастдан ташқари бошқа оғирлик даражасидаги шикаст етказилган ҳолларда, қилмишни Жиноят кодексининг баданга енгилроқ даражада шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди билан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига бундай шахс томонидан ўз хизмат фаолияти ёки фуқаролик бурчини бажаришга тўсқинлик қилиш, шунингдек бундай фаолият учун ўч олиш мақсадида қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказган айбдорнинг ҳаракатлари квалификация қилиниши лозим.

Баданга қасддан етказилган оғир ёки ўртача оғир шикастни ўта шафқатсизлик билан етказилган деб тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди, 126^1-моддаси бешинчи қисмининг “в” банди, 126^1-моддаси еттинчи қисмининг “в” банди бўйича квалификация қилиш учун айбдорда жабрланувчига бундай шикастни алоҳида жисмоний ёки руҳий азоб берувчи усулда етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлганлигини аниқлаш лозим.

---

[31] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ўта шафқатсизлик, жумладан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлган азоблаш ва қийнашда намоён бўлади.

Баданга қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш усулини ўта шафқатсизлик хусусиятига эга деб топиш масаласини ҳал қилиш суд-тиббиёт экспертининг эмас, тергов органлари ва судлар ваколатига тааллуқли.

Жабрланувчи учун яқин шахслар кўз ўнгида унинг баданига қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш ҳолати ҳам башарти бунда айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга алоҳида азоб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан намоён этилган ўта шафқатсизлик ифодаси сифатида баҳоланиши лозим. Жабрланувчи учун яқин шахслар тоифасига унинг яқин қариндошлари билан бир қаторда, у билан алоҳида дўстлик муносабатларида бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Баданга қасддан оммавий тартибсизликлар жараёнида етказилган оғир ёки ўртача оғир шикаст тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “д” банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

Агар айбдор томонидан оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишдан ташқари яксон қилиш, бузиш, ўт қўйиш ва шу каби бошқа жиноятлар содир қилинган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Баданга қасддан тамагирлик ниятида, айни пайтда, босқинчилик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда етказилган оғир, ўртача оғир шикаст, тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “д” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “е” банди билан квалификация қилинади.

Баданга қасддан безорилик туйғусида етказилган оғир шикаст ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “е” банди билан квалификация қилинади ва ЖК 277-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар айбдор мазкур жиноятдан ташқари яна безорилик жинояти белгилари мавжуд бошқа ҳаракатларни содир этган бўлса, қилмиш ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “е” банди ва 277-моддасининг тегишли қисмида кўрсатилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Баданга қасддан етказилган оғир, ўртача оғир шикастни миллатлараро ёки ирқий адоват замирида етказилган (ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “ж” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “ж” банди бўйича) деб квалификация қилиш учун айбдор томонидан бундай ҳаракатлар бошқа мотивларда (масалан, муайян жабрланувчига нисбатан рашк, ўч олиш, шахсий келишмовчилик муносабати туфайли) эмас, балки айнан ушбу бандда назарда тутилган мотивда содир этилганлиги аниқланиши лозим.

Жабрланувчига нисбатан диний таассублар замирида унинг диний эътиқоди муносабати билан, аксарият ҳолларда, муайян диний конфессия шаъни ва обрўсини камситиш, диний адоват ёки ихтилоф қўзғатиш мақсадида қасддан етказилган оғир, ўртача оғир, соғлиқни унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган енгил шикаст, тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “з” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “з” банди, 109-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди, 126^1-моддаси бешинчи қисмининг

“д” банди, 126[1]-моддаси еттинчи қисмининг “д” банди билан квалификация қилиниши лозим.

Жабрланувчи баданига унинг органлари ёки тўқималарини қонунсиз олиш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам уни ўз органлари ёки тўқималарини беришга мажбурлаш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари натижасида киши органи ёки тўқимаси олинган бўлиши шарт бўлмай, унда инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсади борлиги аниқланишининг ўзи кифоя.

Баданга қасддан оғир, ўртача оғир, соғлиқни унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдиндан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъий назар, тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “к” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди, 109-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди билан квалификация қилиниши лозим.

Бунда баданга қасддан оғир, ўртача оғир, соғлиқни унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак. Бироқ, баданга шикаст улардан ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, гуруҳ иштирокчиларидан бири жабрланувчининг қаршилигини бостирса, айни пайтда бошқаси унга жароҳат етказади). Баданга оғир, ўртача оғир, соғлиқни унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлар бир шахс томонидан содир этилиш жараёнида унга бошқа шахслар шу мақсадда келиб қўшилганда ҳам бундай жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилиши керак.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахснинг баданига соғлиқни унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш жинояти махсус субъектли жиноят бўлганлиги учун жиноят содир этишда иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 28 ва 126[1]-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Икки ва ундан ортиқ шахс баданига қасддан етказилган оғир, ўртача оғир шикаст, башарти айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинган ва одатда, узлуксиз бир вақтнинг ўзида ёки жуда қисқа вақт ичида содир этилган бўлса, ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг “а” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди, 126[1]-моддаси бешинчи қисмининг “а” банди, 1261-моддаси саккизинчи қисмининг “а” банди билан квалификация қилиниши лозим.

Қасддан баданга икки ва ундан ортиқ марта, уни содир этишга ягона қасд мавжуд бўлмаган ҳолда ва одатда турли вақтда оғир, ўртача оғир шикаст

етказиш, тегишлича, ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг “б” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “к” банди, 126^1-моддаси бешинчи қисмининг “ж” банди, 126^1-моддаси саккизинчи қисмининг “б” банди билан такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилинади.

Қасддан баданга етказилган оғир, ўртача оғир шикастни, тегишлича, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор жиноятнинг ижрочиси ёки бошқа турдаги иштирокчиси эканлиги аҳамият касб этмайди.

Айбдор томонидан муқаддам бошқа жиноят содир этилган бўлиб, унинг таркибий қисмини қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказиш ташкил этилганлиги (масалан, шахс муқаддам босқинчилик, терроризм, безорилик, ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ва ҳ.к. жиноятларни содир этган бўлса) қилмишни ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг “б” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “к” банди, 126^1-моддаси бешинчи қисмининг “ж” банди, 126^1-моддаси саккизинчи қисмининг “б” банди билан такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

Иштирокчиликда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказилганда, такрорийлик сифатидаги квалификация белгиси, фақат, ушбу белгига лойиқ айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши истисно этилади.

Жабрланувчи баданига унинг ўлишига сабаб бўлган оғир шикаст етказилиши, фақат айбдорда оғир шикаст етказишга нисбатан қасд ва ўлим келиб чиқиши тариқасидаги оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик кўринишидаги айб мавжуд бўлгандагина ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг “д” банди, 126^1-моддаси саккизинчи қисмининг “г» банди билан квалификация қилинади. Бунда, қилмишни шу тақлид квалификация қилиш учун баданга етказилган оғир шикаст билан келиб чиққан ўлим ўртасида сабабий боғланиш борлиги аниқланиши шарт.

Келиб чиққан ўлимга нисбатан эҳтиётсизлик кўринишидаги айб, жумладан айбдор томонидан ўлдириб қўйиш эҳтимоли англанганлигидан далолат бермайдиган усул ёки қурол билан ёхуд ҳаётий муҳим бўлмаган органларига етказилганлигида ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда намоён бўлиши мумкин.

Баданга қасддан етказилган ва жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган оғир шикастни эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришдан фарқлашлари лозим. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришда айбдорда жабрланувчи баданига оғир шикаст етказишга нисбатан ҳам, уни ўлдириб қўйишга нисбатан ҳам қасд бўлмаслиги тақозо этилса, жабрланувчи баданига унинг ўлишига сабаб бўлган оғир шикаст етказилганда эса, шахснинг қасди жабрланувчига шундай шикаст етказишга қаратилган бўлади.

ЖК 104-моддаси иккинчи ёки учинчи қисмлари, 105-моддаси иккинчи қисмининг икки ва ундан ортиқ бандларида, 126^1-моддаси бешинчи, еттинчи ёки саккизинчи қисмларининг икки ва ундан ортиқ бандларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолда баданга қасддан оғир,

ўртача оғир шикаст етказиш ушбу бандларнинг барчаси билан квалификация қилинади. Бундай ҳолларда жазо бир неча квалификация белгиси мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши лозим.

Айбдорнинг ҳаракатларида ЖК 104-моддасининг ҳам иккинчи ҳам учинчи қисмларида, 126^1-моддаси иккинчи – саккизинчи қисмларида ҳам назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолларда, барча қилмиш ЖК 104-моддасининг учинчи қисми, 126^1-моддасининг саккизинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим бўлиб, бироқ шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда ва ҳукмда барча квалификация белгилари кўрсатилиши шарт.

Айбланувчига, тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи ёки учинчи қисмлари, 105-моддаси иккинчи қисмининг икки ва ундан ортиқ бандларида, 126^1-моддаси бешинчи, еттинчи ёки саккизинчи қисмларининг икки ва ундан ортиқ бандларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказганлиги юзасидан айб қўйилиб, бироқ улардан айримлари ўз тасдиғини топмаса, ҳукмнинг тавсиф қисмида у ёки бу бандлар бўйича айблов асоссиз деб топилганлиги тўғрисида мотивлар келтирилиб, хулоса қилинишининг ўзи етарли.

Агар айбдор қўллаган зўрлик жабрланувчини дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлса, жабрланувчи баданига оғир шикаст (ёки жабрланувчининг ўлими) айбдорнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиққан бўлса, айбдор оқибатига кўзи етмаган, бироқ кўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд кўзи етсада, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибатлар ЖК 111 ёки 102-моддалари билан квалификация қилинади. Бундай пайтда баданга қасддан етказилган шикастлар алоҳида юридик баҳоланиши лозим. Бундай ҳаракатларда жиноий жазога сазовор қилмиш белгилари мавжуд бўлса жавобгарлик жиноятлар мажмуи бўйича келиб чиқади.

Агар зўрлик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказилган бўлиб, жабрланувчининг айбдор эҳтиётсизлик шаклида субъектив муносабат билдирган ўлими олинган жароҳатлар, масалан, йиқилиш оқибатида келиб чиққан бўлса, қилмиш қасддан баданга оғир шикаст етказиш ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш жиноятлари мажмуи бўйича квалификация қилинади.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, ҳатто ЖК 104-моддаси учинчи қисмида, 126^1-моддаси саккизинчи қисмида

кўрсатилган айбни оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлган тақдирда ҳам тегишлича ЖК 104, 105, 126^1-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар, жумладан, улар эҳтиётсизлик орқасида ўлимга сабаб бўлган ҳолда ҳам тегишлича ЖК 106, 107, 108-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

Баданга қасддан, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлмаган даражада енгил шикаст етказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Баданга қасддан бундай шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан муқаддам маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида такроран содир этилган бўлса (ЖК 126^1-моддасининг иккинчи қисми) ёки соғлиқнинг қисқа вақт давомида ёмонлашувига сабаб бўлган (ЖК 109-моддасининг биринчи қисми, 126^1-моддасининг учинчи қисми) ҳолдагина келиб чиқади.

Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 110-моддаси билан квалификация қилиш учун дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатлар қасддан, муттасил, яъни жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида ягона қасд билан қамраб олинган ва камида уч марта содир этилганлиги аниқланиши лозим.

Қийнаш жараёнида баданга енгил шикаст етказиш (у соғлиқнинг ёмонлашувига олиб келган-келмаганлигидан қатъи назар) ЖК 110-моддаси билан қамраб олинади ва ЖК 109-модда, 126^1-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

Агар қийнаш жараёнида баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлса қилмишни, бундай жароҳат етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, ЖК 104, 105 ёки 126^1-моддаси тўртинчи-саккизинчи қисмлари билан квалификация қилиш лозим бўлиб, уни ЖК 110-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Жиноят кодексининг 104-105, 107-110-моддаларида назарда тутилган қилмишлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ҳам содир этилишида бу технологиялар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Қилмиш таркибида Жиноят кодексининг 126^1-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлса, қилмиш мазкур модда билан квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг 104-моддаси истисно этилади.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга ёхуд ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан, ўта шафқатсизлик билан, оммавий тартибсизликлар жараёнида, тамагирлик ниятида, безорилик оқибатида, миллатлараро ёки ирқий адоват замирида, диний таассублар замирида, инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида, бир гуруҳ шахслар томонидан, қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 97-моддасида

назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб ёки жабрланувчининг ўлишига сабаб бўладиган тарзда содир этилган бўлса, бу ҳолатлар айбдорнинг оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Мазкур жиноят фош этилиши учун қуйидаги рақамли излар олиниши ва таҳлил қилиниши мумкин:

Live Stream Logs: тўғридан-тўғри эфир ёзувлари, трансляция қилинган платформа маълумотлари ва кўрувчиларнинг изоҳлари;

Метамаълумотлар (Metadata): видео қаерда, қачон ва қайси қурилмада олинганини кўрсатувчи яширин файл маълумотлари;

Масофавий бошқарув излари: Агар шикаст етказиш учун ахборот-коммуникация технологиялари (масалан, тиббий лазер ёки саноат роботи) ишлатилган бўлса, ўша қурилма хотирасидаги буйруқлар тарихи.

Мазкур жиноятлар тармоқдан фойдаланиб намойишкорона содир этилган бўлса, кўпинча моддий манфаат (эфирдаги донатлар ёки совғалар), машҳурликка интилиш ёки садистик мойиллик туфайли содир этилиши ёки кибержиноятчи ўз қурбонига оғир шикаст етказаётганини бутун дунёга кўрсатиш орқали психологик устунликка эришмоқчи бўлиши мумкин. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлардан (BigoLive, Tiktok ва бошқа) фойдаланиб, содир этилаётган бу қилмишлар сони жуда кўп.

Ушбу жиноятни қуйидаги экспертизалар билан ҳам фош этиш мумкин, хусусан:

1) видеоматериалларнинг суд экспертизаси зарбалар қандай берилганлигини, жабрланувчи қандай йиқилганини, гумонланувчи ҳақиқатан ҳам воқеа жойида бўлганлигини, кўчадаги кузатув камералари (CCTV) ёки смартфон тасвирларини таҳлил қилиш орқали жиноятчининг шахсини, ҳаракатларини;

2) совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси ишлатилган техник восита совуқ қурол турига кириши, кибержиноятнинг квалификациясида амалга оширишда оғирлаштирувчи ҳолат бор-йўқлигини;

3) суд-психологик экспертизаси жабрланувчи руҳий ҳолатининг бузилишига сабаб бўлган оғир шикастланиш натижасида жабрланувчида руҳий касаллик ёки оғир психологик жароҳат пайдо бўлганлигини, кибержиноятнинг субъектив томонини ва оқибатини, жабрланувчи олган тан жароҳати натижасида унда доимий қўрқув, депрессия ёки бошқа руҳий ўзгаришлар пайдо бўлганлигини, айбдорнинг жиноят пайтидаги руҳий ҳолатини (аффект бор-йўқлигини), тизимли кибер-таъқиб (кибербуллинг) ёки доимий психологик босим натижасида жабрланувчида юзага келган руҳий касаллик даражасини, рақамли муҳитдаги ҳужум ва жабрланувчининг руҳий ҳолати ўртасидаги сабабий боғланишни, айбланувчининг ҳаракатларида жабрланувчини руҳий жиҳатдан майиб қилиш қасди бўлган-бўлмаганлигини;

4) суд-трасологик экспертизаси кибержиноят жойида қолган излар ўрганилиб, зарба берилган пайтда айбдор ва жабрланувчининг ўзаро

жойлашуви (позицияси)ни, воқеанинг механизми (қандай содир бўлгани) тикланади, жароҳат билан бошқа нарсаларнинг излари ўзаро мослигини;

5) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибержиноятнинг тамагирлик ниятида, уюшган гуруҳ томонидан содир этилганини исботлаш учун кибержиноятчилар ўртасидаги келишув, буюртма бериш ёки жабрланувчини кузатиш (геолокация) бўйича рақамли маълумотларни мавжулигини, рақамли ёзишмалар орқали кибержиноятнинг олдиндан режалаштирилганини, тиббий асбоб-ускуналар (масалан, инфузион насослар, электростимуляторлар) ёки ақлли уй тизимларига масофавий кириш изларини, шахснинг соғлиғига зарар етказиш учун юборилган махсус код ёки буйруқларни, жабрланувчининг кўриш ёки эшитиш қобилиятини йўқотишига сабаб бўлган юқори частотали товуш ёки визуал (фото-сенситив) ҳужумларнинг техник манбасини;

6) одам ДНКси ва биологик экспертиза кибержиноят қуролида ёки воситасида ёхуд айбдорнинг кийимида қолган қон изларининг жабрланувчига тегишли эканлигини, агар жиноятчи қуролни воқеа жойидан узоққа улоқтирган бўлса, ўша қурол дастасида (рукоятка) айнан гумонланувчининг тер ёки тери ҳужайралари борлигини;

7) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси агар жиноят миллатлараро адоват ёки диний таассублар негизида содир этилган бўлса, айбдорнинг ижтимоий тармоқлардаги қарашлари ва ёзишмаларининг мазмунини, таҳдидларнинг характерини ва уларда шахснинг соғлиғига оғир шикаст етказиш нияти, ўзаро хабарларда миллатлараро ёки диний адоват замиридаги мотивлар мавжудлигини;

8) суд-электротехникавий экспертизаси электр жиҳозларининг ишлаш режими атайлаб ўзгартирилгани натижасида келиб чиққан куйиш, жароҳат ёки аъзоларнинг ишдан чиқиши сабабларини, маиший техниканинг ақлли бошқарув блокидаги носозлик ташқи дастурий таъсир натижасида юзага келганини;

9) суд-автотехника-трассологик экспертизаси ЙТҲ вақтида автомобилнинг хавфсизлик тизимлари нега ишламаганини ёки атайлаб ишдан чиқарилганини, автомобиль борт компьютерига ташқаридан киритилган ўзгартиришларнинг баданга шикаст етказиш билан боғлиқлигини;

10) дори воситалари суд экспертизаси жабрланувчи организмига юборилган дори миқдорининг меъёрдан ортиқлигини ва бунинг аъзолар (буйрак, жигар ва ҳ.к.) фаолиятининг тамоман йўқолишига сабаб бўлганлигини аниқлайди.

2.2-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

105-модда. Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ушбу Кодекснинг 126[1]-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса –

уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) ўта шафқатсизлик билан;

д) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

е) тамагирлик ниятида;

ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;

з) диний таассублар замирида;

и) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

к) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан;

л) ўта хавфли рецидивист томонидан;

м) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза

қилинади. Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[32].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[33].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[34].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват

---

[32] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[33] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[34] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш[35].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини

[35] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[36].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[36] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[37].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ЖКнинг 126^1-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмиш таркибида ЖКнинг 126^1-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаслиги;
7) қилмиш содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлиши;
8) қилмиш содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлиши;
9) алоқа;
10) ахборот;

[37] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

11) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

12) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш натижасида қуйидагилардан ҳеч бўлмаса бири вужудга келган вақтдан бошлаб жиноят **тамомланган** саналади:

1) содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашуви;

2) содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлиши.

Юқоридагилар ЖКнинг 104-моддасидаги шарҳда тушунтирилган ва уларнинг ЖК 105-моддасидаги ҳолатлар бўлиши учун шикаст даражаси 104-моддасида назарда тутилган даражада паст бўлиши талаб қилинади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усулларни кенгроқ шарҳлаймиз:

1) психологик босим ва кибертаъқиб (Cyberstalking). Мисол учун, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб доимий ва тизимли равишда руҳий босим ўтказиш натижасида жабрланувчининг соғлиғи ёмонлашиши мумкин ёки виртуал таъқиб қилиниб, ижтимоий тармоқлар орқали қўрқитиш, шаънини таҳқирловчи маълумотларни тарқатиш билан таҳдид қилиш ёхуд соматик оқибатлар инсон организмида физиологик касалликларни (масалан, инсульткача олиб келувчи қон босими ошиши, асаб тизимининг жиддий бузилиши) келтириб чиқариши ва агар бу соғлиқнинг 21 кундан ортиқ ёмонлашувига сабаб бўлса, 105-модда билан квалификация қилиниши мумкин;

2) тиббий ва ҳаётий муҳим тизимларга масофавий ҳужум. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида инсон соғлиғига

бевосита масофадан таъсир ўтказиш усулларидан ақлли тиббий қурилмаларга киберҳужум амалга ошириб, жабрланувчининг танасига ўрнатилган кардиостимулятор, инсулин помпаси ёки бошқа электрон тиббий қурилмалар ишини ахборот-коммуникация технологиялари орқали бузиш ёки ақлли уй тизимларини бошқариш орқали хонадаги ҳароратни кескин кўтариш ёки тушириш ёки газ, электр тизимлари орқали жабрланувчининг соғлиғига зарар етказиш;

3) фото ва видео контент орқали таъсир этиш. Мисол учун, жабрланувчининг фото-сезувчанлик (эпилепсия) касаллиги борлигини билган ҳолда, унга ахборот-коммуникация технологиялари орқали тез липиллаб турувчи визуал контент юбориш йўли билан жабрланувчида оғир тиришиш ва соғлиқнинг ўртача оғирликда бузилишига олиб келиши;

4) дезинформация орқали зарар етказиш. Мисол учун, жабрланувчига унинг ҳаёти ёки яқинлари ҳақида ахборот-коммуникация технологиялари орқали ёлғон ва ўта оғир хабар бериш (масалан, “яқинингиз вафот этди” мазмунидаги сохта хабар) орқали кучли стрессни пайдо қилиш ва натижада соғлиққа ўртача оғир шикаст етишига сабаб бўлиш мумкин.

Мазкур жиноят жабрланувчи соғлиғининг узоқ вақт, яъни камида **йигирма бир кун**, аммо **тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига** ёки умумий меҳнат қобилиятининг **ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача** йўқолишига сабаб бўлган вақтдан бошлаб тамомланган саналади. Қилмишнинг икки ёки ундан ортиқ шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга ёинки ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан, шунингдек, ўта шафқатсизлик билан, оммавий тартибсизликлар жараёнида, тамагирлик ниятида, миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида, бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб, такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ЖК 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс ёки ўта хавфли рецидивист томонидан, қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, бу ҳолатлар жиноятни оғирлаштирувчи зарурий ҳолатлар деб топилади. Бунда:

Мазкур жиноят фош этилиши учун Video Archives, яъни кибержиноят содир этилган жараён акс этган видео файллар ёки уларнинг булутли серверлардаги нусхалари, Internet Traffic Data, яъни видео трансляция қилинган бўлса, маълумотлар оқимининг вақти ва йўналиши, Remote Commands, яъни агар жароҳат етказишда ақлли тизимлар ёки масофавий бошқариладиган техник воситалар қўлланилган бўлса, уларга юборилган буйруқлар тўплами олиниши ва бунга оид рақамли излар таҳлил қилиниши лозим. ЖКнинг 104-105 ва 109-моддаларигача бўлган қилмишларнинг барчасида рақамли изларни олиш деярли бир хил бўлади, фақатгина тиббий ва психологик экспертиза етказилган тан жароҳатини оғирлик даражасига қараб

ўзаро фарқли хусусияти бўйича ўз хулосасини бериши ва шунга қараб, жиноятларни малакалаш ўзгариши мумкин.

Кўпчилик ҳолатларда тиббиётда ноаниқликлар ҳам мавжуд, мисол учун, тан жароҳати натижасида инсоннинг қовурғаси силжимай синиши бўлган вазиятда ўзаро текширув вақтида силжимай синган қовурғаларнинг сонини тан жароҳатини сёмка қилиш даражаси турлича бўлганлиги сабабли тиббий воситалар турлича кўрсатиб беради ва бўйича турлича хулосалар берилиши мумкин. Шунингдек, жабрланувчининг икки ёки ундан ортиқ шифохоналарга мурожаат қилиши, шифокорларни алдаши оқибатида ҳақиқатга тўғри келмайдиган тиббий ташхис ва хулосалар вужудга келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланган тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидаларида бу ҳақида етарлича тушунтириш берилмаган. Мазкур вазиятда, тергов органлари ва судлар ҳар бир ҳолатни синчиковлик билан текшириши, жабрланувчининг ҳолат бўйича айбдорлик даражасини ҳам ҳисобга олиб, шифокорларнинг ҳужжатларни қалбакилаштириши ҳолатларига тергов ва суд ўз муносабатини билдириши шарт. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланган тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидаларида силжимай синган қовурғаларнинг сони ва жароҳат даражаси ёш даражаси ва унинг ботиқлигига ҳам боғлиқ бўлган ҳолда, ушбу қоидаларда енгил тан жароҳати бўлса ҳам суякларнинг сингани учун ўртача оғир деб ҳисоблашади. Бу вазиятда, комплекс экспертиза ўтказиб, ҳар бир тан жароҳатини олган вақт фақатгина жабрланувчи ёки унинг яқинлари тушунтириши бўйича эмас, балки дастлаб барча иштирокчиларнинг тушунтиришлари ва иш материаллари асосида далиллар мажмуи билан жиноят содир этилган вақт автотехник, тароссалогия, изшунослик, баллистик, суд-кмопьютер-техникавий ва бошқа экспертизалар билан дастлаб ҳолат тўлиқ моделлаштирилиши ва шундан кейин моделлаштирилган жараёнган жабрланувчининг олган тан жароҳати қанчалик боғлиқлиги бўйича иш бўйича аниқ саволлар билан тиббий ёки (ва) психологик комплекс экспертиза ўтказилиши лозим.

Юқоридаги ҳолат, барча тан жароҳати билан боғлиқ бўлган кибержиноятларга тааллуқли ҳолат саналади. Ушбу вазиятда суд-тиббий экспертизасида жароҳатнинг ўртача оғир эканлигини, яъни соғлиқнинг 21 кундан ортиқ вақтга бузилганлиги тўлиқ англашилиши мумкин.

Ушбу кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам амалга оширилиши мумкин, хусусан:

1) видеоматериалларнинг суд экспертизаси кибержиноятнинг қай тарзда содир этилганини кўрсатиб бериш учун жанжал жараёни тасвирланган

видеолар таҳлил қилиниб, ҳар бир иштирокчининг ролини, жиноят содир этилган жараён акс этган видеоёзувларнинг масалан, ақлли кузатув камераларидан олинганлиги ҳақиқийлигини, видеода акс этган ҳаракатларнинг ўта шафқатсизлик билан содир этилганлигини;

2) совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси жиноят қуроли совуқ қурол ёки шу сифатда ишлатиладиган ашёлар тоифасига киришини;

3) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жабрланувчи фойдаланаётган қурилмаларга масалан, фитнес-тренажёрлар, ақлли уй тизимлари, электрон тиббий асбобларга масофавий кириш ва уларнинг ишлаш режимини ўзгартириш фактини, жабрланувчида фото-сенситив реакция (эпилептик хуруж) ёки бош айланишини келтириб чиқариш учун мониторга юборилган махсус частотали визуал эффектлар ёки кодларни, ҳужум содир этилган вақт, манба (IP-манзил) ва ишлатилган зарарли дастурий таъминотни жиноятчиларнинг телефонларидаги ёзишмалари, жиноят режасини ёки жабрланувчини аввалдан кузатиб келгани (GPS логлари)ни, жиноятнинг тасодифий эмас, балки аввалдан режалаштирилгани (қасдни)ни;

4) суд-трасологик экспертизаси бадандаги шикастлар қайси ашё билан ва қандай куч билан етказилгани аниқланади, агар айбдор ўзи йиқилиб тушди деб иддао қилса, трасолог шикастнинг механизми (масалан, зарба бурчаги) бу иддаони рад эта олиши мумкин, воқеа жойидаги оёқ изларини, кураш натижасида кийимларда қолган йиртилишларни ва бадандаги шикаст изларини;

5) суд-филологик экспертизаси айбдорнинг ижтимоий тармоқлардаги чиқишлари ва ёзишмаларида нафрат уйғотувчи мазмун мавжудлигини, жиноятчи томонидан юборилган электрон хабарлар ва таҳдидларнинг мазмунини, матнларда шахснинг соғлиғига шикаст етказишга қаратилган қасд ва юқорида айтилган салбий мотивларнинг борлигини;

6) суд-биологик ва одам ДНКси экспертизаси воқеа жойидан олинган қон, соч ёки бошқа тўқима намуналари орқали иштирокчиларни;

7) суд-психологик экспертизасида жабрланувчининг руҳий ҳолати ва олинган травманинг психологик оқибатларини, жабрланувчининг руҳий ҳолатидаги ўзгаришлар даражасини ва уларнинг киберҳужум билан сабабий боғланишини, етказилган руҳий зарбанинг жабрланувчи соғлиғига (узоқ вақт, яъни 21 кундан ортиқ даволаниш талаб этилишига) таъсирини;

8) суд-электротехника экспертизаси электр қурилмасининг техник ҳолатини ва унинг носозлиги ташқи дастурий таъсир (киберҳужум) натижасида юзага келганлигини, қурилманинг ишлаш параметрлари (кучланиш, ҳарорат) атайлаб ўзгартирилгани ва бунинг соғлиққа етказилган шикаст билан боғлиқлигини;

9) суд-автотехника-трассалогик экспертизаси транспорт воситасининг электрон бошқарув тизимидаги ўзгаришларни ва бу ўзгаришларнинг йўл-транспорт ҳодисасига олиб келиш механизмини, тизимдаги хатолик табиий эмас, балки ташқи аралашув натижаси эканлигини аниқлайди;

2.3-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

106-модда. Жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек айбдорнинг ёки унинг яқин кишисининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[38].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

[38] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[39].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[40].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш тақиқланади[41].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект

---

[39] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[40] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[41] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[42].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар

[42] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[43].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек айбдорнинг ёки унинг яқин кишисининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

---

[43] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмишнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек айбдорнинг ёки унинг яқин кишисининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш орқали содир этилиши;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек айбдорнинг ёки унинг яқин кишисининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш натижасида қуйидагилардан ҳеч бўлмаса бири вужудга келган вақтдан бошлаб жиноят **тамомланган** саналади:

1) кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш;
2) бирон аъзонинг ишдан чиқиши;
3) бирон аъзонинг фаолияти тамоман йўқолиши;
4) руҳий ҳолатининг бузилиши;
5) соғлиғининг бошқача тарзда бузилиши;
6) содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган бўлса-да, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашуви;
7) содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган бўлса-да, лекин умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлиши.
8) ҳомиланинг тушиши;
9) баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши.

Юқоридагилар ЖКнинг 104-105-моддаларидаги шарҳда тушунтирилган.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар ўз навбатида қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, жумладан:

1. Психосоматик таъсир ўтказиш усули. Жабрланувчининг ахборот-коммуникация технологиялари орқали (мессенжер орқали видеоқўнғироқ) айбдорнинг яқин кишисини қийнаётганини ёки ўлдираётганини жонли эфирда (стрим) кўрсатиши ва бундан кучли руҳий ҳаяжонга тушган айбдор ахборот-коммуникация технологиялари орқали (масалан, тиббий қурилмаларни масофавий бошқариш тизимига кириб) жабрланувчига шикаст етказиши мумкин.

2. Масофавий бошқариладиган техник воситалар орқали. Айбдор аффект ҳолатида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жабрланувчининг соғлиғига бевосита жисмоний шикаст етказиши мумкин. Мисол учун, **дронлар ёрдамида** жабрланувчининг оғир ҳақоратидан сўнг, айбдор компьютер орқали масофадан бошқариладиган дронни жабрланувчига йўналтириб, унга оғир шикаст етказиши, “Ақлли уй” тизимларини бузиб кириши, жумладан, жабрланувчи ахборот-коммуникация технологиялари орқали айбдорни кучли ҳаяжонга солган пайтда, айбдор жабрланувчи яшаётган уйнинг интеллектуал бошқарув тизимига (масалан, газ, электр ёки иситиш тизимига) кириб, унга масофадан туриб шикаст етказиши мумкин.

3. Биотиббий ахборот-коммуникация технологияларига киберҳужум усули. Жабрланувчи айбдорнинг яқин кишисининг ўлимига сабаб бўладиган видеони юбориши ва айбдор шу заҳоти (аффект ҳолатида) хакерлик кўникмаларини ишга солиб, жабрланувчининг танасидаги электрон тиббий қурилма (кардиостимулятор, инсулин помпаси)нинг ишини бузиши ва натижада жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст етказиши мумкин.

4. Визуал ва акустик “қурол” усули. Махсус техник дастурлар ёрдамида инсон организмига, хусусан фотосенситив таъсир орқали, зарар етказиш мумкин. Бунда айбдор шахс жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида аффект ҳолатига тушиб, унга махсус визуал эффектлар (масалан, эпилептик хуружни қўзғатиши мумкин бўлган юқори

частотали чақноқли видеолар)ни юборади ва шу орқали жабрланувчининг асаб тизимига оғир шикаст етказиши мумкин.

ЖК 106-моддасини ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлаганда иккита шарт бир вақтда мавжуд бўлиши шарт:

Вақт омили (Тўсатданлик): ахборот-коммуникация технологиялари орқали келган хабар ёки ҳаракат ва унга жавобан етказилган шикаст ўртасида вақт узилиши бўлмаслиги керак. Агар айбдор хакерлик ҳужумини узоқ вақт давомида режалаштирса, бу аффект эмас, балки ЖК 104 ёки 105-модда (қасддан баданга шикаст етказиш) бўлади.

Провокация манбаси: жабрланувчининг ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилган ҳаракати (масалан, кибербуллинг ёки шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш) объектив равишда "оғир ҳақорат" ёки "ғайриқонуний ҳаракат" сифатида тан олиниши лозим.

Қилмиш ҳар доим жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида вужудга келади, хатто Жиноят кодексининг 104 ва 105-моддаларида назарда тутилган барча белгилар бўлса ҳам қилмиш кучли руҳий ҳаяжонланиш натижасида вужудга келган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 106-моддаси билан квалификация қилинади. Башарти айбдор жабрланувчининг ноқонуний хатти-ҳаракатидан ҳимояланиш учун жабрланувчига оғир оғир тан жароҳати етказадиган бўлса, у ҳолда қилмиш Жиноят кодексининг 107-моддаси билан квалификация қилинади.

Ушбу жиноятни ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлаш учун иккита асосий жиҳатни тушуниш керак:

1) **провокация** (қўзғатувчи омил): жабрланувчининг ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилган ҳаракати айбдорда кучли руҳий ҳаяжонни уйғотиши;



2) **ижро** (жиноятни содир этиш): айбдорнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали жабрланувчининг соғлиғига зиён етказиши (масофавий таъсир).

Мазкур жиноят фош этилиши учун кучли руҳий ҳаёжонланиш ва тан жароҳатини олиш даражаси ҳамда унинг сабабини аниқлаш керак бўлади, бунинг учун киберҳақоратнинг рақамли излари жабрланувчи томонидан юборилган оғир ҳақоратлар, шаънини ерга урувчи постлар ёки шахсий ҳаётга оид сирларни очиқлаш ҳақидаги таҳдидлар мавжудлиги текширилиши, зарур далиллар олиниши, Browsing & Search History, яъни айбдорнинг жиноятдан олдинги қидирувлари аниқланиши зарур. Бунда, агарда айбдор киберқурол қидирган бўлса, бу кучли руҳий хаёжонлаиш ҳолатида содир этилган жиноят эмас, балки режалаштирилган ёки зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган қилмиш саналади. Activity Logs, яъни ижтимоий тармоқдаги фаолликнинг кескин ўзгариши текширилиши зарур. Масалан, ҳақоратли хабар келгандан сўнг бир неча дақиқа ичида жисмоний ҳаракатнинг бошланиши вужудга келганлиги мажбурий кўрилиши ва жиноятни квалификация қилишда

инобатга олиниши даркор. Жиноят фош этилиши учун Суд-компьютер-техникавий экспертиза тайинланиб, жабрланувчининг провокацион хабарлари ҳақиқатан ҳам айбдорга юборилгалиги ва вақти аниқланиши, суд-психологик ва психиатрия экспертизасида айбдорнинг хабарни ўқиган пайтдаги руҳий ҳолати текширилиши, у ўз ҳаракатларини идора қила олганлиги ёки кучли руҳий ҳаёжонланиши ҳолати (аффект) юз берганлиги аниқланиши, суд тиббий экспертизада етказилган жароҳатнинг оғирлик даражасини аниқланиши зарур.

Кучли руҳий хаёжонланиш турлича вужудга келиши мумкин, у оғир ҳақорат, туҳмат, шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, товламачилик, шонтаж ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ушбу кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг жиноят содир этган пайтдаги руҳий ҳолатини, у ҳақиқатан ҳам “тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжон” (аффект) ҳолатида бўлганлигини, ўз ҳаракатларини бошқара олганлигини, жабрланувчи томонидан қилинган оғир ҳақорат ёки ғайриқонуний зўрлик айбдорнинг руҳиятига қандай таъсир қилганини, жабрланувчининг ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилган ҳаракатлари масалан, шахсий маълумотларни тарқатиш, киберҳақорат айбдорда физиологик аффект ҳолатини келтириб чиқарганлигини, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини, жумладан, унинг ташқи таъсирларга таъсирчанлиги ва эмоционал реакцияларининг тезлигини, жиноят содир этилаётган вақтда айбдор ўз ҳаракатларини англаш ва идора қилиш қобилияти қанчалик чекланган бўлганини, тўсатдан юз бериш ҳолати, яъни жабрланувчининг ҳақорати ва айбдорнинг киберҳужуми ўртасидаги вақт интервалининг қисқалигини ва бу орада шахснинг ўзига келишга улгурмаганини;

2) суд-трасологик экспертизаси жисмоний тўқнашувнинг механизми ва кетма-кетлиги тикланиб, воқеа жойидаги излар (оёқ излари, кураш излари), кийимлардаги йиртилишлар ва жабрланувчининг баданидаги шикаст изларини, жабрланувчи биринчи бўлиб ҳужум қилганми ёки йўқми (ғайриқонуний зўрлик далилини тасдиқлаш учун) ва зарбалар аффектга хос тарзда (тартибсиз, кетма-кет) берилганлигини;

3) совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси агар жиноятда бирор-бир ашё ишлатилган бўлса, унинг табиатини, қўл остида бўлган ва зарба беришда ишлатилган объектнинг техник тавсифини, аффект ҳолатида инсон одатда махсус тайёрланган қуролни эмас, балки қўлига тушган тасодифий ашёни ишлатгани аниқланиб, бу экспертиза ашёнинг олдиндан тайёрлангани ёки тасодифийлигини;

4) суд-биологик ва одам ДНКси суд-биологик экспертизаси иштирокчиларнинг воқеа жойидаги мавжудлигини ва жисмоний алоқаси тасдиқланади, қон излари, сўлак, соч ёки тери ҳужайралари (тўқималар) кимга тегишли эканлиги аниқланади, жабрланувчи ва айбдор ўртасида яқин

масофада кураш бўлганлигини ва қон изларининг жойлашуви орқали воқеа динамикасини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси агар воқеа жойида кузатув камераси бўлса, тасвирларни таҳлил қилиб, шахснинг ҳаракатларидаги “ваҳима” ёки “тартибсизлик” аломатларини, видеода жабрланувчининг айбдорга нисбатан ишлатган ғайриқонуний зўрлик ишлатиш билан боғлиқ таҳдидларининг ҳақиқийлигини, видеодаги овоз ва тасвирнинг синхронлигини, айбдорнинг юз ифодаси (мимикаси) ва ҳаракатларида кучли руҳий ҳаяжонланиш аломатлари (масалан, юзнинг қизариши, тартибсиз ҳаракатлар) акс этган-этмаганлигини;

6) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жабрланувчи томонидан юборилган оғир ҳақорат ёки ғайриқонуний ҳаракатларнинг изини топиш учун шахснинг телефони ёки компьютерига келган киберҳужумни масалан, яқин кишисининг ўлими ҳақидаги сохта хабар ёки интим суратларни тарқатиш билан қўрқитишни тиклаш орқали бу аффект ҳолатини келтириб чиқарган “триггер” (туртки)лигини, жабрланувчидан келган ҳақоратли хабар, видео ва айбдор томонидан жавоб тариқасида амалга оширилган киберҳужум масалан, жабрланувчининг ақлли уй тизимига кириб, иситиш қозонини портлатиш ёки қурилмаларини ишдан чиқариш ўртасидаги сонияларни, айбдор ҳужумни олдиндан пухта режалаштирганлигини ёки ҳиссиётлар таъсирида тартибсиз, хаотик ва шошилинч равишда амалга оширганлигини, айбдорнинг компьютер тизимида жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатларини тасдиқловчи (масалан, шантаж файллар, таъқиб хатлари) мавжудлигини;

7) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси жабрланувчи томонидан юборилган матн ёки овозли хабарларда оғир ҳақорат мавжудлигини, унинг шахсни нақадар пастга уришини ва ижтимоий одоб нормаларига зидлигини, хабарларнинг контекстини: унда айбдорнинг яқин кишиларининг ўлими ёки соғлиғига зиён етказиш билан боғлиқ реал таҳдидлар бор-йўқлигини, ишлатилган сўзлар ва иборалар инсон руҳиятига кучли зарба бериш даражасидаги эмоционал юкламага эга эканлигини, жабрланувчининг хабарлари ҳақиқатда оғир ҳақорат эканлигини тасдиқлаш учун ёзишмалардаги сўзларнинг шахс шаъни ва қадр-қимматини қай даражада камситганини;

8) суд-электротехника экспертизаси электр тизимига берилган юклама ёки техник буйруқ қандай оқибатларга олиб келганини масалан, кучли куйиш ёки жароҳат етказиш даражасини, ушбу техник таъсир айнан киберҳужум натижаси эканлигини ва у жабрланувчининг соғлиғига ўртача ёки оғир шикаст етказиш учун етарли бўлганини;

9) суд-хатшунослик экспертизаси провокацион хатни ёзган шахснинг (жабрланувчининг) шахсини, хат ёзилаётган вақтда жабрланувчининг ўз ҳаракатларини атайлаб (айбдорни ғазаблантириш учун) амалга оширганини билдирувчи қўл ҳаракатидаги хусусиятларни аниқлайди.

2.4-§. Зарурий мудофаа чоралари чегарасидан четга чиқиб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

107-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[44].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[45].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт.

---

[44] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[45] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[46].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини

[46] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[47].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[47] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[48].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмишнинг зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш йўли билан содир этилиши;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида қуйидагилардан ҳеч бўлмаса бири вужудга келган вақтдан бошлаб жиноят **тамомланган** саналади:

1) кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш;
2) бирон аъзонинг ишдан чиқиши;
3) бирон аъзонинг фаолияти тамоман йўқолиши;
4) руҳий ҳолатининг бузилиши;

[48] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5) соғлиғининг бошқача тарзда бузилиши;

6) умумий меҳнат қобилиятининг камида ўттиз уч фоизидан юқори бўлган қисмининг доимий йўқолиши;

7) ҳомиланинг тушиши;

8) баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши.

Юқоридагилар ЖКнинг 104-моддасидаги шарҳда тушунтирилган.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки мажбурий жамоат ишлари ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1. Киберҳужумни қайтаришда масофавий қурилмалардан фойдаланиш усули. Мисол учун, агар шахснинг ахборот-коммуникация технологияларига (масалан, шахсга доир ёки шахсий маълумотлари, крипто-активлари ёки бошқарув тизимларига) реал вақтда ноқонуний киберҳужум бўлаётган бўлса ва ушбу ҳужумни тўхтатишнинг бошқа имкони бўлмаса, ҳимояланувчи ҳужумчининг шахсини ва турган жойини ахборот-коммуникация технологиялари орқали аниқлайди ва ҳужумни қайтариш мақсадида ҳужумчининг танасига боғланган электрон қурилмаларга (кардиостимулятор, инсулин помпаси) масофавий таъсир ўтказиб, унинг ишини бузади.

2. “Ақлли уй” ва саноат объектларини бошқариш тизимлари орқали жабрланувчи (ҳужумчи) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб айбдорнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солувчи ҳаракатни бошлаганда (масалан, масофадан туриб уйдаги техник тизимларни портлатиш ёки заҳарли газ чиқариш билан таҳдид қилганда) айбдор ҳужумчининг бошқарув тизимини “акс-ҳужум” (counter-hack) орқали эгаллаб олиши ва ҳужумчи турган хонадаги техник жиҳозларни (масалан, юқори кучланишли электр ёки портловчи техник воситаларни) ишга тушириб, унга оғир шикаст етказиши мумкин.

3. Дрон ва робототехника воситалари ёрдамида ҳимояланиш усули. Мисол учун, агар ҳужумчи ахборот-коммуникация технологиялари орқали бошқариладиган дрон ёки бошқа техника воситаси билан айбдорга ҳужум қилса, айбдор ушбу дроннинг бошқарувини қўлга олиб, уни ҳужумчининг ўзига қарши йўналтириши ва ҳужумчининг ҳаётига хавф туғдирмайдиган ҳолатда ҳам (масалан, ҳужум тўхтаган бўлса-да) дрон ёрдамида унга оғир тан жароҳати етказиши мумкин.

4. Биометрик ва тиббий ахборот-коммуникация технологияларига оид инфратузилма орқали. Мисол учун, ҳужумчи айбдорга нисбатан реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологиялари орқали зўрлик ишлатганда ёки унинг яқинлари ҳаётига хавф солувчи бошқарувни амалга ошираётганда, айбдор ҳужумчининг тиббий мониторинг тизимларига кириб, унга юқори частотали акустик ёки визуал сигнал юбориш орқали (масалан, нейро-интерфейслар орқали) унинг асаб тизимига оғир ва қайта тикланмас шикаст етказиши мумкин.

Ушбу жиноятни квалификация қилиш учун қуйидагилар муҳим мезонларлар саналади:

Мезонлар	Мазмуни
Ҳужумнинг мавжудлиги	жабрланувчи томонидан ахборот-коммуникация технологиялари орқали айбдорнинг ҳуқуқларига ёки шахсига нисбатан реал хавф туғдирувчи ҳужум бошланган бўлиши керак.
Мудофаанинг зарурияти	ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган акс-ҳаракат фақат ҳужумни қайтаришга қаратилган бўлиши лозим.
Чегарадан четга чиқиш	мудофаа воситалари ва усуллари ҳужумнинг характери ва хавфлилик даражасига мутлақо мос келмаслиги (масалан, оддий маълумот ўғирлигига жавобан соғлиққа оғир шикаст етказиш).

Юқоридаги ҳар бир ҳолат суд-компьютер-техникавий экспертиза орқали текширилиши шарт. Бунда, Intrusion Logs (Кириш логлари), яъни киберҳужумчининг тизимга сизиб кириш вақти ва амалга оширган зарарли ҳаракатлари, Active Response Scripts яъни мудофаланувчи томонидан ҳужумчини тўхтатиш учун ишлатилган қарши зарба кодлари, масалан, ҳужумчининг қурилмасини портлатишга ёки юқори кучланиш беришга қаратилган манипуляциялар, геолокация маълумотлари, мудофаланувчи ҳужумчининг қаердалигини рақамли йўл билан аниқлаб, ўша ерга бориб жисмоний куч ишлатганини тасдиқловчи маълумотлар таҳлил қилиниши лозим. Улар натижасида дастлабки киберҳужумнинг реал хавфи баҳоланади, масалан, ҳакер шунчаки сайтни бузганми ёки ҳаётий муҳим тизимларни (касалхона, электр станцияси) назоратга олганми деган масалага аниқлик киритиб, комплекс экспертиза тайинланади ва унда етказилган оғир шикаст ва киберҳужумни қайтариш зарурияти ўртасидаги мутаносиблик ўрганилади, шундан кейин психологик экспертизада мудофаланувчи ҳужумнинг кўламини тўғри баҳолай олганми ёки қўрқув ва ҳаяжон натижасида чегарадан чиқиб кетганми, деган масалага

ойдинлик киритилади. Юқоридаги барча ҳаракатлар агарда зарур далиллар етарли бўлса, комплекс экспертизада ҳам бирданига аниқланиши мумкин.

Қуйидаги экспертизалар орқали ҳам кибержиноятни фош этиш мумкин, жумладан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси зарурий мудофаа ҳолатини келтириб чиқарган сабабларни, жабрланувчи (ҳужумчи) томонидан юборилган реал вақтдаги таҳдидлар, кибертаъқибни ёки шахсий маълумотларни эълон қилиш билан қўрқитиш ҳолатлари мавжудлигини, мудофааланувчи шахсда ҳаётим ёки соғлиғим хавф остида деган асосли қўрқув пайдо бўлганини, дастлаб ким кимга ҳужум қилганини ва ҳужумнинг реал хавфлилик даражасини масалан, жабрланувчи айбдорнинг банк тизимини бузиб кираётган бўлганми ёки йўқлигини, айбдорда ҳужумни тўхтатиш учун хавфсизроқ йўл масалан, шунчаки блок қилиш бўлганлигини ёки жабрланувчининг соғлиғига зарар етказувчи дастурий код ягона чора бўлганини, жабрланувчининг ҳужуми тўхтаган вақт билан айбдорнинг акс-ҳужуми тўхтаган вақт ўртасидаги фарқни агар ҳужум тўхтагандан кейин ҳам таъсир давом этган бўлса, бу чегарадан чиқиш ҳисобланишини;

2) видеоматериалларнинг суд экспертизаси тўқнашув содир бўлган жойдаги видеоёзувлар (камералар ёки телефондаги стримлар) кадрбай-кадр таҳлил қилиб, ҳужумнинг бошланиш вақти ва мудофааланувчининг жавоб ҳаракатларини, мудофаа чегараси айнан қайси сонияда бузилганлигини, масалан, ҳужумчи ерга йиқилгандан кейин ҳам зарба берилганлигини, экран ёзувлари (log-video) ёки кузатув камералари орқали жабрланувчининг таҳдидли ҳаракатлари ва айбдорнинг ҳимояланиш ҳаракатлари кетма-кетлигини, видеода акс этган ҳақиқий ҳолат билан айбдорнинг кўрсатмалари ўртасидаги мувофиқликни;

3) суд-психологик экспертизаси мудофааланувчининг ҳужум пайтидаги ички руҳий ҳолати қандай бўлганлигини, кибертаҳдидлардан кейинги руҳий босим шахснинг хавфни тўғри баҳолаш қобилиятига қандай таъсир қилганини, қўрқув ва қасд ўртасидаги чегарани, айбдор ҳужумни қайтараётган вақтда қўрқув ва ҳаяжон ҳолатида бўлганлигини ва бу унинг хавф даражасини тўғри баҳолашига қанчалик халақит берганлигини, шахсда жабрланувчини майиб қилиш қасди бўлганлигини ёки у фақат ўз мулкини ёки маълумотларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилганлигини, ҳужумнинг тўсатданлиги ва унинг айбдор руҳиятига таъсири натижасида юзага келган ҳимоя инстинктининг чегарадан чиқишга таъсирини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тармоқда қолган ёзишмалардаги таҳдидлар мазмунини, сўзларнинг қай даражада агрессив ва реал хавф туғдирганлигини, жабрланувчининг (хакернинг) таҳдидлари нақадар реал ва даҳшатли бўлганини масалан, ҳозир уйингни портлатаман ёки сирингни очаман каби қўрқитишлар маъносини, айбдорнинг “тўхта, қилма, бўлмаса акс чора кўраман” деган огоҳлантиришлари бор-йўқлигини;

5) суд-трасологик экспертизасида тўқнашув жойидаги излар, кураш белгилари ва зарба бериш йўналишлари ўрганилади, ким биринчи ҳужум қилгани ва мудофааланувчининг зарбалари фақат ўзини ҳимоя қилишга

қаратилганми ёки ҳужум тўхтаганидан кейин ҳам давом этганми (чегарадан чиқиш далили) деган масалаларни;

6) совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси мудофаада ишлатилган ашё текширилиб, агар шахс мудофаа учун олдиндан махсус қурол тайёрлаб келган бўлса, бу унинг зарурий мудофаа эмас, балки қасддан шикаст етказишга тайёргарлигини;

7) суд-биологик ва Одам ДНКси экспертизаси воқеа жойидаги биологик излар (қон, сўлак, тўқималар) орқали иштирокчиларнинг жисмоний алоқасини, жабрланувчи ва мудофааланувчи ўртасидаги масофа ва кураш механизмини;

8) суд-электротехника экспертизаси юборилган электр кучланиши ёки сигналнинг қувватини, бу сигнал фақат компьютерни куйдириш учунмиди ёки инсонни ток уришига сабаб бўлиши олдиндан маълуммиди деган масалани, техник қурилманинг масалан, VR-шлем ёки тиббий сенсор портлаши ёки қизиб кетишига сабаб бўлган дастурий буйруқ ва етказилган оғир шикаст ўртасидаги бевосита боғлиқликни;

9) суд-автотехника-трассалогик экспертизаси ҳимояланиш мақсадида автомобилнинг электрон тизимига берилган буйруқ мутаносиблигини, масалан, автомобиль тезлигини секинлаштириш ўрнига кескин тормоз бериб, ағдарилиб кетишига сабаб бўлинганлигини, тўқнашувнинг олдини олишнинг бошқа техник имкониятлари мавжуд бўлган-бўлмаганлигини аниқлайди.

2.5-§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

108-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[49].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

[49] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[50].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[51].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир

---

[50] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[51] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[52].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[52] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[53].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмишнинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш йўли билан содир этилиши;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида қуйидагилардан ҳеч бўлмаса бири вужудга келган вақтдан бошлаб жиноят **тамомланган** саналади:

1) кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш;
2) бирон аъзонинг ишдан чиқиши;

[53] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3) бирон аъзонинг фаолияти тамоман йўқолиши;

4) руҳий ҳолатининг бузилиши;

5) соғлиғининг бошқача тарзда бузилиши;

6) умумий меҳнат қобилиятининг камида ўттиз уч фоизидан юқори бўлган қисмининг доимий йўқолиши;

7) ҳомиланинг тушиши;

8) баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши.

Юқоридагилар ЖКнинг 104-моддасидаги шарҳда тушунтирилган.

Умуман олганда, бу тоифадаги жиноятларда ахборот-коммуникация технологиялари жиноят қуроли ёки воситаси эмас, балки ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаши, кибертузоқ, киберкишан вазифасини бажариши зарур бўлган ҳолда, бундан салбий ҳолатлар вужудга келиб, жабрланувчи оғир тан жароҳати олади. Мазкур қилмиш жабрланувчи оғир тан жароҳати олган вақтдан бошлаб **тамомланган** саналади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки мажбурий жамоат ишлари ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) **масофавий блокировка ва техник таъсир усули**. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс (масалан, киберўғрилик қилган шахс) автомобилда

ёки бирор техник воситада қочишга уринганда, айбдор ахборот-коммуникация технологиялари орқали қочаётган шахс бошқарувидаги транспорт воситасининг электроника тизимига (CAN-bus тармоғига) бузиб кириши ва уни шунчаки тўхтатиш (масалан, двигателни блоклаш) ўрнига, юқори тезликда ҳаракатланаётган транспортнинг тормоз тизимини кескин блоклаши ёки бошқарувни издан чиқариши ҳамда натижада транспорт воситаси ҳалокатга учраши ва шахсга оғир тан жароҳати етиши мумкин. Бу ерда ушлаш мақсади бўлса-да, қўлланилган усул шахснинг соғлиғи учун ҳаддан ташқари хавфли бўлганлиги учун ҳам мазкур қилмишни содир этган айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 108-моддаси билан квалификация қилинади.

2. “Ақлли” тўсиқлар ва инфратузилмадан фойдаланиш. Қочаётган шахсни бино ёки ҳудуд ичида тўхтатиш мақсадида айбдор бинонинг интеллектуал бошқарув тизими (Building Management System) орқали лифтларни, автоматик эшикларни ёки ёнғинга қарши тизимларни назоратга олиши, шахсни қамаб қўйиш ўрнига, у ўтаётган жойдаги оғир металл дарвозаларни ёки лифт механизмларини шахснинг устига тушириб юбориши ёки унга юқори кучланишли электр токи билан таъсир ўтказиши натижада шахс ушланиши, лекин унинг соғлиғига тиклаб бўлмайдиган оғир зиён етиши мумкин.

3. Биотиббий ахборот-коммуникация технологиялари орқали “ушлаш”. Агар қочаётган шахснинг танасида масофавий бошқариладиган тиббий мосламалар мавжудлиги айбдорга маълум бўлса, шахсни жисмоний қувиб етиш имкони бўлмаган айбдор ахборот-коммуникация технологиялари орқали шахснинг кардиостимулятори ёки бошқа ҳаётий муҳим қурилмасига киберҳужум қилиб, унинг ишлаш тезлигини кескин пасайтириши ёки шахс ҳушини йўқотиб тўхташи учун вақтинчалик тўхтатиши ва натижада қурилманинг иши издан чиқиши туфайли шахсда клиник ўлим ҳолати ёки аъзоларининг оғир шикастланиши юз бериши мумкин ва у “ушлаш чораси" сифатида ҳаддан ташқари юқори (номутаносиб) ҳисобланиши мумкин.

4. Дронлар ва робототехника орқали куч ишлатиш. Қочаётган шахсни тўхтатиш учун учувчисиз учиш аппаратларини йўналтириш ва айбдор дрон ёрдамида шахсни кузатиб бориши ва уни тўхтатиш учун дронни шахснинг оёқларига ёки танасига катта тезликда уриши ёки дронга ўрнатилган механик воситалар билан унга зарба бериши ҳамда натижада шахс йиқилиши ёки дрон парракларидан оғир жароҳат олиши мумкин.

Мазкур қилмиш бўймича мажбурий равишда **суд-компьютер техникавий экспертизаси** тайинланиши ва суд-компьютер-техникавий экспертизасида қуйидагилар аниқланиши лозим:

Дастурий таъсир излари: Транспорт ёки бино бошқарув тизимига ташқи таъсир бўлганми?

Муқобил вариантлар: Тизимни шикаст етказмасдан блоклаш техник жиҳатдан мумкинмиди?

Қасднинг йўналиши: Айбдорнинг дастурий коди фақат “тўхтатиш”га эмас, балки айнан “шикаст етказиш”га (масалан, тизимни портлатиш ёки кескин тўхтатиш коди) мослаштирилганми?

Digital Trail (Рақамли из): Айбдорнинг жиноятчини қандай қилиб ИТ-технологиялар орқали кузатиб боргани (IP-траффик, MAC-адрес бўйича қидирув).

Surveillance Logs: Агар ушлаш жараёни “ақлли шаҳар” камералари ёки шахсий дронлар орқали ёзиб олинган бўлса, ўша видеоматериаллар.

Communication Records: “Уни топдим, ҳозир қўлга оламан” мазмунидаги хабарлар ёки тезкор гуруҳлар билан ёзишмалар.

Мазкур экспертиза натижасида жабрланувчи содир этган дастлабки кибержиноятнинг кўлами аниқланади, шундан кейин суд-тиббий экспертизасида оғир шикаст айнан ушлаш вақтида етказилганини ва унинг характерини аниқланиб, ситуацион криминалистик экспертизада кибержиноятчини оғир жароҳат етказмасдан ушлаш имконияти бор-йўқлигини (масалан, фақат қўлини қайириш ёки тармоқни блоклаш орқали) моделлаштирилади.

Ушбу жиноят фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, жумладан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизасида айбдор томонидан жиноятчини тўхтатиш учун юборилган дастурий код ёки буйруқ қандай мақсадга йўналтирилганини (фақат тизимни блоклаш учунми ёки физик қурилмани портлатиш ёки куйдириш учунми), айбдорда жиноятчининг соғлиғига оғир шикаст етказмасдан туриб, унинг локациясини аниқлаш ёки тармоқдан узиб қўйиш каби хавфсизроқ техник имкониятлар бўлган-бўлмаганлигини, жиноятчи қаршиликни тўхтатганидан (ёки тармоқдан узилганидан) кейин ҳам айбдор кибертаъсирни давом эттирган-эттирмаганлигини (агар давом эттирса, бу чегарадан чиқишни англатади), ушланаётган шахснинг ҳақиқатан ҳам ижтимоий хавфли қилмиш (кибержиноят) содир этганини асослаш учун ушланаётган шахснинг қурилмаларидаги жиноий изларни (масалан, банк тизимига ҳужум, маълумотларни ўғирлаш ёки зарарли дастур тарқатиш), ушлаётган шахсда (фуқаро ёки ходим) гумонланувчини тўхтатиш учун ҳуқуқий асос бўлганлигини ва жиноятчининг хавфлилик даражасини;

2) видеоматериалларнинг суд экспертизасида жиноятчининг хатти-ҳаракатлари (қаршилиги) қанчалик фаол ва хавфли бўлганини, ушлаш чораси қўлланилган аниқ вақтда жиноятчи қочишга уринаётган эдими ёки таслим бўлгандими (бу оғир шикаст етказишнинг чегарадан чиқиш эканлигини тасдиқловчи асосий визуал далилдир)ушлаш жараёнида содир бўлган воқеаларни, ушлаш вақтида жиноятчи қаршилик кўрсатдими, унда қурол бормиди, ушлаётган шахс чегарадан қайси лаҳзада чиқди деган масалаларни, кадрбай-кадр таҳлил қилиш орқали баданга оғир шикаст етказиш заруриятмиди ёки ортиқча зўравонлик эканлигини;

3) суд-трасологик экспертизаси тўқнашув жойидаги жисмоний ҳаракатлар динамикасини тикланади, ушлаш жойидаги оёқ излари, кураш белгилари ва жабрланувчининг (ушланаётган шахснинг) баданидаги шикастларнинг йўналишини ўрганилиб, зарбалар шахс қочаётганда (орқадан) берилганлигини ёки бевосита ҳужум қайтарилаётганлигини;

4) суд-психологик экспертизаси айбдор жиноятчини ушлаш жараёнида стресс ёки ҳаяжон ҳолатида вазиятни ва ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини тўғри баҳолай олганлигини, айбдорда жиноятчини атайлаб майиб қилиш (қасос олиш) нияти бўлганлигини ёки у бундай оғир оқибат келиб чиқишини хоҳламаган ҳолда, фақатгина уни ушлашни мақсад қилганлигини, шлаётган шахснинг руҳий ҳолатини ва вазиятни қандай баҳолаганини, ушлаётган шахс жиноятчининг хавфлилик даражасини тўғри

баҳолай олганлигини, унда жиноятчи қочиб кетади ва жазосиз қолади деган қўрқув натижасида юзага келган ҳаддан ташқари ҳаяжон бўлганлигини;

5) совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси ушлаш вақтида ишлатилган ашёни масалан, кишан, таёқ ёки қўл остидаги бошқа воситани текшириб, ишлатилган воситанинг шикаст етказиш кучи ушлаш учун мутаносиб бўлган-бўлмаганлигини;

6) суд-биологик ва одам ДНКси экспертизаси воқеа жойидаги биологик намуналар орқали жисмоний тўқнашув нуқталари тасдиқланади, жиноятчи ва уни ушлаётган шахс ўртасидаги жисмоний алоқани ва кураш механизмини;

7) суд-автотранспорт-трассалогик экспертизаси автомобилни масофадан тўхтатиш учун берилган буйруқ (масалан, 120 км/соат тезликда кетаётганда рулни кескин буриш ёки тормозни блоклаш) техник жиҳатдан авария ва оғир жароҳатланишга муқаррар равишда олиб келишини, авария натижасида олинган оғир шикастланиш автомобилнинг ўзидаги носозлик туфайли эмас, балки айнан ташқи кибер-аралашув сабабли юз берганини;

8) суд-электротехника экспертизаси қурилманинг ишдан чиқиши ва ундан чиққан юқори ҳарорат, учқун ёки ток уриши жиноятчининг соғлиғига оғир шикаст (масалан, оғир даражадаги куйиш) етказиш учун етарли бўлганлигини, бундай техник таъсир ушлаш учун мутаносибми ёки ундан очиқчасига ошиб тушишини;

9) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси ушлашдан олдин айбдор томонидан жиноятчига “Таслим бўл, акс ҳолда тизимингни ишдан чиқараман” қабилидаги огоҳлантиришлар берилган-берилмаганлигини, хабарлар мазмунида фақат тўхтатиш мақсади бўлганми ёки ўлдириш ёки майиб қилиш таҳдиди ҳам аралашганлигини аниқлайди.

2.6-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

109-модда. Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ушбу Кодекснинг 126[1]-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса –
базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:
а) диний таассублар замирида;
б) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб;
в) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –
бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[54].

Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[55].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан

[54] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[55] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[56].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[57].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва

---

[56] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[57] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

(ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш тақиқланади[58].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[59].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган

---

[58] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[59] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[60].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

[60] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмиш таркибида ЖКнинг 126^1-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаслиги керак;
7) қилмиш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлиши керак;
8) қилмиш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлиши зарур;
9) алоқа;
10) ахборот;
11) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
12) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қасддан баданга енгил шикаст етказиш натижасида қуйидагилардан ҳеч бўлмаса бири вужудга келган вақтдан бошлаб жиноят **тамомланган** саналади:

1) соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви;
2) умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган.

Умуман олганда, бу тоифадаги жиноятларда ахборот-коммуникация технологиялари жиноят қуроли ёки воситаси эмас, балки ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаши, кибертузоқ, киберкишан вазифасини бажариши зарур бўлган ҳолда, бундан салбий ҳолатлар вужудга келиб, жабрланувчи оғир тан жароҳати олади. Мазкур қилмиш жабрланувчи оғир тан жароҳати олган вақтдан бошлаб **тамомланган** саналади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки мажбурий жамоат ишлари ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1. Визуал ва акустик таъсир усуллари:

Фотосенситив ҳужумлар: Эпилепсия ёки асаб касалликларига мойил шахсларга ижтимоий тармоқлар орқали стробоскопик (махсус частотада липиллаб турувчи) видео юбориш натижасида 6-21 кун давомида бош оғриғи, кўриш қобилиятининг вақтинчалик пасайиши ёки хушдан кетиш кузатилади.

Акустик зарба: Наушникда турган шахсга юқори частотали ва баландликдаги товуш сигналлари юбориш туфайли қулоқ пардаси шикастланиши ёки вақтинчалик эшитиш қобилияти йўқолиши мумкин.

2. Масофавий тиббий-техник таъсир усули. Шахснинг соғлиғини назорат қилувчи (масалан, уй шароитида ишлатиладиган ва Wi-Fi орқали бошқариладиган терапевтик аппаратлар) қурилмаларининг ишлаш режимини масофадан ўзгартириш. Бу терининг енгил куйишига, мушакларнинг қисқа муддатли фалажланишига ёки қон босимининг кескин ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

3. “Ақлли уй” тизимлари орқали таъсир қилиш усуллари:

Ҳарорат ва ёруғлик экстремуми: Шахс ухлаётган ёки дам олаётган вақтда “Ақлли уй” тизимини бузиб кириш орқали кондиционер ёки иситиш тизимини инсон соғлиғи учун зарарли даражага (ўта совуқ ёки иссиқ) кўтариш ва бунинг натижасида шахснинг нафас йўллари яллиғланиши ёки иссиқ уриши каби енгил шикастлар олиши мумкин.

Ёритиш тизими билан манипуляция: Тунги вақтда чироқларни тинимсиз ёқиб-ўчириш ёки максимал ёркинликка созлаш орқали шахсда уйқусизлик, қаттиқ стресс ва натижада асаб тизимининг 21 кунгача даволаниш талаб этадиган бузилишига сабаб бўлиш мумкин.

4. Кибербуллинг, шу жумладан, психоэмоционал босим орқали физиологик зиён етказиш усули. Бу усул фақат руҳий эмас, балки жисмоний оқибатларга олиб келганда ЖК 109-модда билан квалификация қилинади. Мисол учун, шахс ҳақида ўта шахсий ёки сохта шармандали маълумотларни тарқатиш орқали уни кучли стресс ҳолатига солиш, агар бу стресс натижасида шахсда юрак хуружи (енгил кўриниши), ошқозон ярасининг қўзиши ёки бошқа физиологик касаллик юзага келиб, у 6 кундан ортиқ даволанса, бу қилмиш таркиби вужудга келиб қолиши мумкин.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб баданга енгил шикаст етказишда жисмоний контакт (уриш-дўппослаш) бўлмайди, балки инсон соғлиғига технологик таъсир ўтказилади. Жиноят тамомланган деб ҳисобланиши учун соғлиқнинг бузилиши далили тиббий экспертиза томонидан тасдиқланиши шарт. Ушбу қилмиш баданга енгиш шикаст етказилган вақтдан бошлаб тамомланган саналади.

Жиноят кодексининг 109, 105, 104, 103, 103[1]-моддасида назарда тутилган кибержиноятлар кибербуллинг тарзида содир этилган бўлса, уларнинг ҳар бир даражаси, ушбу қилмиш оқибати туфайли етказилган зарарга қараб аниқланади ва тегишлича квалификация қилинади. Яъни, жабрланувчи кбиербуллинг натижасида ўз-ўзини суиқасд қилмади, балки ўзига руҳий зарба натижасида мажбурий енгил, ўртача оғир ёки оғиршикаст етган бўлса, ЖКнинг 109, 105 ва 104-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Қилмишнинг диний таассублар замирида, бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб ёки қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи зарурий белги сифатида инобатга олинади.

ЖКнинг 104-105 ва 109-моддаларида назарда тутилган қилмишларни содир этишда қурол ёки совуқ қурол сифатида айбдор дрон, робот, интеллектуал “Ақлли уй” воситалари (IoT devices), лазерли ва нурли қурилмалар, электромагнит ва акустик воситалар, виртуал ва тўлдирилган борлиқ (VR/AR) воситалари, смарт-транспорт воситалари (микро-мобиллик) ёки шунга ўхшаш ахборот-коммуникация технологиясидан фойдаланиши мумкин.

Ушбу жиноят фош этилиши учун Social Media Uploads, яъни жиноят содир этилганидан сўнг мақтаниш ёки “хайп” учун юкланган видео ва фотолар, Private Chat Coordination, яъни бир гуруҳ шахслар бўлиб ҳаракат қилинганини исботловчи ижтимоий тармоқлардаги келишувлар, E-Wallet Transactions, яъни агар жиноят буюртма асосида бажарилган бўлса, электрон ҳамёнлар (Click, Payme, Crypto ва хк.) орқали ўтказилган тўлов излари олиниши ва таҳлил қилиниши шарт.

Ушбу жиноят фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жабрланувчи тақиб юрган смарт-соат ёки қулоқчин (наушник) дастурига кирилиб, унинг батареясини атайлаб қиздириш ёки баланд товуш частотасини юбориш буйруғи берилганлигини, юборилган зарарли коднинг алгоритми фақат қурилмани бузишга эмас, балки ундан фойдаланаётган инсонга жисмоний ёки сенсор (кўриш, эшитиш) дискомфорт ва енгил жароҳат етказишга йўналтирилганлигини, кибержиноятчининг IP-манзили, ишлатган дастурлари ва қурилмага уланган вақтинингизонинг ижтимоий тармоқ ёки мессенжерларда

бошланиши, жиноят содир этилган жойга келиш учун ГПС-координаталар алмашинуви ва жиноий келишув, агар жиноят ўзаро ёзишмалар орқали ўзаро қасднинг мавжудлигини;

2) видеоматериалларнинг суд экспертизаси уй ичидаги видеокамералар ёки дрон хотирасидаги видеоёзувларнинг оригинал эканлигини ва унда монтаж йўқлигини, электрон қурилманинг (масалан, дроннинг) ҳаракат траекторияси тасодифий эмаслигини ва атайлаб жабрланувчи томон йўналтирилиб, унга зарба (енгил шикаст) берганлигини акс эттирувчи визуал далилларни воқеа жойидаги камералар ёки мобил телефонларга олинган тасвирлар таҳлил қилиб, енгил шикаст етказишда ишлатилган ашёлар аниқланади ва жиноятчиларнинг шахсини, жиноятда "қурол ёки совуқ қурол сифатида ишлатилган ашё" қўлланганини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси киберҳужумдан олдин ёки кейин жиноятчи томонидан қолдирилган хабарлар, аудио ёзувлар ёки дастур коди ичидаги изоҳларнинг (комментарияларнинг) лингвистик мазмунини, матнда диний, миллий ёки бошқа турдаги мутаассибликни тарғиб қилувчи ва айнан шу мотив асосида жабрланувчига жисмоний зарар етказиш қасди яширинганлигини, ёзишмалардаги мазмун таҳлил қилиниб, агар жиноят диний таассублар замирида содир этилган бўлса, эксперт ёзишмаларда нафрат ёки таассуб аломатлари борлигини;

4) суд-трасологик экспертизаси бадандаги шикастлар (шилинмалар, қонталарашлар) ва кийимдаги излар ўрганилиб, шикастлар айнан қайси ашё (масалан, телефон корпуси, калит ёки бошқа қаттиқ жисм) билан етказилганини ва зарбаларнинг механизмини;

5) совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси айбдордан олинган ва шикаст етказишда қўлланилган ашё текширилиб, ушбу ашёнинг совуқ қурол тоифасига кириши ёки кирмаслигини;

6) суд-биологик ва одам ДНКси экспертизаси енгил шикастланиш жойида қолган микро-излар (масалан, тирнаш натижасида қолган тери тўқималари ёки оз миқдордаги қон) аниқланиб, жисмоний контакт бўлганлигини ва айбдорнинг шахсини;

7) суд-электротехника экспертизаси март-қурилманинг қизиб кетиши ёки кичик қисқа туташуви завод носозлиги туфайли эмас, балки ташқи дастурий таъсир (масалан, процессорни 100% юкламада ишлашга мажбурлаш) оқибатида юз берганини, ажралиб чиққан иссиқлик ёки электр энергияси миқдори инсон терисида енгил даражадаги (1-даражали) куйишни келтириб чиқариш учун етарли бўлганини;

8) суд-психологик экспертизаси рақамли муҳитда (масалан, VR муҳитида) қўлланилган тўсатдан қўрқитиш (скримерлар) ёки флеш-эффектлар жабрланувчида енгил даражадаги руҳий-асаб бузилишини келтириб чиқарганлигини, соғлиқнинг ёмонлашуви ва айбдорнинг рақамли хатти-ҳаракатлари ўртасидаги тўғридан-тўғри сабабий боғланишни;

9) суд-тиббий экспертизаси тан жароҳатининг оғирлик даражасини ва уни келиб чиқиш характерини аниқлайди.

2.7-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қийнаш жиноятининг юридик-техник таҳлили

110-модда. Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, агар ушбу Кодекснинг 104, 105-моддаларида, 126[1]-моддасининг тўртинчи – саккизинчи қисмларида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсга нисбатан;

б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[61].

Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[62].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши

---

[61] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[62] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[63].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[64].

Фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[65].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан

---

[63] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[64] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[65] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[66].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий

[66] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[67].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш

[67] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[68].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмиш ЖК 104, 105-моддаларида, 126^1-моддасининг тўртинчи-саккизинчи қисмларида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаслиги зарур;
7) қилмиш муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан содир этилиши зарур;
8) алоқа;
9) ахборот;
10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб муттасил равишда, яъни камида икки ва ундан ортиқ марта дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб.

---

[68] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1. Физиологик азоб бериш (Муҳитни бошқариш орқали). Мисол учун, “Ақлли уй” ёки “Ақлли бино” тизимларига бузиб кириш орқали инсон организмига тизимли таъсир ўтказиш мумкин. Жумладан:

Акустик ҳужум: жабрланувчи яшайдиган хонада масофадан туриб ўта баланд, кескин ёки инсон қулоғига ёқмайдиган (инфразвук/ультразвук) овозларни кун-у тун тинимсиз қўйиш уйқусизлик ва асаб тизимининг чарчашига олиб келади.

Термик азоб бериш: Иситиш ёки кондиционер тизимларини бошқариш орқали хона ҳароратини атайлаб ўта иссиқ ёки ўта совуқ даражада сақлаб туриш ёки уларни тез-тез алмаштириш мумкин.

Свето-оптик таъсир: “Ақлли” чироқларни тинимсиз липиллатиш (стробоскоп эффекти), тунги вақтда кескин ёруғлик бериш орқали шахснинг биоритмини бузиш ва кўзларини чарчатиш мумкин.

2. Тиббий ва биометрик қурилмалар орқали қийнаш. Инсон танасига ўрнатилган ёки унга доимий уланган ахборот-коммуникация технологияларини жиноят қуролига айлантириш мумкин. Жумладан:

Имплантлар манипуляцияси: Кардиостимулятор, инсулин помпаси ёки нейростимуляторларнинг ишлаш параметрларини масофадан ўзгартириб, шахсда мунтазам оғриқ, юрак безовталиги ёки ҳолсизликни келтириб чиқариш мумкин.

Биометрик қўрқитиш: шахснинг соғлиғини назорат қилувчи гаджетларга сохта хабарлар юбориб (масалан, “юрагингиз тўхтамоқда” ёки “қонда қанд миқдори критик”), уни доимий ваҳима (паника) ҳолатида сақлаш мумкин.

3. Рақамли руҳий қийноқ (Cyber-torture). Шахснинг руҳиятига техник воситалар орқали тизимли зарба бериш мумкин, жумладан:

Рақамли таъқиб (Cyberstalking): Шахснинг барча қурилмаларини (камера, микрофон) назоратга олиб, унинг ҳар бир қадамини кузатиш ва бу ҳақда унга мунтазам таҳдидли хабарлар юбориб, “ҳеч қаерда хавфсиз эмаслиги” ҳиссини уйғотиш мумкин.

Deepfake орқали визуал қийноқ: Жабрланувчининг яқинлари ёки унинг ўзи иштирокидаги шармандали ёки қўрқинчли сохта видеоларни мунтазам юбориш мумкин.

Ижтимоий изоляция: Шахснинг барча алоқа воситаларини блоклаб, уни фақат жиноятчи билан мулоқот қилишга мажбурлаш ва рақамли "ёлғизликка" маҳкум этиш мумкин.

4. Робототехника ва дронлар ёрдамида таъсир қилиш мумкин. Жумладан:

Дронлар билан безовта қилиш: шахсни деразаси ёки кўчада дронлар ёрдамида мунтазам таъқиб қилиш, унга тинчлик бермаслик.

Роботлаштирилган қурилмалар: уйдаги робот-чангютгич ёки бошқа масофавий қурилмаларни шахс ухлаётганда унинг устига юриш ёки шовқин солишга дастурлаш.

Бу тоифадаги жиноятлар бўйича албатта суд-компьютер-техникавий экспертизаси ҳам амалга оширилиши лозим. Суд-компьютер техникавий экспертизасида қуйидагилар аниқланиши шарт:

Тизимлилик: Ҳаракатлар мунтазам равишда (камида икки-уч марта) такрорланганми?

Қасд: Қурилмаларнинг нотўғри ишлаши техник хатоликми ёки ташқи масофавий буйруқ натижасими?

Қийнаш (азоб бериш): қўлланилган техник усул инсон организмига физиологик ёки руҳий азоб бериш учун етарлими?

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қийнаш жинояти бу инсоннинг асаб тизими ва руҳиятини мақсадли равишда емиришдир. Бунда жисмоний жароҳат кўринмаса-да, етказилган азобнинг оғирлиги анъанавий қийноқлардан кам бўлмаслиги мумкин.

Қилмишнинг вояга етмаган шахсга, ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга ёки ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Мазкур жиноятда IoT Command Logs, яъни ақлли уй (Smart Home) марказидаги журнал файллар, у ерда чироқ, иситиш тизими ёки аудио-динамикларнинг соатма-соат қандай манипуляция қилингани ва бу буйруқлар қайси IP-манзилдан келгани муҳрланганлигига, Biometric Data Logs, яъни агар жабрланувчи смарт-соат тақкан бўлса, унинг юрак уриши, стресс даражаси ва уйқусизлик вақтлари жиноят содир этилаётган вақтдаги азоб чекиш графигини чизиб беришига, Screen Recordings & Cache, яъни траш-стримлар вақтида браузер кэшида қолган маълумотлар ва трансляция архивига оид рақамли излар олиниши

мумкин. Қилмиш фош этилиши учун суд-тиббий экспертизаси тайинланиб, бадандаги жароҳатлардан ташқари, муттасил уйқусизлик, гипертония ёки шовқин натижасидаги эшитиш пасайиши каби кўринмас жароҳатларни таҳлил қилиниши, суд-компьютер-техниквий экспертизада уйдаги қурилмаларга ташқаридан кибераралашув бўлганини ва бу мақсадли қийноқ эканлигини тасдиқлангани, суд-лингвистик ва психологик экспертизада кибержиноятчининг эфирдаги нутқи ва қурбоннинг реакциясини таҳлил қилиб, ҳаракатларда қийнаш қасди борлиги исботланиши даркор.

Жиноятчи жабрланувчини (кўпинча уйсиз, ногирон ёки иродаси бўш шахсни) тўғридан-тўғри эфир объектига айлантиради. Ҳар бир қийноқ элементи (масалан, юзига газ сепиш ёки муздек сув қуйиш) томошабинлар томонидан молиялаштирилади, юқори техник билимга эга, лекин эмпатияси паст, садистик мойиллиги бор шахслар кибержиноятчи бўлиб, улар учун инсон бу шунчаки контент саналади, жабрланувчи кўпинча ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган бўлади ва ўзига нисбатан қилинаётган ишни иш ёки ҳазил деб ҳисоблайди (Стокгольм синдроми элементлари).

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жабрланувчининг қурилмаларига масалан, ақлли уй чироқлари, кондиционер ёки сигнализация тизимига масофавий киришларнинг неча марта содир бўлгани ва уларнинг вақт оралиғини (муттасилликни тасдиқлаш учун), тунги вақтда тизимли равишда баланд овозли сигналларни ёқиш, чироқларни ўчириб-ёқиш ёки ҳароратни кескин кўтариб-тушириш орқали жабрланувчини жисмоний толиқтириш (қийнаш) фактларини, ушбу ҳаракатлар техник хатолик эмас, балки аниқ бир шахс томонидан масофадан туриб, атайлаб бошқарилганинида жабрланувчининг қурилмаларига (телефон, компьютер) муттасил равишда юборилган хабарлар, қўрқитувчи контент ва таъқиб (cyber-stalking) изларини тикланади, киберқийнашнинг муттасил (тизимли) эканлиги, яъни хабарлар маълум вақт давомида тўхтатовсиз юборилгани ва уларнинг манбасини (IP-манзил, қурилма ID);

2) суд-филологик экспертизаси жабрланувчига юборилган кўп сонли хабарларнинг мазмунида уни маънан қийнаш, руҳиятини синдириш ва доимий босимда тутиб туриш мақсади мавжудлигини, матнлардаги сўзларнинг такрорланиши ва таҳдидли характери шахсни қийнаш элементи сифатида хизмат қилганини, вояга етмаган шахсга нисбатан алоҳида шафқатсизлик ифодаланганлигини, хабарларнинг мазмунини, юборилган матнларда шахсни маънавий қийнашга, унинг иродасини синдиришга ва изтироб беришга қаратилган тизимли ҳақорат ёки таҳдидлар борлигини, низоли ёзишмани қийнаш даражасидаги оғир мазмундан ўзаро фарқини;

3) суд-психологик экспертизаси жабрланувчининг изтиробларини ва қийналганлик ҳолатини, тизимли рақамли ҳужум натижасида жабрланувчида юзага келган руҳий тушкунлик, доимий ваҳима ва маънавий азобнинг чуқурлигини, бошқача ҳаракатлар билан қийнаш белгисини руҳий изтиробларга боғлиқлигини, муттасил равишда рақамли таъқиб

(кибersталкинг) ёки қурилмаларни масофадан бошқариш натижасида жабрланувчида юзага келган доимий қўрқув, ваҳима ва руҳий эзилиш даражасини, жабрланувчининг руҳий ҳолатидаги бузилишлар айнан айбдорнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилган тизимли ҳужумлари натижасида келиб чиққанлигини (сабабий боғланиш), жиноятчининг ҳаракатлари жабрланувчининг инсоний қадр-қимматини камситишга ва уни маънан қийнашга қаратилганини;

4) видеоматериалларнинг суд экспертизаси ақлли уй кузатув камералари ёки жиноятчи томонидан ўрнатилган яширин камералар орқали жабрланувчининг қийналаётган ҳолатини (уйқусизлик, ваҳима, тартибсиз ҳаракатлар) кузатиш ва ёзиб олиш фактларини, видеоёзувлардаги хронология орқали қийнаш ҳаракатларининг муттасил ва узоқ вақт давом этганини исботловчи далилларниагар қийнаш жараёни видеострималар (онлайн камситиш), шахснинг шармандали видеоларини муттасил тарқатиш ёки экран ёзувлари орқали амалга оширилган бўлса, уларни таҳлил қилиб, видеоларнинг ҳақиқийлигини ва улар жабрланувчини қийнаш мақсадида ишлатилганини;

5) суд-фонография экспертизаси нафақат овознинг кимга тегишли эканлигини, балки унинг ортидаги руҳий-эмоционал босимни, шахсни идентификация қилиб, овоз кимники эканлигини аниқлаш учун айбдор ўз шахсини яшириш мақсадида бошқа телефон рақамлари ёки махсус дастурлар орқали овозли хабар юборган бўлса, эксперт овознинг индивидуал белгиларини таҳлил қилади, ёзишмалардаги овоз намуналарини гумонланувчининг овози билан солиштиради, айбдорнинг бу менинг овозим эмас, кимдир мени номимдан гапирган деган важларини илмий асосда рад этади, аудиоёзувнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун овозли хабарларда монтаж, кесиб олиш ёки сунъий интеллект (deepfake) ёрдамида овозни ўзгартириш аломатлари бор-йўқлиги текширилади, рақамли далилнинг сохта эмаслигини ва мазмуни бузиб кўрсатилмаганини, психоакустик таҳлил, яъни таҳдид ва босим даражаси аниқланиб, киберқийнашда овознинг оҳанги (интонацияси) сўзларнинг мазмунидан кўра кучлироқ таъсир қилиши мумкинлиги, овознинг баландлиги, суръати ва агрессивлигини таҳлил қилиш орқали жабрланувчига нисбатан руҳий босимнинг доимийлигини (муттасиллигини), муттасил равишда келаётган бақириқлар, қўрқитувчи пичирлашлар ёки руҳиятни эзувчи аудио-контентнинг қийнаш эканлигини;

6) суд-электротехника экспертизаси электрон қурилмаларнинг масалан, смарт-кроват, иситиш полларининг ишлаш режими атайлаб ўзгартирилгани натижасида жабрланувчи учун чидаб бўлмас жисмоний шароит яратилганлигини, қурилмалардан чиқаётган шовқин, тебраниш (вибрация) ёки иссиқлик даражаси инсон организмига муттасил таъсир этганда қийнаш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган техник кўрсаткичларни;

7) суд-биологик экспертизаси жабрланувчининг организмидан чиққан биологик қолдиқлар (тер, сўлак ва ҳ.к.) орқали унинг қийналиш вақтидаги физиологик ҳолатини масалан, адреналин даражасининг кескин юқорилигини аниқлайди.

3-БОБ. ШАХСНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1. Кибержиноят бўлиши мумкинлиги тасдиқланган ушбу жиноят турлари – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (кибертаҳдид), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш;

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – жиноят содир этгунига қадар 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс;

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – қуйидаги усуллар орқали Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳолат ва ҳаракатлар бўйича шахсга қарши кибержиноятларни содир этиш:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

8. Кибержиноят мақсади – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари. Шу жумладан, тизим, тармоқ, дастур, дастурий восита, дастурий аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий маҳсулот, дастурий таъминот, қурилма, аппарат, техник восита, алоқа, ахборот, сунъий интеллект, телекоммуникация воситаси, тиббий восита, ахборот, булутли, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникациялар, кибер, шу жумладан, киберхавфсизлик, био, веб-технологиялари, платформалар, маркетплейслар, мессенжер, веб-сайт, ахборот ресурси ва хк.

10. Кибержиноятнинг умумий зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Қўшимча зарурий белгилари, Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳаракат бажарилган ёки оқибат вужудга келган вақтдан бошлаб Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури –

моддий таркибли кибержиноят – ушбу жиноятлар тугалланган деб ҳисобланиши учун қилмиш натижасида албатта муайян жисмоний ёки моддий оқибат (ўлим, тан жароҳати ва хк.) келиб чиқиши шарт ва бу турдаги кибержиноятлар Ўзбекистон Республдликасининг амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилмаган;

формал таркибли кибержиноят – бу тоифадаги жиноятларда оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, жиноий ҳаракатнинг ўзи содир этилиши билан (масалан, хабар юбориш, тарқатиш, мажбурлаш ёки қўрқитиш ва хк.) қилмиш тугалланган ҳисобланади ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (кибертаҳдид), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш кибержиноятлари кириши мумкин;

аралаш таркибли кибержиноят – ушбу қилмишлар ҳам ҳаракатнинг ўзи (формал), ҳам унинг натижасида келиб чиқадиган зарарли оқибатларни (моддий) ўз ичига олувчи комплекс жиноятлар бўлиб, ушбу турдаги кибержиноятлар Ўзбекистон Республдликасининг амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилмаган;

кесик таркибли кибержиноят – тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичидаёқ тугалланган деб топиладиган жиноятлар бўлиб, шахсга қарши кибержиноятларга кесик таркибли кибержиноятлар Ўзбекистон Республдликасининг амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилмаган.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир кибержиноятларга бўлинади.

Бунда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Мисол учун:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кибержиноятлари кириши мумкин;

Унча оғир бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш кибержиноятлари кириши мумкин;

Оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш кибержиноятлари кириши мумкин;

Ўта оғир кибержиноятлар – ушбу турдаги кибержиноятлар Ўзбекистон Республдликасининг амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилмаган.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

14. Жазо тизимига кўра тури –

1) Жиноят кодексида қилмиш учун жарима жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (кибертаҳдид), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш кибержиноятлари;

2) Жиноят кодексида қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш кибержиноятлари;

3) Жиноят кодексида қилмиш учун мажбурий жамоат ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (кибертаҳдид) кибержиноятлари;

4) Жиноят кодексида қилмиш учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (кибертаҳдид), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш кибержинояти;

5) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (кибертаҳдид), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш кибержиноятлари;

6) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (кибертаҳдид), аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш кибержиноятлари.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

Юқоридагиларга кўра, айтадиган бўлсак, шахсга қарши кибержиноятлар шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлиги, ахлоқи, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати, шунингдек, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноятлар саналади. Унга Жиноят кодексининг 112, 115-115[1]-моддаларида назарда тутилган, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация, интернет тармоқларида, ундан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки улар орқали содир этилган кибержиноятлар кириши мумкин.

3.1-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

112-модда. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар:
а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса, –
уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[69].

Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[70].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий

[69] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[70] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[71].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[72].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[73].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки

---

[71] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[72] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[73] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш тақиқланади[74].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини

[74] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[75].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[75] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[76].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишга хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлиши;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш етказилган вақтдан бошлаб.

Жиноят тугалланган деб ҳисобланиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши керак:

Реаллик: Қўрқитиш шунчаки ҳазил эмас, балки жабрланувчида ушбу таҳдид амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида асосли қўрқув уйғотиши керак.

Мазмун: Таҳдид айнан ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш (уриш, тан жароҳати етказиш ва ҳ.к.) ҳақида бўлиши шарт.

---

[76] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали. Мисол учун, Telegram, WhatsApp, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали матнли, овозли ёки видео хабарлар юбориш ёки ижтимоий тармоқлардаги лентага ёки гуруҳ ёхуд каналларга жабрланувчини ўлдириш ёки унга зўрлик ишлатиш нияти борлиги ҳақида маълумот жойлаштириш;

2) электрон почта ва СМС-хабарномаларни юбориш орқали. Мисол учун, жабрланувчининг электрон манзилига қўрқитиш мазмунидаги хатлар йўллаш ёки мобил алоқа операторлари тармоғи орқали SMS шлюздан фойдаланиб аноним ёки очиқ СМС хабарлар юбориш;

3) видеоконференция ва онлайн трансляциялар орқали. Мисол учун, Zoom, Google Meet ёки ижтимоий тармоқлардаги (Instagram Live, TikTok Live ва хк.) жонли эфирлар давомида шахсга нисбатан таҳдид қилиш ёки жабрланувчига таҳдид мазмунидаги видеороликларни монтаж қилиб юбориш;

4) веб-сайтлар ва форумлар орқали. Мисол учун, махсус ташкил этилган веб-ресурсларда ёки оммавий муҳокама порталларида шахснинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи маълумотларни эълон қилиш йўли билан содир этилади.

Қилмишнинг ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб, ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Бунда ушбу қўрқитиш қандай амалга оширилганлиги аҳамиятга эга эмас, энг муҳими бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлиши, қўрқитиш реал ва аниқ бўлиши зарур.

Мазкур жиноят фош этилиши учун Digital Footprint (Рақамли из)га оид таҳдид юборилган аккаунтнинг яратилиш тарихи, IP-манзиллар занжири, VPN ёки Proxy ишлатилганлиги ҳақидаги маълумотлар, OSINT (Open Source Intelligence), яъни кибержиноятчи жабрланувчи ҳақида маълумот тўплаганини (доксинг) кўрсатувчи қидирув излари, Multimedia Evidence, яъни кибертаҳдид илова қилинган аудио хабарлар (овоз манипуляцияси), видео-таҳдидлар ёки қурол суратлари юборилганлиги аниқланиши шарт.

Олийнган маълумотлар асосида суд-лингвистик экспертизасида матндаги ибораларнинг контекстини таҳлил қилинади, масалан, “Сени топаман” ибораси вазиятга қараб шунчаки гап ёки ўлдириш таҳдиди сифатида баҳоланиши мумкин, суд-психологик экспертизасида жабрланувчининг руҳий ҳолати ўрганилиб, кибертаҳдид унда ҳақиқий қўрқув, депрессия ёки хавотир уйғотганлиги аниқланади, суд-фоноскопик ва кмпьютер-техникавий экспертизада кибертаҳдид юборилган техник қурилмани идентификация қилади ва агар овоз ўзгартирилган бўлса, асл овозни тиклашга ҳаракат қилинади.

Ушбу жиноятни амалга оширишда кибержиноятчи фейк аккаунт ёки ботлар орқали таҳдид қилиб, жазодан қочиб қутуламан деб ўйлаши, бу уни янада шафқатсизроқ таҳдидлар қилишга ундаши, кибersталкинг (Cyberstalking) орқали кибертаҳдид мунтазам характерга ўтказилиб, жабрланувчининг ҳар бир қадамини интернет тармоғида кузатиш билан бирга келиниши, доксинг (Doxing) билан комбинация амалга оширилиб, жабрланувчининг шахсий маълумотлари (уй манзили, телефон рақами) очиқланиши билан бирга қилинган таҳдид унинг таъсир кучини ўн баробар ошириши, қасд олиш, сиёсий ёки ижтимоий қарашлари учун қўрқитиш, хизмат вазифасини бажаришига тўсқинлик қилиш каби мотивлар асосида содир этилиши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-филологик экспертизаси юборилган хабарлар, постлар ёки изоҳларнинг (комментарийлар) матнинг лингвистик мазмунини, матнда айнан “ўлдириш” ёки “зўрлик ишлатиш” масалан, баданга шикаст етказиш, майиб қилиш нияти аниқ ифодаланганлигини ёки бу шунчаки ҳақорат ва ҳиссий сўкиниш эканлигини, матндаги иборалар масалан, “сени сўяман”, “уйингни ёқиб юбораман” шунчаки мажозий маънода ёки аниқ жисмоний зўрлик ишлатиш қасди мавжудлигини, ёзиш услуби, пунктуация, тил хусусиятлари ва ишлатилган жаргонлар асосида хабарни айнан гумонланувчи ёзганлигини, матнда жабрланувчини руҳий жиҳатдан синдириш ёки унинг иродасини фалаж қилишга қаратилган махсус лингвистик конструкциялар бор-йўқлигини;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси таҳдиднинг манбасини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилганлигини техник жиҳатдан исботлайди, таҳдид хабарлари юборилган қурилмани (IP-манзил, MAC-манзил), ўчирилган ёзишмаларни ва сохта (фейк) аккаунтлар ортидаги ҳақиқий шахсни аниқлайди, агар жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, жиноятчиларнинг ўзаро ёзишмалари ва тармоқдаги ҳаракатларини тиклаб, уларнинг тил бириктирганини, таҳдидли хабар қайси қурилмадан, қайси IP-манзил орқали ва қайси вақтда юборилганлигини, виртуал рақамлар (VoIP), VPN ёки Proxy ортига яширинган жиноятчининг асл техник кимлигини, таҳдидли хабарлар базавий тизимда мавжудлигини ёки жабрланувчи томонидан (скриншотларни таҳрирлаш орқали) сохталаштирилмаганлигини;

3) суд-психологик экспертизаси кибертаҳдиднинг жабрланувчига қандай таъсир қилганини баҳолайди, жабрланувчининг руҳий ҳолатини ва унинг хавфни қай даражада реал деб қабул қилганини, “хавфсираш учун етарли асослар” мавжудлигини тасдиқлайди, жабрланувчи бу таҳдидлар кибермуҳит, шу жумладан, кибермакондан реал ҳаётга кўчишига чиндан ҳам ишонгани ва қўрқувда яшаганини, олинган кибертаҳдид жабрланувчида реал қўрқув, ваҳима (паника) ёки кучли стресс ҳолатини келтириб чиқарганми ва бу унинг хулқ-атворига қандай таъсир қилганлигини, таҳдид қилувчи шахснинг психологик портрети асосида унинг таҳдидни амалга оширишга мойиллиги ёки бу шунчаки рақамли безорилик (троллинг) эканлигини жабрланувчининг ёши, жинси ва руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, таҳдид унинг учун нақадар оғир қабул қилинганлигини;

4) видеоматериалларнинг суд экспертизаси видеода сунъий интеллект ёрдамида юз ёки тасвир алмаштирилмаганлигини, видеода кўрсатилган қурол (тўппонча, пичоқ) реал ёки ўйинчоқ эканлигини;

5) суд-фонографик экспертизаси овоз ва нутқ хусусиятлари асосида таҳдид қилувчи шахс гумонланувчи билан бир хил одам эканлигини, ёзувда монтаж, техник ўзгартиришлар ёки AI (сунъий интеллект) ёрдамида овозни ўзгартирувчи дастурлар ишлатилган-ишлатилмаганлигини, сўзлаётган вақтда шахснинг эмоционал ҳолати (ғазаб, қатъиятлилик ёки ҳазиллашиш) даражасини;

6) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси таҳдидларнинг сиёсий ёки мафкуравий мотивларини аниқлайди.

3.2-§. Аёлни ўз ҳомиласини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб сунъий равишда туширишга мажбурлаш жиноятининг юридик-техник таҳлили

115-модда. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, агар ҳомила сунъий туширилган бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[77].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[78].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари

---

[77] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[78] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[79].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[80].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[81].

---

[79] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[80] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[81] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[82].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга

[82] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[83].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш орқали содир этилади.

---

[83] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) ҳомила сунъий туширилган бўлиши керак;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳомила сунъий туширилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) психологик босим ва қўрқитиш (кибертаҳдид). Мисол учун, Telegram, WhatsApp, Instagram каби мессенжерлар ва ижтимоий тармоқларда шахсий хабарлар юбориш орқали аёлни ҳомиласини туширишга мажбурлаш ёки агар ҳомила туширилмаса, аёлнинг ўзига ёки унинг яқинларига жисмоний зарар етказиш билан қўрқитиш ёхуд аёлнинг мол-мулкини йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш билан қўрқитиш мазмунидаги электрон хабарлар йўллаш;

2) шахсий маълумотларни тарқатиш билан қўрқитиш (кибершантаж). Мисол учун, аёлнинг шахсий ҳаётига оид, шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотларни, фотосуратларни ёки видеоларни ижтимоий тармоқларда тарқатиб юбориш билан қўрқитиб, ҳомилани туширишга мажбурлаш ёки тўқима (фейк), обрўсизлантирувчи маълумотларни тарқатиш таҳдиди остида мажбурлаш;

3) хизмат ёки моддий қарамликдан фойдаланиш (рақамли муҳитда). Мисол учун, электрон ҳужжат айланиши ёки корпоратив почта орқали аёлга ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш ёки ойлик маошини кесиш билан таҳдид қилиб, ҳомилани тушириш талабини қўйиш орқали иш жойидаги босимни ташкил қилиш ёки агар аёл айбдорга моддий жиҳатдан қарам бўлса (масалан, пул ўтказмаларини тўхтатиш, банк карталарини блоклаш билан қўрқитиш) моддий таъминотдан маҳрум қилиш;

4) дезинформация ва психологик манипуляция. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологиялари орқали аёлга сохта тиббий хулосалар ёки ҳомиланинг “носоғлом” эканлиги ҳақидаги ёлғон маълумотларни юбориб, уни адаштириш йўли билан ҳомилани тушириш қарорини қабул қилишга мажбурлаш йўли билан содир этилиши мумкин.

Жиноят содир этилганлигини аниқлашда Cyber-Extortion Evidence, яъни аборт қилинмаса, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиш ёки жабрланувчи учун оилавий ёки шахсий сирларни тарқатиш ёинки бошқа номақбул ҳаракатларни бажариш мумкинлигига оид ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар, Electronic Payment Logs, яъни айбдор томонидан аборт учун махсус ўтказилган пул маблағлари (P2P ўтказмалар) ёки дори воситаларини онлайн сотиб олиб бериш излари, Call and Metadata Analysis, яъни аёлга руҳий босим ўтказиш мақсадида қилинган кўп сонли қўнғироқлар ва уларнинг давомийлиги аниқланади.

Суд-тиббий экспертизасида ҳомиланинг сунъий туширилганини, унинг муддатини ва усулини (жарроҳлик ёки тиббий дори воситалари орқали) аниқланади, суд-психологик экспертизасида аёлнинг қарори ўз хоҳиши билан эмас, балки ташқаридан бўлган кучли рақамли босим ва шантаж остида қабул қилинганлиги аниқланиб, суд-компьютер-техникавий экспертизасида кибертаҳдид хабарлари юборилган қурилмаларни идентификация қилинади ва ўчириб юборилган ёзишмаларни тикланади.

Одатда бу турдаги жиноятлар кибержиноятчи (кўпинча туғилмаган боланинг отаси ёки яқин кишиси) аёлнинг ижтимоий мавқеига зарар етказиш билан таҳдид қилади. Рақамли асрда бу “репутацион ўлим” (social suicide) билан қўрқитишдир. Жабрланувчига мунтазам равишда депрессив ва қўрқинчли материаллар юбориш, уни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан (қариндошларидан) рақамли блоклаш орқали узиб қўйиш орқали ахборот

қамали амалга оширилади, кўпинча моддий жавобгарликдан (алимент) қочиш, оилавий обрўни сақлаш ёки шахсий адоват туфайли бу турдаги жиноятлар содир этилади.

Ушбу жиноятни фош қилиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-филологик экспертизаси хабарлардаги буйруқ феъллари, қатъий талаблар ва аёлнинг иродасини синдиришга қаратилган нутқий стратегияларни, “агар ҳомилани олдирмасанг, шарманда қиламан” ёки “суратларингни тарқатаман” каби иборалардаги мажбурловчи омилларни, матнларнинг аёл руҳиятига таъсир ўтказиш ва уни қарор қабул қилишга мажбур этиш даражасидаги эмоционал кучини;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси мессенжерлар (Telegram, Instagram, WhatsApp) ва электрон почта орқали юборилган хабарларнинг миқдори, вақти ва изчиллигини, айбдор томонидан ўчириб юборилган мажбурловчи мазмундаги хабарлар ва медиафайлларни тиклаб, мажбурловчи хабарлар айнан гумонланувчига тегишли бўлган техник қурилмадан (смартфон, ноутбук) чиққанлигини;

3) суд-психологик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилинган босим натижасида аёлда бошқа чорасизлик (ироданинг фалажланиши) ҳолати юзага келганлигини, ҳомилани сунъий равишда тушириш қарори аёлнинг ўз ихтиёри билан эмас, балки айнан ташқи кибер-босим (мажбурлаш) оқибатида қабул қилинганини, мажбурлаш жараёнида аёлга етказилган маънавий-руҳий азобларнинг кўламини;

4) видеоматериалларнинг суд экспертизаси жиноятчи аёлни мажбурлаш учун ишлатган видео материаллар реалми ёки монтаж ёҳуд Deepfake (сунъий ўзгартирилган) эканлигини, мажбурловчи видео-мурожаатларнинг қачон олингани ва уларнинг ҳомилани тушириш вақти билан боғлиқлигини;

5) суд-фонографик экспертизаси овозли хабарлардаги овоз айнан гумонланувчига тегишли эканлигини, нутқдаги интонация ва оҳанг асосида таҳдид ва мажбурлашнинг нақадар реал ва жиддий бўлганлигини, овозли ёзувларда бирор бир техник ўзгартириш ёки сўзларни кесиб-улаш ҳолатлари бор-йўқлигини;

6) суд-хатшунослик экспертизаси мажбурловчи қўлёзма матн (сканерланган ҳолда юборилган бўлса ҳам) айнан гумонланувчи томонидан ёзилганлигини, хатни ёзиш вақтида шахснинг руҳий ҳолати (қасднинг мавжудлиги) ва ҳаракатларидаги ўзига хосликларни аниқлайди.

3.3-§. Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб олишга розилик беришга мажбурлаш жиноятининг юридик-техник таҳлили

115[1]-модда. Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, –
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёхуд моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[84].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

[84] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[85].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[86].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[87].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид

---

[85] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[86] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[87] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[88].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[89].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида

---

[88] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[89] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[90].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

[90] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – инсоннинг соғлиғига зарар етказиш, баданига шикаст етказиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмиш зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилади;
7) қилмиш инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш мақсадида содир этилади;
8) алоқа;
9) ахборот;
10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишга оид ҳаракатлар амалга оширилган ёки мажбурлаш ҳаракати содир этилган ва жабрланувчи бу таҳдидни реал қабул қилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликни чеклаш ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

Ушбу қилмиш объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилиши мумкин:

1) кибершантаж (Компромат билан қўрқитиш). Мисол учун айбдор телекоммуникация воситалари орқали жабрланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи фотосуратлар, видеолар ёки шахсий ёзишмаларни (чатларни) ижтимоий тармоқларга чиқариб юбориш билан қўрқитиб, аъзосини беришга мажбурлаш ёки жабрланувчининг тиббий, молиявий ёки оилавий сирларини ошкор қилиш билан онлайн тарзда таҳдид қилиш;

2) рақамли муҳитда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш. Мисол учун, telegram, instagram, whatsapp ёки бошқа мессенжерлар орқали жабрланувчининг ўзига ёки унинг яқинларига нисбатан жисмоний куч ишлатиш, ўлдириш ёки соғлиғига зарар етказиш билан қўрқитиш ёки жабрланувчига қўрқув солиш мақсадида махсус тайёрланган аудио ёки видео мурожаатларни юбориш;

3) моддий ва хизмат қарамлигидан ахборот-коммуникация технологиялари орқали фойдаланиш. Мисол учун, электрон банк тизимлари ёки крипто-ҳамёнларни блоклаш, масофавий иш жойидан (фрилэнс ва ҳ.к.) ҳайдаш ёки иш ҳақини бермаслик билан электрон ёзишмалар орқали мажбурлаш ёки корпоратив мессенжерлар ёки электрон почта орқали раҳбар томонидан ходимни трансплантацияга розилик беришга мажбурловчи буйруқ ва кўрсатмалар бериш;

4) дезинформация ва психологик манипуляция (Кибер-фирибгарлик унсурлари билан). Мисол учун, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида жабрланувчига гўёки унинг яқини ўлим ёқасида эканлиги ва фақат жабрланувчининг аъзоси уни қутқариши мумкинлиги ҳақида сохта ҳужжатлар, фото ёки (ва) видео далиллар юбориб, уни психологик мажбурлаш ҳолатига тушириш;

5) ижтимоий тармоқларда таъқиб қилиш (кибербуллинг). Мисол учун, жабрланувчини ижтимоий тармоқларда тинимсиз таъқиб қилиш, унинг обрўсига путур етказувчи “фейк” маълумотларни оммавий гуруҳларда тарқатиш орқали унинг иродасини синдириш ва розилик беришга мажбур қилиш орқали содир этилиши мумкин.

Қилмиш ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёхуд моддий томондан, хизмат

жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Мазкур кибержиноят фош этилиши учун Illegal Organ Trade Forums, яъни кибержиноятчиларнинг “DarkNet” ёки ёпиқ Telegram гуруҳларидаги ёзишмалари, у ерда жабрланувчининг маълумотлари “лот” сифатида муҳокама қилингани, Medical Data Breach, яъни тиббий муассасаларнинг маълумотлар базасига (Hospitals' DB) ноқонуний кириш излари ва жабрланувчининг қон гуруҳи, HLA-типи ва бошқа биометрик кўрсаткичларини ўғирлаш, Digital Blackmail Evidence, яъни “Аъзонгни бермасанг, сени ёки унинг яқинингни рақамли маҳв этаман” мазмунидаги шантаж хабарлари, деструктив кибертаъқибга оид рақамли излар олиниши, суд-психологик экспертизасида жабрланувчининг иродаси рақамли босим остида қанчалик синдирилганини ва унинг розилиги ҳақиқий эмас, балки қўрқув натижаси эканини аниқланиши, суд-компьютер техникавий экспертизасида кибершантаж хабарларини, тиббий маълумотларнинг сизиб чиқиш манбаси ва жиноятчиларнинг рақамли алоқаларини тикланиши, суд-фоноскопик экспертизасида агар мажбурлов овозли хабарлар ёки видеоқўнғироқлар орқали амалга оширилган бўлса, овозни идентификация қилиниши мумкин.

Одатда кибержиноятчи ахборот-коммуниация технологияларидан фойдаланиб, жабрланувчининг оғир моддий аҳволини, қарздорлигини ёки шахсий сирларини билиб олади ва шу заиф нуқтага киберҳужум уюштириши ёки иш берувчи ўз ходимини ишдан ҳайдаш ёки унинг профессионал обрўсини интернет тармоғида тўкиш билан кибертаҳдид қилиб, уни донорликка мажбурлаши, ноқонуний трансплантация бозоридаги жуда юқори моддий манфаатдорлик мақсадида содир этилиши мумкин. Кўпинча уюшган жиноий гуруҳ тузиб, иштирокчилар сифатида ҳакерлар, тиббиёт ходимлари ва “риэлторлар” (воситачилар) ўзларининг қилмишини биргаликда содир этишга келишиб олишлари мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-тиббий экспертизаси кибержиноятнинг оқибати реал ҳаётда содир бўлганини, аёлнинг ҳақиқатдан ҳам ҳомиладор бўлганлигини ва ҳомила сунъий йўл билан (тиббий, жарроҳлик ёки дори-дармон ёрдамида) туширилганлигини аниқлаб, агар ҳомила табиий сабабларга кўра (масалан, стресдан) тушиб қолган бўлса ёки умуман аборт қилинмаган бўлса, уни айблаш мумкин эмаслигини, аборот сунъий туширилганини;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жабрланувчини мажбурлаш учун ишлатилган шахсий фото, видео ёки бошқа маълумотларнинг айбдорнинг қурилмаларида (ноутбук, смартфон, булутли хотира) мавжудлигини, жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги алоқа вақти, давомийлиги ва изчиллигини (тизимли босимни исботлаш учун), агар шахс моддий қарамлиги сабабли мажбурланган бўлса, унинг электрон ҳамёнлари ёки банк иловалари устидан айбдорнинг масофавий назорати ёки чекловлари ўрнатилганлигини, кибержиноятнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилганини ва мотивни очади, айбдор

жабрланувчини мажбурлаш учун қандай рақамли воситалардан фойдаланганини аниқлайди, масалан, аёлнинг интим суратларини тарқатиш билан шантаж қилиш, сирларини ошкор қилиш билан қўрқитиш ёки тизимли кибер-таъқиб (cyber-stalking) изларини қурилмалардан тиклаб, аёл ўз хоҳиши билан эмас, балки айнан шу рақамли таҳдидлар сабабли абортга борганини;

3) суд-психологик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилинган таҳдидлар натижасида жабрланувчида бошқа йўл йўқ деган ишонч ва фалажланган ирода ҳолати шаклланганлигини, жабрланувчининг руҳий ҳолати ёки интеллектуал даражаси унга нисбатан қилинаётган рақамли ҳужумларнинг моҳиятини англашга ва уларга қарши туришга имкон берганлигини, жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги психологик боғлиқликни ва бу боғлиқлик розилик беришга қанчалик таъсир қилганинижабрланувчининг иродаси қай даражада синдирилганини, аёлнинг аборт қилиш ҳақидаги қарори эркин бўлганлигини ёки кучли психологик босим ва қўрқув остида қабул қилинганлигини, мажбурлаш ҳолатларини, кибермуҳит, шу жумладан, кибермакондаги шантаж жабрланувчини бошқа илож қолдирмайдиган даражада тушкунликка туширганини;

4) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси кибержиноятнинг мотивини (сабабини), туширилган ҳомиланинг биологик намуналари ва айбдорнинг ДНКсини солиштириш орқали оталикни белгилашини, кўпинча бу жиноятда ҳомиланинг отаси мажбуриятлардан қочиш мақсадида аёлни шантаж қилиб, ДНК орқали оталик тасдиқланса, бу айбдорнинг ушбу жиноятни содир этишдаги бевосита мотивини ва манфаатдорлигини;

5) суд-филологик экспертизаси хабарлардаги (SMS, мессенжерлар) аъзонгни бермасанг, ўлдираман ёки яқинларингга зарар етказаман каби ибораларнинг қатъийлик даражаси ва реаллигини, айбдор томонидан қўлланилган нутқий агрессия, психологик босим ва жабрланувчининг иродасини синдиришга қаратилган манипулятив усулларни, шахснинг хизмат ёки моддий жиҳатдан қарамлигидан фойдаланиб ёзилган хабарлардаги буйруқ ва таъмагирлик оҳангларинида айбдорнинг ёзишмаларида ёки аудио хабарларида аёлни абортга кўндириш, талаб қилиш ёки шантаж мазмунидаги сўзларнинг семантик таҳлили амалга оширилиб, матндаги яширин ёки очиқ таҳдидлар юридик тилга мазмунини;

6) суд-фонографик экспертизаси таҳдид қилаётган овоз айнан гумонланувчига тегишли эканлигини (овоз биометрияси асосида), нутқдаги интонация ва босим даражаси мажбурлаш характерига эга эканлигини, таҳдид ёзувларида контекстни ўзгартириш мақсадида қилинган техник аралашувлар бор-йўқлигиниовозли хабарлар орқали аёлга ўтказилган руҳий босимни таҳлил қилиб, таҳдид юбораётган шахснинг овозини, айбдор бу мен эмас, овозимга ўхшатишибди ёки сунъий интеллект орқали ясалган деб даъво қилса, эксперт овознинг биометрик хусусиятларини солиштиради ва ҳолатни аниқлаштиради, психоакустик таҳлилни амалга ошириб, овознинг баландлиги, оҳанги ва агрессия даражасини, айтилган сўзлар шунчаки маслаҳат эмас, балки аёлни қарор қабул қилишда эркинлигини чекловчи мажбурловчи характерга эга эканлигини тасдиқлайди, овоз ёзувидаги нафас олиш, паузалар

ва фондаги шовқинларни ўрганиш орқали хабарнинг қаерда ва қандай руҳий ҳолатда ёзилганини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси айбдор жабрланувчини мажбурлаш учун ишлатаётган видеолари ҳақиқийми ёки Deepfake (сунъий интеллект ёрдамида сохталаштирилган) эканлигини, видеода кўрсатилган жисмоний зўрлик воситалари ёки бошқа шахсларнинг қийноққа солиниши акс этган тасвирларнинг реаллигини (бу қўрқитиш даражасини аниқлаш учун муҳим), агар мажбурлаш визуал контент орқали амалга оширилса масалан, аёлнинг шахсий ҳаётига оид видеоларни тарқатиш билан қўрқитишда ушбу кибершантаж предмети бўлган видеонинг монтаж ёки Deepfake эмаслигини, агар видео сохта бўлса ҳам, айбдор уни ҳақиқий деб тақдим этиб аёлни мажбурлаган бўлса, бу қасднинг мавжудлигини, визуал идентификацияни амалга ошириб, видео хабарлар юборган шахснинг ташқи қиёфасини, воқеа жойини ва видео файлнинг мета-маълумотларини (қачон, қаерда олингани) таҳлил қилиб, аёлнинг ҳомиласини туширишга мажбурлашда ишлатилган визуал таҳдидларнинг масалан, дори воситаларини истеъмол қилишга мажбурлаш видеоларининг кетма-кетлигини;

8) суд-электротехника экспертизаси электрон блоклаш тизимлари ва иқлим назорати ускуналарининг масофавий бошқарув тарихини, техник воситаларнинг инсонни иродасини синдириш ва қийнаш учун ишлатилганлигининг техник параметрларини аниқлайди.

4-БОБ. ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1. Кибержиноят бўлиши мумкинлиги тасдиқланган ушбу жиноят турлари – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш;

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – шахснинг жинсий эркинлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – жиноят содир этгунига қадар қуйидаги ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс:

14 ёш – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш;

16 ёш – жинсий эркинликка қарши қолган кибержиноятлар.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – қуйидаги усуллар орқали Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳолат ва ҳаракатлар бўйича шахсга қарши кибержиноятларни содир этиш:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

8. Кибержиноят мақсади – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари. Шу жумладан, тизим, тармоқ, дастур, дастурий восита, дастурий аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий маҳсулот, дастурий таъминот, қурилма, аппарат, техник восита, алоқа, ахборот, сунъий интеллект, телекоммуникация воситаси, тиббий восита, ахборот, булутли, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникациялар, кибер, шу жумладан, киберхавфсизлик, био, веб-технологиялари, платформалар, маркетплейслар, мессенжер, веб-сайт, ахборот ресурси ва хк.

10. Кибержиноятнинг умумий зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
6) алоқа;
7) ахборот;

8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Қўшимча зарурий белгилари, Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳаракат бажарилган ёки оқибат вужудга келган вақтдан бошлаб Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури –

моддий таркибли кибержиноят – ушбу жиноятлар тугалланган деб ҳисобланиши учун қилмиш натижасида албатта муайян жисмоний ёки моддий оқибат (ўлим, тан жароҳати ва хк.) келиб чиқиши шарт. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бу гуруҳга кирувчи кибержиноятлар назарда тутилмаган;

формал таркибли кибержиноят – бу тоифадаги жиноятларда оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, жиноий ҳаракатнинг ўзи содир этилиши билан (масалан, хабар юбориш, тарқатиш, мажбурлаш ёки қўрқитиш ва хк.) қилмиш тугалланган ҳисобланади ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кибержиноятлари кириши мумкин;

аралаш таркибли кибержиноят – ушбу қилмишлар ҳам ҳаракатнинг ўзи (формал), ҳам унинг натижасида келиб чиқадиган зарарли оқибатларни (моддий) ўз ичига олувчи комплекс жиноятлардир. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бу гуруҳга кирувчи кибержиноятлар назарда тутилмаган;

кесик таркибли кибержиноят – тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичидаёқ тугалланган деб топиладиган жиноятлар бўлиб, шахснинг жинсий эркинликларига қарши кибержиноятларга кесик таркибли кибержиноятлар Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилмаган.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир кибержиноятларга бўлинади.

Бунда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Мисол учун:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кибержиноятлари кириши мумкин;

Унча оғир бўлмаган кибержиноятлар – Бироқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бу гуруҳга кирувчи кибержиноятлар назарда тутилмаган;

Оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш кибержиноятлари кириши мумкин;

Ўта оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш кибержиноятлари кириши мумкин.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

14. Жазо тизимига кўра тури –

1) Жиноят кодексида қилмиш учун жарима жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кибержиноятлари;

2) Жиноят кодексида қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бу гуруҳга кирувчи кибержиноятлар назарда тутилмаган;

3) Жиноят кодексида қилмиш учун мажбурий жамоат ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кибержиноятлари;

4) Жиноят кодексида қилмиш учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кибержиноятлари;

5) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кибержиноятлари;

6) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик

ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш кибержиноятлари.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

Юқоридагиларга кўра, айтадиган бўлсак, шахснинг жинсий эркинликларига қарши кибержиноятларга Жиноят кодексининг 118-119 ва 121-моддаларида назарда тутилган, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация, интернет тармоқларида, ундан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки улар орқали содир этилган кибержиноятлар кириши мумкин.

4.1-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб номусга тегиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

118-модда. Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш, –
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Номусга тегиш:
а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;
б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 119, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
г) ўлдириш билан қўрқитиб;
д) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –
саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Номусга тегиш:
а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;
б) яқин қариндошга, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;
в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;
г) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси томонидан;
д) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
е) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, –
ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш, –
ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг эркинлиги олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституцияга мувфиқ ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Шундай эркинликлардан бири жинсий эркинлик саналади ва у қонун билан ҳимоя қилинган.

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш

мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[91].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[92].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[93].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват

---

[91] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[92] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[93] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[94].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир

[94] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[95].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[95] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[96].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жинсий эркинлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – номусга тегиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиш зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этилади;
6) қилмиш жинсий алоқа қилиш мақсадида содир этилади;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишга қаратилган ҳаракатлар бошланган пайтдан, улар тугатилганлигидан ва келиб чиққан оқибатлардан қатъий назар бошланган вақтдан бошлаб, бунда жинсий яқинлик бўлган ёки бўлмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун Жиноят кодексининг 118-119-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича жинсий алоқа табиий усулда вужудга келган ёки келмаганлигидан қатъий назар жинсий эркинликка таҳдид бошланган вақтдан бошлаб тугалланган саналади.

---

[96] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – кесик таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) кибершантаж. Мисол учун, айбдор жабрланувчининг шахсий маълумотларига эга бўлиб, уларни тарқатиш таҳдиди остида жинсий алоқага мажбурлаши, жабрланувчининг интим мазмундаги фотосуратлари ёки видеоларини (секс-торшн) ижтимоий тармоқларга чиқариш, яқинларига ёки иш жойига юбориш билан қўрқитиши ёки шахсий чатлар, аудио хабарлар ёки бошқа сир сақланиши лозим бўлган рақамли маълумотларни ошкор қилиш таҳдиди ёхуд “Deepfake” технологияси ёрдамида жабрланувчининг юзини порнографик видеоларга монтаж қилиш ва шу сохта видеони тарқатиш билан қўрқитиши мумкин;

2) кибертаъқиб ва грооминг (Grooming). Мисол учун, сохта профиллар (фейк аккаунтлар) орқали узоқ вақт давомида психологик алоқа ўрнатиш ва кейинчалик ахборот-коммуникация технологиялари орқали босим ўтказиб, жисмоний учрашувга (зўрлаш мақсадида) мажбурлаш ёки жабрланувчининг ижтимоий тармоқлардаги гео-теглари ёки IP-манзилини аниқлаш орқали уни таъқиб қилиш ва чорасиз ҳолатга тушириш;

3) психологик зўравонлик ва онлайн таҳдидлар. Мисол учун, мессенжерлар (Telegram, WhatsApp ва ҳ.к.) орқали жабрланувчининг ўзига ёки оила аъзоларига нисбатан зўрлик ишлатиш, уларни ўлдириш ёки соғлиғига зарар етказиш ҳақида тинимсиз хабарлар йўллаш орқали иродасини фалаж қилиш, ижтимоий тармоқларда жабрланувчи ҳақида ёлғон ва шармандали маълумотларни тарқатиш орқали уни шундай ҳолатга олиб келиш-ки, жабрланувчи “бу ҳаракатлар тўхташи учун” жиноятчининг жинсий талабларига рози бўлишга мажбур бўладиган ҳолатга олиб келиш;

4) техник воситалардан фойдаланиш. Мисол учун, жабрланувчининг компьютери ёки телефонига жосуслик дастурларини (spyware) ўрнатиш орқали унинг шахсий ҳаётини яширин камера ёки микрофон орқали кузатиш ва олинган материаллар билан мажбурлаш ёки жабрланувчининг ижтимоий тармоқлардаги профилларини бузиб кириш ва шахсий маълумотларини “гаровга” олиш орқали содир этилиши мумкин.

Жиноят икки ёки бир неча шахсга нисбатан, такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 119, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, бир гуруҳ шахслар томонидан, ўлдириш билан қўрқитиб, ногиронлик белгисига эга эканлиги

айбдорга аён бўлган шахсга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга, яқин қариндошга, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан, жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими, оммавий тартибсизликлар иштирокчиси, ўта хавфли рецидивист томонидан, оғир оқибатларга олиб келган, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш йўли билан содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик учун жиноий жавобгарлик бундай ҳаракатлар аёл жинсидаги шахсга нисбатан ҳам, эркак жинсидаги шахсга нисбатан ҳам содир этилганда келиб чиқади.

Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилиши тегишлича ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва ЖК 105, 109-моддалари, 126^1-моддаси биринчи-тўртинчи қисмлари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси ва ЖК 104-моддасининг тегишли қисми, 126^1-моддаси олтинчи қисми мажмуи билан квалификация қилинади. Таҳдид этиш, жумладан ўлдириш билан таҳдид этиш номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчининг қаршилигини енгиш усулларидан бири эканлиги сабабли, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 112-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди. Зўрлик, таҳдид барча ҳолларда жинсий алоқа ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришдан олдин содир этилган бўлиши керак ва нафақат жабрланувчига, балки унинг яқин қариндошларига ҳамда жабрланувчида уларга нисбатан муайян масъулият мавжуд шахсларга нисбатан (масалан, ўқитувчи-ўқувчиларга, тарбиячи тарбияланувчиларга ва ҳ.к.ларга нисбатан) ҳам қўлланилган бўлиши мумкин. Айни пайтда, агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни ёқиб юбориш, портлатиш ёки бошқа атрофдагилар учун хавфли усулда нобуд қилиш билан таҳдид этиш номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жинояти содир этилгандан кейин, масалан, жабрланувчини қўрқитиш ва воқеа ошкора бўлишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. билдирилган бўлиб, бундай таҳдид амалга оширилишидан хавфсирашга доир

етарли асослар мавжуд бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Ожиз аҳвол сифатида, жумладан алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар таъсирида келиб чиққан шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олиниши мумкинки, бунда жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлади. Иш бўйича жабрланувчи бундай ҳолатга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, наркотик, уйқудори берган ва ҳ.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз аҳволда бўлганлиги аҳамият касб этмайди.

Жабрланувчини ожиз аҳволга солиш учун айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп, кучли таъсир этувчи, заҳарли ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қўлланилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг хусусияти ва инсон организмига таъсири даражаси экспертиза тайинлаш, мутахассисларни сўроқ қилиш йўли билан аниқланиши лозим. Агар экспертиза натижаларига кўра, айбдор томонидан тайёрланиши, қайта ишланиши, олиниши, сақланиши, ташилиши, жўнатилиши ёки ўтказилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган воситалар ёки моддалардан фойдаланилганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларини ЖК 128-моддасида назарда тутилган жиноят таркибидан фарқлашлари, бунда ЖК 128-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш зўрлик ёки таҳдид қўлламаган ҳолда амалга оширилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини англаган жабрланувчининг розилиги билан содир этилган ҳолдагина келиб чиқади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган (кичик ёшдаги болалар) ожиз аҳволдаги шахс ҳисобланганлиги сабабли улар билан табиий ёки ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилиш ЖК 118-моддаси тўртинчи қисми, 119-моддаси тўртинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим.

ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларини ЖК 121-моддасида назарда тутилган жиноят таркибидан фарқлаш лозим. ЖКнинг 121-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур қилганда келиб чиқади. Бунда, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришдаги руҳий зўрлик ишлатишдан фарқли равишда, жабрланувчи шахсни мажбур этишда шахснинг бош тортгани

таҳдиднинг дарҳол амалга оширилишини тахмин қилмаслигини, айни вақтда амалда етказилган ёки қўрқитишда ифодаланадиган зарар жабрланувчи шахсига тегишли бўлмай, балки унинг мулкий ва бошқа шахсий ҳуқуқларига тааллуқли бўлишини ҳамда ўз хусусиятига кўра, бу зарар жабрланувчи моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахс томонидангина етказилган бўлиши кераклигини эътибор қаратиш лозим.

Шахснинг ҳаракатларида тамом бўлган жиноят таркиби ёки фақат жиноятга суиқасд қилиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, шахс номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш мақсадида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, қўлланилган зўрлик айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга оширилмай қолган бундай мақсадга эришиш воситаси бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш лозим. Зўрлик, таҳдид қўлламаган ёки жабрланувчининг ожиз аҳволидан фойдаланмаган ҳолда шилқимлик, алдаш йўли билан ёки шунга ўхшаш бошқа усул билан жабрланувчини жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондиришга кўндирган шахснинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга суиқасдни шахснинг жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтишидан (ЖК 26-моддаси) фарқ қилади. Агар шахс жиноий ҳаракатларини охирига етказишга имконияти бўла туриб, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришдан ихтиёрий равишда ва узил-кесил воз кечган бўлса, қилмиш воз кечиш сабабларидан қатъи назар, у ҳақиқатда содир этган ҳаракатлар бўйича квалификация қилинади, башарти уларда бошқа жиноят таркиби (масалан, безорилик, баданга шикаст етказиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ва ҳ.к.) мавжуд бўлса, бу жиноятдан ихтиёрий қайти саналади.

Агар шахс номусга тегиш вақтида бирин-кетин бир неча марта (масалан, кун давомида) жинсий алоқа қилган ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондирган бўлса ва иш ҳолатлари айбдорда муайян бир шахсга нисбатан мазкур айнан ўхшаш ҳаракатларни содир этишга нисбатан ягона қасд мавжудлигидан далолат берса, қилмиш ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши лозим бўлган битта давомли жиноят сифатида кўрилиши лозим. Шунга ўхшаш ҳаракатлар муайян бир шахсга нисбатан турли вақтларда (масалан, турли кунларда) ёки бир неча шахсга нисбатан содир этилганда такроран жиноят белгиси мавжуд бўлади (ЖК 32-моддаси). Мазкур қоидалар ЖК 128-моддаси кўрсатилган жиноятни содир қилган шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда ҳам қўлланилади. Икки ва ундан ортиқ марта номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёж ғайритабиий усулда қондириш содир этилган бўлиб, бунинг учун Жиноят кодексининг 118-моддаси ёки 119-моддасининг турли қисмларида жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса, шунингдек бир ҳолда бундай жиноятларга суиқасд ёки уларда иштирокчилик, бошқа ҳолда эса, тугатилган жиноят содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари мазкур жиноятларнинг ҳар бири бўйича мустақил квалификация қилиниши лозим. Агар айбдорнинг қасди билан айнан бир жабрланувчига нисбатан ҳам номусга тегиш, ҳам

жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятини содир этиш (турли кетма-кетликда) қамраб олинган бўлса, уларни содир этишда вақт жиҳатдан узилиш бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, қилмиш ЖК 118-моддаси ва 119-моддасида назарда тутилган жиноятлар мажмуи сифатида баҳоланмоғи лозим. Бундай ҳаракатларни илгари шунга ўхшаш жиноятлар содир этган шахс томонидан содир этилган (ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди) деб баҳолаб бўлмайди. ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасида назарда тутилган жиноят у нафақат бир неча шахс томонидан битта жабрланувчига нисбатан содир этилган ҳолларда, балки айбдор шахслар ҳамжиҳатликда бир неча жабрланувчига нисбатан ҳаракат қилиб ва зўрлик ёки таҳдид қўллаб, сўнгра жабрланувчилардан ҳар бири ёки ҳеч бўлмаганда бири билан зўрлаб жинсий алоқа қилган ёки жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондирганда ҳам гуруҳ шахслар (олдиндан тил бириктирган гуруҳ шахслар) томонидан содир этилган деб топилиши лозим. Жиноят иштирокчиларидан бири қонунга кўра жиноят субъекти бўлмаган ҳолларда ҳам (ЖК 17, 18-моддалари) иккинчи иштирокчининг ҳаракатлари гуруҳ таркибида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. ЖК 118-моддаси иккинчи қисми “в” банди ёки 119-моддаси иккинчи қисми “в” банди билан, нафақат бевосита номусга теккан ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирган шахсларнинг ҳаракатлари, балки жабрланувчига нисбатан зўрлик ёки таҳдид қўллаш орқали уларга кўмаклашган шахсларнинг ҳаракатлари ҳам квалификация қилиниши лозим. Бунда қайд этилган жиноят таркиблари объектив томонида назарда тутилган ҳаракатларни шахсан содир этмаган, бироқ зўрлик ёки таҳдид қўллаш орқали бошқа шахсларга жиноят содир этишда кўмаклашган шахсларнинг ҳаракатлари гуруҳ бўлиб номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятининг шерик ижрочиси сифатида ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда квалификация қилиниши лозим. Жабрланувчи билан бевосита жинсий алоқа қилмаган ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ҳаракатларини содир этмаган ва бошқа шахслар томонидан бундай ҳаракатлар содир этилганда жабрланувчига нисбатан зўрлик ёки таҳдид қўлламаган, бироқ жиноятни содир этишда айбдорга фақат маслаҳатлари, кўрсатмалари, маълумотлар бериши ва ҳ.к. лар билан кўмаклашган шахснинг ҳаракатлари ёрдамчи сифатида ЖК 28-моддаси бешинчи қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилиниши керак. ЖК 118-моддаси иккинчи қисми “г” банди ёки 119-моддаси иккинчи қисми “г” бандида назарда тутилган ўлдириш билан таҳдид этиш деганда, нафақат айбдорнинг жабрланувчига, унинг яқин қариндошларига ёки жабрланувчида уларга нисбатан муайян масъулият мавжуд шахсларга нисбатан дарҳол жисмоний зўрлик ишлатиш нияти очиқдан-очиқ билдирилган сўзлари, балки айбдорнинг, масалан, қурол ёки қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган предметлар (пичоқ, устара, болта ва ш.к. лар) намойиши сингари таҳдид солувчи ҳаракатлари ҳам тушунилиши лозим. ЖК 118-моддаси иккинчи қисми “д” банди ёки 119-моддаси иккинчи қисми “д” бандида назарда тутилган ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этиш деганда

жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари аён (маълум) бўлган шахсга нисбатан содир қилинган ҳаракатларни тушуниш лозим. Ўн саккиз ёшга тўлмаган (ЖК 118-моддаси учинчи қисми “а” банди ёки 119-моддаси учинчи қисми “а” банди) ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган (ЖК 118-моддаси тўртинчи қисми ёки 119-моддаси тўртинчи қисми) шахсга нисбатан номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик, айбдор жабрланувчининг ёшини билган ёки билмаганлигидан қатъий назар келиб чиқади. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 118-моддаси учинчи қисми “б” банди ёки 119-моддаси учинчи қисми “б” банди билан квалификация қилишда Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида баён этилган “яқин қариндошлар” тушунчасига асосланишлари, бунда мазкур тушунчани кенг шарҳлаш мумкин эмаслигини, шунингдек собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилганда келиб чиқишини инобатга олиш лозим. Бунда бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахслар деганда, муайян хонадон ёки уйда эр-хотинлик муносабатларида яшовчи, умумий мол-мулк ва пул маблағларига эгалик қилувчи эркак ва аёл тушуниш зарур. Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми “в” банди ва 119-моддаси 3-қисми “в” банди билан квалификация қилишда, жабрланувчи кимнинг қарамоғида бўлганлигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Жабрланувчини тарбиялаш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятини бажараётган шахс деганда, қонунчиликда белгиланган тартибда фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар тушунилади. Жабрланувчига қараб туриш, ўқитиш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасаси деганда эса, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳамда хусусий сектордаги (шу жумладан, халқ табобати) даволаш муассасалари ходимлари тушунилади. ЖК 118-моддаси учинчи қисми “е” банди ёки 119-моддаси учинчи қисми “е” бандида назарда тутилган “оғир оқибатлар” деганда, ҳомиладор бўлиш ёки ҳомиланинг тушиши, руҳий ҳолати бузилиши, ОИВ/ОИТС юқиши, жабрланувчи томонидан танланган жиноятдан ҳимояланиш усули оқибатида олинган тан жароҳатлари (масалан, кўп қаватли бинодан, юриб кетаётган автомобилдан, поезддан сакраганда), жиноят натижасида жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши ва ҳ.к.лар тушунилиши лозим. К валификация белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда содир этилган номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир (ЖК 118-моддаси биринчи қисми ёки 119-моддаси биринчи қисми) жиноят ишларини қўзғатишнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини инобатга олиб, бундай ишларни қўзғатиш тартибига риоя этилишига нисбатан талабчанликни оширишлари лозим. Бунда шуни назарда тутиш керакки, жабрланувчининг ёзма шикояти бўлмаган ҳолларда мазкур тоифага доир ишларни қўзғатиш учун, фақат, жабрланувчининг ЖПК 324-моддасида назарда тутилган тартибда баённомага киритилган оғзаки шикояти асос

сифатида олиниши мумкин.Квалификация белгилари мавжуд ҳолда номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жинояти учун айбланаётган судланувчининг ҳаракатларини ЖК 118-моддасининг биринчи қисми ёки 119-моддасининг биринчи қисмига қайта квалификация қилинган ҳолларда, агар ишда жабрланувчининг ёзма шикояти бўлмаса ёки жабрланувчи суд мажлисида бундай шикоят беришдан бош тортса, суд жиноят ишини ЖПК 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига асосан тугатади.

Вояга етмаган шахснинг жинсий эркинлиги ёки жинсий дахлсизлигига қарши жиноят содир этганларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласини ҳал этиш учун бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича суд-психиатрик экспертизаси ўтказилиши лозим. ЖК 96-моддасига мувофиқ, ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсни мажбурий даволаш нафақат озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан, балки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ҳолларда ҳам тайинланиши мумкин[97].

Ушбу қилмиш бўйича далил сифатида рақамли излар (чатлар, скриншотлар, лог-файллари, аудио-видео ёзувлар) суд-тиббий ва суд-компьютер-техник экспертизалари орқали тасдиқланиши шарт. Шунинг учун, терговга қадар текширув ёки тергов давомида Grooming ва Shaming излари, яъни ижтимоий тармоқлардаги (Instagram, Telegram ва хк.) узоқ давом этган ёзишмалар, ишончга кириш ва кейинчалик таҳдидга ўтиш босқичлари, Geofencing маълумотлари, яъни жабрланувчи ва айбдорнинг смартфонлари бир вақтда ва бир жойда бўлганлигини тасдиқловчи GPS ва уяли алоқа миноралари логлари, Digital Footprint of Blackmail, яъни шантаж учун ишлатилган файлларнинг яратилган вақти, уларнинг скриншотлари ва жабрланувчига юборилган вақти олиниши зарур. Биологик ва ДНК экспертизасида жисмоний жиҳатдан жинсий алоқа бўлган ёки бўлмаганлигига оид ҳолатлар, суд-компьютер техникавий экспертизасида жиноятчининг қурилмасидан жабрланувчининг интим суратларини, таҳдид хабарларини ва жиноятни режалаштиришга оид қидирув сўровлари, суд-психологик экспертизасида жабрланувчининг иродавий қаршилик кўрсата олмаслик ҳолати (айниқса рақамли босим остида) аниқланади.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-биологик ва одам ДНКси экспертизаси жабрланувчининг баданидан, кийимидан ёки воқеа жойидан олинган биологик намуналарни (сперма, сўлак, эпителий ҳужайралари) таҳлил қилиш ва уларни гумонланувчининг ДНК профили билан солиштириш орқали айбдорнинг мен у ерда бўлмаганман ёки алоқа бўлмаган деган важларини инкор этиб, шахсни, жабрланувчининг баданида ёки кийимларида қолган биологик излар (ДНК) орқали жинсий алоқа фактини ва унинг айнан гумонланувчи томонидан содир этилганлигини;

---

[97] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2010 йил 29 октябрдаги 13-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб амалга оширилган қўрқитиш ёки тузоққа тушириш механизмини, жабрланувчини учрашувга келишга мажбур қилган шантаж материалларини (интим суратлар, шахсий маълумотлар), мессенжерлардаги ёзишмаларни ва жиноят иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини, зўрлик ишлатишнинг қўрқитиш усулини, жабрланувчини қўрқитиш учун ишлатилган шахсий ва интим фото ёки видео файлларнинг айбдорнинг қурилмаларида сақланиши ва уларни тарқатишга бўлган техник уринишларни, жиноят содир этилишидан олдин ва вақтида айбдор ва жабрланувчининг геолокациялари, улар ўртасидаги рақамли мулоқотлар кетма-кетлигини, жабрланувчининг ақлли уй тизимига масалан, электрон қулфларга киберҳужум қилиб, уни хонада қамаб қўйиш ёки техник воситалар орқали ҳаракатини чеклаш фактларини;

3) видеоматериалларнинг суд экспертизаси жиноятчи жабрланувчини мажбурлаш учун ишлатган видео материаллар ҳақиқийми ёки сунъий интеллект ёрдамида яратилган сохта тасвирларми деган масалани, агар жиноят содир этилиш жараёни камераларга муҳрланган бўлса, видеодаги шахсларнинг ҳаракатлари, зўрлик ишлатиш белгилари ва вақт кўрсаткичларининг ҳақиқийлигини;

4) суд-психологик ва суд-психиатрик экспертизаси жабрланувчининг жиноят пайтидаги руҳий ҳолатини баҳолаб, жабрланувчининг ожиз аҳволда бўлганини масалан, руҳий касаллиги ёки ёши туфайли воқеа моҳиятини англай олмаганини ёки қўрқув натижасида иродаси фалажланганини, жабрланувчининг ёши, руҳий ривожланиши ёки рақамли таҳдидлар таъсирида ўзини ҳимоя қила олмаслик ҳолатига тушиб қолганлигини, кибершантаж натижасида жабрланувчида юзага келган кучли қўрқув ва чорасизлик ҳолати унинг ихтиёрий розилигини йўққа чиқарганлигини, жинсий алоқа ихтиёрий эмас, балки айнан ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилинган тизимли босимнинг бевосита натижаси эканлигини;

5) суд-тиббий экспертизаси жабрланувчининг баданидаги жисмоний зўрлик изларини (қизаришлар, шилинмалар, тирнашлар) ва жинсий алоқанинг тиббий белгиларини қайд этиб, жиноят содир этишда ишлатилган куч ишлатиш даражасини ва алоқанинг механизмини;

6) суд-филологик экспертизаси ёзишмалардаги яширин маъноларни ва мажбурлашнинг лингвистик табиатини, матндаги “агар келмасанг, суратларингни тарқатаман” каби очиқ таҳдидлардан ташқари, “бошқа чоранг йўқлигини биласан”, “ҳаммасини ўзинг бошладинг” каби манипулятив жумлаларни таҳлил қилади, айбдорнинг сўзларида жинсий мақсад ва жабрланувчининг иродасини синдиришга қаратилган тизимли ҳаракат бор-йўқлигини лингвистик жиҳатдан тасдиқлайди, низоли ёзишмаларда сўзларнинг асл мазмунини (масалан, киноя ёки ҳақиқий таҳдид), хабарлардаги (Telegram, Instagram ва ҳ.к.) “Агар айтганимни қилмасанг, видеоларингни тарқатаман” ёки “Ўлдираман” каби таҳдидларнинг жабрланувчи иродасини синдиришга қаратилган лингвистик кучини, шахснинг қаршилигини енгиш учун ишлатилган психологик босим усуллари ва буйруқ мазмунидаги

конструкцияларни, шантаж хабарлари айнан айбдор томонидан ёзилганлигини;

7) суд-фонографик экспертизаси таҳдид қилаётган овознинг гумонланувчига тегишлилигини, сўзлаётган шахснинг нутқидаги агрессия ва қатъият даражасини (бу таҳдиднинг реаллигини баҳолаш учун муҳим), таҳдид ёзувларида мазмунни ўзгартиришга қаратилган техник аралашувлар бор-йўқлигиниовозли хабарлар орқали амалга оширилган руҳий босимни, овознинг индивидуал хусусиятлари (тембр, нутқ одатлари) асосида хабар юборган шахснинг шахсиятини, овоз ёзувидаги агрессия, ҳукмронлик ва таҳдид оҳангларини, жабрланувчида пайдо бўлган қўрқувнинг реал асоси борлигини, овозли хабарларда “контекстдан юлиб олиш” ёки монтаж аломатлари бор-йўқлигини;

8) видеоматериалларнинг суд экспертизаси визуал далиллар ва “киберстрим” орқали содир этилган жиноятларни фош этади, видео-шантаж таҳлилини амалга ошириб, агар жабрланувчини учрашувга келишга мажбурлаш учун визуал контент ишлатилган бўлса, ўша видеоларнинг манбаси ва ҳақиқийлигини аниқлайди, агар жиноят жараёни видеога олинган бўлса, жабрланувчининг жисмоний қаршилик кўрсатганини ёки ожиз аҳволда бўлганини (масалан, мажбурлаб ичирилган моддалар таъсирида) тасдиқлайди, видео қачон, қаерда ва қайси қурилмада олинганини аниқлаш орқали воқеа вақти ва жойини (алибини текшириш учун) аниқлайди.

4.2-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятининг юридик-техник таҳлили

119-модда. Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, –
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар:
а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
г) ўлдириш билан қўрқитиб;
д) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –
саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:
а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;
б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;
в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;
г) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси томонидан;
д) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
е) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, –
ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –
ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг эркинлиги олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституцияга мувфиқ ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Шундай эркинликлардан бири жинсий эркинлик саналади ва у қонун билан ҳимоя қилинган.

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[98].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[99].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[100].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик

---

[98] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[99] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[100] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[101].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан

[101] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[102].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг

[102] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[103].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жинсий эркинлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – номусга тегиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиш зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш йўли билан содир этилади;
6) қилмиш жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш мақсадида содир этилади;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган ҳаракатлар бошланган пайтдан, улар

[103] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тугатилганлигидан ва келиб чиққан оқибатлардан қатъий назар бошланган вақтдан бошлаб, бунда айбдор ёки томонларнинг жинсий эҳтиёжи ғайритабиий усулда қонган ёки қонмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун Жиноят кодексининг 118-119-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича жинсий алоқа табиий усулда вужудга келган ёки келмаганлигидан қатъий назар жинсий эркинликка таҳдид бошланган вақтдан бошлаб тугалланган саналади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – кесик таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) кибершантаж ва сексторшн (Sextortion). Мисол учун, жабрланувчининг аввалдан мавжуд бўлган ёки алдов йўли билан қўлга киритилган яланғоч ҳолатдаги фото ёки (ва) видеоларини интернетда тарқатиш таҳдиди остида уни ғайритабиий жинсий алоқага мажбурлаш ёки сохта видеолар (Deepfake) ёрдамида жабрланувчи иштирокида тайёрланган сохта порнографик материалларни оила аъзоларига юбориш таҳдиди остида ёхуд жабрланувчининг ижтимоий тармоқдаги профилларини бузиб кириш (hacking) ва у ердаги шахсий ёзишмаларни ошкор қилмаслик эвазига жинсий эҳтиёжни қондиришни талаб қилиш;

2) рақамли муҳитда руҳий зўравонлик ва таҳдид. Мисол учун, Telegram, WhatsApp ёки Instagram орқали жабрланувчининг ўзига ёки яқинларига нисбатан жисмоний куч ишлатиш, ўлдириш ёки соғлиғига зарар етказиш билан қўрқитиб, уни айбдор айтган жойга келишга ва ғайритабиий жинсий алоқага рози бўлишга мажбурлаш ёки ижтимоий тармоқларда жабрланувчини тинимсиз ҳақорат қилиш ва обрўсизлантириш орқали уни иродасини синдириб, жиноятчининг шартларига бўйсундириш;

3) масофавий кузатув ва таъқиб (Stalking). Мисол учун, жабрланувчининг телефонига ўрнатилган яширин дастурлар орқали унинг қаердалигини (GPS) ва ким билан гаплашаётганини кузатиб бориш ва бу маълумотлардан жабрланувчини чорасиз қолдириш ва жинсий зўравонлик мақсадларида фойдаланиш ёки жабрланувчининг компьютери ёки смартфони камерасини масофадан бошқариб, унинг шахсий ҳаётини яширинча ёзиб олиш ва кейинчалик шу ёзувлар билан мажбурлаш;

4) сохта профиллар орқали тузоққа тушириш (Grooming). Мисол учун, интернетда ўзини бошқа шахс сифатида таништириб, жабрланувчи билан яқин алоқа ўрнатиш ва жабрланувчини ахборот-коммуникация технологиялари орқали босим остига олиб, уни ғайритабиий усулдаги жинсий ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш йўли билан содир этилади.

Мазкур жиноят фош этилиши учун Darknet ва ёпиқ платформаларда кибержиноятчиларнинг бундай ҳаракатларни режалаштириши ёки буюртма бериши мумкин бўлган форумлардаги қолдиқлари олиниши, Metadata таҳлили ўтказилиб, агар кибержиноят содир этилаётган пайтда видеога олинган бўлса, файлнинг яратилган вақти ва географик координатлари олиниши, Chat Logs яъни жабрланувчини учрашувга таклиф қилишдаги алдов (grooming) ёки қўрқитиш босқичлари акс этган ёзишмалар олиниши лозим. Суд-биологик экспертизасида жабрланувчи танасидаги биологик излар ва ДНК таҳлили амалга оширилиб, суд-компьютер-техникавий экспертизасида айбдорнинг қурилмасидан ўчирилган видеоёзувларни тиклаш ва таҳдид хабарларини идентификация қилиш зарур. Шунингдек, суд-психиатрия экспертизасида жабрланувчида юзага келган оғир руҳий жароҳатни (PTSD) ва жиноятчининг садистик мойилликларини аниқлаш даркор.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси айбдорнинг жабрланувчини тузоққа тушириш учун ишлатган усулларини масалан, махфий суратларни олиш, кибертаъқиб, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларни ва ўчирилган файлларни тиклайди, агар жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали келишиб олганини ва роллар тақсимотини, айбдор жабрланувчини мажбурлаш учун ишлатган файлларнинг (фото, видео, ёзишмалар) унинг қурилмаларидаги изларини, агар жиноятчи жабрланувчининг ақлли уй тизими, хавфсизлик камералари ёки ижтимоий тармоқдаги профилларини қўлга олиб, шу орқали унинг ҳаракатини чеклаган ёки мажбурлаган бўлса, ушбу киберҳужум фактларини, жиноятчи ва жабрланувчининг рақамли учрашув нуқталари ва вақт оралиғидаги техник мувофиқликни;

2) суд-филологик экспертизаси ёзишмалардаги мажбурловнинг лингвистик табиатини, хабарлардаги ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилишга бўлган очиқ ёки яширин талабларни, таҳдид ва шантаж элементларини таҳлил қилади, жабрланувчининг розилиги ихтиёрий эмас, балки рақамли босим остида олинганлигини (иродасини чеклаш), хабарлардаги таҳдидларнинг масалан, сексторшн – интим фотоларни тарқатиш билан қўрқитиш жабрланувчи иродасини синдиришга қай даражада йўналтирилганлигини, матнда айнан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга бўлган талаб ва унинг эвазига ваъда қилинган сукут ёки хавфсизлик шартларини, бир қарашда оддий кўринган сўзлар ортига яширинган жиноий мақсад ва жабрланувчини ожиз ҳолатга солувчи психологик босимни;

3) суд-фонографик экспертизаси таҳдид қилаётган овознинг гумонланувчига тегишлилигини, овоздаги босим ва зўрлаш ниятининг эмоционал ифодасини, ёзувда ҳеч қандай техник ўзгартириш ёки монтаж йўқлигини;

4) одам ДНКси ва суд-биологик экспертизаси жисмоний алоқа содир бўлганини ва иштирокчиларни илмий тасдиқлайди, ғайритабиий алоқага хос бўлган биологик изларни (сперма, сўлак, эпителий ҳужайралари) жабрланувчининг баданидан ва воқеа жойидан олиш ва солиштириб, айбдорнинг шахсини ва алоқанинг айнан ЖК 119-моддасига хос механизмини, жабрланувчининг баданидан, кийимидан ёки воқеа жойидан олинган биологик намуналар (ДНК, сўлак ва ҳ.к.) орқали айнан гумонланувчининг алоқадорлигини;

5) суд-тиббий экспертизаси ғайритабиий жинсий алоқага хос бўлган ўзига хос жароҳатларни, шикастларни ва тиббий изларни қайд этиб, зўрлик ишлатиш даражасини ва жиноятнинг оғир оқибатларга олиб келганлигини;

6) суд-психологик экспертизаси айбловнинг энг нозик қисми жабрланувчининг иродаси қай даражада чекланганини, аёл ёки эркакнинг розилиги ҳақиқий ирода маҳсули ёки мажбурлов натижаси эканлигини, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб юборилган таҳдидлар жабрланувчининг онгида қандай акс этганини, агар жабрланувчи шантаж таъсирида “менга фарқи йўқ, нима қилсанг қил” деган бўлса, бу розилик эмас, балки ирода фалажлиги (will paralysis) ҳисобланишини, жабрланувчининг ўз ҳаракатларини бошқариш қобилияти қайси лаҳзада йўқолганини, жабрланувчининг ёши, интеллектуал даражаси ёки вақтинчалик руҳий ҳолати масалан, кучли қўрқув – аффект туфайли содир бўлаётган воқеанинг моҳиятини англай олиш қобилиятини, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, шахснинг шахсий маълумотлари тарқатилиши билан қўрқитиш (doxing) жабрланувчини шундай руҳий тушкунликка солиши мумкинлигини, у ҳеч қандай жисмоний қаршилик кўрсата олмай қолганми, деган масалаларни, рақамли руҳий босимнинг (муттасил ёзишмалар, аудио, видео таҳдидлар) жабрланувчи руҳиятига етказган зарари даражасини, қилмишнинг оғир оқибатлари деганда нафақат жисмоний, балки чуқур руҳий жароҳатларни ҳам тушуниш лозимлигини, жабрланувчининг рақамли саводхонлиги пастлиги ёки руҳий ҳолатидан фойдаланиб, унинг устидан виртуал назорат ўрнатилганлигини, кибертаъқиб натижасида жабрланувчининг қаршилик кўрсатиш иродаси фалажланганлигини яъни, жисмоний куч ишлатилмаган тақдирда ҳам, руҳий жиҳатдан зўрланган ҳолатини, ғайритабиий усулдаги алоқа натижасида жабрланувчида юзага келган оғир руҳий жароҳатнинг кўламини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси таҳдид қилинаётган видеоёзувлардаги сунъий интеллект изларини ва тасвирнинг сунъий ўзгартирилганлигини, агар жиноят факти ёзиб олинган бўлса (масалан, кейинчалик қайта шантаж қилиш учун), видеодаги шахсларнинг идентификацияси ва ҳаракатларнинг кетма-кетлигини аниқлайди.

4.3-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

121-модда. Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш, –
уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўша ҳаракат оғир оқибатларга олиб келса, –
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўша ҳаракат жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, –
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракат:
а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;
б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;
в) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
г) оғир оқибатларга олиб келса, –
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг эркинлиги олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституцияга мувфиқ ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Шундай эркинликлардан бири жинсий эркинлик саналади ва у қонун билан ҳимоя қилинган.

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[104].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[105].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[106].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни

---

[104] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[105] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[106] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[107].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини

[107] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[108].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[108] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[109].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жинсий эркинлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – номусга тегиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиш хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилади;
6) қилмиш жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш мақсадида содир этилади;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган ҳаракатлар бошланган пайтдан, улар тугатилганлигидан ва келиб чиққан оқибатлардан қатъий назар бошланган вақтдан бошлаб, бунда айбдор ёки томонларнинг жинсий эҳтиёжи ғайритабиий усулда қонган ёки қонмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун бу жиноят ҳам Жиноят кодексининг 118-119-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича жинсий алоқа табиий усулда вужудга келган ёки келмаганлигидан қатъий назар жинсий эркинликка таҳдид бошланган вақтдан

[109] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бошлаб тугалланган саналади. Зўрлик ишлатиш, қўрқитиш ёки мажбурлаш ҳаракатлари бошланган ва жабрланувчи бунинг таъсирида ўз шаъни ва номусига қарши ҳаракатларни бажаришга киришган (масалан, кийимини ечишни бошлаган) сониядан жиноят тамомланган ҳисобланади. Жинсий алоқанинг амалда юз берган-бермагани аҳамиятсиз.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) кибершантаж (сексторшн). Мисол учун, жабрланувчининг яланғоч ҳолатдаги фотосуратлари ёки видеоларини интернетда, ижтимоий тармоқларда ёки яқинларига юбориш билан қўрқитиш ёки жабрланувчининг шахсий ёзишмаларини (чатларини), унинг шахсиятига оид махфий маълумотларни эълон қилиш билан таҳдид қилиб, жинсий алоқага мажбурлаш ёхуд жабрланувчи иштирокида сунъий интеллект томонидан яратилган порнографик фото ёки видеоларни тарқатиш билан қўрқитиш;

2) хизмат ёки моддий қарамликдан ахборот-коммуникация технологиялари орқали фойдаланиш. Мисол учун, электрон почта ёки мессенжерлар (Slack, Telegram ва ҳ.к.) орқали ходимга ишдан бўшатиш, ойликни кесиш ёки мартабасига тўсқинлик қилиш билан таҳдид қилиб жинсий алоқани талаб қилиш, таълим платформалари орқали талабага паст баҳо қўйиш ёки ўқишдан ҳайдаш билан таҳдид қилиш ёхуд электрон пул ўтказмаларини тўхтатиш ёки банк карталарига масофавий чеклов қўйиш билан қўрқитиб мажбурлаш;

3) кибертаъқиб ва руҳий зўравонлик. Мисол учун, тинимсиз онлайн таъқиб (Stalking) қилиш орқали жабрланувчини тинимсиз кузатиб бориш ва унинг иродасини синдириш мақсадида ижтимоий тармоқларда қўрқитувчи хабарлар йўллаш ёки жабрланувчи ҳақида ижтимоий тармоқларда ёлғон ва шармандали маълумотлар тарқатиш (кибербуллинг) орқали уни жамиятдан ажратиб қўйиш билан қўрқитиш;

4) техник воситалар орқали мажбурлаш. Мисол учу, жабрланувчининг қурилмаларига (телефон, ноутбук) жосуслик дастурларини ўрнатиб, унинг яширин ҳаётини камера ёки микрофон орқали ёзиб олиш ва ушбу ёзувлар билан мажбурлаш орқали содир этилиши мумкин.

Қилмиш оғир оқибатларга олиб келган, жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган, ушбу ҳаракатлар ўз навбатида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга, яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга, такроран, хавфли

рецидивист томонидан ёки илгари Жиноят кодексининг 118, 119, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, оғир оқибатларга олиб келганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат саналади. Бу жиноятда айбдор ёки жабрланувчининг эркак ёки аёл эканлиги аҳамиятга эга эмас.

Мазкур жиноят фош этилиши учун Corporate Communication Logs, яъни корпоратив почта (Slack, Microsoft Teams, Zoom ва хк.) ёзишмалари олиниши, кибержиноятчи кўпинча хизмат мавқеидан фойдаланиб, иш юзасидан деб норасмий ва мажбурловчи хабарлар юборган бўлиши мумкинлиги, Hierarchy Mapping, яъни ахборот тизимидаги ким кимга бўйсунишини тасдиқловчи ташкилий тузилма файллар олиниши, Evidence of Coercion, яъни "*агар рози бўлмасанг...*" мазмунидаги шантаж хабарлари, аудио ёки видеоёзувлар олиниши ва текшириб кўрилиши зарур. Суд-компьютер техникавий экспертизасида ўчириб юборилган мажбурлов хабарлари тикланиши ва уларнинг ҳақиқийлиги (фейк эмаслигини) тасдиқланиши, суд-психологик экспертизасида жабрланувчининг иродаси қарамлик туфайли қанчалик босим остида бўлгани ва унда танлов имконияти қолган-қолмаганини аниқланиши, суд-лингвистик экспертизада хабарлардаги яширин маъно ва мажбурлов элементларини илмий жиҳатдан асослаб берилиши даркор.

Криминологик жиҳатдан раҳбар, ўқитувчи, васий ёки моддий

таъминловчи шахс зўрлик ишлатмасдан, жабрланувчининг заиф нуқтасини (иш, ўқиш, пул) жиловлаши мумкинлиги, кибержиноятчи ахборот-коммуникация технологиялари орқали жабрланувчини 24/7 назоратда ушлаши мумкин (масалан, геолокациясини талаб қилиш, доимий онлайн бўлишни буюриш)лиги, бу қилмиш оиладаги моддий қарамликдан фойдаланиб содир этиладиган яширин кибержиноят бўлиши мумкинлигига эътибор қаратиш зарур.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибериноятнинг рақамли механизмини ва қарамлик алоқаларини исботлайди, айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган иерархик (хизмат) ёки моддий алоқаларни аниқлайди, масалан, корпоратив тизимлар (Slack, ERP, электрон почта) орқали берилган буйруқлар ва уларнинг мажбурловчи мазмунини тиклайди, айбдорнинг жабрланувчига тегишли бўлган рақамли ресурсларни (логин-пароллар, крипто-ҳамёнлар, шахсий маълумотлар) назорат қилиш орқали уни “бошқа жиҳатдан қарам” аҳволга солиб қўйганини, айбдор (раҳбар) хизмат мавқеидан фойдаланиб, жабрланувчининг шахсий ёзишмаларини ёки компьютер файлларни яширинча кузатгани ва шу орқали шантаж қилганини, мажбурлов мазмунидаги хабарларнинг қайси қурилмадан, қайси дастур орқали юборилгани ва уларнинг асллигини, жиноят содир этилганидан кейин айбдор томонидан ўчириб ташланган, лекин мажбурлаш фактини тасдиқловчи файлларни;

2) суд-филологик экспертизаси мажбурлашнинг тил воситалари орқали ифодаланишини таҳлил қилади, ёзишмалардаги “агар рози бўлмасанг, ишдан бўшатаман”, “мукофот пулингни бермайман” ёки “ижтимоий нафақангга тўсқинлик қиламан” каби мажбурловчи жумлаларни семантик таҳлил қилади, сўзларнинг шунчаки таклиф эмас, балки шахснинг эркин қарор қабул қилиш ҳуқуқини чеклайдиган императив (буйруқ) характерда эканлигини, хабарлардаги “агар хоҳлаганимни қилмасанг, ишингдан айриласан” ёки “бизнесингни ёпаман” каби ибораларнинг мажбурловчи кучини, нутқ конструкцияларида айбдорнинг ўзини “хўжайин” ёки “ҳомий” сифатида намоён қилиб, жабрланувчига иродасини ўтказишга уринишини, матннинг умумий контексти айнан жинсий алоқага ёки ғайритабиий усулдаги эҳтиёжни қондиришга йўналтирилганлигини;

3) суд-психологик экспертизаси жабрланувчининг иродаси ва қарамлик даражасини баҳолайди, жабрланувчининг айбдорга бўлган психологик ва ижтимоий қарамлиги қай даражада бўлганини ва бу қарамлик унинг йўқ дейиш қобилиятига қандай таъсир қилганини ўрганиб, ЖК 121-модданинг диспозициясидаги мажбур этиш фактини, жабрланувчининг айбдорга бўлган моддий ёки хизмат қарамлиги унинг мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига қандай таъсир қилганлигини, ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилинган тизимли босим натижасида жабрланувчида юзага келган психологик травма ва қаршилик кўрсата олмаслик ҳолатини, мажбурлаш натижасида жабрланувчининг руҳиятига етказилган зарарнинг (масалан, депрессия ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллик) даражасини;

4) суд-фонографик экспертизаси аудиоёзувда техник ўзгартиришлар, кесиб-улашлар ёки тўхтатиб ёзишлар бор-йўқлигини, шовқинли муҳитда ёзилган, паст овозли ёки тушунарсиз нутқни махсус дастурлар ёрдамида тозалаб, унда нима дейилганини (лингвистик мазмунини), сўзлаётган вақтда шахснинг руҳий ҳолати (ҳаяжон, қўрқув, мастлик, ғазаб ёки қасддан овозини ўзгартиришга уриниш), ёзув қайси турдаги қурилмада (диктофон, телефон, профессионал микрофон) ва қандай муҳитда (бино ичида, кўчада) ёзилганини;

5) суд-иқтисодий экспертизаси жабрланувчининг айбдорга нисбатан молиявий қарздорлиги ёки ундан олаётган доимий моддий ёрдами миқдорини, моддий қарамликнинг жабрланувчи ҳаёти учун нақадар муҳимлигини масалан, ягона даромад манбаи эканлигини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси видеода акс этган шахснинг юз тузилиши, тана тузилиши ёки ашёларнинг (автомобиль рақами, кийимдаги белгилар) ўзига хослигини, тасвирда сунъий интеллект ёрдамида юз алмаштирилганми, кадрлар олиб ташланганлиги ёки иккита алоҳида видео бирлаштирилганлигини, видеодаги ҳаракатларнинг аниқ вақтини, кетма-кетлигини ва давомийлигини, видеодаги объектларнинг реал ўлчамларини ва улар ўртасидаги масофани, видео қайси қурилмада олингани, файл қачон яратилгани ва унга кейинчалик ишлов берилган-берилмаганини аниқлайди.

5-БОБ. ШАХСНИНГ АХЛОҚИ ҲАМДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1. Кибержиноят бўлиши мумкинлиги тасдиқланган ушбу жиноят турлари – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш (кибертиланчилик), порнографик ёки тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (киберпорнография, киберзўравонлик), қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш (киберқўшмачилик), инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, туҳмат (кибертуҳмат), ҳақорат қилиш (киберҳақорат), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, виждон эркинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш;

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқ ва эркинликлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – жиноят содир этгунига қадар қуйидаги ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс:

14 ёш – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик),

18 ёш – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик);

16 ёш – шахснинг ахлоқи ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қолган кибержиноятлар.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – қуйидаги усуллар орқали Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳолат ва ҳаракатлар бўйича шахсга қарши кибержиноятларни содир этиш:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

8. Кибержиноят мақсади – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари. Шу жумладан, тизим, тармоқ, дастур, дастурий восита, дастурий аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий маҳсулот, дастурий таъминот, қурилма, аппарат, техник восита, алоқа, ахборот, сунъий интеллект, телекоммуникация воситаси, тиббий восита, ахборот, булутли, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникациялар, кибер, шу жумладан, киберхавфсизлик, био, веб-технологиялари, платформалар, маркетплейслар, мессенжер, веб-сайт, ахборот ресурси ва хк.

10. Кибержиноятнинг умумий зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Қўшимча зарурий белгилари, Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳаракат бажарилган ёки оқибат вужудга келган вақтдан бошлаб Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури –

моддий таркибли кибержиноят – ушбу жиноятлар тугалланган деб ҳисобланиши учун қилмиш натижасида албатта муайян жисмоний ёки моддий оқибат (ўлим, тан жароҳати ва хк.) келиб чиқиши шарт ва унга кирувчи соф кибержиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амалдаги таҳририда ҳозирча назарда тутилмаган;

формал таркибли кибержиноят – бу тоифадаги жиноятларда оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, жиноий ҳаракатнинг ўзи содир этилиши билан (масалан, хабар юбориш, тарқатиш, мажбурлаш ёки қўрқитиш ва хк.) қилмиш тугалланган ҳисобланади ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш (кибертиланчилик), порнографик ёки тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (киберпорнография, киберзўравонлик), қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш

(киберқўшмачилик), инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, туҳмат (кибертуҳмат), ҳақорат қилиш (киберҳақорат), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, виждон эркинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш жиноятлари кириши мумкин;

аралаш таркибли кибержиноят – ушбу қилмишлар ҳам ҳаракатнинг ўзи (формал), ҳам унинг натижасида келиб чиқадиган зарарли оқибатларни (моддий) ўз ичига олувчи комплекс жиноятлар бўлиб, унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик) жиноятлари киради. Мисол учун, кибероилавий зўравонлик жиноятида таҳдид ва ҳақорат қилишдан (формал) тортиб, баданга турли даражадаги шикаст етказишгача (моддий) бўлган ҳаракатларни ўз ичига олади;

кесик таркибли кибержиноят – тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичидаёқ тугалланган деб топиладиган жиноятлар бўлиб, шахсга қарши кибержиноятларга кесик таркибли кибержиноятлар Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилмаган.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир кибержиноятларга бўлинади.

Бунда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Мисол учун:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, оилавий (маиший) зўравонлик, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш, инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, туҳмат, ҳақорат қилиш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, виждон эркинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш кибержиноятлари кириши мумкин;

Унча оғир бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, оилавий (маиший) зўравонлик, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш, инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш кибержиноятлари кириши мумкин;

Оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, оилавий (маиший) зўравонлик, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш кибержиноятлари кириши мумкин;

Ўта оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, оилавий (маиший) зўравонлик кибержинояти кириши мумкин.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

14. Жазо тизимига кўра тури –

1) Жиноят кодексида қилмиш учун жарима жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш (кибертиланчилик), порнографик ёки тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (киберпорнография, киберзўравонлик), қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш (киберқўшмачилик), инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, туҳмат (кибертуҳмат), ҳақорат қилиш (киберҳақорат), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, виждон эркинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш кибержиноятлари;

2) Жиноят кодексида қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик), порнографик ёки тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (киберпорнография, киберзўравонлик), инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, туҳмат (кибертуҳмат), ҳақорат қилиш (киберҳақорат), шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш кибержиноятлари;

3) Жиноят кодексида қилмиш учун мажбурий жамоат ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш (кибертиланчилик), порнографик ёки тазйиқни, зўравонликни ёки

шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (киберпорнография, киберзўравонлик), қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш (киберқўшмачилик), туҳмат (кибертуҳмат), ҳақорат қилиш (киберҳақорат), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, виждон эркинлигини бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш кибержиноятлари;

4) Жиноят кодексида қилмиш учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш (кибертиланчилик), порнографик ёки тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (киберпорнография, киберзўравонлик), қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш (киберқўшмачилик), инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, туҳмат (кибертуҳмат), ҳақорат қилиш (киберҳақорат), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, виждон эркинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш кибержинояти;

5) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш (кибертиланчилик), порнографик ёки тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (киберпорнография, киберзўравонлик), қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш (киберқўшмачилик), инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, туҳмат (кибертуҳмат),

ҳақорат қилиш (киберҳақорат), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, виждон эркинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш кибержиноятлари;

6) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, оилавий (маиший) зўравонлик (кибероилавийзўравонлик), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, тиланчилик қилиш (кибертиланчилик), порнографик ёки тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (киберпорнография, киберзўравонлик), қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш (киберқўшмачилик), инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, туҳмат (кибертуҳмат), ҳақорат қилиш (киберҳақорат), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш, виждон эркинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш кибержиноятлари.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

Юқоридагиларга кўра, айтадиган бўлсак, шахснинг ахлоқи ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларига қарши кибержиноятларга Жиноят кодексининг 125, 126^{1}, 127, 127^{1}, 129-133^{2}, 135, 138-141^{3}, 143, 145-147, 149-149^{3}-моддаларида назарда тутилган, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация, интернет тармоқларида, ундан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки улар орқали содир этилган кибержиноятлар кириши мумкин.

5.1-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

125-модда. Фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилиш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Ўша қилмиш:
а) касб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан содир этилган бўлса;
б) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса;
в) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Қонун талабига асосан, фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади. Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига

ҳилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар[110].

Қонунчиликка кўра, ФҲДЁ органлари ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида ўзларига маълум бўлган шифокорлик сирларидан иборат бўлган маълумотларни ошкор этганлиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Амалга оширилган ҳаракатларнинг сирини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар[111].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[112].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[113].

---

[110] Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[111] Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[112] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[113] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[114].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[115].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб

---

[114] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[115] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[116].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши,

[116] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[117].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – муҳофаза қилинадиган оилавий муносабатлар, фарзандлик сири, фарзандликка олинган ёки олган шахс(лар)нинг ҳуқуқ ва манфаатлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ўч олиш, ғаразгўйлик ёки паст ниятларда, шонтаж, товламачилик, безорилик, ўзини кўрсатиб қўйиш ва хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиш фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан содир этилади;

---

[117] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6) қилмиш фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилиш йўли билан содир этилади;

7) алоқа;

8) ахборот;

9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ахборот (сир) бошқа бир шахсга маълум бўлган вақтдан.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки мажбурий жамоат ишлари ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали тарқатиш. Мисол учун, Telegram, WhatsApp, Facebook ёки Instagram каби платформалардаги маҳалла, қариндошлар ёки ҳамкасблар гуруҳларига фарзандликка олинганлик ҳақидаги маълумотни жойлаштириш ёки маълумотни боланинг ўзига, унинг мактабдошларига ёки танишларига шахсий ёзишмалар орқали юбориш ёхуд ижтимоий тармоқлардаги шахсий профилларда ёки очиқ саҳифаларда фарзандликка олиш сирини очиқлаб матн, фото ёки видео қолдириш;

2) рақамли маълумотлар базалари ва тизимлардан фойдаланиш. Мисол учун, хизмат юзасидан маълумотга эга бўлган шахслар (ФҲДЁ, васийлик органи, туғруқхона, суд ходимлари) томонидан давлат хизматлари



ёки идоравий базалардан боланинг фарзандликка олинганлиги ҳақидаги электрон ҳужжатларни (қарор, гувоҳнома) рухсатсиз юклаб олиш ва уларни интернет орқали бошқаларга юбориш ёки хизмат дастурларидаги махфий маълумотларни экрандан суратга олиб, электрон каналлар орқали улашиш;

3) веб-сайтлар ва форумлар. Мисол учун, маҳаллий форумлар, муҳокама сайтлари ёки “компромат” йўналишидаги веб-ресурсларда фарзандликка олиш сирига оид маълумотарни эълон қилиш ёки оммабоп блогерлар ёки янгиликлар саҳифалари остидаги изоҳлар(комментарийлар)да шахснинг фарзандликка олинганлигини ёзиб қолдириш;

4) оммавий ахборот воситалари ва блоглар. Мисол учун, видео-блоглар ёки онлайн нашрларда жабрланувчининг розилигисиз унинг келиб чиқиши ва фарзандликка олинганлиги ҳақидаги далилларни очиқлаш ёки мақолаларда исм-шарифларни ўзгартирмасдан ёки шахсни аниқлаш имконини берувчи маълумотлар билан сирни фош қилиш;

5) почта ва булутли (Cloud) хизматлар. Мисол учун, махфий ҳужжатларни учинчи шахсларга ёки жабрланувчининг ўзига электрон почта орқали юбориш ёки Google Drive, Яндекс Диск каби булутли хотиралардаги маълумотларга очиқ кириш ҳуқуқини бериш орқали сирни ошкор қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ўша қилмиш касб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса, бу ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Ушбу жиноятда **оғир оқибатлар** деганда оиланинг бузилиши, фарзандликка олинган ёки уни олганларнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид вужудга келиши, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етиши, яшаш жойини мажбуран алмаштириши, бошқа жойга кўчиб кетишга мажбур бўлиши, қўшимча харажатлар қилишга тўғри келиши ва хк. тушунилади.

Мазкур кибержиноят фош этилиши учун Database Access Logs, яъни давлат хизматлари ёки ФҲДЁ (ЗАГС) органларининг ахборот тизими (масалан, “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими[118]), маълумотлар базаларига ким, қачон ва қайси қурилмадан кирганини кўрсатувчи тизим журналлари, Internet Traffic & Social Media Logs, яъни маълумот интернет тармоғига юкланган бўлса, унинг дастлабки манбаси (IP-манзили) ва тарқалиш занжири, Messaging Metadata, яъни ижтимоий тармоқлар (Telegram, WhatsApp ва хк.) орқали юборилган туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки суд қарори фотосуратларининг юборилган вақти ва ва жойи аниқланиши даркор. Суд-комьютер-техникавий экспертизада маълумотлар базаси, ахборот тизимидан ноқонуний кўчириб олинганлиги ёки хизмат ваколати суиистеъмол қилинганлиги ҳолати аниқланиши, суд-лингвистик экспертизасида ошкор қилинган хабарнинг мазмуни таҳлил қилиниб, унда ҳақиқатдан ҳам фарзандликка олиш сири мавжудлиги тасдиқланиши, суд-психологик экспертизасида кибержиноят натижасида бола ёки ота-онага етказилган маънавий зарар ва оғир оқибатлар баҳоланиши даркор. Мазкур жиноятлар одатда тиббиёт, ФҲДЁ ходимлари ёки васийлик органи мутахассислари маълумотлар базалари ёки (ва) ахборот тизимидан фойдаланиб, сирни билиб олишади ва уни ошкор қилишади ёки ғаразгўйлик ёки паст ниятларда кимдандир пул ундириш учун (шантаж) ёки шахсий адоват туфайли оилавий сирни ижтимоий тармоққа чиқариб юбориш йўли билан содир этилиши

[118] Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мумкинлигини эсдан чиқармаслик зарур. сир ошкор бўлиши натижасида боланинг руҳияти қаттиқ жароҳатланиши, оиладаги низолар сабабли ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ёки оиланинг бузилишига оид ҳолатлар ва хк. оғир оқибатлар бўлиши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибержиноятнинг рақамли манбасини ва тарқалиш занжирини, маълумот қайси қурилмадан юборилган, қайси IP-манзилдан ижтимоий тармоққа юкланган ва файлнинг асл манбаси масалан, васийлик органининг электрон базасидан олинган скриншот қаердан келиб чиққанини, айбдорнинг шахсини идентификация қилади ва маълумотнинг айнан ахборот-коммуникация технологияларида тарқатилганини, фарзандликка олинганлик ҳақидаги маълумотлар қайси давлат ёки тиббиёт электрон базасидан кўчириб олинганини ва бунга қайси фойдаланувчининг аккаунти (логин ёки пароли) орқали кирилганини, болага ёки оммавий гуруҳларга юборилган хабарнинг IP-манзили, қурилмаси (смартфон, компьютер) ва вақтини аниқлаш орқали аноним фойдаланувчининг асл кимлигини, агар сир ошкор қилинмаслиги эвазига пул талаб қилинган бўлса, бузиб кирилган ёки ўчирилган электрон ёзишмаларни;

2) суд-филологик экспертизаси юборилган хабар ёки ижтимоий тармоқдаги пост мазмунида ҳақиқатдан ҳам фарзандликка олиш сири яққол очиб берилганлигини масалан, “сенинг ҳақиқий онанг бошқа” ёки “сени асраб олишган” каби иборалар мазмунини, хабар матнида шантаж, қасд олиш, оилани бузишга қаратилган манипуляция ёки таъмагирлик унсурлари бор-йўқлигини, сохта (фейк) профиллардан ёзилган хабарларнинг услуби асосида уларни айнан гумонланувчи ёзганлигини, ошкор қилинган маълумотнинг маъносини, тарқатилган матнда ҳақиқатдан ҳам фарзандликка олиш сири мавжуд ёки бу шунчаки тахмин эканлигини, сўзларнинг контексти масалан, “асраб олинган”, “ўзиники эмас” ва ҳ.к. сирни ошкор қилиш даражасини, маълумотнинг “ошкор қилинганлиги” фактини;

3) суд-психологик экспертизаси жиноятнинг оғир оқибатларини баҳолайди, сир ошкор бўлиши натижасида фарзандликка олинган бола ёки унинг ота-онасида юзага келган руҳий травма, тушкунлик ва ижтимоий дезадаптация даражасини, масалан, боланинг руҳий ҳолати ёмонлашиши ёки оиладаги муносабатлар дарз кетишини, сирни ахборот-коммуникация технологиялари масалан, интернетда тасодифан ёки кимнингдир қасддан ёзган хабари орқали кутилмаганда билиб қолиш натижасида болада юзага келган кучли стресс, депрессия ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллик ҳолатларини, сирнинг виртуал оламда кенг тарқалиб кетиши фарзандликка олган ота-онанинг руҳиятига ва оиланинг ижтимоий обрўсига қандай оғир зарба берганлигини, боладаги ёки оиладаги руҳий бузилишлар айнан ўша интернетдаги ошкор қилиш фактининг бевосита натижаси эканлигини;

4) суд-фонографик экспертизаси ҳар бир инсоннинг овоз оҳанги (тембри), талаффуз частотаси ва нутқ аппаратининг ўзига хос хусусиятларини, шовқин-сурон ичида ёзилган, паст овозли ёки тушунарсиз нутқни тозалаб,

унда айнан нима дейилганини (лингвистик мазмунини), овозли хабарда сўзларни кесиб-улаш, техник ўзгартиришлар ёки сунъий интеллект (овозни клонлаштириш) ёрдамида яратилган сохта овозларни, сўзлаётган шахснинг нутқ динамикаси асосида унинг ўша вақтдаги ҳолатини (қўрқув, ғазаб, ҳаяжон, мастлик ёки қасддан овозини ўзгартиришга уриниш), ёзувдаги фон шовқинлари (масалан, машина овози, шамол, аниқ бир бинодаги акс-садо) асосида суҳбат қаерда бўлганлигини ва қандай шароитда ёзиб олинганлигини, овоз қайси қурилмада (телефон, диктофон, профессионал микрофон) ёзилганини ва ушбу қурилманинг ўзига хос техник тамғасини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси видеода акс этган шахснинг юз тузилиши, антропометрик белгилари (бўйи, тана тузилиши), юриш услуби ва ўзига хос жисмоний белгиларини (татуировка, чандиқ), тасвирнинг ҳақиқийлигини текширади. Бугунги кунда энг муҳим йўналиш – сунъий интеллект ёрдамида юзни алмаштириш (Deepfake) ёки кадрларни монтаж қилиш изларини, видеодаги ашёларни, автомобиль рақамларини, кийимдаги ёзувларни ёки жиноят қуролининг (масалан, пичоқ ёки тўппонча) турини, видеодаги ҳаракатларнинг аниқ вақтини, кетма-кетлигини ва кадрлар орасидаги узвийликни (бирор кадр ўчириб ташланганми ёки йўқми), видео тасвир асосида объектларнинг реал ўлчамларини, улар орасидаги масофани ва ҳаракатланиш тезлигини, паст сифатли ёки қоронғуда олинган видеоларни махсус фильтрлар ёрдамида тозалаб, кўринмайдиган деталларни (масалан, шантажчининг юзини) аниқлайди.

5.2-§. Кибероилавий (маиший) зўравонлик жиноятининг юридик-техник таҳлили

126[1]-модда. Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки болани, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки болага, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки болага, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир

кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

в) ўта шафқатсизлик билан;

г) ғаразли ниятларда;

д) диний таассублар замирида;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан;

ж) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97, 104 ва (ёки) 105-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

з) ўта хавфли рецидивист томонидан;

и) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишга ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) вояга етмаган шахсга нисбатан;

в) ўта шафқатсизлик билан;

г) ғаразли ниятларда;

д) диний таассублар замирида;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан;

ж) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97 ва (ёки) 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
г) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, –
ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Қонун талабига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар[119].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[120].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари

---

[119] Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[120] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[121].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[122].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай

---

[121] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[122] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[123].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[124].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини

---

[123] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[124] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[125].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – муҳофаза қилинадиган оилавий муносабатлар, хотин, шу жумладан, собиқ хотин ёки эр, шу жумладан, собиқ эр, бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахс ёки

[125] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

умумий фарзандга эга бўлган шахснинг соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари, мол-мулки ва мулкий дархлсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – ЖКнинг 126^1-моддасининг биринчи қисми субъекти 18 ёшга тўлган, ЖКнинг 126^1-моддасининг иккинчи-саккизинчи қисми субъекти 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, тан жароҳати етказиш йўллари билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғараз, рашк, ўч олиш, турли мазмундаги оилавий келишмовчилик, турли хилдаги паст ниятлар, безорилик, ўзини кўрсатиб қўйиш, кибербуллинг ва хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) айбдорнинг содир этган қилмиши билан жабрланувчининг тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланиш;
6) қилмиш хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилади;
7) қилмиш мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, тан жароҳати етказиш йўлларидан камида бири орқали содир этилади;
8) ушбу қилмиш учун айбдорга маъмурий жазо қўлланилган ва қўлланилган жазодан кейин 1 йил ичида ушбу қилмишни содир этаётган бўлиши зарур;
9) қилмиш таркибида бошқа жиноят аломатлари бўлмаслиги шарт;

10) алоқа;
11) ахборот;
12) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
13) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйишга оид бирон бир ҳаракат амалга оширилган вақтдан.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – ЖК 126^1-моддасининг биринчи қисми формал, ЖК 126^1-моддасининг иккинчи-саккизинчи қисмлари моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир, ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки мажбурий жамоат ишлари ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) рақамли таъқиб ва назорат (cyberstalking). Мисол учун, смартфондаги махсус дастурлар ёки ижтимоий тармоқлардаги жойлашув (GPS) орқали жабрланувчи қаерда эканлигини доимий назорат қилиш ва бу ҳақда унга хабар бериб, қўрқувда ушлаб туриш ёки жабрланувчининг ижтимоий тармоқлари, электрон почтаси ёки телефони паролини мажбуран олиб, унинг шахсий ёзишмаларини тинимсиз текшириш ёхуд телефонга яширинча дастур (Stalkingware) ўрнатиб, қўнғироқлар ва хабарларни масофадан туриб эшитиш ёки ўқиш;

2) психологик кибер-зўравонлик. Мисол учун, кун давомида Telegram, Instagram ва ҳ.к. ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб юзлаб ҳақоратли, камситувчи ёки таҳдидли хабарларни юбориш (Spamming) ёки жабрланувчига интернетдан фойдаланишни тақиқлаш, унинг дўстлари ва яқинлари билан онлайн мулоқот қилишига тўсқинлик қилиш ёки унинг номидан ҳақоратли хабарлар тарқатиб, одамларни ундан бездириш ёхуд рақамли далилларни (хабарларни, фотоларни) ўчириб ташлаш ёки ўзгартириш орқали жабрланувчини”ақлдан озган” қилиб кўрсатиш (Gaslighting);

3) кибершантаж ва сексторшн (Sextortion). Мисол учун, бирга яшаган даврда олинган интим фотосурат ёки видеоларни тарқатиб юбориш таҳдиди остида жабрланувчини ўз иродасига бўйсундириш ёки никоҳдан ажрашгандан сўнг собиқ турмуш ўртоғининг шахсий фотоларини интернетга чиқариб юбориш орқали “қасд олиш порноси” (Revenge Porn)ни амалга ошириш;

4) иқтисодий киберзўравонлик. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, банк мобил иловалари (Click, Payme ва ҳ.к.) орқали жабрланувчининг харажатларини тинимсиз кузатиш, карталарини блоклаш ёки масофавий бошқариш орқали уни пулсиз қолдириш ёки жабрланувчининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги (my.gov.uz) шахсий кабинетига кириб, унинг ҳужжатлари ёки нафақалари билан боғлиқ амалларни унинг зарарига ўзгартириш орқали содир этилиши мумкин.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки болани, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилиши, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки болага, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки болага, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, шу билан бирга, ушбу ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ шахсга, ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга, ўта шафқатсизлик билан, ғаразли ниятларда, диний таассублар замирида, бир гуруҳ шахслар томонидан, такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ЖКнинг 97, 104 ва (ёки) 105-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, ўта хавфли рецидивист томонидан, қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилиши, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишга ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданнинг

тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлиши, шунингдек, ушбу ҳаракатлар ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга, вояга етмаган шахсга, ўта шафқатсизлик билан, ғаразли ниятларда, диний таассублар замирида, бир гуруҳ шахслар томонидан, қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилиши, мазкур ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, такроран, хавфли рецидивист томонидан

ёки илгари ЖК 97 ва (ёки) 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган ёки жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Бунда, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки болага, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки болага, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, шу билан бирга, ушбу ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ шахсга, ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга, ўта шафқатсизлик билан, ғаразли ниятларда, диний таассублар замирида, бир гуруҳ шахслар томонидан, такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ЖКнинг 97, 104 ва (ёки) 105-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, ўта хавфли рецидивист томонидан, қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилиши, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишга ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлиши, шунингдек, ушбу ҳаракатлар ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга, вояга етмаган шахсга, ўта шафқатсизлик билан, ғаразли ниятларда, диний таассублар замирида, бир гуруҳ шахслар томонидан, қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилиши, мазкур ҳаракатлар икки

ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ЖК 97 ва (ёки) 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган ёки жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиши учун айбдорнинг кибероилавий зўравонликни амалга оширганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганлиги аҳамиятга эга эмас ва квалияикацияга таъсир этмайди. Мазкур жиноят қуйидаги субъектларга нисбатан содир этилиши мумкин:

айбдор хотини ёки эри, шу жумладан, собиқ эри ёки хотини;

бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахс;

умумий фарзандга эга бўлган шахс.

Қилмишни квалификация қилишда жабрланувчи ва айбдорнинг фуқаролик тартибда (шаърий никоҳда) ўзаро никоҳда бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъий назар умумий зўрғор асосда биргаликда яшаётганлиги қилмишнинг квалияикациясига таъсир этади. Ўзаро умумий зўрғори бўлмаган шахсларнинг учрашуви натижасида вужудга келган маиший

зўравонликлар ушбу жиноят предмети ҳисобланмайди ва Жиноят кодекси Махсус қисмининг бошқа моддалари билан квалификация қилинади. Тан жароҳатига оид ҳолатлар Жиноят кодексининг 104-105 ва 109-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар бўйича аниқланади, бироқ Жиноят кодексининг 126^1-моддаси билан квалификация қилинади.

Кибероилавий зўравонликда жиноят тизимлилик белгиси билан характерланади. Яъни, бир марталик ҳақоратли СМС эмас, балки ахборот-коммуникация технологиялари орқали шахснинг қадр-қимматини доимий равишда топташ ва уни қўрқувда ушлаб туриш ҳаракатлари бошланган ва жабрланувчига руҳий азоб етган вақтдан бошлаб жиноят тамомланган ҳисобланади. Шунинг учун, кибероилавийзўравонликни исботлашда скриншотлар (ёзишмалар, таҳдидлар), қўнғироқлар тарихи ва аудиоёзувлар, телефонга ўрнатилган шубҳали дастурлар ҳақида техник экспертиза хулосаси, Spyware ва Tracking, яъни кибержиноятчи жабрланувчининг телефонига яширинча ўрнатган кузатув иловалари (stalkerware), Audio/Video Surveillance, яъни уй ичидаги камералар ёки овоз ёзиш қурилмалари орқали жабрланувчини доимий қўрқувда ушлашга оид маълумотлар, Chat Logs & Threat History, яъни кибершантаж хабарлари, ижтимоий тармоқлардаги ҳақоратли постлар ва шаънини таҳқирловчи материаллар зарур бўлиши мумкин.

Комплекс суд-тиббий ва психологик экспертизасида тан жароҳати даражаси, соғлиқнинг ёмонлашуви ва шаъни таҳқирланиши ўртасидаги сабабий боғланишни аниқланиши, суд-компьютер техникавий экспертизасида смартфон ёки компьютердаги кузатув дастурларини ва ўчирилган таҳдидли

ёзишмалар тикланиши, суд-фоноскопик экспертизада уй ичидаги овоз ёзувларида ким зўравонлик қилаётганлиги идентификация қилиниши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибероилавийзўравонликнинг техник изларини, айбдор томонидан жабрланувчининг қурилмаларига ўрнатилган кузатув дастурларини (spyware), локацияни кузатиш тарихини ва ижтимоий тармоқлардаги шахсий профилларини блоклаб қўйиш ҳолатларини, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш ёки ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, масалан, банк иловаларига киришни чеклаш каби ҳаракатларни, айбдор томонидан жабрланувчининг телефонига, ижтимоий тармоқларига (Telegram, Instagram ва хк.) бузиб кирилгани, пароллар ўзгартирилгани ва қариндошларининг рақамлари қора рўйхатга (block) киритилганини, жабрланувчининг қурилмасига яширинча жойлашувни аниқловчи, ёзишмаларни ўқувчи ва микрофонни ёқувчи жосуслик дастурлари (spyware/stalkerware) ўрнатилганини, таълим порталларига ёки масофавий иш тизимларига киришни қасддан блоклаш ёхуд иш ёки ўқиш файлларини ўчириб юбориш фактларини;

2) суд-филологик экспертизаси оиладаги рақамли мулоқотнинг мазмуний таҳлил қилиб, мессенжерлар (Telegram, WhatsApp ва ҳ.к.) орқали юборилган хабарлардаги “шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш” ҳамда “қўрқитиш” элементларини аниқлайди, сўзларнинг нафақат мазмунини, балки уларнинг тизимлилигини (қайта-қайта ёзилганини), бу маиший зўравонликка хос бўлган тизимли босим фактини, SMS, электрон почта ёки мессенжерлар орқали юборилган хабарларда мунтазам равишда ҳақоратлаш, ерга уриш ва психологик босим ўтказиш тизими мавжудлигини, жабрланувчини қўрқувда ушлаб туриш мақсадида ёзилган “уйдан чиқсанг ўлдираман”, “болаларни тортиб оламан” каби сўзларнинг лингвистик қатъийлиги ва хавфлилик даражасини;

3) суд-психологик экспертизаси кибертаъқиб (cyber-stalking) ва таҳқирлашлар натижасида жабрланувчининг руҳий ҳолати қай даражада ёмонлашганини баҳолайди, жабрланувчи соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш далилини тиббий-психологик жиҳатдан асослайди, жабрланувчида пайдо бўлган депрессия, доимий хавотир ва қўрқув ҳиссини, мунтазам кибер-назорат, тармоқдаги таҳқирлар ва қариндошлардан виртуал ажратиб қўйиш натижасида жабрланувчида клиник депрессия, кучли стресс ёки ваҳима (паник) ҳужуми шаклланганлигини, айбдорнинг рақамли босими остида жабрланувчининг иродаси нақадар фалажланганлиги ва қаршилик кўрсатиш қобилиятини йўқотганлигини;

4) суд-фонографик экспертизаси ҳар бир инсоннинг овоз оҳанги (тембри), нутқ суръати ва нафас олиши такрорланмаслигидан келиб чиқиб, гумонланувчининг овозини жиноят содир этилган вақтдаги ёзув билан солиштириб, унинг асл эгасини, овозли хабарда сўзларни кесиб-улаш, техник

ўзгартиришлар киритиш ёки сунъий интеллект ёрдамида овозни клонлаштириш (AI voice cloning) изларини, шовқинли муҳитда (масалан, кўчада, машинада) ёзилган ёки паст овозли суҳбатларни махсус дастурлар билан тозалаб, унда нима дейилганини, сўзлаётган шахснинг нутқ динамикаси асосида унинг ўша вақтдаги руҳий ҳолатини (қўрқув, ҳаяжон, мажбурлаш остида гапириш ёки мастлик даражаси), ёзувдаги фон товушлари (масалан, қурилиш овози, аниқ бир қуш сайраши ёки техника товуши) асосида воқеа қаерда содир бўлганини;

5) суд-иқтисодий экспертизаси жабрланувчининг банк иловалари (Click, Payme, банк карталари ва хк.) устидан айбдор томонидан масофавий назорат ўрнатилганлигини ва маблағлардан мустақил фойдаланишга қўйилган техник чекловларни, алимент ёки бошқа турдаги моддий таъминот тизимларига қасддан аралашиб, молиявий қарамлик яратилганини;

6) суд-тиббий экспертизаси баданга етказилган шикастнинг оғирлик даражасини (модданинг тегишли қисмларига тушишини таъминлаш учун: енгил шикаст, ўртача оғир, оғир ёки ўлимга сабаб бўлган ҳолатлар), масалан, айбдор “ақлли уй” (Smart Home) тизимини масофадан бузиб, қишда иситиш тизимини ўчириб қўйиши ёки электрон қулфларни блоклаб жабрланувчини қамаб қўйиши натижасида келиб чиққан соғлиқнинг ёмонлашуви масалан, қаттиқ совуқ қотиш ёки сувсизлик оқибатларини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси видеодаги шахснинг юз тузилиши (портрет экспертизаси), тана аъзоларининг пропорциялари, кийими ва бошқа белгиларини, видеога техник ишлов берилганлигини, кадрлар кесилган ёки иккита видео бирлаштирилганлигини, сунъий интеллект ёрдамида яратилган Deepfake изларини, воқеа иштирокчиларининг ҳаракат йўналишини, тезлигини ва уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашувини масалан, ким биринчи бўлиб қўл кўтарганини, видео қайси қурилмада (телефон, камера) олингани, файл қачон яратилгани, қачон ўзгартирилгани ва унинг асл (оригинал) нусха эканлигини, паст сифатли, хира ёки қоронғуда олинган тасвирларни аниқлайди.

5.3-§. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

127-модда. Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;

в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Қонунчилик талабига асосан, сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт

саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[126].

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[127].

Фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[128].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга

---

[126] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[127] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[128] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[129].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий

[129] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[130].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур

[130] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[131].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, соғлиғи ва ахлоқий ривожланиши.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – вояга етмаган шахсни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланган ёки ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол этишга ёхуд жиноят содир этишга жалб қилиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) маънавий манфаат ва хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмишнинг вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилиши;

---

[131] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6) қилмишнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланган ёки ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол этишга ёхуд жиноят содир этишга жалб қилиш йўлларидан бири билан содир этилиши керак;

7) вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши зарур;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланган ёки ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол этишга ёхуд жиноят содир этишга жалб қилишга қаратилган ҳаракатдан камида биттаси амалга оширилган вақтдан бошлаб. Бунинг оқибатида вояга етмаган шахс жиноят содир этганлиги, юқоридаги моддалар ва ичимликларни истеъмол қилганлиги жиноятнинг тамомланишида аҳамиятга эга эмас.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – ЖК 127-моддасининг биринчи қисми формал, ЖК 127-моддасининг иккинчи-учинчи қисмлари моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима ёки мажбурий жамоат ишлари ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали таъсир ўтказиш. Мисол учун, Telegram, Instagram, TikTok, Facebook ва бошқа ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда сохта (фейк) аккаунтлар орқали вояга етмаган шахс билан

дўстона алоқа ўрнатиш ва кейинчалик уни зарарли ишларга ундаш ёки уни турли экстремистик, шафқатсизликни тарғиб қилувчи ёки ахлоқсиз гуруҳларга (каналларга) қўшиш ёхуд боланинг шахсий маълумотлари ёки фотосуратларини тарқатиш билан қўрқитиб (шантаж), уни муайян ҳаракатларни қилишга мажбурлаш;

2) онлайн ўйинлар ва виртуал муҳит. Мисол учун, кўп фойдаланувчили онлайн ўйинлардан (PUBG, Roblox ва бошқалар) майдонча сифатида фойдаланилган ҳолда, ўйин ичидаги чатлар орқали ўйин давомида боланинг руҳиятига таъсир ўтказиш ва унга топшириқлар бериш ёки виртуал совғалар билан қизиқтириб, ўйин қуроллари ёки валютаси эвазига боладан реал ҳаётда бирон-бир ноқонуний иш қилишни талаб қилиш;

3) хавфли челлендж ва ўйинлар тарқатиш. Мисол учун, “Кўк кит” каби психологик босимга асосланган ўйинлар орқали ўз-ўзига зарар етказишга ундаш ёки вояга етмаган шахсни машҳурлик ва лайклар ваъда қилиб, жамоат мулкига зарар етказиш жараёнини видеога олишга ундаш;

4) иқтисодий жиноятларга жалб қилиш. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, вояга етмаган шахсларни моддий манфаатдорлик билан қизиқтириш ёки Интернет орқали осон пул топишни ваъда қилиб, вояга етамганларни тақиқланган моддаларни яшириб кетишга (закладка) жалб қилиш (наркотрафик бўйича курьерлик) ёхуд вояга етмаганларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билимларидан фойдаланиб, уни ўзгаларнинг банк карталаридан пул ўғирлашга, фишинг, кардинг каби киберфирибгарлик жиноятларини ўргатиш;

5) ахлоқсизлик ва порнографияга жалб қилиш. Мисол учун, вояга етмаган шахсни алдов йўли билан интим фотосуратлар юборишга мажбурлаш ва кейинчалик ушбу фотолар орқали уни бошқа ахлоқсиз ҳаракатларга ундаш (сексторшн (Sextortion), вояга етмаган шахсни стриминг платформалари орқали ахлоқсиз ҳаракатлар қилишга жалб қилиш (виртуал фоҳишабозлик) орқали содир этилиши мумкин.

Бунда, вояга етмаган шахсни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш учун дастлаб шахс маъмурий жазога тортилган бўлиши ва 1 йил ичида қилмиш такроран содир этилаётган бўлсагина вужудга келади. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш илгари

гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан, икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан, ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилган бўлса бу ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Ушбу жиноят фош этилиши учун Social Engineering Logs, яъни кибержиноятчининг вояга етмаган билан дўстлашиш босқичлари, ишончга кириш учун юборилган стикерлар, совғалар (масалан, ўйинлар учун “skin”лар ёки виртуал валюта) ва манипулятив хабарлар, Targeting Algorithms, яъни кибержиноятчининг болани қандай топгани изи, кўпинча депрессив гуруҳлар, хавфли челленжлар ёки дарсдан қочиш мавзусидаги чатларнинг таҳлили, Media Forensics, яъни болага юборилган гиёҳванд моддаларнинг чиройли суратлари, уларни истеъмол қилиш мода эканлигини тарғиб қилувчи видеороликлар (TikTok/Reels услубида), Financial Traces, яъни вояга етмаганни жиноятга (масалан, курьерликка) жалб қилиш учун ишлатилган

криптоҳамёнлар ёки электрон тўлов тизимлари (Click, Payme ва х.к) орқали ўтказилган кичик мукофот пулларига оид маълумотлар тўпланиши ва таҳлил қилиниши даркор. Ушбу жиноятни фош этишда суд-компьютер техникавий экспертизаси ўтказилиб, айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги ўчириб юборилган ёзишмалар (encrypted chats) тикланиши, жалб қилиш учун ишлатилган аккаунтларнинг бир шахсга тегишли эканлиги (device fingerprinting) исботланиши, суд-лингвистик экспертизасида хабарлардаги яширин кодларни (масалан, гиёванд моддаларнинг жаргон номлари: “туз”, “кристалл”, “меф” ва хк.) шифрдан чиқариш, матндаги психологик мажбурлов ёки қизиқтириш элементларини илмий асослаб бериш, суд-фоноскопик экспертизасида агар жалб қилиш овозли хабарлар ёки видеоқўнғироқлар орқали бўлса, овозни жиноятчининг овози билан солиштириш, суд-психологик экспертизасида вояга етмаганнинг иродаси қанчалик манипуляция қилингани ва унда қарор қабул қилиш эркинлиги қолган-қолмаганлиги аниқланиши зарур.

Криминологик жиҳатдан айбдор вояга етмаган билан одатда ўз ёшини яшириб, у билан тенгдош сифатида гаплашад ва бу орқали “Peer-to-Peer” таъсирини кучайтиради, кибержиноятчи ўзга ҳудудда туриб, масофавий етказиб бериш (закладка)ликка жалб қилиши, кибержиноятни содир этиш қизиқарли вазифа (quest) сифатида тақдим этилиши, масалан, “мана бу ерга бориб суратга туш, сенга бонус бераман” қабилидаги топшириқлар орқали вояга етмаганни сезмасдан жиноятчига айлантириши (Геймификация (Gamification), ота-оналар боласининг смартфонида нима бўлаётганини кўрмаслиги натижасида, жиноят жуда кеч, бола аллақачон боғланиб қолганида фош бўлиши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилишнинг рақамли йўл харитасини аниқлайди, айбдор томонидан вояга етмаган шахсга ижтимоий тармоқлар (TikTok, Instagram ва хк.) ёки мессенжерлар орқали юборилган контентни, спиртли ичимликлар ёки гиёванд моддаларни сотиб олиш бўйича кўрсатмаларни ва локацияларни (геолокация), жалб қилиш ҳаракатининг ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилганлигини, гуруҳларга аъзо қилинганлиги ва жиноий режаларнинг рақамли муҳокамасини, айбдор ва вояга етмаган шахс ўртасидаги алоқа вақти, давомийлиги ва контентнинг келиб чиқиш манбасини, жалб қилиш учун ишлатилган мессенжерлар, яширин гуруҳлар ва ботларни, ўчириб юборилган ёзишмаларни тиклаш; боланинг қурилмасига юборилган зарарли ҳаволалар ёки квест кўринишидаги жиноий топшириқларни;

2) суд-филологик экспертизаси вояга етмаган шахс билан олиб борилган мулоқотнинг мазмунини ва унинг жалб қилиш характерини баҳолайди, ёзишмалардаги сўзларнинг семантикасини ўрганади, унда қизиқтириш, ваъда бериш, алдаш ёки қўрқитиш аломатлари бор-йўқлигини таҳлил қилади, матндаги жумлалар шунчаки маълумот эмас, балки болани “спиртли ичимликлар ёки гиёванд моддалар истеъмол қилишга” ёки “жиноят содир этишга” ундаганлигини лингвистик жиҳатдан исботлайди, жалб қилиш тушунчасининг юридик мазмунини, матнли хабарлардаги “слэнг” (жаргон) сўзлар ортига яширинган маъноларни (масалан, гиёванд моддаларнинг яширин номлари), болани психологик жиҳатдан жалб қилишда ишлатилган манипулятив усулларни;

3) суд-психологик экспертизаси вояга етмаган шахснинг ёши ва руҳий ҳолати айбдорнинг таъсирига қанчалик мойил бўлганлигини аниқлайди, боланинг индивидуал-психологик хусусиятларини, унинг иродаси қай даражада бўйсундирилганини ва айбдор томонидан ишлатилган психологик тузоқлар самарадорлигини, вояга етмаган шахс ўз ҳаракатларининг оқибатини англаганми ёки айбдорнинг кучли психологик таъсири (манипуляция) остида ҳаракат қилганлигини, вояга етмаганни жиноят қилишга жалб этиш фактини боланинг руҳий тайёргарлиги ва иродаси синдирилганлигини, вояга етмаган шахснинг иродаси қай даражада синдирилганини; унинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш қобилияти қандай бўлганини;

4) суд-наркологик ва суд-тиббий экспертизаси вояга етмаган шахс томонидан тақиқланган моддалар ҳақиқатдан ҳам истеъмол қилинганини тасдиқлайди, вояга етмаганнинг қони, пешоби ёки соч намуналаридан гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки спирт қолдиқларини қидиради, истеъмол этишга жалб қилиш ҳаракати ўз натижасига (истеъмол далилига) етганлигини тиббий тасдиқлайди, кибержиноятнинг оқибати юз берганлигини ва истеъмол қилинган модданинг аниқ турини (бу жазо миқдорига таъсир қилади);

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси видео тасвирдаги шахснинг юз тузилиши ва биометрик белгилари асосида унинг кимлигини (айбдор ва жабрланувчини), видеода вояга етмаган шахсга спиртли ичимлик ёки гиёванд модда берилаётгани, жиноят содир этиш бўйича визуал кўрсатмалар берилаётгани фактини, видео хабарларнинг ҳақиқийлигини, ундаги шахсларнинг юзлари сунъий интеллект ёрдамида алмаштирилмаганлигини, видео файл қачон олингани, қаерда яратилгани ва унга ташқи дастурлар орқали ўзгартириш киритилган-киритилмаганлигини;

6) суд-фонографик экспертизаси ёзувдаги овоз айнан вояга етмаган шахсни жалб қилаётган гумонланувчига тегишли эканлигини, шовқинли муҳитда ёзилган ёки атайлаб паст овозда гапирилган “инструкцияларни”, айбдорнинг овозидаги ишонтириш, мажбурлаш ёки манипуляция қилиш оҳангларини аниқлаб, боланинг руҳиятига қай даражада таъсир ўтказилганини, овозли хабар монтаж қилинмаганлигини ва сунъий интеллект (клонланган овоз) ёрдамида яратилмаганлигини аниқлайди.

5.4-§. Кибертиланчилик жиноятининг юридик-техник таҳлили

127[1]-модда. Аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

в) бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Қонунчиликка кўра, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[132].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[133].

Фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[134].

---

[132] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[133] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[134] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[135].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки

[135] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[136].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва

[136] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[137].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганлар, кекса ёшдаги шахслар, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, соғлиғи ва ахлоқий ривожланиши.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки телекоммуникация ёки интернет тармоқларига жойлаштириш ва тарқатиш йўли билан пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш ёки вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш орқали содир этилади.

---

[137] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) маънавий манфаат, шу жумладан, ғараз ёки бошқа паст ниятлар ва хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмишнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки телекоммуникация ёки интернет тармоқларига жойлаштириш ва тарқатиш йўли билан пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш йўли билан содир этилиши;
6) қилмишнинг вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш орқали ҳам содир этилиши мумкинлиги;
7) қилмишнинг шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлган ёки бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш орқали ҳам содир этилиши мумкинлиги;
8) тиланчилик қилишга оид қилмиш учун айбдорнинг маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ушбу қилмишни содир этиши;
9) алоқа;
10) ахборот;
11) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
12) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) тиланчилик қилиш бошланган вақтдан, бунда у моддий жиҳатдан фойда кўрган ёки кўрмаганлиги аҳамиятга эга эмас;
2) тиланчилик қилиш жалб этилган вақтдан, бунда вояга етмаган шахсларнинг, кекса ёшдаги шахсларнинг, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва бошқа шахсларнинг тиланчилик қилганлиги аҳамиятга эга эмас;
3) тиланчилик қилдириш мақсадида шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлган ёки бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) ижтимоий тармоқлардаги сохта хайрия кампаниялари. Мисол учун, Instagram, Telegram, Facebook ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали касал болалар ёки қариялар суратидан фойдаланиб, уларни тармоққа жойлаштириб, тезкор операция учун пул зарур деган мазмунда постлар қолдириш ёки тиббий маълумотномалар, диагнозлар ва шахсий ҳужжатларни фотошоп дастурлари ёрдамида ўзгартириб, ишонтириш ёхуд хайрия жамғармаси эмас, балки жисмоний шахснинг банк картасига пул ўтказишни сўраш;

2) мессенжерлар орқали оммавий хабар тарқатиш (Spam). Мисол учун, Telegram ёки WhatsApp гуруҳларида “Кўнгилсиз ҳодиса” сценарийсини ташкил қилиниб, унга кўра, гўёки яқин инсони авариянга учрагани, уйи ёниб кетгани ёки катта миқдорда қарз бўлиб қолгани ҳақида ёлғон хабарлар тарқатиш орқали амалга оширилиши мумкин ёки диний ҳиссиётларни суиистеъмол қилган ҳолда, савоб умидида ёки муқаддас ойлар ёки кунлар шарофати билан муҳтожларга ёрдам бериш ниқобида пул йиғиш;

3) стриминг платформаларида “Тиланчилик” (TikTok, YouTube Live, Bigo Live ва х.к.). Мисол учун, жонли эфирда ачинарли ҳолатларни кўрсатиш, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни ёки қаровсиз қолган болаларни камера қаршисига қўйиб, томошабинлардан совғалар (TikTok gifts) ёки пул ўтказмаларини сўраш ёки шов-шувли челленджлар, батлларни уюштириш, жумладан, агар фалонча пул ташласангиз, мана бу ишни қиламан ёки иштирокчилар тамошабинлар қўллаб-қувватлашлари донат йиғиш орқали тиланчиликнинг янгича шаклини қўллаш;

4) сохта веб-сайтлар ва фишинг. Мисол учун, клонсайтлар орқали маълум ва машҳур хайрия фондларининг расмий сайтини нусхаш йўли билан одамларнинг пулларини ўзлаштириш ёки тўлов тизимлари орқали пул ўтказишда фойдаланувчининг карта маълумотларини ўғирлаш;

5) краудфандинг платформаларини суиистеъмол қилиш. Мисол учун, гўёки инновацион лойиҳа ёки ижтимоий муҳим ташаббус учун маблағ йиғиш, лекин аслида ҳеч қандай фаолият юритмасдан, йиғилган пулларни шахсий эҳтиёжларга сарфлаш йўли билан содир этилиши мумкин.

Мазкур жиноятда тегишли ахборот тегишли ахборот тизимига, веб-сайтга, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар, каналлар, шахсий профилларга жойлаштирилиши мумкин. Мазкур ҳаракатлар вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш орқали содир этилиши ЖКнинг 127^1-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқаради. Ушбу қилмишлар содир этилиши учун айбдорнинг шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилиши талаб этилади. Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Агар тиланчилик алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан амалга оширилса, бу ЖКнинг 168-моддаси билан киберфирибгарлик, башарти жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш кўринишида содир этилса, қилмиш ЖКнинг 165-моддаси билан товламачилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Мазкур жиноят фош этилиши учун E-Begging Logistics, яъни тиланчиликни ташкил қилувчи гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, WhatsApp ва хк.) ёзишмалар, у ерда тиланчиларнинг нуқталари (локация), кунлик тушум режаси ва назорат механизмлари муҳокама қилинганлигига оид ахборотлар, Metadata of Deceptive Media, яъни ижтимоий тармоқларда (Telegram, TikTok, Instagram ва хк.) гўёки оғир касал ёки уйсиз шахсларнинг сохта видеоларини тарқатиб, карта рақамларини қолдириш

орқали пул йиғишга оид ҳаракатлар, Financial Footprints, яъни тиланчиликдан келиб тушаётган пулларнинг P2P (картадан картага) ўтказмалари, Recruitment Traces, яъни ожиз аҳволдаги шахсларни (ногирон, руҳий касал ва хк.) интернет тармоғидаги эълонлар ёки ижтимоий гуруҳлар орқали излаш ва осон даромад ваъда қилиб тузоққа туширишга оид ахборотлар акс этган рақамли излар олиниши керак. Пул ўтказмалари текширилганида одатда тиланчилик қилиб юрган шахсни ким бу ишга жалб қилганлиги аниқ бўлиши мумкин. Шунингдек, суд-компьютер техникавий экспертизасида ташкилотчининг қурилмаларидаги ҳисоб-китоб дафтарлари (Excel ёки қайдлар), тиланчиларнинг иш графиги ва уларнинг кунлик тушумлари ҳақидаги маълумотларни тиклаш, жабрланувчиларни мажбурлаш учун ишлатилган таҳдидли хабарларни аниқлаш, суд-лингвистик экспертизасида тиланчилик қилишда ишлатиладиган сценарийларни таҳлил қилиш, жабрланувчиларни жалб қилишда ишлатилган психологик манипуляция усулларини асослаб бериш, суд-тиббий ва токсикологик экспертизада жабрланувчига тиланчилик қилишга мажбурлаш мақсадида берилган алкогол, психотроп ёки бошқа моддаларнинг, масалан, болаларни ухлатиб қўйиш учун бериладиган дорилар қондаги қолдиқларини аниқлаш зарур бўлади. Криминологик жиҳатдан бу турдаги жиноятлар бора-бора уюшган жиноятчилик тарзида амалга ошириб борилмоқда, шу сабабли бу жиноят тўлиқ фош этилиши учун иштирокчиларнинг сони ва вазифалари аниқланиши керак бўлади. Одатда жабрланувчи сифатида атайлаб ногиронлиги бўлган ёки руҳий касал шахслар танланади, чунки улар одамларда кўпроқ раҳм-шафқат уйғотади ва уларни бошқариш (мажбурлаш) осонроқ бўлади, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тиланчилар оқими вокзал ва аэропортларнинг тиғиз вақтларига (рейслар жадвалига) қараб тақсимланиши, хатто тиланчилик хайр-эҳсон ниқоби остида амалга оширилиши мумкин. Ижтимоий тармоқларда эфир имконияти бўлган мессенжерлар (TikTok, BigoLive ва хк.)даги донат сўраш ҳам тиланчилик сифатида баҳоланиши лозим.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларда лайк босиш, қўллаб-қувватлаш ниқоби остида пул йиғишга оид ҳаракатлар ҳам тиланчилик сифатида баҳоланмоғи даркор.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибертиланчиликнинг рақамли инфратузилмасини ва пул оқимини аниқлайди, айбдорнинг ижтимоий тармоқлардаги (Instagram, TikTok, Telegram ва хк.) профилларини, электрон ҳамёнларини (Click, Payme ва ҳ.к.) ва пул йиғиш учун ишлатилган банк карталари тарихини, тиланчилик мақсадида тарқатилган постларнинг муаллифи, юборилган хабарлар сони ва йиғилган маблағларнинг миқдори техник жиҳатдан тасдиқлайди, тиланчиликнинг фаол тарзда ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида оммавий равишда амалга оширилганини, тиланчилик мазмунидаги хабарлар қайси аккаунт, IP-манзил ва қурилма орқали юборилганини, пул маблағлари қайси электрон ҳамёнларга (Click, Payme) ёки банк карталарига тушганини ва улар кимнинг номига

расмийлаштирилганини, хабарларни оммавий тарқатиш учун махсус ботлардан ёки скриптлардан фойдаланилганлигини, жиноятчи томонидан ўчириб ташланган ёзишмалар ва сохта хайрия эълонларини;

2) суд-филологик экспертизаси пул сўрашда ишлатилган матнларнинг мазмуни ва психологик таъсир кучини, постлардаги “фаол тарзда сўраш” элементларини, масалан, одамларнинг раҳмини келтириш, диний ёки инсоний ҳиссиётларни суиистеъмол қилиш орқали пул сўрашнинг лингвистик стратегияларини, матннинг шунчаки маълумот эмас, балки айнан тиланчилик характерига эга эканлигини, яъни моддий қимматликлар беришни фаол сўраш эканлигини, тиланчиликнинг фаол тарзда сўраш белгисини, матнда одамларнинг раҳмини келтириш, уларни пул беришга ундаш ва психологик манипуляция қилиш воситалари бор-йўқлигини масалан, “ёрдам бермасангиз бола ўлади” каби босимларни, матндаги мантиқий зиддиятларни аниқлаш орқали хабарнинг уйдирма эканлигини, бир нечта турли профиллардан ёзилган тиланчилик матнлари айнан бир шахснинг нутқ услубига тегишли эканлигини;

3) видеоматериалларнинг суд экспертизаси видеода пул сўраётган ёки вояга етмаган, ногирон шахсларни тиланчиликка жалб қилаётган шахснинг кимлигини, видеодаги “оғир аҳвол” атайлаб яратилганлигини, видеодаги шахснинг юзи сунъий интеллект ёрдамида ўзгартирилганлигини, видео файл қачон ва қаерда (локация) олинганини, кибертиланчиликда кўпинча вояга етмаганлар ёки ногиронлиги бор шахслар иштирокидаги видеолардан фойдаланилганида уни таҳлил қилиб, тарқатилган видеоларнинг ҳақиқийлигини, уларда монтаж (сохталаштириш) аломатлари бор-йўқлигини ва видеодаги шахсларнинг кимлигини, агар видеода ногиронлиги бор шахс ёки бола кўрсатилган бўлса, бу шахсларнинг видеога олиниш жараёнидаги ҳолатини ва айбдорнинг ушбу контентни тарқатишдаги иштирокини, бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш фактини;

4) суд-психологик экспертизаси айбдор ижтимоий муҳандислик (social engineering) усуллари орқали одамларнинг ҳиссиётларини қандай бошқарганини, шахсларнинг (кексалар, ногиронлар) иродаси қай даражада синдирилгани ва уларнинг ожизлигидан қандай фойдаланилганини, жалб этилган шахсларнинг (болалар, руҳий ҳолати бузилганлар) иродаси қай даражада синдирилганини, кибертиланчиликка жалб қилинган шахснинг руҳий ҳолатини ва унинг айбдорга нисбатан психологик қарамлигини, шахснинг тиланчилик қилишга мажбурлангани ёки унинг ожизлигидан (руҳий ҳолати бузилганлигидан) фойдаланилганлигини;

5) суд-фонографик экспертизаси пул сўраётган шахснинг овози гумонланувчиники билан бир хил эканлигини, жиноятчи одамларни алдаш учун масалан, кекса одам ёки аёл киши бўлиб кўриниш учун овозини атайлаб ўзгартирганлигини ёки махсус сунъий интеллект дастурларидан фойдаланганини, овозли хабардаги кўрсатмалар ва таъсир ўтказиш усулларини сўзма-сўз дешифровка қилишни, тиланчилик овозли хабарлар ёки жонли эфирлар (стримлар) орқали амалга оширилган бўлса, овозли хабарлардаги нутқни таҳлил қилиб, айбдорнинг шахсини идентификация

қилади, аудио хабарлардаги пул сўраш жараёнидаги оҳанг, босим ва кўрсатмаларнинг ҳақиқийлигини;

6) суд-наркологик ва суд-тиббий экспертизаси вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлган ёки бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш ҳолатларини, тиланчиликка жалб қилинган шахснинг қонида алкогол, гиёвандлик ёки ақл-идрокка таъсир этувчи бошқа моддалар бор-йўқлигини, шахсга моддалар мажбуран истеъмол қилдирилганлиги ва бу унинг тиланчилик қилишига восита бўлганлигини аниқлайди.

5.5-§. Киберпорнография жиноятининг юридик-техник таҳлили

130-модда. Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Қонунчиликка кўра, фильм сценарийсида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жиноий ёки бошқа жавобгарликка олиб

келувчи порнографик ва бошқа хусусиятга эга бўлган саҳналар мавжуд бўлмаслиги, фильмда порнография тарғиб қилинмаслиги керак[138].

Порнографияни намойиш этувчи адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш, шунингдек, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик, худди шунингдек уни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этганлик тақиқланади[139]. Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти жумласига порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради[140]. Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши (олиб келиниши) тақиқланган буюмлар рўйхатига порнография мазмунидаги материаллар киради[141]. Рекламада порнография тусидаги ахборотдан фойдаланиш тақиқланади[142].

Қонунчиликка кўра, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан порнографияни тарғиб қилиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт[143].

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари

---

[138] Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[139] Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” 2008 йил 7 январдаги ЎРҚ–139-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[140] Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[141] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши (олиб келиниши) тақиқланган буюмлар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[142] Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[143] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳимоя қилинишини таъминлашга, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[144].

Номақбул рекламага йўл қўйилмайди. Агар реклама берувчи реклама қилинаётган қиёслаш ишончлилигининг фактик далилларини тақдим этиши мумкин бўлса, агар бунда реклама фойдаланувчисини реклама чалғитиб қўймаса ва чалғитиб қўйиши мумкин бўлмаса, рақобатчининг ишчанлик обрўсига ёки унинг товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), фирма номига, товарига ёки фаолиятига путур етказмаса, қиёсий рекламага йўл қўйилади. Рекламада қонунчиликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек хавфсизлик воситаларига эътиборсиз бўлишга ундовчи ҳаракатларга даъват қилиш, порнография тусидаги ахборотдан фойдаланиш, порнография маҳсулотларини реклама қилиш тақиқланади[145]. Порнографияни тарғиб қилишни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[146].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга порнографияни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, фоҳишалик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, фуқароларни уларнинг

---

[144] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[145] Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[146] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[147].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[148].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини

---

[147] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[148] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[149].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, соғлиғи ва ахлоқий ривожланиши.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

---

[149] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш, реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – порнографик маҳсулот тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан, моддий ёки (ва) маънавий манфаат, ғараз ёки бошқа паст ниятлар ва хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) порнографик маҳсулот тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрланади;
6) телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш, реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш;
7) телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш, реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш ҳаракатлари учун қилмиш содир этилган вақтдан олдин бир йил ичида айбдорга маъмурий жазо қўлланилган бўлиши керак;
8) алоқа;
9) ахборот;
10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – порнографик маҳсулот тайёрланган, тарқатилган, Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган,

намойиш этилган, реклама қилинган, юборилган (жўнатилган), жойлаштирилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – порнографик маҳсулот.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) порнографик маҳсулотларни тайёрлаш усуллари. Мисол учун, студия ва уй шароитида видеога олиш ёки рақамли камералар ва смартфонлар ёрдамида ахлоқсиз саҳналарни ёзиб олиш ёки Deepfake (Сунъий интеллект) ёки махсус дастурлар ёрдамида бошқа шахсларнинг (кўпинча машҳурлар ёки танишларнинг) юзини порнографик видео ёки фотосуратларга жойлаштириш ёхуд график дизайн ва монтаж қилиш орқали фотошоп ва бошқа график муҳаррирлар ёрдамида порнографик фотоколлажлар яратиш ёинки веб-камера орқали жонли сеансларни ташкил қилиб, стриминг платформаларида ахлоқсиз ҳаракатларни реал вақтда ёзиб олиш ва сақлаш;

2) олиб кириш (Импорт) усуллари. Мисол учун, чет эл порнографик сайтларидан файлларни шахсий қурилмага (компьютер, телефон) кўчириш ёки булутли хотиралар (Cloud) бўлган Google Drive, Mega.nz, Dropbox каби сервис ҳаволалари орқали материалларни қабул қилиб олиш ёхуд электрон ташувчилар бўлган флешка, қаттиқ диск (HDD) ёки карталарга ёзилган материалларни божхона назоратидан яширинча (масалан, компьютер техникаси ичида) олиб кириш;

3) тарқатиш усуллари. Мисол учун, мессенжерлар (Telegram, WhatsApp ва хк.) орқали ёпиқ гуруҳлар ва каналлар очиб, файлларни аъзоларга юбориш, ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram, TikTok ва хк.)да шахсий хабарлар (Direct) ёки сохта профиллар орқали тарқатиш ёхуд файл алмашиш тармоқлари (Torrent) бўлган P2P технологияси ёрдамида барча фойдаланувчиларга юклаб олиш имконини бериш ёинки даркнет (Darknet)да махсус браузерлар (Tor) орқали кириладиган яширин бозорларда маҳсулотни сотиш ёки алмашиш;

4) реклама қилиш усуллари. Мисол учун, электрон почта ёки мессенжерларга ахлоқсиз сайтларга кирувчи ҳаволаларни (линк) оммавий юбориш (спам-рассылка) ёки турли кўнгилочар сайтларда тўсатдан чиқувчи реклама баннерларини жойлаштириш (Поп-ап (Pop-up) ойналар) ёхуд қидирув

тизимларида (Google, Yandex) ахлоқсиз калит сўзлар ёрдамида порно-сайтларни юқори ўринларга чиқариш (SEO-манипуляция);

5) намойиш этиш усуллари. Мисол учун, сохта профиллар орқали ижтимоий тармоқларда жонли эфирга чиқиб, жонли трансляцияларда порнографик видеоларни қўйиб бериш ёки Интернетда жамоавий кўриш имконини берувчи платформаларда намойиш ташкил этиш (виртуал кинотеатрлар) орқали содир этилиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Шунингдек, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида ахборот-коммуникация

технологияларидан фойдаланиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш орқали ҳам ушбу жиноят содир этилиши мумкин. Бу ҳолатда қилмиш **болалар порнографияси** деб ҳам аталади. Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти жумласига порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради[150].

2024 йилда қабул қилинган ва 2025 йил 25 октябрда Ўзбекистон томонидан имзоланган БМТнинг Кибержиноятчиликка қарши конвенциясига асосан, болалар порнографияси халқаро кибержиноят сифатида эътироф этилган. Қолаверса, Ўзбекистон Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилган. Мазкур баённомага асосан, б) болалар фоҳишабозлиги мукофот ёки ҳар қандай бошқа товон пули учун боладан жинсий фаолиятларда фойдаланишни англатади ва болалар порнографияси деганда ҳар қандай воситаларда боланинг ҳақиқий ёки тақлид қилинган очиқ-ойдин жинсий ҳаракатларни тасвирлаши ёхуд асосан шаҳвоний мақсадлар учун боланинг жинсий аъзоларининг ҳар қандай тасвири тушунилади[151].

Жиноят-процессуал кодексининг 198-моддасига асосан, порнографик маҳсулотлар суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан қабул қилиниши лозим[152]. **Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт**

[150] Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[151] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида” 2008 йил 11 декабрдаги ЎРҚ–188-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[152] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

комиссияси эса, миллий ахборот маконида аниқланган порнографияга йўналтирилган ахборотларни таҳлил қилади ва улар бўйича хулосалар тайёрлайди[153] ҳамда унинг хулосаси судда далил сифатида инобатга олинади. Ўзбекистон Республикасига порнографик маҳсулотлар олиб кирилишида

порнография мазмунидаги материаллар йўловчи божхона декларациясида тақиқланган буюмлар сифатида тўлдирилиши ва расмийлаштирилиши шарт[154].

Мазкур жиноят фош этилиши учун CDN ва Hosting Logs, яъни порнографик маҳсулот юкланган серверлар, сайтлар ёки булутли омборлар (Google Drive, Mega, iCloud) логлари, Peer-to-Peer (P2P) Traffic, яъни Torrent тармоқлари, ижтимоий тармоқлар, жумладан, Telegram ботлари, Instagram ҳаволалари орқали файлларни тарқатиш излари, Hashing Algorithms (MD5, SHA-256), яъни тақиқланган видео ёки суратларнинг ноёб рақамли бармоқ излари, халқаро базалар (масалан, Interpol ёки NCMEC) билан солиштирганда, файлнинг номи ўзгартирилса ҳам, унинг мазмуни айнан порнографик эканлигини тасдиқлашга оид маълумотлар, Hidden Directories ва Encryption, яъни кибержиноятчиларнинг қурилмаларидаги яширин жилдлар (Vaults) ёки шифрланган дисклар (VeraCrypt), Deepfake Metadata, яъни агар порнографик маҳсулот сунъий интеллект ёрдамида (Deepfake) яратилган бўлса, сунъий интеллект нейрон тармоқларининг қолдиқлари ва артедалиллари олиниши ва таҳлил қилиниши зарур. Бунинг учун, суд-санъатшунослик ва маданиятшунослик экспертизаси ўтказилиб, ушбу материал ҳақиқатдан ҳам порнографик маҳсулот ёки эротик маҳсулот ёхуд (санъат) эканлиги, материалнинг бадиий қиммати, инсон аъзоларининг намойиш этилиш характери ва мақсади, суд-компьютер техникавий экспертизасида Source Identification, яъни файл қайси қурилмада яратилган ёки қайси IP-манзил орқали тарқатилганлиги, Distribution Logs, яъни ижтимоий тармоқлар (Telegram, Instagram, WhatsApp ва хк.) орқали файл неча кишига юборилгани (тарқатиш далилини), Recovery, яъни ўчириб юборилган файлларни ва браузер тарихи тикланиб, унга оид маълумотлар таҳлил қилиниши мумкин.

Ушбу жиноят VPN, Proxy ва TOR тармоқларидан фойдаланиб, содир этилаётганлиги сабабли унинг тарқатилишига оид геолокацияни аниқлаш қийин, болалар порнографияси кўпинча ёпиқ гуруҳларда (VIP-subscription) пул (криптовалюта) эвазига тарқатилади, вояга етмаганларни “Webcam”

---

[153] Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[154] Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўй.: 2606, 05.08.2014 й.) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

индустриясига алдов ёки шантаж орқали жалб қилиш орқали ҳам бу қилмиш содир этилиши мумкин. Шу сабабли ушбу қилмиша ЖК 118-119, 121-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар ҳам борлиги синчиковлик билан текширилиши ва жиноят таркиби мавжуд бўлса, жиноятлар мажмуи сифатида иш квалификация қилинмоғи даркор. Бундан ташқари, Deepnude ботлари, яъни сунъий интеллект ёрдамида инсонларнинг суратларини порнографик кўринишга келтирувчи автоматик тизимларнинг кўпаётганлиги ҳам инобатга олиниши, қилмишда ЖКнинг 141^3- ёки 165-моддаларидаги ҳолатлар ҳам мавжудлиги аниқланиши лозим.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-санъатшунослик (порнография) экспертизаси тақдим этилган материал (видео, фото, матн, тасвир) ҳақиқатан ҳам порнографик мазмунга эга ёки йўқлигини, унда жинсий алоқа ёки жинсий аъзоларнинг намойиш этилиши санъат, илм ёки тиббиёт мақсадларидан ташқари, фақат шаҳвоний ҳиссиётларни қўзғатишга қаратилганлигини, тақдим этилган фото, видео ёки матнли материалларнинг санъат, тиббиёт ёки илмий қийматга эгами ёки шунчаки жинсий эҳтиёжларни паст даражада қондиришга қаратилган порнография эканлигини, тасвирларда инсон танасининг намойиш этилиши бадиий эстетика чегарасидан чиқиб, шаҳвоний мақсадларга ўтганлигини, материалнинг “порнографик маҳсулот” эканлигини, эротик мазмундаги материаллар ва порнография ўртасидаги чегарани;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси порнографик маҳсулотнинг рақамли оламидаги ҳаракатланишини (тарқатилишини), қурилмалар (телефон, компьютер ва хк.) хотирасидаги файлларни, Интернет браузерлари тарихини, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги (Telegram, Instagram ва ҳ.к.) юклаш (upload) ва юбориш (send) тарихини, порнографик маҳсулотнинг тарқатилганлиги, реклама қилинганлиги ёки намойиш этилганлиги фактини, ўчириб ташланган материалларни тиклайди, айбдорнинг айнан қайси вақтда ва қайси платформа орқали материални оммавийлаштирганини (масалан, Интернет тармоғида), порнографик материаллар қайси сайтларга жойланган, қайси IP-манзилдан юкланган ва ижтимоий тармоқлардаги қайси гуруҳларда тарқатилганини, гумонланувчининг телефони ёки компьютерида ушбу материалларни тайёрлаш учун ишлатилган дастурлар, файлларни яшириш учун ишлатилган контейнерларни, маълумотлар базасига кириш, файлларни юбориш ва қабул қилиш вақтларини сониясигача;

3) суд-антропологик (ёш бўйича) экспертизаси тасвирдаги шахсларнинг ташқи қиёфаси, физиологик белгилари асосида уларнинг вояга етган ёки вояга етмаганлигини аниқлайди, порнографик маҳсулотда вояга етмаган шахс тасвирлангани фактини;

4) суд-филологик экспертизаси агар порнографик маҳсулот матн шаклида бўлса ёки уни тарқатишда махсус сўзлардан фойдаланилган бўлса, материални тарқатишда ишлатилган изоҳлар, сарлавҳалар ёки реклама матнларини, унда реклама қилиш ёки тарқатиш мақсади бор-йўқлигини аниқлайди, айбдорнинг ҳаракатларида порнографияни оммалаштиришга

қаратилган тарғибот ва паст ниятлар борлигини, матндаги сўзлар ва иборалар фойдаланувчиларни порнографик мазмунга жалб қилишга қаратилганлигини, вояга етмаганларни жалб қилишда ишлатилган “кодланган” сўзлар ва манипуляцияларни;

5) суд-фонографик экспертизаси видео ёки аудиодаги овоз эгаси гумонланувчиники билан бир хил эканлигини, овозли кўрсатмалар ёки порнографик мазмундаги мулоқотларнинг асллигини;

6) аудиовизуал ва дастурий маҳсулотларнинг суд товаршунос экспертизаси порнографик контентнинг мазмунини ва унинг техник хусусиятларини тизимлаштиради, тақдим этилган файллар, дастурлар ёки видеоматериалларнинг мазмунини (контентини) ўрганади, ундаги маълумотларнинг қайси манбадан олинганини (масалан, хорижий сайтлардан юкланганлиги ёки маҳаллий даражада тайёрланганлигини) аниқлайди, порнографик маҳсулотнинг манбаси ва мазмуни бўйича техник хулоса беради, дастурий маҳсулотларда эса порнографияни тарқатиш учун мўлжалланган махсус алгоритмлар ёки яширин функциялар бор-йўқлигини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси порнографик видеоматериалларнинг техник яхлитлиги ва ҳақиқийлигини текширади, видеоёзувларнинг кадрбай-кадр таҳлилини ўтказади, унда монтаж (кесиб-улаш), техник ўзгартиришлар ёки сунъий интеллект ёрдамида яратилган (Deepfake) элементлар бор-йўқлигини аниқлайди, видеоматериалнинг ҳақиқийлиги ёки таҳрирланганлиги тасдиқланади, далилнинг инкор этиб бўлмас эканлигини ва видеодаги ҳаракатлар ҳақиқатда содир бўлганлигини, видеодаги ижрочиларнинг (айниқса вояга етмаганларнинг) кимлигини биометрик белгиларини, тасвир ҳақиқийми ёки бирор шахснинг юзи сунъий интеллект ёрдамида бошқа танага ёпиштирилганлигини, видео қачон ва қайси техник шароитда олинганини;

8) суд-товаршунослик экспертизаси (жисмоний ташувчилар бўйича) агар жиноятда порнография Интернетдан ташқари жисмоний воситалар орқали тарқатилган бўлса, тайинланади. У жиноят содир этишда ишлатилган жисмоний воситаларни, жумладан, DVD дисклар, USB флеш-карталар, CD-носителлар, постерлар ва бошқа жисмоний буюмларни, ушбу ташувчиларнинг ишлаб чиқариш манбаси, сиғими ва улардаги маълумотларнинг жойлашиш хусусиятини, масалан, USB флешканинг серия рақами ва ундаги файлларнинг яратилган вақти айбдорнинг қурилмалари билан мос келишини аниқлайди.

5.6-§. Киберзўравонлик маҳсулотини тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

130[1]-модда. Тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Қонунчиликка кўра, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, зўравонликни тарғиб қилиш ва қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига,

эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт[155].

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, зўравонликни тарғиб қилишга ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, зўравонликни тарғиб қилишга ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали зўравонликни тарғиб қилишга ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[156].

Ўз жонига қасд қилишни даъват қилиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларни содир этишга ишонтиришга ёки бошқача тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[157].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини,

---

[155] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[156] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[157] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[158].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият,

[158] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[159].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи

[159] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[160].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, соғлиғи ва ахлоқий ривожланиши.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) шундай қилмиши учун айбдорга маъмурий жазо қўлланилиб, қайта қилмиш бир йил ичида содир этилиши;
6) қилмишнинг тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида содир этилиши;

---

[160] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

7) қилмишнинг телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш йўли билан содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот тайёрланган, тарқатилган, Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган, намойиш этилган, реклама қилинган, юборилган (жўнатилган), жойлаштирилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) маҳсулотни тайёрлаш ва қайта ишлаш усуллари. Мисол учун, реал зўравонлик саҳналарини ёки шафқатсизликни акс эттирувчи кадрларни махсус дастурлар (Adobe Premiere, Photoshop ва ҳ.к.) ёрдамида таҳрирлаш, уларга эффектлар бериш ва таъсир кучини ошириш ёки маълум бир шахсларнинг қиёфасини зўравонлик саҳналарига жойлаштириш орқали сунъий интеллект (Deepfake) технологияси ёрдамида сохта, лекин ҳақиқий кўринишдаги видеолар яратиш ёхуд тазйиқ ва шафқатсизликка чорловчи аудио-подкастлар ёки электрон китоблар, мақолалар ёзиш ва рақамлаштириш;

2) олиб кириш ва сақлаш усуллари (Виртуал ва жисмоний). Мисол учун, тақиқланган маҳсулотларни Google Drive, Dropbox ёки iCloud каби сервислар (булутли технология)да яширинча сақлаш ва божхона назоратисиз

виртуал чегаралардан олиб ўтиш ёки зўравонлик ёки шафқатсизлик акс этган материалларни микро-SD карталар, флешкалар ёки ташқи қаттиқ дискларда (HDD/SSD) компьютер техникалари ичига яширган ҳолда жисмоний олиб кириш йўли;

3. тарқатиш ва намойиш этиш усуллари. Мисол учун, Telegram каналлари, ёпиқ гуруҳлар, Facebook ёки Instagram платформаларида зўравонлик ёки шафқатсиз видеоларни улашиш (repost қилиш) ёки YouTube ёки бошқа видео платформаларга юклаш ёки жонли эфир (Live Stream) вақтида реал вақт режимида зўравонлик ёки шафқатсизликни намойиш этиш (масалан, "Trash stream"лар, видеохостинглар ва стриминг) ёхуд махсус браузерлар (Tor) орқали кириладиган яширин тармоқларда, жумладан, даркнет (Darknet)да тазйиқ ва қийноқлар акс этган файлларни сотиш ёки алмашиш ёинки P2P тармоқлари орқали маҳсулотни кўплаб фойдаланувчиларга юклаб олиш имкониятини яратиш (файл алмашиш тармоқлари (Torrent);

4) реклама қилиш ва оммалаштириш. Мисол учун, ижтимоий тармоқларнинг реклама алгоритмларидан фойдаланиб, зўравонлик мазмунидаги сайтларга ёки каналларга одамларни жалб қилиш (таргетланган реклама) ёки электрон почта ёки мессенжерлар орқали зўравонлик ёки шафқатсизлик мазмунидаги видеоларга ҳаволалар (линклар) тарқатиш (спам-хабарлар) ёхуд одамларнинг қизиқишини уйғотиш учун даҳшатли ва шафқатсиз сарлавҳалар остида маҳсулотни тарғиб қилиш (сарлавҳалар билан манипуляция қилиш (Clickbait) йўли билан содир этилиши мумкин.

Жиноят содир этишда фойдаланилган барча ахборот-коммуникация технологиялари (компьютерлар, телефонлар, серверлар ва хк.) давлат фойдасига мусодара қилиниши лозим. Ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган шафқатсизлик ёки зўравонликни назарда тутувчи видеоматериалларга **лайк** босиш ҳам ушбу жиноят таркибини бериб юбориши мумкин. Сабаби бу лайк босилганидан кейин маҳсулотни кўрувчилар аудиторияси кенгайишига техник имконият вужудга келиши ва эгри қасд ёрдамида бу қилмиш амалга оширилиши мумкин. Қилмиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Зўравонлик тарғиботи рақамли маконда қуйидаги изларни қолдириши мумкин:

Social Media Dissemination Logs: ижтимоий тармоқлар (Telegram, TikTok, Instagram ва хк.)нинг саҳифалари, каналлари, гуруҳлари, махсус ботлари орқали зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот бўлган видеолар (масалан, одамларни уриш, ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик) тарқатилган вақти ва аудитория қамрови;

Engagement Metrics: Лайклар, шарҳлар ва sharелар сони, бу маҳсулотнинг тарғибот (пропаганда) характерини ва оммавийлигини исботлашда ишлатилади;

Original File Metadata (EXIF): видео қайси қурилмада ва қаерда олинганлигини аниқлаш орқали унинг тарғибот учун махсус тайёрлангани исботланади.

Monetization Traces: агар зўравонлик акс этган видеолар YouTube ёки бошқа платформаларда пул ишлаш (adsense) мақсадида қўйилган бўлса, бу реклама қилиш ва ғаразли ниятни тасдиқлаши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда комплекс экспертиза тайинланиб, суд-санъатшунослик, психологик экспертизада видео ёки суратда зўравонлик ёки шафқатсизлик ҳаракати инкор этиладими ёки оқланадими, масалан, зўравонликни қораловчи ҳужжатли фильм бу моддага тушмайди, лекин зўравонликни қаҳрамонлик сифатида кўрсатувчи ролик жиноят ҳисобланади, ушбу маҳсулот томошабинда (айниқса болаларда) тажовузкорлик ҳиссини уйғотишга қаратилганми, суд-лингвистик экспертизасида видеодаги овозли матнлар ёки изоҳларда тазйиқ ва шафқатсизликка чақириқлар бор-йўқлиги, суд-компьютер техникавий экспертизасида маҳсулот интернет тармоғининг қайси сегментидан олиб кирилгани ёки қайси IP-манзилдан тарқатилганлигига оид масалалар ҳал этилиши мумкин. Криминологик жиҳатдан Trash-Streaming (Ахлат-стримлар), яъни жонли эфирда одамларни ҳақорат қилиш, уриш ёки шафқатсиз вазифаларни бажариш эвазига пул йиғиш, Cyber-bullying Propagation, яъни бирор шахсга нисбатан жамоавий тазйиқни уюштириш ва буни завқланиш учун намойиш этиш, Shock Content, яъни одамларнинг ўлими, оғир жароҳатлари ёки қийноққа солиниши акс этган видеоларни кўришлар сонини ошириш учун тарқатиш, геймификацияланган шафқатсизлик, яъни махсус диний ёки радикал гуруҳлар томонидан зўравонликни норма сифатида кўрсатувчи виртуал маҳсулотлар сифатида ушбу қилмиш амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин. Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-санъатшунослик ва маданийшунослик экспертизаси маҳсулотнинг (видео, ўйин, сурат, матн) мазмунини, унинг тавсифини, тақдим этилган материалда зўравонлик ва шафқатсизлик саҳналари (масалан, қийноқлар, инсон қадр-қимматини топтовчи ҳаракатлар) бор-йўқлигини ва уларнинг қандай мақсадда намойиш этилаётганини, материалнинг ҳақиқатан ҳам зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот эканлигини, материалнинг бадиий ёки ҳужжатли қийматга эга эмаслигини, балки фақат тазйиқни тарғиб қилишини, тасвирланган саҳналар инсониятнинг умумэътироф этилган ахлоқий меъёрларига зид ва унда зўравонлик культи (тарғиботи) мавжуд эканлигини, видео ҳақиқий зўравонлик тарғиботи ёки ҳужжатли кино, илмий-таълим мақсадидаги материал эканлигини;

2) суд-психологик экспертизаси маҳсулотнинг томошабин ёки фойдаланувчи руҳиятига таъсир қилиш имкониятини, визуал ва аудио тасвирларнинг инсонларда агрессияни уйғотиш, зўравонликка нисбатан

бефарқликни шакллантириш ёки шафқатсиз ҳаракатларни такрорлашга ундаш хусусиятини ўрганади, маҳсулотнинг тарғибот характерини, яъни у инсон онгига салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий хавфли хулқ-атворни шакллантиришга қаратилганлигини, айбдорнинг маҳсулотни тарқатиш орқали жамиятда шафқатсизликни ёйиш нияти борлигини;

3) суд-филологик экспертизаси агар зўравонлик ва тазйиқ матнли хабарлар, шиорлар ёки аудио-визуал маҳсулотнинг овозли шарҳлари орқали тарғиб қилинса, сўз ва ибораларда зўравонликка чақириқлар, тазйиқни оқлаш ёки шафқатсизликни мадҳ этиш элементларини, матн ва нутқнинг тарғиб қилувчи эканлигини, яъни унда бошқаларни зўравонлик қилишга ундовчи императив (буйруқ) ёки манипулятив шакллар мавжудлигини, ахборот-коммуникация технологиялари (мессенжерлар, блоглар ва хк.) орқали тарқатилаётган мафкуравий зўравонликни, материалда зўравонликни оқлаш, уни ижобий фазилат сифатида кўрсатиш ёки бошқаларни шафқатсизликка ундаш каби лингвистик белгилар бор-йўқлигини, жабрланувчига нисбатан ишлатилган тазйиқ ўтказувчи ибораларнинг кучи ва таъсирини, матннинг оммани жалб қилишга ва зўравонлик маҳсулотини кенг ёйишга қаратилганлигини;

4) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибержиноятнинг рақамли оламидаги изларини, зўравонликни тарғиб қилувчи файлларнинг қаердан юклаб олингани, қайси қурилмада қайта ишлангани (монтаж) ва Интернет тармоғига қайси IP-манзил орқали тарқатилганини, маҳсулотнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёки бошқа телекоммуникация каналларида тарқатилганлиги фактини, айбдорнинг маҳсулотни тармоққа жойлаштириш ва тарқатиш, намойиш қилиш, реклама қилишга бевосита иштирокини, маҳсулот қайси ижтимоий тармоқ (Telegram, TikTok, YouTube ва хк.) орқали ва қайси IP-манзилдан тарқатилганини, гумонланувчининг қурилмасида зўравонлик видеоларини таҳрир қилиш, уларга махсус эффектлар бериш ва оммавий тарқатиш (spam-bot) учун ишлатилган дастурларни, тақиқланган маҳсулотнинг чет элдан (олиб кириш) ёки ички тармоқлардан юклаб олинганлик тарихини (logs);

5) аудиовизуал ва дастурий маҳсулотларнинг суд товаршунос экспертизаси маҳсулотнинг, масалан, зўравонликка асосланган компьютер ўйинлари ёки видеоклипларнинг техник форматларини, ҳажмини ва ундаги маълумотларнинг тузилишини ўрганади, тақдим этилган маҳсулотнинг саноат ёки қўлбола усулда тайёрланганлигини, унинг тижорий ёки тарғибот мақсадида ишлаб чиқилганлигини;

6) видеотехника экспертизаси зўравонлик тасвирланган видеоларнинг асллигини текширади, бу реал ҳаётдаги шафқатсизликми ёки махсус эффектлар ёрдамида яратилган саҳнами, шуни аниқлайди, тасвирнинг ҳақиқийлигини ёки ундаги ўзгартиришларни (монтаж) тасдиқлайди, агар видеодаги зўравонлик саҳналари монтаж бўлса-ю, лекин у ҳақиқий деб тақдим этилиб тарғиб қилинса, бу ҳам жиноят таркибини ташкил этиши мумкинлигини;

7) аудиовизуал ва дастурий маҳсулотларнинг суд товаршунос экспертизаси тарқатилган маҳсулотнинг нафақат ташқи кўринишини, балки унинг ички мазмуни ва яратилиш табиатини ўрганади, маҳсулотнинг (масалан, зўравонлик саҳналари мавжуд бўлган видеоўйин ёки ролик) мазмунини таҳлил қилиб, ундаги маълумотларнинг қонунга зидлигини (тазйиқ ёки шафқатсизлик мавжудлигини), маҳсулотнинг асл нусха (лицензияли) ёки қўлбола (контрафакт) эканлигини, шунингдек, ундаги файлларнинг қонун билан тақиқланган тарғибот материаллари эканлигини, тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш ва реклама қилиш ҳаракатларини маҳсулотнинг сифат ва мазмун кўрсаткичлари орқали;

8) видеоматериалларнинг суд экспертизаси тарғибий характердаги видео тасвирларнинг техник жиҳатларини ва намойиш этилиш механизмини ўрганади, реклама ва намойиш қилинган видеолардаги тасвирларни кадрбай-кадр таҳлил қилади, тасвирнинг ҳақиқийлигини, ундаги зўравонлик саҳналари атайлаб бўрттириб кўрсатилганини ёки реклама мақсадида махсус монтаж қилинганини текширади, видеоматериалнинг намойиш этиш учун яроқлилигини ва ундаги тасвирларнинг инсон руҳиятига таъсир этувчи визуал элементларини тасдиқлайди, тарғиботнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали (масалан, ижтимоий тармоқлардаги реклама роликлари) қай даражада профессионал ёки оммавий тарзда амалга оширилганини, видеодаги зўравонлик саҳналари ҳақиқийми ёки саҳналаштирилган (грим, махсус эффектлар)лигини, шафқатсизлик содир этаётган ва ундан жабрланаётган шахсларнинг юз тузилиши (портрет) ва биометрик белгилари асосида кимлигини, видео сунъий интеллект ёрдамида яратилганлигини, масалан, бирор шахсга нисбатан шафқатсизлик қилинаётган сохта видео яратиб, унинг обрўсига путур етказиш ҳолатларини, видео қачон олинган ва ундаги ҳаракатлар кетма-кетлиги бузилмаганлигини;

9) суд-товаршунослик экспертизаси (жисмоний ташувчилар бўйича) агар зўравонликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар Интернетдан ташқари, жисмоний воситалар орқали тарқатилган ёки олиб кирилган бўлса, жиноят содир этишда ишлатилган жисмоний буюмларни, яъни DVD дисклар, USB флеш-карталар, постерлар, хотира карталари ва бошқа моддий ташувчиларни, уларнинг ишлаб чиқарилган жойи (манбаси) ва техник хусусиятларини, ушбу ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини ёки маҳаллий шароитда кўплаб нусхада тайёрланганини (тиражланишини), жисмоний далиллар ва улардаги маълумотлар ўртасидаги боғлиқликни, жиноятнинг олиб кириш ёки тарқатиш мақсадида тайёрлаш қисмини;

10) суд-фонографик экспертизаси тазйиқ ўтказаётган ёки зўравонликка чақираётган овоз айнан гумонланувчига тегишли эканлигини, видео ёки аудиоёзув остидаги товушлар (қичқириқлар, уриш товушлари, таҳдидлар) ҳақиқий воқеликдан олинганлигини ёки студияда қўшилганлигини, нутқдаги паст овозли таҳдидларни ёки шовқин ичидаги муҳим кўрсатмаларни аниқлайди.

5.7-§. Киберқўшмачилик жиноятининг юридик-техник таҳлили

131-модда. Ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:
а) вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда;
б) такроран, хавфли рецидивист ёки ушбу Кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан;
в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Қонунчиликка кўра, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот

ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт[161].

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[162].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга порнографияни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, фоҳишалик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён

---

[161] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[162] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[163].

Болага нисбатан шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этиш орқали унинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилиш, шу жумладан номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатлар ижрочиси сифатида жалб этиш, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналар ташкил этиш болаларга нисбатан жинсий зўравонлик деб эътироф этилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар болаларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки жинсий эркинлигига қарши жиноятлар, шу жумладан вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналар ташкил этиш билан боғлиқ жиноятларни болага қарши жиноятлар сифатида улар тўғрисида маълумотлар олинган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш ҳақида ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда бу ҳақда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни уч кун ичида ёзма шаклда хабардор қилади[164].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан

---

[163] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[164] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида” 2024 йил 29 февралдаги ЎРҚ–917-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[165].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг

[165] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[166].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, соғлиғи ва ахлоқий ривожланиши.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш, фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмишда ғараз ёки бошқа паст ният мавжудлиги;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қизиқтириш бошланган, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда виртуалфохишахона ташкил этиш ёки қўшмачилик қилиш бошланган вақтдан бошлаб.

---

[166] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – биринчи қисми формал, иккинчи қисми моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – Телекоммуникация инфратузилмалари, моддий бойликлар, электрон пул, қимматбаҳо қоғозлар, донат, криптовалюта ва хк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) мессенжерлар ва ижтимоий тармоқлар орқали қўшмачилик. Мисол учун, Telegram, WhatsApp, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқларнинг ёпиқ гуруҳлари ва каналларини ташкил этиш ва фоҳишалик билан шуғулланувчи шахсларнинг анкеталари (фотосуратлари, нархлари ва хизмат турлари) жойлаштирилган махсус каналларни бошқариш ёки мижозлар билан ёзишмалар олиб бориш, учрашув жойи ва вақтини келишиш ҳамда тўловларни мувофиқлаштириш орқали виртуал администраторликни бажариш ёхуд мижозларга автоматик тарзда маълумот берувчи ва буюртма қабул қилувчи Telegram-ботларни ишга тушириш;

2) махсус веб-сайтлар ва платформалар. Мисол учун, махсус яратилган веб-сайтларда фоҳишаликни тарғиб қилиш ва қўшмачилик хизматларини кўрсатиш ёки машҳур танишув иловаларида (Tinder, Mamba ва ҳ.к.) сохта ёки махсус профиллар орқали фоҳишалик хизматларини таклиф қилиш ва мижозларни йўналтириш ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яшириниш мақсадида яширин тармоқларда, жумладан, даркнет (Darknet)да махсус форумлар ташкил этиш;

3) виртуал фоҳишахоналар ва Вебкам-студиялар. Мисол учун, махсус жиҳозланган хоналарда ахборот-коммуникация технологиялари (камера, тезкор интернет) ёрдамида жонли эфирда ахлоқсиз ҳаракатларни намойиш этишни ташкил қилиш ёки пуллик асосда кириладиган махсус трансляцияларни ташкил этиш (ёпиқ видео-конференциялар);

4) молиявий технологиялардан (FinTech) фойдаланиш. Мисол учун, хизматлар учун тўловларни аноним электрон ҳамёнлар (Qiwi, Payer ва ҳ.к.) ёки

бошқа шахслар номига очилган банк карталари орқали қабул қилиш ёки тўловларни кузатиш қийин бўлган биткоин ёки бошқа крипто-активлар орқали амалга ошириш;

5) геолокация ва реклама технологиялари. Мисол учун, мижозларга энг яқин бўлган хизмат кўрсатиш нуқталари ҳақида хариталар орқали маълумот бериш (Геотеглашдан фойдаланиш) ёки ижтимоий тармоқларда муайян ёш ва қизиқишдаги эркакларга йўналтирилган яширин реклама кампанияларини юритиш (таргетланган реклама) йўли билан содир этилиши мумкин.

Қилмишнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши, вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда, такроран, хавфли рецидивист ёки ЖКнинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Бунда, ижтимоий тармоқлардаги ҳар бир хабар, тўлов ва IP-адрес рақамли далил сифатида ишга қўшиб қўйилиши лозим. Шунингдек, қуйидагилар ҳам рақамли далил саналади:

Escort Platform Logs: мижозлар ва хизмат кўрсатувчиларни учраштирадиган махсус сайт, эфир имконияти бўлган мессенжерлар ва ботларнинг сервер маълумотлари.

Chatbot Logic: ижтимоий тармоқларда (Telegram, Instagram ва хк.) автоматлаштирилган анкета ботлари. Жиноятчилар бу ботлар орқали қўшмачиликни (мижоз топиш ва пулни тақсимлашни) масофадан бошқаради.

Geotagging & Location Sharing: хабрланувчиларни мижозларга юборишда ишлатилган Google Maps ёки Telegram локациялари.

Financial Flow (Digital Money): хизмат ҳақининг P2P (картадан картага) ўтказмалари ёки криптовалюта транзакциялари, бунда қўшмачининг (воситачининг) улуши айнан шу рақамли излар орқали исботланади.

Visual Marketing Metadata: фохишаларнинг профессионал фотосессиялари ва уларнинг ижтимоий тармоқлардаги рекламаларининг Metadata таҳлили.

Ушбу жиноят фош этилиши учун суд-компьютер техникавий экспертизаси ўтказилиб, унда қўшмачининг смартфонидан мижозлар базаси ва тарифлар жадвали олиниши, ўчирилган бўлса, у тикланиши, ёпиқ гуруҳлардаги (Private Groups) администраторлик ҳуқуқларини ва рақамли координацияни тасдиқлаш, суд-лингвистик экспертизасида ёзишмалардаги яширин маъноларни (масалан, дам олиш, чой ичиш, меҳмон бўлиш каби сўзларнинг аслида жинсий хизматни англатишини) таҳлил қилиш, суд-фоноскопик экспертизасида телефон сўзлашувлари ёки овозли хабарларда нарх ва жой келишилган шахсларнинг овозини идентификация қилиш зарур бўлади.

Бу турдаги жиноятларла қўшмачи жабрланувчи ва мижозни кўрмаслиги, ҳамма нарса виртуал ҳал қилиниши мумкин. Осон пул топиш, модель бўлиш ва хк. мақсадларда фохишалар бунга жалб этилган бўлиши мумкинлигига эътибор қаратиш керак. Халқаро даражадаги рақамли платформалар орқали трансабстракт қўшмачилик тармоқларини яратилганлигига, шунингдек, бошқа давлатларда фохишалик билан шуғулланишга қонуний тус берилган бўлиб, мижоз Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан туриб, жиноят қурбони бўлган бўлиши ҳам мумкин. Жисмоний жинсий алоқа қилиш эмас, балки виртуал ҳолатла эҳтиёжларини арзонроқ нархга қондириш истаги мавжудлигига эътибор қаратиш керак.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси айбдорнинг қурилмаси, мисол учун смартфони ва компьютеридаги ижтимоий тармоқлар (Instagram, Facebook), мессенжерлар (Telegram, WhatsApp) ва махсус танишув сайтларидаги фаолиятини, ёпиқ гуруҳлар ва каналларнинг администраторлигини, мижозларни топиш, хизмат нархларини келишиш ва манзилларни юбориш каби “қўшмачилик” ҳаракатларининг рақамли изларини, электрон ҳамёнлар (Payme, Click ва хк.) ва крипто-ҳамёнлардаги транзакциялар орқали жиноятнинг ғаразли эканлигини, айбдорнинг кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда шахсларни бир-бирига рўпара қилиш (қўшмачилик) фаолиятини, эскорт хизматлари ёки интим хизматлар таклиф қилинадиган Telegram-каналлар, ботлар ва веб-сайтларни ким яратгани, уларни қайси IP-манзилдан ва қайси қурилмадан (смартфон, ноутбук) бошқараётганини, ўчириб юборилган чатларни тиклаш орқали мижозлар буюртмалари, қизларнинг анкеталари, манзиллар алмашинуви ва хизмат нархлари ҳақидаги музокараларни, трансляция қилиш учун ўрнатилган махсус дастурлар, VPN тармоқлари ва хорижий серверлар билан алоқаларни;

2) суд-филологик экспертизаси мулоқотнинг мазмунини ва ишлатилган кодли сўзларнинг маъносини, у ёзишмалардаги яширин маънодаги сўзлар, терминлар ва таклифларни ўрганади, масалан, “дам олиш”, “хизмат кўрсатиш”, “моделлар” каби ибораларнинг мазмуни айнан интим хизматларга қаратилганлигини, мулоқотнинг мақсади шунчаки суҳбат эмас, балки айнан “қўшмачилик қилиш” эканлигини, айбдорнинг ҳимоя позициясидаги “биз шунчаки танишмоқчи эдик” деган важларини, эълонлардаги “массаж”, “дам олиш”, “VIP эскорт”, “ҳомий керак” каби сўзлар ва иборалар ортида айнан интим хизматлар (фоҳишалик) таклиф этилаётганини, чатлардаги ёзишмалар орқали айбдор шахснинг шунчаки кузатувчи эмас, балки жараённи бошқарувчи, нарх белгиловчи ва шарт қўювчи (қўшмачи) эканлигини;

3) суд-фонография ва видеоматериаллар экспертизалари ижтимоий тармоқлар (Telegram ёки бошқа мессенжерлар) орқали юборилган овозли хабарлардаги овозларни айбдорга тегишли эканлигини (идентификация)

аниқлайди, фоҳишахона деб гумон қилинаётган жойлардан олинган яширин видеоёзувларни, фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш далилини, ундаги шахсларнинг ҳаракатлари ва айбдорнинг ушбу жараёндаги бошқарув ролини, жисмоний жой (квартира, меҳмонхона ва хк.) ва унинг рақамли бошқаруви ўртасидаги боғлиқликни;

4) суд-антропологик (ёш бўйича) экспертизаси рақамли ташувчиларда (телефон, диск ва хк.) топилган фото ва видеолардаги шахсларнинг биологик ёшини ташқи аломатлар асосида баҳолайди, жиноий фаолиятга жалб қилинган шахснинг вояга етмаганлигини;

5) аудиовизуал ва дастурий маҳсулотларнинг суд товаршунос экспертизаси қўшмачилик мақсадида ишлатиладиган махсус дастурлар, ботлар ёки реклама маҳсулотларининг техник тузилишини, айбдор томонидан тизимли равишда ишлатиладиган автоматик жавоб бериш ботлари ёки мижозлар базасини бошқарувчи дастурий таъминотларнинг мавжудлигини;

6) видеотехника ва видеоматериалларнинг суд экспертизалари рақамли далилларнинг ҳақиқийлигини ва ундаги шахсларнинг ҳаракатларини, қўшмачилик мақсадида ижтимоий тармоқларга юкланган реклама роликлари, мижозларга юборилган интим мазмундаги видеолар ва фоҳишахона деб гумон қилинган жойлардан олинган кузатув камераси ёзувларинини, тасвирдаги шахсларнинг идентификацияси, видеонинг қачон ва қаерда олинганлиги ҳамда унга техник ишлов (монтаж) берилган-берилмаганлигини, фоҳишахона сақлаш далилини, яъни муайян жойга одамларнинг келиб-кетиши ва у ердаги жараёнларни;

7) суд-товаршунослик экспертизаси агар жиноий фаолиятда рақамли маълумотларни сақловчи жисмоний воситалардан фойдаланилган бўлса, ашёвий далил сифатида олинган USB флеш-карталар, қаттиқ дисклар (HDD/SSD) ва босма реклама материаллари (визиткалар, флаерлар)ни ўрганади, ушбу ташувчиларнинг техник ҳолати, ишлаб чиқарилган манбаси ва улардаги маълумотларнинг (масалан, мижозлар базаси ёки моделлар фотосуратлари) жойлашиш хусусиятини, рақамли маълумотнинг айнан қайси жисмоний восита орқали тарқатилганини ва айбдорга тегишлилигини;

8) суд-биологик экспертизаси кибержиноят содир этилган жойда қолган биологик изларни тадқиқ қилади, фоҳишахона деб гумон қилинган жойлардан олинган ашёлар (чойшаблар, сочиқлар, кийимлар)даги биологик суюқликлар ва изларни ўрганади, жойда жинсий алоқа содир бўлганлигини ва биологик қолдиқларнинг қайси турдаги суюқлик эканлигини, фоҳишахона сақлаш далилини шунчаки одамлар йиғиладиган жой эмас, балки айнан шаҳвоний хизматлар кўрсатиладиган макон эканлигини;

9) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси биологик изларнинг аниқ бир шахсга тегишли эканлигини юқори аниқликда исботлайди, топилган биологик намуналардан ДНК профилини ажратиб олади ва уни жабрланувчи, мижоз ёки гумон қилинувчининг ДНК намуналари билан солиштиради, вояга етмаган шахс ва мижоз ўртасидаги жисмоний алоқани инкор этиб бўлмайдиган генетик далиллар билан тасдиқлайди, кибержиноят таркибидаги қўшмачилик

натижасида юз берган реал алоқани ва унда иштирок этган шахсларнинг шахсиятини тўлиқ фош этади;

10) суд-иқтисодий экспертизаси мижозлардан келиб тушган пуллар (Click, Payme, хорижий электрон ҳамёнлар ёки криптовалюта) бевосита қўшмачининг (администнинг) ҳисобига тушганлигини ва ундан кейин ижрочиларга бўлиб берилганини, тизимли равишда келиб тушган маблағларнинг умумий айланмасини ва жиноятчи ўзига олиб қолган “улуш” миқдорини;

11) суд-психологик экспертизасиқҚўшмачи вояга етмаган шахсни онлайн тармоқлар орқали қандай қилиб манипуляция қилганини, унинг ишончига кириб, интимоққа қандай мажбурлаганини ёки қизиқтирганини аниқлайди.

5.8-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

133-модда. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишнинг белгиланган шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, бундан ушбу Кодекснинг 115[1], 133[1], 133[2]-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шунингдек вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) учун олиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса.

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[167].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[168].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

---

[167] [167] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[168] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[169].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамиятнинг нормал маънавий асослари, ўзга шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, соғлиғи ва ахлоқий ривожланиши.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

---

[169] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишнинг белгиланган шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) учун олиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиш таркибида ЖК 115^1, 133^1, 133^2-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаслиги;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўзга шахснинг аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартиби бузилган ёки вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) учун олиш бошланган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – ўзга шахснинг таъна аъзолари ва тўқималари.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) ноқонуний трансплантацияни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Мисол учун, айбдор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, донор ва реципиент ўртасидаги ноқонуний занжирни яратиш орқали ёпиқ форумлар ва Даркнет (Darknet)да, жумладан, инсон аъзоларининг қора бозори сифатида хизмат қилувчи яширин веб-сайтларда аъзоларни сотиш ёки сотиб олиш бўйича эълонлар жойлаштириш ёки шифрланган мессенжерлар (Telegram, Signal ва хк.)дан фойдаланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлардан яшириниш мақсадида махсус гуруҳлар тузиб, трансплантация операциясининг вақти, жойи ва нархини келишиш ёхуд ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб аъзоларни консервация қилиш ва ташиш учун зарур бўлган тиббий транспорт ҳамда махсус контейнерларнинг ҳаракатланиш йўналишини яширин кузатиб бориш;

2) маълумотлар базасига ноқонуний кириш ва манипуляция қилиш. Мисол учун, тиббий маълумотлар базасини бузиб кириш (Hacking) орқали потенциал донорлар ёки вафот этган шахсларнинг соғлиғи ҳолати ва қон гуруҳи ҳақидаги маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш ёки трансплантация кутаётган беморларнинг электрон рўйхатига (навбатига) пул эвазига ноқонуний ўзгартиришлар киритиш ёхуд вафот этган шахснинг тириклигида берган розилиги ҳақидаги электрон тиббий ёзувларни қалбакилаштириш ёки базага сохта розилик ҳужжатларини киритиш;

3) вафот этган шахснинг аъзоларини олишдаги ахборот-коммуникация технологиялари усуллари. Мисол учун, тиббий ахборот тизимлари орқали шахснинг ўлими қайд этилганлиги ҳақидаги маълумотни тезкор тарқатиб, розилик текширилмасдан туриб аъзоларни олиш жараёнини тезлаштириш ёки олинган аъзоларни илмий мақсадларда бузилмайдиган ҳолда сақлаш учун ахборот-коммуникация технологиялари назоратидаги лаборатория қурилмаларидан фойдаланиш ва бу жараённи расмий ҳужжатларда қайд этмаслик ва бу билан консервация жараёнини назорат қилиш технологиясини амалга ошириш;

4) молиявий транзакцияларни яшириш. Мисол учун, таъна аъзоларни ноқонуний олиш ва трансплантация қилиш хизматлари учун тўловларни кузатиб бўлмайдиган крипто-ҳамёнлар орқали амалга ошириш ёки маблағларни чегараларараро ўтказишда оффшор электрон тўлов тизимлари

бўлган рақамли молиявий технологиялардан фойдаланиш орқали содир этилиши мумкин.

Қилмишнинг ғаразли ёки бошқача паст ниятларда, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Ушбу жиноятлар фош этилиши учун қуйидаги рақамли излар олиниши мумкин:

Electronic Medical Records (EMR) Alteration: Тиббий маълумотлар базасидаги саналарни, донорлар рўйхатини ёки розилик хатларини сохталаштириш излари (Audit logs);

Black Market Matchmaking: Ёпиқ форумлар ёки мессенжерларда донор ва реципиентни мос келишини (blood type, HLA matching) текшириш учун юборилган тиббий анализлар файллар;

Logistics Coordination: аъзоларни ташиш (холодная цепь) вақтини ва йўналишини координация қилувчи GPS-трекерлар ёки мобил иловалар маълумотлари;

Crypto-Payments: донорлик учун миннатдорчилик сифатида бериладиган ғаразли тўловлар, шу жумладан, криптовалютадаги излар.

Жиноят фош этилиши учун суд-тиббий экспертизада олинган аъзонинг ҳолати, олиш усули ва унинг тиббий тартиб-қоидаларга мос келиши аниқланиши, суд-компьютер-техникавий экспертизада дорнинг розилик хатидаги имзонинг ҳақиқийлиги ёки вафот этган шахснинг тириклигидаги иродаси ифодаланган электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текширилиши, тиббиёт муассасасининг ички тармоғида трансплантация навбатини (waiting list) сунъий равишда ўзгартириш ҳолатлари аниқланиши, суд-генетик экспертизада олинган аъзо ва донор ўртасидаги биологик боғлиқлик тасдиқланиши мумкин.

Ушбу жиноятда Institutional Corruption, яъни тиббиёт муассасаси раҳбарлари ёки масъул шахсларининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, навбатсиз ёки ноқонуний трансплантацияни ташкил этиши, Transnational Organ Trade, яъни платформалар орқали трансплантация учун тиббий туризмни ташкил этиш, бунда Ўзбекистон фуқароларини чет элга донор сифатида юбориш, Information Asymmetry, яъни жиноятчилар жабрланувчининг тиббий саводсизлигидан ёки оғир иқтисодий аҳволидан фойдаланиб, уни ахборот-коммуникация технологиялари орқали тез пул топиш ваъдаси билан аъзосини беришга кўндириши мумкинлигини инобатга олиш зарур.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси трансплантациянинг рақамли келишув босқичини ва координациясини, айбдорларнинг (шифокорлар, воситачилар, реципиентлар) қурилмаларидаги яширин

ёзишмаларни, VPN ва Dark Web браузерлари (Tor) тарихини, шунингдек, беморларни излаш учун ишлатилган алгоритмларни, донор ва реципиентни топиш, операция вақти ва жойини келишиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилганлиги фактини, қилмишнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлигини, интернет тармоғида (Dark Web, Telegram гуруҳлари, махсус форумларда) инсон аъзоларини сотиб олиш ёки сотиш бўйича жойлаштирилган эълонларни, уларни қайси IP-манзилларидан ва қандай қурилмалардан юкланганлигини, электрон соғлиқни сақлаш тизимларига (E-med ёки шифохоналарнинг ички базаларига) ноқонуний кирилиб, беморларнинг (реципиентларнинг) ёки мос келувчи донорларнинг шахсий тиббий маълумотлари ўғирланганлигини, шифокорлар, воситачилар (брокерлар) ва донорлар ўртасидаги ўчириб юборилган чатлар ва электрон почта ёзишмаларини, модда диспозициясидаги “унинг розилигини олмай туриб” бандини текшириш учун, донорнинг электрон рақамли имзосидан ноқонуний фойдаланилганлигини ёки тиббий тизимлардаги розилик файллари қасддан сохталаштирилганлигини;

2) электрон ҳужжатларнинг суд экспертизаси тиббий муассасаларнинг электрон маълумотлар базаларини (масалан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимида яратилган “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона”, “Электрон тиббий карта” ва “Электрон рецепт” модуллари[170]), электрон рақамли имзоларни ва тиббий карталарга киритилган ўзгартиришлар тарихини (логларни) ўрганади, вафот этган одамнинг ёки тирик донорнинг электрон розилиги сохталаштирилганлиги ёки тизимга ноқонуний равишда орқа сана билан маълумот киритилганлигини, шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда яъни, маълумотлар базасига кириш ҳуқуқидан фойдаланиб ушбу қилмиш содир этилганлигини;

3) суд-молиявий ва криптографик экспертизаси гумонланувчиларнинг банк ҳисобрақамлари, халқаро пул ўтказмалари тизимлари ҳамда крипто-ҳамёнларидаги (Bitcoin, USDT ва ҳ.к.) транзакцияларни, операция учун катта миқдордаги маблағнинг (электрон пулларга айлантирилган ҳолда) келиб тушганлиги фактини, айбдор ғаразли ёки бошқача паст ниятларда яъни моддий манфаатдорлик мақсадида ҳаракат қилинганлигини;

4) суд-тиббий экспертизаси тирик донорнинг, вафот этган шахснинг ёки реципиентнинг танасини текширади, жарроҳлик аралашувининг хусусиятини, олинган ёки кўчириб ўтказилган аъзонинг ҳолатини, инсон танасидан аъзо ёки тўқима реал равишда олинганлигини ва бу жараён қандай тиббий усулда (профессионал ёки қўлбола шароитда) амалга оширилганлигини, кибержиноятнинг объектив томонини, яъни диспозицияда кўрсатилган аъзоларни ёки тўқималарни олиш объектив ҳаракати амалда содир

---

[170] Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 24 декабрдаги 19-сон буйруғи (19.1.2026 й., рўй.: 3758-сон) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимида яратилган “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона”, “Электрон тиббий карта” ва “Электрон рецепт” модулларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бўлганлигини, компьютер экспертизаси орқали “фалон куни буйрак кўчириб ўтказилиши келишилган” деган рақамли ёзишма топилса, ҳақиқатдан ҳам ўша донордан аъзо олинганини ёки мурдадан қисмлар кесиб олинганини, олинган аъзо ёки тўқиманинг расмий тиббий кўрсатмаларсиз, шартлар бузилган ҳолда масалан, тирик донорнинг соғлиғига жиддий хавф туғдириб ёки вафот этган шахснинг танасидан рухсатсиз олинганлигини;

5) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси агар органлар контейнерларда топилса ёки номаълум шахсга кўчириб ўтказилган бўлса, у олиб қўйилган аъзо ёки тўқималардан олинган ДНК намуналарини эҳтимолий донор ва реципиентнинг ДНК профили билан генетик солиштиради, трансплантация қилинган ёки мусодара қилинган аъзонинг айнан қайси шахсга (жабрланувчига) тегишли эканлигини, айбдорлар бу менинг ўз ихтиёрим билан берган қариндошимнинг аъзоси эди деган ёлғон важларни келтирганда, ДНК мослиги йўқлигини;

6) суд-филологик ёки суд-лингвистик экспертизаси жиноятчилар кўпинча “буйрак” ўрнига “фильтр”, “жигар” ўрнига “мотор” каби яширин терминлардан фойдаланишганлиги сабабли интернет тармоғидаги (айниқса Dark Web ёки ёпиқ Telegram каналлардаги) эълонлар, реклама матнлари ва воситачилар ўртасидаги ёзишмаларни лингвистик мазмунини, матн мазмунида инсон аъзосини сотиш, сотиб олиш ёки донорни алдаш ёки қўрқитишга қаратилган келишув ва ғаразли ният мавжудлигини, келишувнинг предмети айнан инсон аъзоси эканлигини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари орқали юборилган видеолардаги операция хоналари, тиббий ускуналар ва жараёнда иштирок этаётган шахсларнинг (шифокорлар, мижозлар) ҳаракатларини таҳлил қилади, видеога ишлов берилганлиги ёки монтаж қилинганлигини текширади, ноқонуний трансплантация амалда содир бўлганлигини ва бу жараён қаерда, қандай шароитда ўтганлигини визуал тасдиқлайди;

8) суд-фонографик экспертизаси кибержиноятчиларнинг ахболрот-коммуникация технологиялари ёрдамида (IP-телефония, мессенжерларнинг овозли қўнғироқлари) олиб борган музокараларини, тезкор тадбирлар давомида ёзиб олинган ёки қурилмалардан топилган аудио хабарлардаги овозларни спектрографик таҳлил қилади, аудиоёзувдаги овоз айнан гумон қилинувчига (воситачи, жарроҳ, буюртмачи) тегишли эканлигини ва овозга сунъий равишда ўзгартириш киритилмаганлигини (идентификация), жиноятнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб режалаштирилганлигини, овозли ёзувлардаги шахслар (масалан, буюртмачи, жарроҳ, воситачи) айнан жиноят ишидаги гумонланувчилар эканлигини, келишув тафсилотларини дешифровка қилиб, жарроҳлик амалиёти қаерда бўлиши, аъзони олиш жараёни қандай яширилиши ва қанча пул тўланиши ҳақидаги овозли суҳбатларни матнга ўгириб, ундаги тил бириктириш (жиноий тил бириктириш) ҳолатини;

9) суд-биологик экспертизаси ашёвий далил сифатида олинган биологик материалларнинг табиатини аниқлайди, жиноят содир этилган жойдан

масалан, яширин клиникадан топилган қон доғлари, тўқима бўлаклари, соч толалари ёки консервация қилинган (музлатилган) контейнерлардаги органик моддаларни текширади, топилган материалнинг айнан инсонга тегишли аъзо ёки тўқима эканлигини, унинг қон гуруҳини ва биологик хусусиятларини тасдиқлайди, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) учун олиш далили қоидалари бузилганлигини;

10) дори воситаларининг суд экспертизаси трансплантация жараёни махсус тиббий препаратларсиз амалга ошмаслиги сабабли, ўта муҳимдир, у ноқонуний клиникалардан ёки воситачилардан топилган дори воситаларини (кучли таъсир қилувчи анестетиклар, иммуносупрессорлар, аъзони сақлаш учун ишлатиладиган махсус эритмалар) кимёвий таҳлил қилиб, мусодара қилинган препаратларнинг таркибини, уларнинг одам аъзоларини трансплантация қилиш ва консервациялашда ишлатилишини, жиноий гуруҳнинг мазкур мураккаб тиббий амалиётга қай даражада профессионал тайёргарлик кўрганлигини ва операциянинг реаллигини;

11) суд-иқтисодий экспертизаси донор ва реципиент (ёки воситачилар) ўртасидаги электрон пул ўтказмаларини (офшор ҳисоб рақамлари, банк карталари, халқаро тўлов тизимлари), яширин тармоқларда аъзолар учун тўловлар кўпинча Bitcoin ёки USDT каби криптовалюталарда амалга оширилади, шу сабабли крипто-ҳамёнларнинг ҳаракатини ва уларнинг айбдорларга тегишли эканлигини, жиноятга алоқадор хусусий клиникаларнинг расмий ва норасмий рақамли молиявий ҳисоботларини текшириб, яширилган даромадларни аниқлайди.

5.9-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси жиноятининг юридик-техник таҳлили

133[1]-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, –
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар:
а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –
беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[171].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва

[171] [171] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[172].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш

[172] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[173].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамиятнинг нормал маънавий асослари, ўзга шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, соғлиғи ва ахлоқий ривожланиши.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдисини амалга ошириш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;

[173] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) алоқа;
6) ахборот;
7) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
8) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўзга шахснинг аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартиби бузилган ёки вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) учун олиш бошланган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – кесик таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – ўзга шахснинг таъна аъзолари ва тўқималари.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
2) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) **интернет-платформалардаги эълонлар**. Мисол учун, ижтимоий тармоқлар, ихтисослашган форумлар ва ҳатто оддий эълонлар сайтларида инсон таъна аъзолари бўлган, бўйрак, юрак, жигар ва хк. сотилади ёки “донор керак” мазмунидаги яширин кодли хабарларни жойлаштириш;

2) **даркнет (Darknet) бозорлари**. Мисол учун, кузатиб бўлмайдиган ёки кузатиш имконияти қийин бўлган яширин тармоқларда инсон аъзоларининг халқаро савдосини ташкил этувчи махсус ноқонуний аукционлар ва дўконлар юритиш;

3) **шифрланган алоқа**. Мисол учун, донор ва реципиент (аъзони сотиб олувчи) ўртасидаги музокараларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яшириш учун Telegram, Signal ёки бошқа ҳимояланган мессенжерлардан фойдаланиш;

4) **криптовалюта орқали ҳисоб-китоб**. Мисол учун, пул ўтказмаларини яшириш мақсадида

банк тизимидан ташқари, аноним крипто-ҳамёнлар (Bitcoin, Monero ва ҳ.к.) орқали тўловларни амалга ошириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Қилмишнинг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Мазкур жиноятда қуйидагилар орқали рақамли излар аниқланиши мумкин:

Dark Web Marketplace Logs: таъна аъзолар каталоги мавжуд бўлган ноқонуний савдо майдончаларидаги транзакциялар;

Encrypted Communication: ижтимоий тармоқлар (Telegram, Signal ва хк.)даги ёпиқ гуруҳларда аъзонинг ҳолати (ёши, соғлиғи, қон гуруҳи) ва нархи бўйича олиб борилган ёзишмалар;

Digital Financial Trails: пул изларини яшириш учун ишлатилган криптовалюта (Bitcoin, Monero) ҳамёнлари ва mixer хизматларидан фойдаланиш далиллари;

Online Medical Verification: сотиб олувчига юборилган донорнинг ультратовуш (УЗИ), МРТ ва лаборатория таҳлилларининг рақамли файллар (DICOM форматлари) ва хк.

Ушбу жиноят фош этилиши учун суд-компьютер техникавий экспертизасида смартфон ёки компьютердаги ўчирилган келишувлар тикланиши, инсон аъзоларини сотиш бўйича жойлаштирилган эълонларнинг IP-манзилини ва муаллифини аниқланиши, суд-фоноскопик ва лингвистик экспертизада сўзлашувларда ишлатилган код сўзларни (масалан, двигатель, фильтр, аккумулятор ва хк.) шифрдан чиқариш ва улар аслида юрак, жигар ёки буйракни англатишини исботлаш, суд-биологик ва генетик экспертизада агар аъзо топилган бўлса, унинг қайси шахсга тегишли эканлигини ва сотувчи билан алоқасини аниқлаш зарур бўлади.

Ушбу жиноят халқаротрансмиллий характерга эга бўлиб, бир давлатда донор, бошқасида реципиент, учинчи давлатда эса воситачи (сервер администратори) жойлашиши мумкин. Ижтимоий тармоқлардаги алгоритмлар ёрдамида оғир молиявий аҳволдаги шахсларни (қарздорлар, банкротлар) топиб, уларга аъзосини сотиш ҳақидаги рекламаларни мақсадли кўрсатиш, Escrow Services in Crime, яъни ноқонуний олди-сотдида пулни кафолатлаш учун ишлатиладиган виртуал ишончли вакиллар тизими мавжуд бўлиши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-филологик экспертизаси ёки суд-лингвистик экспертизаси олди-сотди келишувининг мазмунини ва тарафларнинг асл мақсадини, интернет тармоғидаги эълонлар, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар ва реклама матнларини, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги товар (аъзо), унинг нархи ва етказиб бериш шартлари ҳақидаги мулоқотни, матнда айнан олди-сотди

аломатлари (пул эвазига аъзо бериш таклифи ёки розилиги) мавжудлигини, жиноятнинг ғаразли характерини ва олди-сотди битими тузилганлигини;

2) видеоматериалларнинг суд экспертизаси агар олди-сотди жараёни, аъзонинг ҳолатини намойиш этиш ёки реклама қилиш видео орқали амалга оширилган бўлса, реклама мақсадида тарқатилган видеолар, донорларнинг видео-интервьюлари ёки келишув жараёни акс этган тасвирларни, видео тасвирларнинг ҳақиқийлигини, улардаги шахсларнинг ҳаракатларини ва видеоёзувнинг техник параметрларини, қилмишнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлигини, видеода акс этган сотувчи, харидор ёки воситачининг юз биометрияси ва бошқа индивидуал белгиларини (татуировка, чандиқ), донорнинг розилиги видеога олинган бўлса, унинг мажбурлов остида эмаслигини ёки видеонинг монтаж эмаслигини, видео қайси шароитда ва қайси қурилмада олинганини;

3) суд-фонографик экспертизаси овозли хабарлар ва телефон сўзлашувлари орқали келишилган олди-сотди битимларида Интернет тармоғи ёки телефон орқали қилинган аудиоёзувларни, овозли хабарларни, овознинг айнан қайси шахсга (сотувчи, харидор ёки воситачи) тегишли эканлигини, оғзаки келишувларнинг ҳақиқийлигини, “товар” (аъзо) нархини келишаётган шахснинг овози гумонланувчиники билан бир хил эканлигини, овозли ёзувлардаги махсус кодланган сўзларни масалан, аъзоларнинг яширин номларини ва нарх-наво келишувларини тиклаб, қилмиш олдиндан тил бириктирилганлигини, овоз сунъий интеллект ёрдамида яратилмаганлигини ёки монтаж қилинмаганлигини;

4) суд-биологик экспертизаси олди-сотди предмети бўлган биологик материалнинг табиатини аниқлаш учун зарур, у мусодара қилинган ёки сотувга қўйилган инсон тўқималарини, қон намуналарини ва бошқа биологик материалларни текширади, биологик материалнинг манбасини (инсонга тегишлилигини) ва унинг турини (қайси аъзо ёки тўқима эканлигини), жиноятнинг предмети ҳақиқатан ҳам инсон аъзоси ёки тўқимаси эканлигини;

5) дори воситаларининг суд экспертизаси аъзоларни сотиш учун уларни сақлаш (консервация қилиш) жараёнида ишлатиладиган кимёвий воситаларни текширади, аъзоларни ташишда ёки сақлашда ишлатилган махсус эритмалар ва дори воситаларининг таркибини ўрганади, ушбу дори воситаларининг айнан инсон аъзоларини тирик сақлаш ёки олди-сотди жараёнида қўлланилишини, жиноятнинг техник жиҳатдан тайёрланганлигини ва амалга оширилганлигини;

6) суд-товаршунослик экспертизаси агар олди-сотди жараёнида жисмоний ташувчилар ёки реклама материаллари ишлатилган бўлса, ашёвий далил сифатида олинган USB-флешкалар, дисклар ёки босма реклама материалларининг (келишув ёзилган қоғозлар ва ҳ.к.) хусусияти ва манбасини, жисмоний носиқатлардаги маълумотларнинг мазмуни ва уларнинг келиб чиқиш манбасини, олди-сотди учун ишлатилган воситаларни жиноятчига боғлиқ эканлигини;

7) суд-компьютер-техникавий экспертизаси гумонланувчиларнинг мобил қурилмалари, компьютерлари, ижтимоий тармоқлардаги (Facebook,

Telegram ва хк.) ёпиқ гуруҳлар ва махсус веб-сайтлардаги фаолиятини ўрганади, электрон ҳамёнлар (банк иловалари, крипто-транзакциялар ва хк.) орқали ўтган тўловларни, интернет ва мессенжерлар орқали аъзо сотишга оид эълонлар жойлаштирилгани, мижозлар билан нарх ва шартлар келишилгани ҳамда электрон файллар (донорларнинг тиббий ҳужжатлари сканерлари) мавжудлигини, махсус форумлар ва ёпиқ Telegram-ботлардаги "буйрак сотилади ёки сотиб олинади" мазмунидаги эълонларнинг манбасини, уларни ким ва қаердан туриб бошқараётганини, сотувчи, харидор ва воситачи (брокер) ўртасидаги ўчириб юборилган ёзишмаларни, юборилган тиббий ҳужжатларнинг (УЗИ, анализ натижалари) рақамли нусхаларини, жиноятчиларнинг фойдаланган қурилмаларини ва уларнинг жойлашган ўрнини, жиноятчилар ўз изларини яшириш учун ишлатган техник воситаларни четлаб ўтиб, асл кириш нуқталарини;

8) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси олди-сотди предмети бўлган товарнинг шахсини аниқлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди, олди-сотди жараёнида мусодара қилинган аъзо ёки тўқима намуналарини (қон, ҳужайралар) эҳтимолий донорлар ёки жабрланувчиларнинг генетик намуналари ўзаро бир хил эканлигини, олинган аъзо ёки тўқиманинг айнан қайси шахсга тегишли эканлигини (генетик идентификация), жиноятчиларнинг бу аъзо бошқа одамники эди ёки бу инсонники эмас деган важларини илмий асосда рад этиб, аъзонинг келиб чиқиш манбасини;

9) дори воситаларининг суд экспертизаси олди-сотди жараёнининг техник ва тиббий тайёргарлигини исботлаш учун зарур, у аъзоларни сотиш мақсадида ташиш (транспортировка) ёки сақлашда ишлатиладиган махсус тиббий воситаларни, консервация эритмаларини ва кучли таъсир қилувчи анестетикларни, мусодара қилинган дори воситаларининг таркибини ва уларнинг айнан инсон аъзоларини тирик сақлаш ёки операция қилиш учун мўлжалланганлигини, олди-сотди шунчаки назарий келишув эмас, балки амалий-техник жиҳатдан (махсус препаратлар ёрдамида) амалга оширилганини;

10) суд-иқтисодий экспертизаси блокчейн технологияси асосида маблағларнинг ҳаракат йўналишини ва уларнинг гумонланувчиларга тегишли эканлигини, мижозлардан келиб тушган ва донорларга ҳақ сифатида берилган маблағларнинг электрон изларини (Click, Payme, хорижий тизимлар), воситачилик (брокерлик) ҳақи сифатида олинган ноқонуний даромаднинг аниқ миқдорини аниқлайди.

5.10-§. Кибертуҳмат жиноятининг юридик-техник таҳлили

139-модда. Туҳмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали туҳмат қилиш, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.
Туҳмат:
а) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб;
б) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда;
в) хавфли рецидивист томонидан;
г) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг,

жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[174].

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[175].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[176].

Жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[177].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан

---

[174] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[175] [175] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[176] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[177] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш тақиқланади[178].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[179].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини

---

[178] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[179] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[180].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ўзга шахсларнинг шаъни ва қадр-қиммати.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

[180] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмаларни телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) алоқа;
6) ахборот;
7) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
8) қилмиши кибертуҳмат эканлигини айбдор била туриб содир этиши;
9) қилмишнинг тармоққа жойлаштириш йўли билан содир этилиши;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – телекоммуникация ёки интернет тармоғига бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар жойлаштирилган ва ҳеч бўлмаса камида битта шахсга етказилган вақтдан бошлаб, бунда уйдирманинг узатилганлиги, тарқатилганлиги, юборилганлиги ёки бошқа усуллар билан ишлов берилганлиги аҳамиятга эга эмас.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар, улар акс этган техник воситалар ва предметлар.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1. Ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали. Мисол учун, Facebook, Instagram, TikTok, Telegram ва ижтимоий тармоқларнинг канал ва гуруҳларида шахс ҳақида уйдирма маълумотларни эълон қилиш ёки изоҳ (пост)ларда қолдириш ёки бирон бир шахс номидан сохта профил очиб, унинг шаънига путур етказадиган контент жойлаштириш ёхуд мессенжерлардаги кўплаб аъзоси бўлган гуруҳларга ёлғон маълумотни юбориш;

2. Мультимедиа воситаларидан фойдаланиш. Мисол учун, шахснинг фотосуратларини фотомонтаж ёки фотошоп қилиб, уни ножўя ҳолатларда (масалан, жиноят устида ёки ахлоқсиз вазиятда) тасвирлаш ва тарқатиш ёки сунъий интеллект Deepfake (Дипфейк) ёрдамида шахснинг видеоқиёфаси ёки овозини сохталаштириб, у айтмаган гапларни ёки қилмаган ҳаракатларни қилгандек кўрсатиш ёхуд овозни ўзгартирувчи дастурлар орқали ёлғон далиллар яратиб тарқатиш;

3. Оммавий ахборот ресурслари ва веб-сайтлар орқали. Мисол учун, Интернет-нашрларнинг блоглари ёки электрон газеталарда текширилмаган ва ёлғон ахборотларни мақола сифатида чоп этиш ёки очиқ манбали вики-платформаларнинг маълумотномаларидаги шахс ҳақидаги мақолаларни ёлғон далиллар билан таҳрирлаш;

4. Техник манипуляциялар ва ҳужумлар. Мисол учун, ижтимоий тармоқларнинг чатларидаги ёзишмаларни график муҳаррирлар ёрдамида ўзгартириб (шахс гўёки бирон ёмон гап айтгандек қилиб), унинг расмини тарқатиш ёки қидирув тизимларида (Google, Yandex) маълум бир шахснинг исми қидирилганда, биринчи навбатда у ҳақидаги ёлғон ва ёмон маълумотлар чиқиб келишини таъминлаш (салбий оптимизация) йўли билан SEO-туҳматни амалга ошириш орқали содир этилиши мумкин.

Кибертуҳмат оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб, оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда, хавфли рецидивист томонидан, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилиниши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Кибертуҳматда жиноят **предмети** бўлган жойлаштирилган ёки тарқатилган хабар ҳақиқатга тўғри келмаслиги керак. Кибертуҳмат Ўзбекистон Республикаси Президентига нисбатан содир этилса, қилмиш Жиноят кодексининг 158-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Кибертуҳмат натижасида шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 103- ёки 103^1-моддаси билан эмас, балки Жиноят кодексининг 139-моддаси билан квалификация қилиниши даркор. Башарти, муттасил кибертуҳмат давом этиши оқибатида бу ҳолат вужудга келган бўлса, у ҳолда, қилмиш Жиноят кодексининг 103- ёки

103^1-моддаси ва 139-моддаси билан жиноятлар мажмуи сифатида малакаланади.

Мазкур жиноят фош этилиши учун, қуйидаги рақамли излар олиниши ва таҳлил қилиниши мумкин, хусусан:

URL ва скриншотлар: кибертуҳмат мазмунидаги пост, шарҳ ёки видео жойлаштирилган манзил, бунда тергов учун оддий скриншот эмас, балки "Сақланган нусха" (Cached copy) ёки нотариал тасдиқланган электрон далил муҳим эканлигини унутмаслик керак;

IP-Log таҳлили: маълумот қайси қурилмадан, қайси вақтда ва қайси географик нуқтадан юкланганлигини кўрсатувчи провайдер маълумотлари;

Account Metadata: сохта (фотк) профиллар орқали кибертуҳмат қилинганда, ушбу профилнинг қайси телефон рақамига ёки электрон почтага боғланганлиги излари;

Editing History: агар кибертуҳмат қилиб, кейин ўчириб юборилган ёки ўзгартирилган бўлса, ижтимоий тармоқларнинг ички логлари орқали асл матнни тиклаш имконияти.

Мазкур жиноят фош этилиши давомида суд-лингвистик экспертизаси ҳал қилувчи ролни ўйнайди ва бунда эксперт бу маълумот уйдирма (далил) шаклидами ёки шахсий фикр (субъектив қараш), ушбу маълумот шахсни шарманда қилувчи (салбий) характерга эга эканлиги, маълумот айнан жабрланувчига тегишли эканлиги матндан англашилишига оид масалаларни ҳал этиши даркор. Суд-компьютер техникавий экспертизасида эса, кибертуҳмат матни ёзилган қурилмани идентификация қилиш, ўчириб юборилган хабарларни ва ижтимоий тармоқдаги фаоллик тарихини тиклаш керак бўлади.

Криминологик жиҳатдан айбдор била туриб, яъни айбдор тарқатаётган маълумотининг ёлғон эканлигини аниқ билиши кераклиги, агар у мен буни рост деб ўйлагандим деб исботласа, жиноят таркиби бўлмаслигини, шарманда қиладиган, яъни маълумот шахснинг жамиятдаги обрўсига путур етказадиган бўлиши кераклиги, маълумотни жабрланувчидан ташқари камида битта учинчи шахсга етказиш кераклигига аҳамият бериш керак бўлади.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси Интернет тармоғида ёки мессенжерларда тарқатилган матнларни, постларни ва изоҳларни (коммент) ўрганади, матндаги маълумотлар далил шаклидами ёки муаллифнинг шахсий фикри (субъектив баҳоси) эканлигини, тарқатилган маълумотнинг ҳақоратли ёки туҳмат (ёлғонлиги олдиндан маълум бўлган бошқа шахсни шарманда қилувчи уйдирмалар) характерига эга эканлигини, шахсни оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаш далили матнда қандай ифодаланганини, матнда келтирилган маълумот "шарманда қилувчи уйдирма" ёки шунчаки шахсий субъектив фикр эканлигини, тарқатилган матн, изоҳ ёки мақоладаги сўзлар жабрланувчининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига объектив равишда путур етказиш-етказмаслигини, ижтимоий тармоқлардаги пишинг, кесатиқ ёки савол тариқасида масалан, "Бу амалдор қасрни қайси пулга қурди

экан-а, албатта порага-да?!” деб ёзилган яширин тасдиқларнинг маъносини аниқлайди;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибертуҳматнинг рақамли изини ва уни ким тарқатганини аниқлаш учун зарур, у веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги профиллар ва мобил қурилмаларни, кибертуҳмат мазмунидаги пост қайси IP-манзилдан, қайси қурилма орқали ва қайси вақтда юкланганлигини (логин-пароллар тарихи), маълумотнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёки телекоммуникация тармоқларида жойлаштирилганлигини, ўчириб юборилган хабарларни тиклаб, аноним профиллар орқали тарқатилган туҳматни аниқ бир шахсга (айбланувчига) боғлиқлигини, фейк (сохта) профиллар, яширин Telegram-каналлар ёки аноним форумлар ортида айнан қайси шахс турганини, хабар қайси IP-манзилдан ва қайси қурилмадан (телефон/ноутбук) тармоққа юкланганлигини, постнинг қачон эълон қилинганини, у қанча аудиторияга (обуначиларга) етиб борганини ва неча марта улашилган (repost) қилинганини, туҳмат қилувчи жавобгарликдан қочиш учун постни ёки изоҳни ўчириб ташлаган тақдирда, ушбу маълумотларни қурилма хотирасидан ёки сервер лог-файлларида мавжудлигини;

3) видеоматериалларнинг суд экспертизаси агар кибертуҳмат видеороликлар, вайнлар ёки стримлар орқали амалга оширилган бўлса, видеодаги тасвир ва овознинг уйғунлигини, видеога монтаж орқали ўзгартириш киритилганлигини масалан, инсоннинг юзини бошқа танага қўйиш ёки кадрларни кесиш орқали маъно ўзгартирилганлигини, видеороликнинг ҳақиқийлигини ёки сохталигини (Deepfake аломатларини), кибертуҳмат мазмунидаги видеоматериалнинг намойиш этилганлиги ва унинг техник хусусиятларини, жабрланувчини шарманда қилиш мақсадида унинг юзини бошқа бировнинг масалан, порахўрлик ёки беҳаё ҳаракатлар қилаётган шахснинг танасига сунъий ёпиштирилганлигини, видеода кўрсатилаётган воқеа жойи, вақти ва объектларнинг ҳақиқийлигини, кадрдаги “давлат мулкини ташиб кетаётган машина” ҳақиқатдан ҳам ўша шахсга тегишли ёки видео бошқа давлатдаги эски воқеа эканлигини, жонли эфирда ёки видеомурожаатда юзини ярим тўсиб олиб туҳмат тарқатаётган шахснинг биометрик ўлчамларини;

4) суд-фонографик экспертизаси овозли хабарлар (voice messages) ёки аудиоёзувлардаги нутқ ва овоз белгиларини, кибертуҳмат қилувчи овоз айнан гумон қилинувчига тегишли эканлигини (овоз бўйича шахсни идентификация қилиш), оғзаки шаклда тарқатилган масалан, Telegram гуруҳлардаги овозли суҳбатларнинг кимларга тааллуқли эканлигини, ижтимоий тармоқда аудио орқали туҳмат қилаётган шахснинг овозини гумонланувчининг овози билан солиштириб, унинг муаллифлигини, бировни обрўсизлантириш учун унинг овозини сунъий интеллект (Voice cloning) орқали клонлаб, сохта жиноий суҳбатлар яратилган бўлса, ушбу аудио ҳақиқийлигини ёки нейротармоқда синтез қилинганини, жабрланувчининг ҳақиқий суҳбатидан сўзларни кесиб олиб, уларни бошқача кетма-кетликда улаш орқали яратилган “туҳмат-монтаж”ларни;

5) суд-товаршунослик экспертизаси ва аудиовизуал маҳсулотлар экспертизаси кибертуҳмат тарқатишда ишлатилган жисмоний воситаларни (флешкалар, дисклар) ёки босма материалларни (варақалар, постерлар), маҳсулотнинг нусхавийлигини (тиражланишини) ва унинг ишлаб чиқариш манбасини, кибертуҳматнинг бошқача усулда кўпайтирилган шаклини ва унинг оммавийлигини;

6) суд-портрет экспертизаси кибертуҳмат объекти (жабрланувчи) ёки субъектини (айбланувчи) тасвирлар орқали аниқлашда қўлланилади, видеоёзув ёки фотосуратлардаги шахснинг ташқи қиёфа белгиларини (юз тузилиши, анатомик хусусиятлари, доимий белгилари бўлган хол, чандиқ ва ҳ.к.) намуна сифатида олинган суратлар билан солиштиради, тасвирдаги шахснинг айнан муайян бир инсон эканлигини (идентификация) тасдиқлайди, агар кибертуҳмат видео орқали тарқатилган бўлса ва айбланувчи бу видеодаги мен эмасман деса, унинг шахсини тасдиқлайди, агар жабрланувчининг юзи монтаж қилиб ишлатилган бўлса (масалан, унинг юзини бошқа бир номақбул тасвирга қўйиш), тасвирдаги юз белгилари айнан жабрланувчига тегишли эканлигини;

7) суд-психологик экспертизаси Интернет тармоғида миллионлаб одамлар олдида шарманда қилинган жабрланувчининг руҳий ҳолатини, туҳмат сабабли жабрланувчида келиб чиққан оғир стресс, суицидга (ўз жонига қасд қилишга) уриниш ёки кучли депрессия ҳолати бевосита тармоқдаги ўша пост билан боғлиқлигини аниқлайди.

5.11-§. Киберҳақорат жиноятининг юридик-техник таҳлили

140-модда. Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали ҳақорат қилиш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Ҳақорат қилиш:
а) жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда;
б) хавфли рецидивист томонидан ёки туҳмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг,

жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[181].

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[182].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[183].

Жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[184].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан

---

[181] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[182] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[183] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[184] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[185].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини

[185] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[186].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[186] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[187].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ўзга шахсларнинг шаъни ва қадр-қиммати.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони –телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш йўли билан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиш шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш орқали содир этилиши;
6) қилмишнинг тармоққа жойлаштириш йўли билан содир этилиши;
7) алоқа;
8) ахборот;
9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – Мазкур жиноятда ҳақоратомуз гап, сўз ёки ҳаракат амалга оширилган ва бу ҳақида ҳеч бўлмаса камида бир ўзга шахс билган вақтдан бошлаб. Шахснинг айбдор томонидан қилинган ҳаракатини кеч билиши жиноятнинг тамомланишига таъсир этмайди.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

---

[187] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлашга оид ахборот, улар акс этган техник воситалар ва предметлар.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) матнли ҳақорат усуллари. Мисол учун, ижтимоий тармоқлардаги изоҳларда шахснинг пости ёки расми остида ҳақоратли сўзлар ёзиш ёки Telegram, WhatsApp, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқларда шахсий ва гуруҳ ёзишмаларида Direct орқали бевосита шахсга ёки кўпчилик олдида (гуруҳларда) ҳақоратли хабарлар юбориш ёхуд блогларда ёки ижтимоий тармоқ саҳифаларида шахсни таҳқирловчи махсус материаллар эълон қилиш, постлар ва мақолалар қолдириш;

2) визуал ва мультимедиа усуллари. Мисол учун, шахснинг расмини ҳақоратли матнлар билан биргаликда кулгили ёки шармандали мазмунда тарқатиш (ҳақоратли мемлар (Memes) ёки шахснинг шаънини пастга урувчи махсус график тасвирлар яратиш (Демотиваторлар) ёхуд шахснинг юзини ахлоқсиз ёки паст савияли тасвирларга ўрнатиб (Photoshop ёрдамида) тарқатиш;

3) видео ва аудио ҳақорат усуллари. Мисол учун, TikTok, YouTube Instagram ёки бошқа ижтимоий тармоқларнинг жонли эфирларида шахс ҳақида беодоблик билан гапириш, стриминг қилиш ёки мессенжерлар орқали шахсга ҳақоратли аудиоёзувлар юбориш ёхуд махсус видео роликлар олиб, унда бошқа шахсни таҳқирловчи иборалар ишлатиш ёки видеомурожаатлар юбориш;

4) билвосита ва техник усуллар. Мисол учун, ўйин платформаларида ёки гуруҳларда шахснинг исмини ҳақоратли сўзлар билан алмаштириш ёки лақаблар (Nicknames) билан аташ ёки шахсни ахлоқсиз ёки таҳқирли постларга белгилаш (tag қилиш) орқали уни жамоатчилик олдида шарманда қилиш (Tagging)) ёхуд шахс номидан сохта аккаунт очиб, ўша профил орқали ахлоқсиз гаплар ёзиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Телекоммуникация ёки интернет тармоғига жойлаштириш орқали киберҳақоратни исботлашда ахборот-коммуникация технологиялари ва лингвистика бирлашади ва унда қуйидагиларни кўрсатувчи рақамли излар олиниши ва таҳлил қилиниши мумкин:

Contextual Metadata: ҳақоратли шарҳ қайси пост остида ёзилгани, баъзан сўзнинг ўзи ҳақоратли бўлмаслиги мумкин (масалан, тулки), лекин матнда у шахсни камситиш учун ишлатилса, ҳақорат деб топилиши мумкин.

Emoji ва Sticker таҳлили: ҳақоратли маънога эга бўлган эможилар (масалан, ҳайвонлар ёки уятсиз белгилар тасвири) ҳам ҳақоратнинг объектив томони сифатида баҳоланиши мумкин.

Суд-лингвистик экспертизасида эксперт сўзнинг инвектив (ҳақоратли) лексикага киришини аниқлаши, агар сўз адабий тилда бўлса, лекин шахсни пастга урса, бу беодоблик мезонига тушмаслиги мумкинлигини, IP-Tracking,

яъни аноним хейтерларнинг шахсини аниқлаши ва уларнинг ҳаракатларидаги қасдни (яъни атайлаб таҳқирлаш истагини) исботлаши керак бўлади.

Ушбу жиноятни малакалашда қуйидагиларга ҳам аҳамият бериш керак, хусусан:

Direct Harassment: шахснинг шахсий хабарларига (Direct) айбдор тинимсиз ҳақоратлар ёзиши мумкин;

Public Shaming: кенг омма олдида (гуруҳларда, шарҳларда) шахсни беҳаё сўзлар билан камситиши мумкин;

Hate Speech: маълум бир фуқаролик бурчини бажараётган шахсларганисбатан хизмат фаолияти учун нафрат сочиш орқали ҳам содир этилиши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси интернет тармоғидаги постлар, изоҳлар (комментлар) ёки мессенжерлардаги ёзишмаларда ишлатилган сўз ва ибораларни, сўзларнинг инвектив (сўкиш, ҳақоратли) лексикага кириш-кирмаслигини, ишлатилган ибораларнинг беодоб шаклда эканлигини ва улар жабрланувчининг шаънини пастга уришга қаратилганлигини тасдиқлайди, қаттиқ танқид ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳақорат ўртасидаги чегарани, ижтимоий тармоқлардаги изоҳларда ишлатилган сўзлар жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормаларига зидлигини, масалан, сўкинишлар, ҳақоратомуз жаргонлар, ҳайвонларга тенглаштириш ёки жинсий хусусиятга эга бўлган таҳқирловчи сўзларнинг маъносини, давлат хизматчилари ёки блогерларга нисбатан ёзилган кескин изоҳлар шунчаки “эмоционал танқид” ёки қасддан қилинган “шахсиятга ўтиш” ва “ҳақорат” эканлигини, Интернет тармоғида кенг тарқалган “мем”лар (memes), стикерлар ёки эможилар остида ёзилган матнларнинг умумий контексти инсон шаънини таҳқирлашга қаратилганлигини;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси киберҳақоратнинг рақамли изларини топиш ва уни аниқ бир шахсга боғлаш учун қўлланилади, ҳақоратли хабар юборилган қурилмаларни, IP-манзилларни ва ижтимоий тармоқдаги профилларни, хабарнинг қачон, қаердан ва ким томонидан (логин-пароллар асосида) жойлаштирилганини, ҳақоратли материалнинг телекоммуникация ёки Интернет тармоғида тарқатилганлигини, айбланувчининг профилимни бузиб киришган ёки буни мен ёзмаганман деган важларининг тўғрилигини, жабрланувчининг расми остига яширин (fake) аккаунтдан сўкиниб изоҳ қолдирган ёки хабар юборган шахснинг IP-манзилини, қурилмасининг MAC-манзилини ва телефон рақамини, ҳақорат қандай платформа орқали (Facebook, Instagram, Telegram) амалга оширилганини ва қанча фойдаланувчига кўринганини (оммавийлик даражасини), агар айбдор ҳақоратли постини ёки изоҳини ўчириб юборган бўлса, уни қурилма кэшидан (cache) ёки тармоқ лог-файлларидан (logs) ушбу маълумотни;

3) суд-фонографик экспертизаси овозли хабарлар (Telegram, WhatsApp ва ҳ.к.) орқали қилинган ҳақоратларни исботлашда зарур, овозли файлларни спектрографик таҳлил қилиб, ундаги нутқ белгиларини гумонланувчининг овозини, ҳақоратли аудио хабардаги овоз айнан гумонланувчига тегишли эканлигини (идентификация), оғзаки шаклдаги киберҳақорат муаллифини, акустик таҳлил орқали сўкиниб ёки беодоб сўзлар билан хабар қолдирган шахснинг овози айнан гумонланувчига тегишли эканлигини, гумонланувчининг овози сунъий равишда яратилмаганлигини ёки бошқа жойдан қирқиб олиниб ҳақоратли мазмунга эга қилиб уланмаганлигини;

4) суд-портрет экспертизаси ва видеотехника экспертизаси агар ҳақорат видео-мурожаатлар, стримлар ёки ҳақоратли фото-коллажлар орқали содир этилса, видеодаги шахснинг ташқи қиёфасини ва тасвирнинг ҳақиқийлигини, тасвирдаги шахснинг (ҳақорат қилаётган шахснинг) кимлигини ва видеога техник ўзгартиришлар (Deepfake) киритилган-киритилмаганлигини текширади, видео-ҳақоратни содир этган шахснинг шахсиятини ва видеонинг далил сифатида яроқлилигини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси жабрланувчининг расмига ҳақоратли элементларни масалан, ҳайвон танасига инсон бошини қўйиш ёки беҳаё ҳолатга тушириш фотошоп ёки бошқа дастурлар орқали қўшилганлигини, жонли эфирларда (стримларда) ёки TikTok видеоларида қилинган таҳқирловчи хатти-ҳаракатларни масалан, бировнинг расмига туфуриш, уни ёқиб юбориш ёки бошқа беодоб имо-ишоралар қилишга оид ҳаракатларни аниқлайди.

5.12-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

141-модда. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб содир этилган бўлса, –
уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[188].

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

[188] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[189].

Жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[190].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий

---

[189] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[190] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[191].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[192].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

---

[191] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[192] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[193].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ўзга шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

[193] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиш жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш орқали содир этилиши;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари бевосита ёки билвосита бузилган;
2) фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланган;
3) фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар берилган вақтдан.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар беришга оид ахборот, улар акс этган техник воситалар ва предметлар.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситишлар. Маълумот учун, ишга қабул қилиш сайтлари (Olx, Ish.uz ва ҳ.к.) ёки Telegram каналларда номзоднинг касбий маҳоратига алоқаси бўлмаган чекловлар (масалан, фақат фалон вилоятликлар учун ёки муайян диний қарашдагилар олинмайди ва хк.) билан эълонлар жойлаштириш орқали дискриминацион вакансияларни вужудга келтириш ёки ишга қабул қилишда фойдаланиладиган сунъий интеллект ёки автоматик тизимларни (ATS) номзодларни ирқий, жинсий ёки маҳаллийчилик белгилари бўйича саралайдиган қилиб созлаш оқрали алгоритмик камситиш ёхуд корпоратив тармоқлар орқали муайян гуруҳ вакилларига топшириқларни камайтириш ёки уларни асоссиз равишда онлайн платформалардан четлаштириш орқали жабрланувчининг масофавий меҳнат ҳуқуқларини чеклаш;

2) таълим ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш. Мисол учун, онлайн таълим платформалари ёки давлат хизматлари порталларидан рўйхатдан ўтишда муайян тил ёки ҳудуд вакиллари учун техник тўсиқлар яратиш ёки ахборот ресурсларидаги муҳим маълумотларни фақат маълум бир ижтимоий гуруҳ вакиллари учун очиқ қилиб қўйиш қолганлар учун эса, маълумотга киришни чеклаш;

3) интернетда нафрат уйғотиш ва камситишга чақириқ. Мисол учун, ижтимоий тармоқлар орқали муайян миллат ёки дин вакилларига имтиёз бериш ёки аксинча, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш зарурлиги ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш (дискриминацион тарғибот) ёки Интернет тармоғида фақат муайян танланган гуруҳлар кира оладиган ёпиқ виртуал ҳамжамиятлар яратиш орқали бошқаларнинг ижтимоий мулоқот ҳуқуқини чеклаш (рақамли сегрегация);

4) давлат ва жамият бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини суиистеъмол қилиш. Мисол учун, онлайн сўровномалар ёки овоз бериш тизимларида натижаларни муайян гуруҳ фойдасига сохталаштириш ёки бошқа гуруҳларнинг овоз бериш имкониятини техник чеклаш ёки ахборот тизимлари операторлари томонидан ўз танишлари ёки маълум бир тоифадаги шахсларнинг электрон аризаларини навбатсиз ёки тезроқ кўриб чиқишни таъминлаш орқали содир этилиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг зўрлик ишлатиб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат саналади. Зўрлик жисмоний ёки руҳий (психологик) тарзда содир этилган бўлиши мумкин. Жиноят зўрлик орқали содир этилса, бунинг оқибатида шахсга тан жароҳати етган ёки вафот этган ёхуд ўзини ўзи ўлдиришга ундалган ёинки ўзини ўзи ўлдирган бўлса ёки ҳақорат ёхуд туҳмат

билан бирга содир этилган бўлса, қилмиш ҳолатга қараб тегишинча Жиноят кодексининг 97, 103-105-, 109, 139-140-моддалари билан жиноятлар мажмуи сифатида ушбу моддаларнинг бири ёки бир нечтаси билан малакаланиши жоиз. Ушбу жиноятда лог-файллар, алгоритм кодлари, ижтимоий тармоқдаги постлар ва маълумотлар базасидаги ўзгаришлар рақамли далил сифатида ишга қўшиб қўйилиши лозим. Шунингдек, қуйидагиларда ҳам рақамли излар бўлиши мумкин, хусусан:

Bias in AI Algorithms: ишга қабул қилиш ёки хизмат кўрсатиш тизимларида (масалан, банк кредитлари) муайян жинс ёки вилоят (ижтимоий келиб чиқиш) вакилларини автоматик равишда рад этувчи алгоритмлар коди;

Digital Recruitment Logs: HR платформаларидаги саралаш (filtering) тарихи, агар тизимда фақат муайян миллат вакилларини кўрсат деган фильтр ишлатилган бўлса, бу бевосита рақамли далилдир;

Communication Metadata: раҳбарларнинг ички мессенжерларидаги (Slack, Telegram) “фақат фалон вилоятликларни ишга ол” ёки “аёл киши бўлгани учун тайинлама” қабилидаги кўрсатмалар;

Platform Access Logs: муайян тил ёки диний эътиқод белгиларига кўра фойдаланувчиларга рақамли хизматларни чеклаш (Digital Redlining).

Жиноят фош этилиши жараёнида суд-компьютер техникавий экспертизасида дастурий таъминот кодида камситиш белгилари борлигини аниқлаш учун алгоритмик аудит ўтказилиши, суд-лингвистик экспертизасида ички буйруқлар, эълонлар (масалан, “фақат фалон миллатликлар учун”) ёки рад этиш хатларидаги матнларни камситиш белгилари бўйича таҳлил қилиш, суд-социологик ва статистик экспертизада муайян ташкилотда кадрлар таркибини статистик таҳлил қилиш, масалан, агар 500 ходимнинг барчаси фақат бир миллат ёки дин вакили бўлса ва қолганлар асоссиз рад этилган бўлса, бу билвосита камситиш сифатида баҳоланиши мумкин ва шу орқали зарур далилларни шакллантириш имконияти мавжуд.

Камситиш турли усулларда амалга оширилиши мумкин ва шунга қараб, тегишли қонунчилик бузилганлигидан келиб чиқиб, жиноий жавобгарлик вужудга келиши мумкинлиги аҳамиятлидир. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига асосан, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди. Айнан мазкур таъминлаш, жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси фуқароларнинг ҳуқуқларини бузишга қаратилган бевосита ёки билвосита чақириқларнинг маъносини, интернет тармоғидаги постлар, мақолалар ёки мессенжерлардаги хабарларда муайян миллат, ирқ ёки дин вакилларига нисбатан салбий муносабат шакллантирувчи, уларнинг ҳуқуқларини чеклашга ундовчи тил бирликларини, матннинг камситувчи (дискриминацион) характерини ва унда

тенг ҳуқуқлиликни бузишга қаратилган лингвистик белгилар мавжудлигини тасдиқлайди, илвосита бузиш далилини, яъни яширин маънодаги камситишларнинг мазмунини, матнли хабарларда, мақолаларда ёки изоҳларда фуқароларни жинси, ирқи, миллати ёки дини бўйича камситувчи, уларнинг ҳуқуқларини чеклашга чақирувчи иборалар мавжудлигини, бирор ижтимоий гуруҳга нисбатан адоват уйғотиш ёки уларни бошқалардан пастроқ қилиб кўрсатишга қаратилган лингвистик конструкцияларни, матнда очиқ бўлмасада, яширин маънолар (коннотация) орқали маълум бир фуқаролар гуруҳига нисбатан афзаллик бериш ёки чеклаш мазмуни бор-йўқлигини;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси дискриминациянинг техник механизмини масалан, алгоритмик камситишни, у веб-сайтлар, иловалар ёки базавий тизимлардаги алгоритмларни, масалан, ишга қабул қилиш ёки хизмат кўрсатиш тизимларида муайян жинс ёки миллат вакиллари учун автоматик фильтрлар (чеклашлар) қўйилганлигини, ҳуқуқларни чеклаш ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида дастурий равишда амалга оширилганлигини ва бунинг манбасини, дискриминациянинг тизимли ва автоматлаштирилган эканлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини бузувчи маълумот қайси аккаунт, IP-манзил ва қурилма орқали тарқатилганини, агар жиноят автоматлаштирилган тизимлар масалан, ишга қабул қилиш ёки хизмат кўрсатиш дастурлари орқали содир этилган бўлса, дастурий кодда маълум бир жинс ёки миллат вакилларини атайлаб фильтрлаш (чеклаш) функцияси борлигини, ижтимоий тармоқлардаги ёпиқ гуруҳларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш бўйича келишувларни ва электрон изларни;

3) видеоматериалларнинг суд экспертизаси ва суд-портрет экспертизаси агар тенг ҳуқуқлиликни бузиш билан боғлиқ ҳаракатлар масалан, зўрлик ишлатиш саҳналари ёки оммавий камситишлар видеога олинган бўлса, видеоёзувларнинг ҳақиқийлигини ва ундаги шахсларнинг қиёфасини ўрганади, зўрлик ишлатиб содир этилган ҳаракатларни, унда иштирок этган шахсларнинг шахсиятини (портрет экспертизаси орқали), видеода маълум бир миллат ёки ижтимоий қатлам вакилларини масхара қилиш, уларнинг ҳуқуқлари чекланган ҳолатларни намойиш этиш ёки камситувчи мем видеоларни, видеомурожаат орқали бошқа ирқ ёки дин вакилларига нисбатан афзаллик беришга ёки ҳуқуқларни бузишга чақираётган шахснинг кимлигини;

4) суд-фонографик экспертизаси овозли хабарлар ёки телефон орқали қилинган камситувчи кўрсатмаларни таҳлил қилиб, аудиоёзувлардаги нутқни ва овоз соҳибини, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги оғзаки кўрсатма ёки таҳдид айнан ким томонидан берилганлигини, дискриминациянинг ташкилотчисини ёки ижрочисини, дискриминацион фикрларни баён этаётган шахснинг овозини гумонланувчиники билан солиштириб, муаллифликни, овозли ёзувдаги камситиш мазмунидаги кўрсатмаларни ва баёнотларни сўзма-сўз тиклаб, ундаги жиноий қасдни (аниқ бир гуруҳга қарши қаратилганини);

5) суд-портрет экспертизаси тасвирдаги шахснинг ташқи қиёфаси асосида унинг шахсиятини тасдиқлаш учун тайинланади, у ижтимоий тармоқларга юкланган ёки кузатув камералари (CCTV) орқали олинган

видеолардаги шахснинг юз тузилиши, анатомик белгилари ва ўзига хос хусусиятларини (хол, чандиқ, юз пропорциялари) гумонланувчининг фотосуратлари ёки намунавий видеолари билан солиштиради, камситувчи ҳаракатларни содир этган ёки камситишга чақирган шахснинг айнан гумон қилинувчи эканлигини (идентификация) тасдиқлайди, дискриминацияга оид видео-мурожаатлардаги шахснинг кимлигини аниқлайди (айниқса, айбланувчи видеодаги мен эмасман деб рад этган ҳолларда), фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш зўрлик ишлатиш билан содир этилганда, масалан, муайян гуруҳ вакилига нисбатан жисмоний куч ишлатиш тасвирланган видеода, айбланувчининг юз белгиларини;

6) суд-психологик экспертизаси жиноятчи нима сабабдан интернетда камситувчи хабар тарқатганлигини, унда маълум бир гуруҳга нисбатан ички нафрат, ўзини юқори қўйиш ёки патологик агрессия бор-йўқлигини, дискриминацияга учраган шахснинг (ёки шахслар гуруҳининг) руҳий ҳолатини, шахснинг ўзлигини паст баҳолаши, ижтимоий изоляцияга тушиб қолиши ёки кучли стресс ҳолати сабабини, дискриминацион хабарларнинг вояга етмаганлар ёки руҳий жиҳатдан заиф қатламларга таъсирини, уларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган ироданинг сусайиб кетганини, зўрлик ишлатиш ҳолатида, айбдорнинг психологик жиҳатдан ўз таҳдидларини амалга оширишга тайёрлигини ва жабрланувчининг бу таҳдидларни қанчалик реал қабул қилганини;

7) суд-социологик экспертизаси Интернет тармоғидаги маълумот (мақола, пост, видео) турли миллат, дин ёки ижтимоий қатлам вакиллари ўртасида очиқ низо ёки тўқнашув келтириб чиқариш имкониятини, тарқатилган дискриминацион хабар жамиятдаги барқарорликка, давлатнинг ижтимоий сиёсатига ва фуқароларнинг бир-бирига бўлган ишончига қанчалик зарар етказганини, ахборот-коммуникация технологиялари орқали тарқатилган маълумот маълум бир гуруҳ ҳақида масалан, маълум бир вилоят ёки миллат вакиллари ҳақида жамиятда салбий ва нотўғри ижтимоий стереотиплар шаклланишига хизмат қилишини, кибермакондаги дискриминация қанчалик кенг аудиторияни қамраб олгани ва жамоатчилик фикрини қай даражада заҳарлаганини ижтимоий сўровномалар ва рақамли статистика асосида аниқлайди.

5.13-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

141[1]-модда. Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Ўша ҳаракатлар:
а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;
б) ғаразли ниятларда содир этилган бўлса;
в) хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади[194].

[194] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Қонунчилик талабига асосан, давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт[195].

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[196].

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, нохолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт[197].

Қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа

---

[195] Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[196] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[197] Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[198].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[199].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[200].

Фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, мазмунига кўра уларнинг шахсий ҳаётига аралашув деб қаралиши мумкин бўлган нашрларни ҳамда ноширлик маҳсулотини чиқариш ва тарқатиш тақиқланади. Жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган

---

[198] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[199] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[200] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборот, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлари бўлган маълумотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[201].

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш[202].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини

---

[201] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[202] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[203].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[203] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[204].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ўзга шахсларнинг шахсий дахлсизлиги ва бунга оид конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилган ва у 1 йил ичида қайта такрорланаётган бўлиши;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғилган ёки тарқатилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

---

[204] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – шахсий ёки оилавий сир.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) шахсий маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш (Кибержосуслик). Мисол учун, телекоммуникация воситалари ёки қурилмаларини бузиб кириш (Hacking) орқали смартфон, компьютер ёки планшетларга рухсатсиз кириб, ундаги шахсий суратлар, видеолар ва ёзишмаларни ўғирлаш ёки сохта ҳаволалар ёки сайтлар ёрдамида шахснинг ижтимоий тармоқ (Instagram, Telegram, Facebook) ёки булутли сақлаш (iCloud, Google Drive) профилларига кириш кодини қўлга киритиш ёхуд шахснинг қурилмасига яширинча масофавий бошқарув дастурлари бўлган шпион дастурлар (Spyware)ни ўрнатиш орқали унинг камераси ва микрофонини масофадан ёқиш, турган жойини (GPS) кузатиш;

2) маълумотларни ноқонуний тарқатиш (Диксинг ва Ревенжпорно). Мисол учун, шахснинг яширин сақланаётган шахсий маълумотларини (уй манзили, шахсий телефон рақами, оилавий ҳужжатлари) қасддан интернетда



очиқ эълон қилиш (Диксинг (Doxing) ёки шахснинг шахсий характеридаги яланғоч ёки жинсий алоқа тасвирланган фото ёки (ва) видеоларини уни шарманда қилиш ёки қасд олиш мақсадида тарқатиш (Ревенжпорно (Revenge Porn) ёхуд икки киши ўртасидаги сир қолиши керак бўлган ижтимоий тармоқлардаги чатларни скриншот қилиб, оммавий гуруҳларга жойлаштириш;

3) кузатув ва таъқиб қиниш (киберсталкинг). Мисол учун, шахснинг ижтимоий тармоқлардаги ҳар бир қадамини кузатиш, унга ёқмаган ҳолда тинимсиз хабарлар юбориш ва шахсий ҳаётига оид маълумотларни йиғиш ёки смарт соатлар ёки машинага ўрнатилган GPS трекерлар маълумотларини ноқонуний қўлга киритиб, шахснинг қаердалигини геолокация орқали онлайн кузатиш;

4) мультимедиа технологиялари орқали манипуляция. Мисол учун, смартфон ёки бошқа ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида шахснинг шахсий ёки оилавий сири ҳисобланган ҳолатларини яширинча ёзиб олиш ёки яширин аудио-видеода қайд этиш ёхуд сунъий интеллект Deepfake

(Дипфейк) ёрдамида шахснинг юзини ахлоқсиз видеоларга жойлаштириш орқали унинг шахсий ҳаёти ҳақида нотўғри тасаввур уйғотиш орқали содир этиш мумкин.

Жиноят оғир оқибатларга олиб келган, ғаразли ниятларда содир этилган ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Ижтимоий тармоқлардаги гуруҳ ва каналларда ҳам бундай тусдаги маълумотлар сақлаш амалга оширилган бўлса ҳам бу жиноят таркибини беради. Қилмиш шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликдан фарқ қилади.

Қилмиш натижасида шахснинг шахсий ёки оилавий сири ҳақорат ёки туҳмат мазмунига айланиб кетса, бу ҳолатда шахснинг ҳаракатлари кибертуҳмат ёки киберҳақоратни назарда тутувчи Жиноят кодексининг 139 ёки 140-моддаси билан ҳам қўшимча жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиниши лозим.

Ушбу жиноят фош этилишида қуйидаги рақамли излар текширилиши мумкин, хусусан:

Spyware & Trojans: жабрланувчининг телефонига яширинча ўрнатилган кузатув дастурлари (Stalkerware) қолдирган излар;

Cloud Access Logs: iCloud, Google Photos ёки Telegram “Saved Messages”га рухсатсиз кириш тарихи (IP-манзил, вақт ва қурилма модели);

Hidden Camera Metadata: яширин камералардан олинган файлларнинг яратилиш санаси ва камеранинг техник идентификаторлари;

File Distribution Map: видео ёки сурат биринчи бўлиб қайси аккаунтдан тарқала бошлаганини аниқловчи рақамли занжир;

Exfiltration Logs: маълумотларнинг қурилмадан ташқарига (серверга ёки бошқа телефонга) узатилганлиги ҳақидаги тармоқ трафиги.

Ушбу жиноят фош этилиши учун суд-компьютер техникавий экспертизасида айбдорнинг қурилмасидан ўчирилган шахсий фото ёки (ва) видеоларни тиклаш, маълумотлар қандай усулда (фишинг, паролни бузиш ёки жисмоний ўғирлик) қўлга киритилганини исботлаш, суд-фототехника ва видеотехника экспертизасида тасвирдаги шахс ҳақиқатдан ҳам жабрланувчи эканлигини ва тасвир монтаж (Deepfake) эмаслигини тасдиқлаш, суд-лингвистик экспертизасида тарқатилган маълумотларнинг шахсий ёки оилавий сир эканлигини мазмунан баҳолаш, масалан, шахснинг иш фаолияти эмас, айнан уйидаги, шахсий муносабатларидаги ҳолатларига оид маълумот эканлиги аниқланиши зарур бўлади. Криминологик жиҳатдан собиқ жуфтликларнинг бир-биридан ўч олиш мақсадида шахсий видеоларни тарқатиши, шахснинг яшаш манзили, телефон рақами ва оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни унга зарар етказиш мақсадида оммавий эълон қилиш (Doxing (Доксинг), шахсий сирни тарқатмаслик эвазига пул талаб қилиши (Blackmail), Hidden Surveillance, яъни ижарага бериладиган уйлар ёки меҳмонхоналарда яширин камералар ўрнатиш орқали бу ҳолат содир этилиши мумкинлигига ҳам эътибор бериш керак бўлади.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси смартфонлар, булутли хотиралар (iCloud, Google Drive ва хк.), мессенжерлардаги (Telegram, WhatsApp ва хк.) яширин чатлар ва архивларни, файлларнинг яратилиш вақти, манбаси ва кимларга юборилганлигини (логин, IP-манзил), маълумотлар шахснинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғилгани масалан, қурилмани бузиб кирилганлигини ёки яширин дастур ўрнатилганлигини ёки тарқатилганини, ушбу қилмиш ғаразли ниятларда масалан, маълумотни сотиш ёки товламачилик содир этилганини, айбдор жабрланувчининг шахсий маълумотларини қандай қўлга киритганини, бу зарарли дастурлар (Spyware, Stalkerware) ўрнатиш, фишинг (Phishing) орқали паролларни ўғирлаш ёки смартфон, компьютерга ноқонуний уланиш орқали содир бўлганлигини, оилавий сир ёки шахсий ёзишмалар (чатлар) қайси IP-манзилдан, қандай қурилмадан ва қайси ижтимоий тармоқлар ёки ёпиқ гуруҳлар орқали тарқатилганини, гумонланувчининг қурилмасидан ўчириб юборилган архив файлларни, жабрланувчига тегишли ўғирланган маълумотлар базасини ва уларнинг яратилиш, ўзгартирилиш вақтларини (metadata);

2) видеоматериалларнинг суд экспертизаси агар шахсий ҳаётга дахлдор маълумотлар видео шаклида бўлса (яширин камера ёзувлари ёки интим видеолар), видеоёзувнинг қаерда (масалан, меҳмонхона ёки шахсий хонада) олинганини, тасвирнинг ҳақиқийлигини ва унга техник ишлов берилганлигини, видеодаги воқеаларнинг реаллигини ва унинг шахсий сир тоифасига кирувчи ҳолатларни акс эттиришини;

3) суд-портрет экспертизаси тарқатилган фото ёки видеолардаги юз тузилишини, анатомик ва алоҳида белгиларни (холлар, чандиқлар) жабрланувчининг қиёфаси билан солиштириб, тасвирдаги шахснинг айнан жабрланувчи эканлигини (идентификация), бу айниқса шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвири ёки шахснинг шаънини ерга урувчи тасвирлар тарқатилганда, айбланувчининг бу видеодаги бошқа одам деган важлари тўғрилигини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тарқатилган маълумотнинг шахсий ёки оилавий сир мақомига эга эканлигини баҳолашда ёрдам беради, тарқатилган матнли маълумотларни (шахсий хатлар, кундаликлар, ёзишмалар) таҳлил қилади, маълумотларнинг омма учун мўлжалланмаганлигини ва уларнинг ошкор қилиниши инсоннинг шаъни ва қадр-қимматига таъсирини аниқлайди, қилмишнинг оғир оқибатлар, масалан, оиланинг бузилиши, ишдан ҳайдалиш, руҳий тушкунлик ва хк. келиб чиқишига сабаб бўлган маълумотларнинг мазмуний қийматини, тарқатилган маълумотлар матнида ҳақиқатдан ҳам шахснинг обрўсига таъсир қилиши мумкин бўлган, омма учун мўлжалланмаган оилавий ёки шахсий сир мавжудлигини, аноним тарзда чиқариб юборилган ёзишмалар ёки постлар айнан жабрланувчига тегишли ҳаётий фактлар эканлигини;

5) суд-фонографик экспертизаси шахсий суҳбатлар ёки овозли хабарлар (voice messages) рухсатсиз тарқатилган ҳолларда қўлланилади, овозли файлларни спектрографик таҳлил қилиб, ундаги нутқ ва овоз белгиларини

жабрланувчи ёки гумонланувчининг овози билан солиштиради, овознинг эгасини аниқлайди ва ёзувнинг асллигини (монтаж йўқлигини);

6) суд-психологик экспертизаси шахсий сирнинг бутун интернетга чиқиб кетиши масалан, интим суратларнинг тарқалиши жабрланувчида келиб чиққан оғир депрессия, руҳий касаллик ёки ўз жонига қасд қилишга уриниш (суицид) ҳолатлари билан бевосита боғлиқлигини, шахснинг жамиятдан ажралиб қолиши, оиласи бузилиши ёки карьерасининг барбод бўлиши натижасида олган психологик жароҳатининг даражасини;

7) суд-иқтисодий экспертизаси Dark Web форумларида ёки Telegram гуруҳларида жабрланувчининг шахсий маълумотлари масалан, банк карталари тарихи, шахсий ёзишмалари архиви учинчи шахсларга пуллаб юборилганлигини ва тўловлар (криптовалюта, электрон пуллар) қабул қилинганлигини, “маълумотингни тарқатмаслигим учун пул тўла” қабилидаги талаблар ортидан қилинган транзакцияларни аниқлайди.

5.14-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

141^2-модда. Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) ғаразли ёки бошқа паст ниятларда;

г) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;

д) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари,

шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[205].

Қонунчилик талабига асосан, шахсга доир маълумотлар шахснинг розилиги асосида ишлов берилиши, яъни шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотлари қонунчиликда белгиланган асосий принциплар таъминланган ҳолда сақланиши лозим.

Қуйидаги шахсга доир маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сақланиши шарт:

жисмоний шахсларнинг биометрик маълумотлари;

жисмоний шахсларнинг генетик маълумотлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган телекоммуникациялар операторларидаги уларнинг хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахсларнинг маълумотлари.

Юқорида назарда тутилмаган шахсга доир маълумотлар куйидаги шартлардан бири бажарилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида сақланиши ва уларга ишлов берилиши мумкин:

чет давлатни шахсга доир маълумотларнинг бир хил ҳимоя қилинишини таъминловчи давлат сифатида тан олиш;

оператор томонидан ваколатли давлат органи тасдиқлайдиган талабларга жавоб берувчи стандарт шартномавий шартлар ёки мажбурий корпоратив қоидалар қабул қилиниши ва уларга риоя этилиши;

рўйхати ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган шахсга доир маълумотларни бошқариш ва сақлаш соҳасидаги халқаро стандартларга оператор томонидан риоя этилиши.

Шахсга доир маълумотлар бир хил ҳимоя қилинишини таъминловчи чет давлатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мулкдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сақланишини

[205] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши шарт. Субъектнинг розилигисиз ёки бошқа қонуний асос мавжуд бўлмагани ҳолда шахсга доир маълумотларни ошкор этиш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида мулкдор ва (ёки) оператор ёки шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахс томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган талаб шахсга доир маълумотларнинг махфийлигидир. Мулкдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт[206].

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт[207].

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[208].

Жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборот, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлари бўлган маълумотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ

---

[206] Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[207] Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[208] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[209].

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, нохолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт[210].

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш[211].

Қонунчилик талабига асосан, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш, уларни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт[212].

---

[209] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[210] Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[211] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[212] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[213].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга

[213] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[214].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий

[214] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[215].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ўзга шахсларнинг шахсга доир маълумотларга оид конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилган ва у 1 йил ичида қайта такрорланаётган бўлиши;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

---

[215] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда йиғилган вақтдан;

2) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда тизимлаштирилган вақтдан;

3) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда сақланган вақтдан;

4) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда ўзгартирилган вақтдан;

5) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда фойдаланилган вақтдан;

6) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда берилган вақтдан;

7) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда тарқатилган вақтдан;

8) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда узатилган вақтдан;

9) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда эгасизлантирилган вақтдан;

10) шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда йўқ қилинган вақтдан;

11) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмасликка оид ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – биринчи қисми ва иккинчи қисмининг “а, б, в, г” бандлари формал, иккинчи қисми “д” банди моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – шахсга доир маълумот.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан, шахсга доир маълумотлар шахсга доир маълумотлар базасида йиғилиши, сақланиши, ўзгартирилиши, тўлдирилиши, эгасизлантирилиши, йўқ қилиниши, блокировка қилиниши ёки бошқа усулларда ишлов берилиши мумкин. Мазкур маълумотлар ўз навбатида биографик, биометрик, генетик ва махсус маълумотлар шаклида бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчилик билан шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси (бундан буён матнда бўлинма деб юритилади) ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этиш тартиби[216], шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва ҳимоя қилиш тартиби, шахсга доир маълумотларга ишлов бериш принциплари, мақсадлари ҳамда шартларини, шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари[217], шахсга доир маълумотлар базаларини Шахсга доир маълумотлар базалари давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш, реестрдан чиқариш, реестрга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби[218], шахсга доир маълумотларга ишлов беришда ушбу маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидлардан келиб чиқиб, уларнинг ҳимоя қилинганлик даражаларини белгилаш ва бу бўйича ҳимоя қилинганлик даражасини таъминлаш бўйича талаблар ҳамда биометрик ва генетик маълумотларни моддий жисмларда сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби, биометрик ва генетик маълумотларни шахсга доир маълумотлар базаларидан ташқарида сақлаш технологияларига қўйиладиган талаблар[219], шахсга доир маълумотлар соҳасидаги муносабатлар[220] белгилаб қўйилган.

Қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Ушбу жиноят фош этилиши учун қуйидагилардаги рақамли излар олиниши ва таҳлил қилиниши мумкин:

---

[216] Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 14 ноябрдаги 19-мҳ-сон буйруғи (15.11.2023 й., рўй.: 3477) билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[217] Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 15 ноябрдаги 20-мҳ-сон буйруғи (15.11.2023 й., рўй.: 3478) билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[218] Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[219] Вазирлар Маҳкамасининг “Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[220] Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Server IP & Geo-location: маълумотлар базаси жойлашган серверниг географик координаталари, бунда агар IP-манзил хорижга тегишли бўлса, бу модданинг объектив томони исботидир;

Database Logs (Query History): ким, қачон ва қандай сўров (SQL query) орқали маълумотларни олганлиги ёки ўзгартирганлиги ҳақидаги тарихи;.

API Call Logs: маълумотларни учинчи шахсларга (масалан, реклама агентликларига) узатишда ишлатилган дастурий интерфейслар излари;

Encryption Metadata: маълумотларни эгасизлантириш (anonymization) талаби бузилганлигини кўрсатувчи шифрланмаган очиқ файллар;

User Access Control (ACL) Logs: маълумотларга кириш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг тизимга кириши излари.

Шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги хат-хабарлар, аудио ёки видеошаклдаги файллар ва уларнинг излари, гувоҳлар, жабрланувчи ва бошқа иштирокчиларнинг қурилмаларидаги маълумотлар излари, шунингдек, давлат ахборот тизимлари ва ресурсларидаги ахборотнинг сизиб чиқишига оид рақамли излар ҳам бу жиноятнинг фош этилишига ёрдам бериши мумкин. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликдан келиб чиқиб, уларнинг шахсга доир маълумотлари устидан шикоят қилинаётган ташкилот мансабдор шахсига юборилиши ҳам ушбу модда таркибини бериши мумкин. Шу сабабли жабрланувчининг аризаси асосида гумонланувчи, айбдор ёки бошқа субъектнинг қурилмалари кўздан кечирилиши ва текширилиши зарур.

Жиноят фош этилиши учун суд-компьютер техникавий экспертизаси ўтказилиб ва (ёки) Персоналлаштириш агентлигига юборилган сўровлар орқали шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестридан рўйхатдан ўтган-ўтмаганлигини техник текшириш, маълумотларнинг хорижий серверларга юборилаётганлиги, маълумотларни йўқ қилиш ёки ўзгартириш жараёнида хавфсизлик протоколларига риоя қилинган ёки қилинмаганлиги, суд-бухгалтерия ва молия экспертизасида шахсга доир маълумотлар базасини сотишдан келган ғаразли фойдани, масалан, “DarkNet”даги транзакциялар аниқланиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришнинг алоҳида шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, ушбу Низом асосида мулкдор ва (ёки) операторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилиши, тизимлаштирилиши ва сақланишига оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бажарилиши[221] бўйича ҳам зарур далилларни тўплаш имконияти

[221] Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришнинг алоҳида шартларига риоя

мавжуд. Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибержиноятнинг техник механизмини ва маълумотлар базасининг қаерда жойлашганлигини, серверларнинг IP-манзилларини, маълумотлар базаларини бошқариш тизимларини (МББТ) ва тармоқ трафигини, шахсга доир маълумотлар жисман Ўзбекистон ҳудудида жойлашган серверларда сақланаётганлигини ёки хорижий серверларга (булутли хотираларга) узатилаётганлигини, шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик фактини, маълумотларни ноқонуний эгасизлантириш ёки йўқ қилиш жараёнларининг рақамли изларини, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда маълумотлар базасига кирилгани ва ундан нусха олинганини (администратор логини, кириш вақти), ишлов берилаётган шахсга доир маълумотлар базаси жисмонан Ўзбекистон ҳудудидаги серверларда ёки хорижий серверларда (масалан, Amazon, Google Cloud, Azure) жойлашганлигини, маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва сақлашда иштирок этган серверлар, компьютерлар ва сақлаш қурилмаларининг техник параметрларини, маълумотларни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, тўлдириш ёки йўқ қилиш изларини, шунингдек, тизимга рухсатсиз кириш (Unauthorized access) лог-файлларини, маълумотларни эгасизлантириш (Anonymization) жараёни техник жиҳатдан тўғри бажарилганлигини ёки маълумотларни қайта тиклаш орқали шахсни идентификация қилиш имконияти қолганлигини;

2) электрон ҳужжатларнинг суд экспертизаси шахсга доир маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ва техник рўйхатдан ўтказилганлигини, Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестридаги ёзувларни, электрон сертификатларни ва маълумотлар ишлови бўйича электрон шартномаларни, базанинг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаганлигини ёки рўйхатдан ўтган талабларга зид равишда ишлатилаётганини, қонунчиликда белгиланган маъмурий тартиб-таомилларнинг бузилганлигини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси шахсга доир маълумотларнинг мазмуни ва улардан фойдаланиш мақсадини, маълумотлар базасидан олинган матнли ахборотларни, фойдаланувчилар билан бўлган ёзишмаларни, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда, масалан, маълумотларни реклама агентликларига сотиш ёки шахсни шантаж қилиш мақсадида йиғиш ва бошқа ҳаракат қилинганини, тўпланган маълумотларнинг айнан шахсга доир, яъни аниқ бир жисмоний шахсни идентификация қилишга имкон берувчи ахборот эканлигини, базадаги ахборотлар (исм-шариф, манзил, паспорт маълумотлари, биометрик кўрсаткичлар) қонунчилик бўйича шахсга

этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

доир маълумотлар тоифасига киришини, жиноий гуруҳ аъзоларининг ўзаро келишувларида маълумотларни сотиш ёки тарқатиш ҳақидаги ниятларини матн мазмунини;

4) суд-фонографик ва суд-портрет экспертизалари агар шахсга доир маълумотлар биометрик маълумотларни (овоз, юз тасвири) ўз ичига олса, ўғирланган ёки ноқонуний тарқатилган аудио ва видео файллардаги биометрик белгиларни, шахснинг биометрик маълумотлари (овози ёки юз тасвири) розилигисиз ишлангани ёки тарқатилганини, шахсга доир маълумотларнинг энг сезувчан тури (биометрия) билан боғлиқ қонунбузарликларни;

5) суд-иқтисодий экспертизаси маълумотлар савдосидан келган фойдани ва оғир оқибатларни аниқлашда қўлланилади, банк транзакцияларини, электрон ҳамёнларни ва компаниянинг молиявий ҳисоботларини ўрганади, маълумотларни сотишдан тушган ғаразли манфаатни ва маълумотлар сизиб чиқиши натижасида жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни, ўғирланган ёки ноқонуний берилган шахсга доир маълумотлар базасининг масалан, мижозлар рўйхати, телефон рақамлар базаси бозор қийматини ёки сотувдан тушган фойдани, маълумотларни сотишдан келиб тушган маблағларнинг электрон ҳамёнлар ва банк ҳисобларидаги ҳаракатини;

6) видеоматериаллар суд экспертизаси шахсга доир маълумотлар видео шаклида тўпланганда, сақланганда ёки тарқатилганда тайинланади, биометрик маълумотларни идентификация қилади, видеодаги шахснинг қиёфаси ва ҳаракатларини таҳлил қилиб, унинг шахсга доир биометрик маълумот эканлигини тасдиқлайди, видеоёзувнинг мета-маълумотларини (яратилган вақти, қурилма модели, GPS-координаталари) ўрганади, бу маълумотларнинг Ўзбекистон ҳудудида (локализация талаби) ёки хорижда яратилганлигини аниқлашда муҳим бўлиб, у монтаж ва сунъий интеллект (Deepfake) таҳлилини амалга оширади, яъни шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ёки ноқонуний тўлдириш мақсадида видеога сунъий интеллект ёрдамида ишлов берилганлигини;

7) суд-криптографик эксертизаси маълумотларни узатишда ишлатилган алгоритмларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини ва уларнинг бузиб кирилганлигини, маълумотлар базасига ўзгартириш киритишда ишлатилган электрон рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини ва улардан қонунга хилоф равишда фойдаланилганлигини;

8) суд-психологик экспертизаси шахсга доир маълумотлар масалан, тиббий сир ёки шахсий ҳаётига оид маълумотлар тарқалиб кетиши натижасида жабрланувчида юзага келган кучли руҳий изтироб ва унинг ижтимоий ҳаётига етказилган психологик зарба даражасини, жабрланувчининг руҳий ҳолатидаги салбий ўзгаришлар айнан маълумотларнинг ноқонуний ишлангани билан боғлиқлигини аниқлайди.

5.15-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

141^3-модда. Шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[222].

[222] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[223].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[224].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият,

---

[223] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[224] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[225].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи

[225] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[226].

Жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборот, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлари бўлган маълумотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[227].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва

---

[226] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[227] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

(ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[228].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ўзга шахсларнинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларга оид конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатилган бўлиши;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

---

[228] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатилган вақтдан;

2) Шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш билан қўрқитилган вақтдан;

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – тарқатиш қисми формал, қўрқитиш қисми кесик таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборот.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1. Ноқонуний йўл билан қўлга киритиш усуллари (Pre-publication stage):

Тарқатишдан олдин айбдор маълумотни техник воситалар ёрдамида қуйидаги усуллар орқали қўлга киритиши мумкин:

Phishing ва Social Engineering. Мисол учун, жабрланувчига сохта ҳавола (link) юбориш орқали унинг iCloud, Google Photos ёки Telegram “Saved Messages" (Сақланган хабарлар) аккаунтига кириш ҳуқуқини ўғирлаш;

Stalkerware ва Spyware. Мисол учун, жабрланувчининг смартфонига яширинча кузатув дастурларини ўрнатиш ва бу дастурлар орқали жабрланувчи қурилмасининг галереясидаги суратларни автоматик равишда кибержиноятчининг серверига юбориб туриш;

Remote Access Trojans (RAT). Мисол учун, компьютер ёки смартфон камерасини масофадан туриб, эгасига билдирмасдан ёқиш ва тасвирга олиш;

Unauthorized Cloud Access. Мисол учун, жабрланувчининг паролини “брутфорс” (тахмин қилиш) усули билан бузиш ёки “булутли” сақлагичлардаги хавфсизлик тирқишларидан фойдаланиш орқали.

2. Тарқатиш ва ошкор қилиш усуллари (Dissemination stage):

Бу босқичда кибержиноятнинг тарқатиш элементи амалга ошади:

Mass-broadcasting (Telegram ботлар). Мисол учун, махсус ботлар яратилиб, у ерда интим суратларни автоматик тарқатиш ёки пуллик обуна (VIP-channels) орқали намойиш этиш;

Metadata Stripping ёки Altering. Мисол учун, кибержиноятчи ўз изини яшириш учун файлнинг мета-маълумотларини ўчириб, уни аноним VPN ёки Proxy орқали тармоққа юклаш;

“Doxing” платформалари. Мисол учун, жабрланувчининг суратларини унинг шахсий телефон рақами, яшаш манзили ва ижтимоий тармоқдаги профилларига ҳавола берган ҳолда очиқ форумларга жойлаштириш;

Algorithm manipulation. Мисол учун, ижтимоий тармоқлардаги алгоритмлардан фойдаланиб, муайян хэштеглар орқали тасвирнинг кенг аудиторияга (масалан, жабрланувчининг яқинларига) етиб боришини таъминлаш орқали.

3. Сунъий интеллект ёрдамида сохталаштириш (Deepfake) усуллари:

Deep Neural Networks. Мисол учун, шахснинг очиқ манбалардаги (масалан, Instagram мессенжеридаги шахсий саҳифаси (профили)) оддий юз тасвирини олиб, сунъий интеллект ёрдамида бошқа порнографик видео ва фотога ёпиштириш;

Face-swapping. Мисол учун, жабрланувчи аслида яланғоч бўлмаса-да, унинг рақамли қиёфасидан фойдаланиб, унинг шаънини камситувчи сохта контент яратиш ва тарқатиш;

Voice Cloning. Мисол учун, тасвирга қўшимча равишда шахснинг овозини сунъий интеллект орқали нусхалаб, тасвирнинг ҳақиқийлигига шубҳа қолдирмайдиган виртуал далил яратиш орқали.

4. Психологик босим ва қўрқитиш усуллари (Sextortion)

Модданинг қўрқитиш элементи кибермаконда қуйидагича кўриниши мумкин:

Digital Ransomware Logic. Мисол учун, жабрланувчига экрандан скриншот ёки файлни юклаб олингани ҳақида логларни кўрсатиб, кибершонтаж қилиш;

Countdown Timers. Мисол учун, “агар тегишли вақт ичида айтганимни қилмасанг, скрипт автоматик равишда бу видеони барча контактларингга юборади” деб психологик босим ўтказиш.

Fake Profiles. Мисол учун, сохта аккаунтлар орқали жабрланувчининг яқинларига “Салом, сизда фалончининг мана бу видеоси керакми?” деб ёзиш орқали реал тарқатиш билан қўрқитиш орқали.

Мазкур жиноят кибертовламачилик жиноятидан фарқ қилади. Кибертовламачилик жиноятида қилмиш жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш йўли билан содир этилади. Жиноят кодексининг 141^2-моддасида назарда тутилган қилмиш учун эса,

айбдорнинг жабрланувчидан тегишли ахборотни бериш ёки тарқатмаслик учун мулкий талаб қўйиши аҳамиятга эга эмас. Гарчи шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини тарқатиш мулкий талаб билан сабабий боғланилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 165-моддасига асосан, кибертовламачилик сифатида малакаланиши шарт.

Қилмиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Кибержиноят сифатида бу қилмишнинг объектив томонини исботлаш учун терговчи қуйидагиларни аниқлаши шарт:

Source Identification: файлнинг биринчи юкланган IP-манзили;

Device Fingerprinting: Файл яратилган қурилманинг ноёб ID-рақамлари;

Audit Logs: Ижтимоий тармоқ маъмуриятидан олинган маълумотлар (қайси аккаунтдан юкланган, қайси электрон почтага боғланган);

Hash Value matching: Файлнинг рақамли имзоси (MD5/SHA) орқали унинг тарқалиш занжирини тиклаш.

Бунинг учун, тарқатилган ахборотнинг ҳақиқийликни текшириш керак (Authenticity Analysis). Ҳозирда сунъий интеллект ёрдамида инсоннинг юзини бошқа яланғоч танага қўйиш (Deepfake) кенг тарқалган. Шу сабабли суд-фототехника экспертизасида тасвирнинг ҳақиқий ёки монтаж эканини аниқлаш зарур. Агар тасвир сохта бўлса ва шахс буни била туриб тарқатса, қилмиш ЖКнинг 139-моддаси билан ҳам жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиниши керак. Шунингдек, Metadata (EXIF) таҳлили амалга оширилиб, фотосурат қайси қурилмада олинган, қайси локацияда ва қачон яратилганини аниқлаш орқали айбдорга аён бўлган ҳолатлар исботланиши, ўчириб юборилган видеоларнинг рақамли қолдиқлари ва уларнинг биринчи бўлиб қайси IP-манзилдан юкланганлигини аниқлаш (Content Persistence) зарур.

Одатда бу турдаги жиноятлар алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилиб, кўпинча тасвирлар жабрланувчининг розилиги билан (масалан, яқин муносабатлар даврида) олинган бўлади, лекин уларни тарқатишга розилик берилмаган бўлади. Ғаразгўйлик одатда тасвирларни пуллик каналларда сотиш ёки жабрланувчидан моддий манфаат кутиш билан бирга амалга оширилиши мумкин, шу сабабли ЖКнинг 165-моддаси билан малакалаш имкони бўлмаган ҳолда, ЖКнинг 141^3-моддаси билан квалификация қилиниши даркор.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) видеоматериалларнинг суд экспертизаси видео ёки фотосуратларда инсон танаси ва жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолда эканлигини, тасвирнинг асллигини ҳамда унга техник ишлов берилганлигини (монтаж), тасвирнинг ҳақиқийлигини ёки сунъий интеллект ёки Deepfake технологияси ёрдамида яратилган сохта тасвир эканлигини, яланғоч ҳолдаги фото- ва видеотасвир белгиси мавжудлигини;

2) суд-портрет экспертизаси тасвирдаги шахснинг айнан жабрланувчи эканлигини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди, тасвирдаги шахснинг анатомик белгиларини, тана тузилишини ва ўзига хос белгиларини (холлари, чандиқлари, татуировкалари), тасвирдаги шахснинг айнан жабрланувчи эканлигини (идентификация), айбланувчи бу тасвирдаги одам бошқа ёки интернетдан олинган номаълум шахс деган важларини;

3) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибержиноятнинг тарқатиш ва қўрқитиш қисмини исботлайди, смартфонлар, мессенжерлар (Telegram, Instagram ва хк.) ва булутли хотираларни, файллар қачон яратилган, кимга юборилган ва қайси қурилмада сақланганлигини, маълумотнинг Интернет тармоғида тарқатилганлиги ёки жабрланувчига юборилган қўрқитиш (шантаж) мазмунидаги хабарларни, тарқатиш занжирини ва айбланувчининг ушбу файлга эгалик қилганлигини, Интим суратлар ёки видеолар қайси IP-манзил, қайси аноним аккаунт ёки Telegram-канал орқали тарқатилганини ва ушбу профиль айнан гумонланувчига тегишли эканлигини, модда диспозициясидаги “оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида” деган белгини асослаш учун маълумот қанча одамга тарқалганлигини ва кўрилганини, айбдор айбловдан қочиш учун ўчириб юборган хабарлар, юборилган файллар тарихи ва ижтимоий тармоқдаги ҳаракатлар логларини (logs);

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси қўрқитиш ҳаракатини, у жабрланувчига юборилган хабарлар ва ёзишмаларни, хабарлар мазмунида тасвирларни тарқатиш билан қўрқитиш ва таҳдид элементлари мавжудлигини, бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш белгисини, ёзишмалардаги (чатлардаги) “агар айтганимни қилмасанг, расмларингни интернетга чиқариб юбораман” қабилидаги хабарларнинг лингвистик мазмунини, унда ҳақиқатдан ҳам қўрқитиш, таҳдид ва шантаж элементлари борлигини, айбдор таҳдид орқали жабрланувчидан пул, муайян ҳаракатларни ёки жинсий алоқа талаб қилганлигини;

5) суд-фонографик экспертизаси агар қўрқитиш ёки таҳдид овозли хабарлар орқали амалга оширилган бўлса, овозли хабарларни спектрографик таҳлил қилади ва овоз эгасини аниқлайди, таҳдид қилаётган овоз айнан айбланувчига тегишли эканлигини;

6) суд-фото-видеотехникавий экспертизаси тарқатилган фото ёки видео ҳақиқийми ёки сунъий интеллект ёрдамида (Deepfake технологияси орқали) жабрланувчининг юзи бошқа бировнинг яланғоч танасига ёпиштирилганлигини, файлнинг қачон, қаерда ва қайси қурилмада (телефон

ёки камера) яратилганини, унга ўзгартиришлар киритилган-киритилмаганини, тасвирнинг айнан жабрланувчига тегишли эканлигини ва қачон олинганини, гумонланувчининг қурилмасида ушбу интим фото ва видеоларнинг асл нусхалари бўлганлигини ва улар қачон тармоққа юкланганини;

7) суд-тиббиёт экспертизаси тасвирдаги тана қисмларининг индивидуал белгиларини (чандиқлар, холлар, татуировкалар, туғма белгилар) жабрланувчининг танаси билан солиштириб, расмдаги шахс айнан у эканлигини, агар жабрланувчининг ҳужжатлари бўлмаса ёки шубҳа туғилса, тасвирдаги ёки жабрланувчининг реал суяк ёшини ва жисмоний ривожланишини;

8) суд-психологик экспертизаси шахсий ҳаётининг сир тутиладиган томонлари интернетга чиқиб кетган ёки чиқиб кетиши билан қўрқитилган жабрланувчининг руҳий изтироблари даражасини ва ундаги кучли стресс ҳолатини, жабрланувчи таҳдидларни (қўрқитишни) қанчалик жиддий ва реал қабул қилганини, бу ҳолат унинг иродасига қандай таъсир этганини (бу оғирроқ жиноятларни, масалан, ўз жонига қасд қилиш даражасига етказишни квалификация қилишда ҳам муҳим) аниқлайди.

5.16-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

143-модда. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[229].

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[230].

---

[229] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[230] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[231].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини

[231] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[232].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

[232] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[233].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[234].

Қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлари бўлган маълумотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[235].

Телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари, шунингдек электрон ва бошқа хабарлар (маълумотлар) (бундан буён матнда хабарлар деб юритилади) сир сақланиши шарт. Телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва хабарлар тўғрисидаги ахборот, шунингдек хабарлар операторлар ва провайдерлар томонидан фақат абонентларнинг ўзларига, бундай хабарларни жўнатувчиларга ва уларни олувчиларга ёки уларнинг қонуний вакилларига берилиши мумкин. Телефонлар ва бошқа фойдаланувчи қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитишга, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган хабарлар билан танишишга, улар тўғрисида ахборот олишга, шунингдек уларнинг сир сақланишини бошқача усулда чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳамда суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Телекоммуникациялар тармоғидан ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда фойдаланиш ва телекоммуникациялар тармоғидан халқаро

---

[233] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[234] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[235] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

трафикни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш тақиқланади. Ушбу модда талабларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар ва бошқа шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади[236].

Фойдаланувчиларнинг манзилига оид маълумотлар, почта ва курьерлик жўнатмалари ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги ахборот, почта алоқаси операторлари ҳамда провайдерларининг фаолияти соҳасига кирадиган бошқа хабарлар, шунингдек ушбу почта ва курьерлик жўнатмаларининг ўзи почта алоқасининг сирини ташкил этади.

Ёзишмалар сири давлат томонидан кафолатланади.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта алоқаси сирига риоя этилишини кафолатлайди. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг барча ходимлари почта алоқаси сирини сақлаши шарт.

Почта алоқаси сирини таъминлаш мақсадида қуйидагилар тақиқланади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно:

бошқа шахсга почта ва курьерлик жўнатмалари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек фойдаланувчиларнинг манзили ва шахсига доир маълумотларни маълум қилиш;

почта ва курьерлик жўнатмаларини очиш;

фойдаланувчи ҳамда (ёки) унинг почта ва курьерлик жўнатмалари таркиби (жойланмаси) тўғрисидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш.

Почта алоқаси операторларининг, провайдерларининг почта алоқаси сири бузилишига йўл қўйган ходимлари белгиланган тартибда жавобгар бўлади[237].

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши шарт[238].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартиби ва бунга оид ўзга шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

---

[236] Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[237] Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида” 2022 йил 9 июндаги ЎРҚ–777-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[238] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) шундай қилмиши учун айбдор маъмурий жазога тортилганидан кейин такроран ушбу қилмишни содир этаётган бўлиши;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – сир сақланиши зарур бўлган хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг учинчи шахсга ошкор этилган ёки унга маълум бўлган вақтдан;

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарлар.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) мессенжер ва ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларни қўлга киритиш. Мисол учун, телекоммуникация воситаларини нишонга олиб, унинг сессиясини ўғирлаш (Session Hijacking) ёки шахснинг Telegram, WhatsApp, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқлардаги профилига бошқа

қурилма орқали (масалан, QR-кодни сканерлаш ёки SMS-кодни алдов йўли билан олиш орқали) кириб олиш ва ёзишмаларни ўқиш ёки жабрланувчининг компьютерида очиқ қолган мессенжернинг Web-версиялари саҳифаларидан яширинча фойдаланиш ёхуд Telegram, WhatsApp ёки бошқа ижтимоий тармоқлардаги хабарларнинг Google Drive ёки iCloud'даги захира нусхаларини кўчириб олиб, шифрни ечиш ва шу орқали булутли захираларни (Backup) бузиш;

2) техник қурилмалар орқали сўзлашувларни эшитиш. Мисол учун, смартфонга яширинча ўрнатилган шпион дастурлар (Spyware) (масалан, клавиатурадаги ҳар бир босилишни қайд этувчи Keylogger ёки микрофонни масофадан ёқувчи дастурлар) ёрдамида суҳбатларни ёзиб олиш ёки Интернет орқали амалга ошириладиган IP-телефония ва VoIP қўнғироқлар (Viber, Skype в.ҳ.) трафигини махсус дастурий таъминот ёрдамида тўхтатиб қолиш ва эшитиш ёхуд шахснинг телефон рақамини сохта ҳужжатлар билан қайта тиклаб, унинг барча қўнғироқ ва хабарларини ўз қурилмасига йўналтириш (SIM-картани дубликат қилиш (SIM Swapping);

3) тармоқ трафигини таҳлил қилиш ва тутиб қолиш ўртадаги фойдаланувчи ҳужуми (man-in-the-middle). Мисол учун, очиқ Wi-Fi тармоқларида фойдаланувчи ва сервер ўртасидаги маълумот алмашинувига яширинча қўшилиб, юборилаётган электрон хатлар ва хабарларни ўқиш ёки маҳаллий тармоқ (LAN) орқали ўтаётган маълумотлар пакетларини таҳлил қилиб, шифрланмаган хат-ёзишмаларни (масалан, эскирган HTTP протоколидаги) ажратиб олиш (Packet Sniffing);

4) электрон почта ва телеграф алоқаси сирини бузиш. Мисол учун, электрон почта хизматларидаги (Gmail, Mail.ru) паролларни фишинг ёки брутфорс (парол танлаш) орқали бузиб, келган ва юборилган хатлар билан танишиш (E-mail хакинг) ёки корпоратив, давлат ташкилотларининг почта серверларига кириб, ходимларнинг хизмат ёзишмаларини назорат қилиш;

5) session hijacking (сессияни ўғирлаш). Мисол учун, жабрланувчининг Telegram ёки бошқа мессенжеридаги фаол сессиясини (QR-код ёки SMS-код орқали) ўз қурилмасига кўчириб олиш ва ёзишмаларни масофадан кузатиш;

6) packet sniffing (трафикни тутиб қолиш). Мисол учун, очиқ Wi-Fi тармоқларида махсус дастурлар (масалан, Wireshark) ёрдамида шифрланмаган маълумотлар пакетларини тутиб олиш ва хабарларни ўқиш;

7) keylogging. Мисол учун, жабрланувчининг қурилмасига клавиатурада босилган ҳар бир тугмани қайд этувчи вирус ўрнатиш ва паролларни қўлга киритиш орқали почтасига кириш;

8) unauthorized cloud sync. Мисол учун, жабрланувчининг Google ёки iCloud аккаунтига рухсатсиз кириб, у ердаги хабарларнинг захира нусхаларини (backups) юклаб олиш;

9) VoIP Interception. Мисол учун, Интернет тармоғи орқали амалга ошириладиган овозли қўнғироқларни махсус техник воситалар ёрдамида тинглаш йўли билан содир этилиши мумкин.

Бунда, тизим логлари, кириш IP-манзиллари, ўрнатилган зарарли кодлар рақамли далил сифатида ишга қўшиб қўйилиши шарт. Бу жиноятни фош этишда киберкриминалистика қуйидаги рақамли изларни қидириши мумкин:

Login History (Кириш тарихи): мессенжер ёки почта хизматининг фаол сессиялар бўлимидаги бегона IP-манзил ва қурилма модели;

MAC Address Identification: тармоққа рухсатсиз уланган қурилманинг ноёб аппарат манзили;

App Permissions Audit: смартфонда микрофонни эшитиш ёки хабарларни ўқиш ҳуқуқига эга бўлган шубҳали яширин иловалар;

Traffic Logs: интернет-провайдер ёки сервер логлари орқали маълумотларнинг ноқонуний узатилган йўналиши.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ноқонуний киришнинг техник механизмини, жабрланувчининг қурилмасига ўрнатилган зарарли жосуслик (шпион) дастурларини (spyware, keylogger), тармоқ трафигини ушлаб қолиш ҳолатларини (packet sniffing) ва аккаунтларга қайси IP-манзиллардан ноқонуний кирилганлигини (логин-пароллар тарихи), ахборот-коммуникация тизимига жабрланувчининг розилигисиз қасддан кирилганлигини ва унинг хабарлари (хатлари) ўқилганлиги ёки кўчириб олинганлиги фактини, сир сақланиши тартиби айнан қандай ахборот-коммуникация технологиялари ёки дастур ёрдамида бузилганлигини ва киберҳужум манбаси кимга (айбланувчининг қурилмасига) тегишли эканлигини, айбдор жабрланувчининг электрон почтасига, булутли хотирасига (Cloud storage) ёки мессенжер аккаунтига қандай кирганлигини (паролни бузиш, фишинг ёки сессияни ўғирлаш орқали), жабрланувчининг қурилмасига хабарларни яширинча кузатувчи ва бошқа шахсга жўнатувчи шпион дастурлар ўрнатилганлигини, Wi-Fi тармоғи ёки бошқа телекоммуникация каналларида маълумотлар пакетини ноқонуний тутиб қолиш (Man-in-the-Middle ҳужуми) изларини;

2) суд-фонографик экспертизаси агар жиноят телефон сўзлашувларини ёки овозли хабарларни яширинча эшитиш ва ёзиб олиш орқали амалга оширилган бўлса, ноқонуний йўл билан қўлга киритилган аудиофайлларни (қўнғироқлар ёзувларини), ёзиб олинган овозларнинг жабрланувчиларга тегишли эканлигини ҳамда аудиофайлнинг асллигини (унга монтаж

қилинмаганлигини), телефонда сўзлашув сирини бузиш ҳолатининг ашёвий далилларини, тутиб қолинган ёки ёзиб олинган аудиофайлларда монтаж излари бор-йўқлигини, сўзлар сунъий равишда ўзгартирилмаганлигини, сўзлашувлар қайси қурилма орқали ёзиб олинганини (масалан, диктофон ёки махсус телефон линиясига уланиш мосламаси) ва ёзиб олиш шароитларини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси қўлга киритилган матнли маълумотларнинг мақомини баҳолашда ёрдамчи восита сифатида ишлайди, ўқиб олинган ёки кўчирилган ёзишмалар, электрон хатлар ва телеграф хабарларининг мазмунини, ушбу хабарлар оммавий тусга эга эмаслигини ва айнан икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасидаги “шахсий ёзишма” (сир) эканлигини, жабрланувчининг конституциявий ҳуқуқи (ёзишмалар сири) бузилганлигини;

4) суд-криптографик экспертизаси айбдор хабарларни ўқиш учун қандай криптографик калитларни ўғирлаганлигини ёки ҳимоя алгоритмларини қандай четлаб ўтганини, жабрланувчига тегишли бўлган ёпиқ калитларнинг (Private keys) ноқонуний равишда қўлга киритилганлик изларини;

5) суд-филологик экспертизаси ўғирланган ёки эшитиб олинган хабарлар жабрланувчининг шахсий ёзишмалари, оилавий ёки тижорат сирларини ташкил этишини, телефон суҳбатларидаги ибораларни таҳлил қилиб, уларнинг шахсий мулоқотга тегишли эканлигини аниқлайди.

5.17-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб виждон эркинлигини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

145-модда. Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш –
базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари,

эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[239].

Қонунчилик талабига асосан, фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди. Вояга етмаганларни уларнинг хоҳиш-иродасига, ота-онасининг ёки қонуний вакилларининг хоҳиш-иродасига зид тарзда диний ташкилотларга жалб этишга йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда амалга оширади[240].

Жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[241].

Жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборот, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлари бўлган маълумотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди[242].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт.

---

[239] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[240] Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ–699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[241] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[242] Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга даъват этиш, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[243].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[244].

---

[243] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[244] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[245].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга

[245] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[246].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ўзга шахснинг виждон эркинлиги ва бунга оид конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари, соғлиғи ва диний қарашлари ва ривожланиши.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш ёки вояга етмаган

[246] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш ёхуд фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилиши орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – диний, миллатлараро адоват, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат ҳамда хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмиш фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш усуллари билан содир этилиши шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабабий боғлиқ бўлиши;
6) алоқа;
7) ахборот;
8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ҳар қандай усулда диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилишга қаратилган ҳаракат бажарилган вақтдан бошлаб, масалан, тармоққа ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот жойлаштирилган вақтдан бошлаб;

2) вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этилган вақтдан бошлаб, масалан, диний ташкилотларнинг бирон бир вазифа ва функциясини вояга етмаган шахс бажарган вақтдан бошлаб;

3) вояга етмаган болаларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш бошланган вақтдан бошлаб;

4) фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиниб, шахс баданига енгил шикаст етказилишига сабаб бўлган вақтдан бошлаб;

5) диндорлардан мажбурий йиғим ундирилиши ёки солиқ олиниши шахс баданига енгил шикаст етказилишига сабаб бўлган вақтдан бошлаб;

6) шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўлланилиши натижасида шахс баданига енгил шикаст етказилишига сабаб бўлган вақтдан бошлаб;

7) диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш шахс баданига енгил шикаст етказилишига сабаб бўлган вақтдан бошлаб;

8) диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил шикаст етказилишига сабаб бўлган вақтдан бошлаб;

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал, диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, бу ҳолат моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – диний мазмундаги материаллар, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотлар ёки бошқа восита ва ахборот.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) рақамли маконда диний камситиш ва тўсиқлар яратиш. Мисол учун, диний мазмундаги ресурслари бўлган веб-сайт ва платформаларга киришни ноқонуний чеклаш ёки маълум бир диний конфессияга тегишли бўлган, қонуний фаолият юритаётган веб-сайт ёки ижтимоий тармоқ саҳифаларини техник усуллар (масалан, DDoS-ҳужумлар ёки ноқонуний

блоклаш) орқали ишламайдиган қилиб қўйиш ёхуд ижтимоий тармоқларда маълум бир динга эътиқод қилувчи шахсларнинг контентларини сунъий интеллект ёки фильтрлар ёрдамида асоссиз равишда пастга тушириш ёки яшириш;

2) диний ҳиссиётларни таҳқирлаш ва ҳақорат қилиш (кибертаҳқирлаш). Мисол учун, Интернет тармоғида шахснинг диний эътиқоди, диний кийими ёки ибодати устидан очиқчасига кулиш, ҳақоратли мемлар ва видеолар тарқатиш ёки диний китоблар, рамзлар ёки муқаддас қадамжоларнинг тасвирларини график муҳаррирлар (Photoshop ва ҳ.к.) ёрдамида ҳақоратли кўринишга келтириш ва интернет тармоғида тарқатиш;

3) диний эътиқодини ўзгартиришга мажбурлаш (киберпрозелитизм). Мисол учун, шахснинг шахсий ёзишмаларига (Telegram, E-mail) унинг хоҳишига қарши равишда бошқа диний қарашларни қабул қилишга ундовчи мажбурий ва тизимли хабарлар юбориш (Агрессив спам-тарғибот) ёки ижтимоий тармоқлардаги ёпиқ гуруҳларда шахсни ўз диний қарашларидан воз кечишга мажбурлаш учун қўрқитиш ёки унинг шахсий маълумотларини очиқлаш (диксинг) билан таҳдид қилиш, психологик босим ўтказиш;

4) диний маросимларни виртуал тўсиш. Мисол учун, пандемия ёки бошқа сабаблар туфайли онлайн ўтказилаётган диний маросимлар ёки маърузалар (Zoom, YouTube Live) вақтида тармоққа бузиб кириш ва суҳбатни ахлоқсиз контент билан тўхтатиб қўйиш ёки диний ташкилотларнинг электрон хизматларидан фойдаланишда муайян эътиқод вакиллари учун сунъий техник хатоликлар яратиш, рўйхатдан ўтишдаги тўсиқларни вужудга келтириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Агарда тўсқинлик қилиш мансабдор шахс томонидан ўз мансабидан фойдаланган ҳолда, суистеъмол қилиш йўли билан содир этилса, Жиноят кодексининг 205- ёки 206-моддаси билан бирга Жиноят кодекси 145-моддаси жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиниши шарт.

Мазкур жиноятни фош этиш учун қуйидаги рақамли изларни олиш зарур бўлади, хусусан:

Social Media Recruitment Logs: ижтимоий тармоқлар (Telegram ва хк.)даги ёпиқ гуруҳлар орқали болаларни ота-онасидан яширинча диний ташкилотларга жалб қилиш излари;

Online Religious Education Records: Лицензиясиз онлайн платформалар ёки видео-чатлар орқали болаларга мажбурий диний таълим беришнинг рақамли излари (Zoom, Google Meet ва хк. тарихи);

Cyber-bullying & Religious Coercion: динга эътиқод қилмаслигини ёки бошқача фикрлашини билдирган шахсларга нисбатан гуруҳ бўлиб кибертазйиқ ўтказишга оид маълумотлар;

Financial Transactions: мажбурий йиғим ва солиқларни электрон ҳамёнлар ёки картадан картага ўтказиш орқали йиғиш далиллари.

Жиноят фош этилиши учун суд-диншунослик экспертизаси ўтказилиб, унда ўқитилаётган материалларнинг мазмуни, уларнинг диний ташкилот низомига ёки қонунчиликка мослиги аниқланади, суд-психологик экспертизасида болаларнинг диний ташкилотга жалб этилишида психологик босим ёки мажбурлаш ишлатилганини, уларнинг иродасига таъсир қилинганлиги текширилади, суд-тиббий экспертизасида диний маросим вақтида (масалан, оғир ритуаллар) етказилган жисмоний жароҳатларнинг оғирлик даражаси ва унинг келиб чиқиши аниқланади, суд-лингвистик экспертизасида диний мажбурлашда ишлатилган чақириқлар ёки таҳдидли хабарлар таҳлил қилинади.

Мазкур жиноят жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятларнинг бошланиши ҳам бўлиши мумкин, шу сабабли назорат қилиб бўлмайдиган онлайн дарслар орқали болаларнинг радикаллашувини, болаларнинг қизиқишларидан (ўйинлар, ижтимоий тармоқлар) фойдаланиб, уларни диний ташкилотларга жалб қилинганлиги, диний эътиқоди учун шахсларни рақамли маконда камситиш ёки маросимларини интернет тармоғи орқали масхара қилиш ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ва жабрланувчиларнинг психологик ҳолатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-диншунослик экспертизаси интернет тармоғида (веб-сайтлар, Telegram-каналлар, YouTube ва хк.) тарқатилаётган видео, аудио ва матнли материалларнинг диний мазмунини таҳлил қилади, тарқатилаётган материаллар ёки олиб борилаётган тарғибот қонуний диний фаолиятми ёки шахсни мажбурлашга, қонунга хилоф равишда динга ўқитишга қаратилганми деган масалани аниқлайди, айбланувчининг ҳаракатлари виждон эркинлиги доирасидан чиқиб, ноқонуний диний фаолиятга айланганлигини илмий-теологик жиҳатдан асослайди;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибержиноятнинг ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этилганлигини ва рақамли изларни фош этади, ижтимоий тармоқлардаги ёпиқ гуруҳларни, электрон ёзишмаларни, шунингдек, диний ташкилотларнинг серверларига қилинган киберҳужумларни (DDoS ёки сайтни бузиш), мажбурий йиғимлар учун ишлатилган электрон ҳамёнлар (Крипто-ҳамёнлар, банк карталари ва хк.) транзакцияларини, диний ташкилотнинг онлайн фаолиятига тўсқинлик қилинганлиги, вояга етмаганлар билан онлайн алоқа ўрнатилгани ва уларга материаллар юборилгани, рақамли тарғибот манбасини (IP-манзил, қурилма) ва молиявий оқимларни, диний ташкилотларнинг веб-сайтларига ёки онлайн маросимлар ўтказиладиган платформаларига қилинган DDoS ҳужумларни, сайтларни бузиб кириш (defacement) ёки трансляцияларни техник узиб қўйиш

ҳолатларини, вояга етмаганларни диний ташкилотларга жалб қилишда ишлатилган Telegram ботлар, ёпиқ гуруҳлар ва ижтимоий тармоқлардаги алгоритмларни, гумонланувчининг қурилмаларидан вояга етмаганлар билан олиб борилган диний ўқитишга оид ёзишмаларни, юборилган диний материалларни ва йўриқномаларни аниқлайди;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тазйиқ, мажбурлаш ва манипуляция ҳолатларини, фойдаланувчиларга (айниқса вояга етмаганларга) юборилган хабарлар, подкастлар ва онлайн-дарсларнинг матнини, матнларда шахсни динга элишига ёки эътиқод қилмасликка мажбурлаш, шунингдек, мажбурий йиғим тўлашга ундовчи қўрқитиш ёки камситиш элементлари бор-йўқлигини, шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар онлайн муҳитда қандай сўз ва иборалар орқали амалга оширилганлигини, тармоқ орқали тарқатилган матнлар ҳақиқатдан ҳам динга ўқитиш ҳисобланишини ва уларнинг мазмуни қонуний таълим доирасидан ташқарига чиққанлигини, жабрланувчиларни диний маросимларда қатнашишга ёки пул тўлашга мажбурловчи хабарларнинг лингвистик шаклини (буйруқ, таҳдид, қўрқитиш), вояга етмаганларнинг онгини манипуляция қилишга қаратилган диний-мафкуравий ибораларни;

4) суд-психологик экспертизаси вояга етмаган шахснинг психологик ҳолатини ва унга кўрсатилган ахборотнинг (онлайн материалларнинг) психологик таъсирини ўрганади, боланинг диний ташкилотга ёки ўқувга ўз ихтиёри билан эмас, балки психологик манипуляция (зомби қилиш) ёки ота-онасининг ихтиёрига зид равишда онгига таъсир ўтказиш орқали жалб қилинганлигини, вояга етмаган боланинг диний ташкилотга жалб қилиниши унинг шахсий хоҳиши билан бўлганми ёки психологик босим ва манипуляция (Indoctrination) натижаси эканлигини, диний таълим олишга мажбурлаш шахснинг руҳиятига қандай таъсир қилганини ва унинг иродаси қай даражада синдирилганини, диний фаолиятга мажбурлаш ёки шаънини камситувчи чоралар қўллаш натижасида жабрланувчида юзага келган психологик ўзгаришларни;

5) суд-тиббий экспертизаси қилмиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, бу оқибатлар келиб чиққанда жабрланувчининг соғлиғини, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда бошланган мажбурлаш ва тазйиқлар реал ҳаётда шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлганлигини ва жароҳатнинг оғирлик даражасини;

6) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси комплекс экспертиза бўлиб, унда сиёсатшунос ва лингвист мутахассислар биргаликда ишлаб, унда Интернетдаги постлар ёки электрон хабарлар шунчаки шахсий фикрми ёки давлатнинг диний сиёсатига қарши қаратилган, диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилувчи тизимли ҳаракат эканлигини, электрон хабарлардаги яширин кодлар ёки сиёсий манипуляция усулларини, масалан, диний маросимларни ўтказишни тақиқлашга бўлган чақириқларнинг сиёсий аҳамиятини, ушбу экспертиза қилмишнинг қасддан қилинганлигини ва

улар жамиятда диний низо келтириб чиқариш ёки фуқароларнинг эътиқодини мажбуран ўзгартиришга қаратилганини;

7) суд-психофизиологик экспертиза (психофизиологик экспертизаси) қилмиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилиши ёки кучли руҳий босим ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатда қўлланилади, агар ахборот-коммуникация технологиялари орқали қилинган таҳдидлар ёки мажбурлашлар натижасида шахсда психосоматик касалликлар келиб чиққан бўлса ёки у ўзига шикаст етказган бўлса (суиқасд даражасигача), ушбу экспертиза таъсир ва оқибат ўртасидаги боғланишни ўрганади, баъзи ҳолларда айбланувчининг хабар юборганини ёки зўрлик ишлатганини яшираётганини аниқлаш учун психофизиологик методлардан (полиграфдан) фойдаланилиши мумкин, диний мажбурлаш натижасида шахснинг иродаси қай даражада синдирилганлигини ва унинг жисмоний реакцияларини (стресс, қўрқув, уйқусизлик ва ш.к.);

8) суд-иқтисодий экспертизаси диндорлардан мажбурий равишда ундирилган “хайрия” ёки “солиқларнинг” крипто-ҳамёнлар, электрон тўлов тизимлари (Click, Payme ва ҳ.к.) орқали ҳаракатини, мажбурий йиғимлар натижасида фуқароларга етказилган моддий зарарнинг умумий миқдорини;

9) суд-фонографик экспертизаси ижтимоий тармоқлардаги аудио-ваъзларда ёки ёпиқ чатларда вояга етмаганларни диний ташкилотга жалб қилаётган шахснинг овози айнан гумонланувчига тегишли эканлигини, овозли ёзувда сўзларни кесиб олиш, бошқа мазмун бериш учун қайта тиклаш ёки сунъий овоз (AI Voice cloning) технологияларидан фойдаланилганлигини, сўзлаётган шахснинг овоз тембри ва интонацияси орқали унинг руҳий ҳолатини, яъни жабрланувчига ҳақиқатдан ҳам таҳдид қилаётганлигини ёки гипнотик таъсир (манипуляция) ўтказаётганлигини;

10) видеоматериалларнинг суд экспертизаси диний маросимлар ёки ноқонуний диний таълим жараёни акс этган видеолардаги шахсларнинг (айбдор ва жабрланувчиларнинг) юз тузилиши, антропометрик белгилари асосида уларнинг кимлигини, видеода акс этган ҳаракатлар масалан, диний мажбурлаш ёки маросимда қатнашиш ҳолати реал воқеликми ёки махсус дастурлар ёрдамида яратилган фейк видео эканлигини, видеодаги тасвирлар, фондаги белгилар ва ёруғлик асосида воқеа қачон ва қаерда масалан, ноқонуний диний ҳужрада ёки хорижда содир бўлганини аниқлайди.

5.18-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳларнинг ёки сайлов комиссияларининг ёхуд референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов (овоз бериш) бюллетенларига ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни била туриб нотўғри санаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа

шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[247].

Сайлов ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси билан белгиланади. Ушбу кодексга асосан, сайлов тўғрисидаги қонунчиликни

бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади[248].

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[249].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга даъват этиш, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[250].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий

[247] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[248] Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[249] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[250] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[251].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва

[251] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[252].

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд

[252] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади[253].

Шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини бузиш, нотўғри ахборотни, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни, шунингдек ёлғон (шу жумладан, чалғитадиган ёки адаштириб юборадиган даражадаги), бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зиён етказувчи ҳар қандай сайловолди ташвиқоти материалларини, шу жумладан сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланади[254].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳларнинг ёки сайлов комиссияларининг ёхуд референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов (овоз бериш) бюллетенларига ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни била туриб нотўғри санаш йўли билан содир этилади.

---

[253] Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[254] Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1345-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат ҳамда хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) алоқа;
6) ахборот;
7) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
8) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) депутатни сайлашда зўрлик ишлатишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

2) депутатни сайлашда қўрқитишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

3) депутатни сайлашда алдашга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

4) депутатни сайлашда оғдириб олишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

5) депутат сифатида сайланишда жабрланувчига зўрлик ишлатишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

6) депутат сифатида сайланишда жабрланувчига қўрқитишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

7) депутат сифатида сайланишда жабрланувчига алдашга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

8) депутат сифатида сайланишда жабрланувчига оғдириб олишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

9) депутат сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишда зўрлик ишлатишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

10) депутат сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишда қўрқитишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

11) депутат сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишда алдашга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

12) депутат сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишда оғдириб олишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

13) депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини амалга оширишда зўрлик ишлатишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

14) депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини амалга оширишда қўрқитишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

15) депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини амалга оширишда алдашга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

16) депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини амалга оширишда оғдириб олишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

17) фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

18) фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига қўрқитишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

19) фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига алдашга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

20) фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига оғдириб олишга қаратилган тўсқинлик қилиш бошланган вақтдан;

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – сайлов ёки референдум ҳужжатлари, сайлов (овоз бериш) бюллетенлари, имзо варақалари ёки бошқа восита ва ахборот.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) алдаш ва манипуляция қилиш (фишинг ва фейк хабарлар). Мисол учун, сайлов комиссияси ёки номзодларнинг расмий саҳифаларига ўхшаш сохта фейк сайтлар яратиш орқали нотўғри маълумот бериш ёки ижтимоий тармоқлар орқали сайловчиларни адаштириш мақсадида сайлов қолдирилди ёки сайлов участкаси манзили ўзгарди каби ёлғон хабарларни тарқатиш ёхуд номзод айтмаган гапларни ёки қилмаган ваъдаларини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тарқатиб, унинг обрўсига путур етказиш;

2) оғдириб олиш ва тарғиботга тўсқинлик қилиш (ботлар ва троллар). Мисол учун, номзоднинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини сохта шарҳлар (комментлар) билан тўлдириб ташлаш орқали ҳақиқий сайловчилар билан мулоқотни тўсиш ёки номзоднинг расмий видеолари ёки

постлари устидан асоссиз равишда шикоят (жалоба) бериш орқали уларни платформалардан вақтинчалик ўчиртириш ёхуд дийпфейк (Deepfake) технологияси асосида номзоднинг юзи ва овозини сунъий интеллект ёрдамида ўзгартириб, уни ноқулай вазиятда кўрсатувчи сохта видеолар яратиш;

3) қўрқитиш ва руҳий босим (кибербуллинг). Мисол учун, ишончли вакиллар ёки фаол сайловчиларнинг шахсий маълумотларини (доксинг) рухсатсиз тарқатиш ва уларни қўрқитиш ёки шахснинг компьютер ёки телефонини бузиб кириш (ҳакерлик) орқали олинган шахсий маълумотлар билан шантаж қилиш ёхуд мессенжерлар (Telegram, WhatsApp ва хк.) орқали фуқароларга сайловда иштирок этмаслик ёки маълум бир номзодга овоз бермаслик ҳақида таҳдидли хабарлар юбориш;

4) техник тўсқинлик қилиш (Киберҳужумлар). Мисол учун, сайлов ҳақида маълумот берувчи давлат порталлари ёки номзодларнинг сайтларини ҳаддан ташқари кўп сўровлар билан юклаб, DDoS ҳужумлари орқали ишламайдиган ҳолатга келтириш ёки номзод ёки унинг ишончли вакилларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларини бузиб кириб, улар номидан нотўғри тарғибот олиб бориш ёхуд муайян ҳудудларда интернет ёки мобил алоқа воситалари ишига сунъий халақит бериш орқали фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини чеклаш йўли билан содир этилиши мумкин.

Рақамли сайлов тизимида жиноят излари қуйидаги техник нуқталарда қолиши мумкин:

Database Manipulation Logs: Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ), сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЕР), сайлов жараёнларини видеокузатув, интерактив хизматларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти (масалан, “Ўзингизни сайловчилар рўйхатидан топинг”, “Сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш” ва бошқалар) ва “Saylov2021» махсус веб-портали, электрон почта, махсус телеграм бот, фейсбук, инстаграм, ютуб ва твиттердаги тезкор хабарлар, сайлов комиссиялари аъзолари тезкор фойдаланиши учун махсус мобил иловаларга рухсатсиз кириб, номзодларни алмаштириб қўйиш ёки ҳақиқатда бўлмаган номзод ҳақидаги ахборотни жойлаштириш ёки мавжуд сайловчилар маълумотларини ўзгартириш излари;

Audit Trail Discrepancies: ишлатилган бўлса, электрон овоз бериш қурилмалари ёки натижаларни киритиш тизимидаги вақт ва IP-манзил ва унинг ўзаро мос келмаслигига оид маълумотлар;

Unauthorized Access (Privilege Escalation): Тизим администратори ҳуқуқини суиистеъмол қилиб, натижаларни марказий серверга юборишдан олдин ўзгартиришга оид маълумотлар;

Digital Forgery: электрон имзоларни ёки рақамли бюллетенларни алгоритмик йўл билан сохталаштиришга оид маълумотлар.

Сайлов кабинасидаги видеокузатув ёки рақамли қурилмалар орқали ким кимга овоз берганини масофадан кузатиш имкони бўлганлиги сабабли гувоҳларни ўзаро сўроқ қилиш, электрон имзо варақаларига сунъий интеллект ёрдамида сохта имзолар генерация қилинганини ва натижаларни ҳисобловчи

дастурий таъминот кодига (Backdoor) кичик ўзгартириш киритиб, маълум бир номзод фойдасига маълум бир фоизда овоз қўшиб ёзиш ҳолатларини экспертиза йўли билан текшириш ҳам жиноят фош этилишига ёрдам бериши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси электрон овоз бериш тизимига (E-voting) ташқи ёки ички (мансабдор шахс томонидан) кирилиб, овозларни ўзгартирилганлиги, тизим логларининг ўчирилганлиги ёки маълумотлар базасига сохта ёзувлар киритилганлигини, тизимда сайловчининг шахси ва унинг берган овози ўртасидаги боғланишни яширувчи алгоритмлар атайлаб бузилганлигини ёки маълумотлар сизиб чиққанлигини, ахборот-коммуникация тизимига ташқи ва ички ноқонуний таъсирларни,

сайлов комиссияларининг ахборот-коммуникация тизимлари, серверлари ва овозларни санаш алгоритмларини, маълумотлар базасига (DB) киритилган ўзгартиришлар ва уларнинг вақтини (timestamp), берилган овозларни била туриб нотўғри санаш мақсадида дастурий кодга киритилган ўзгартиришларни ёки сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш (масалан, электрон баённомаларни ўзгартириш) фактини, овоз бериш натижаларига киберҳужум ёки мансабдор шахс томонидан администраторлик ҳуқуқи орқали аралашилганлигини;

2) суд-электрон ҳужжатлар экспертизаси электрон рақамли имзо варақалари ва рақамли бюллетенлар билан боғлиқ қалбакилаштиришларни аниқлайди, электрон рақамли имзоларнинг (ЭРИ) ҳақиқийлигини, уларнинг эгаларига тегишлилигини ва имзо қўйиш вақтини текширади, имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш ёки бошқа шахсларнинг ЭРИ калитларидан фойдаланган ҳолда сохта овозлар берилганлигини аниқлайди, электрон ҳужжат айланишидаги қалбакиликни юридик жиҳатдан тасдиқлайди;

3) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси сайлов вақтидаги тарғибот ва овоз бериш яширинлигига таъсир этувчи рақамли билдирувларни баҳолайди, ижтимоий тармоқлардаги постлар, электрон хабарлар ва сиёсий партияларнинг рақамли тарғибот материалларини ўрганади, сайловчиларга нисбатан овоз беришнинг яширинлигини бузишга қаратилган психологик босим ёки сайлов натижаларини бузиб кўрсатишга қаратилган тизимли манипуляцияларни, қилмишнинг сиёсий мақсадини ва унинг сайлов қонунчилигига зид эканлигини, рақамли платформаларда тарқатилган расмий хабарлар ёки комиссия аъзоларининг кўрсатмаларида сайлов натижаларини сохталаштиришга қаратилган яширин сиёсий манипуляциялар ёки қонунчиликка зид чақириқлар мавжудлигини;

4) суд-криптографик экспертизаси агар сайловда блокчейн ёки шифрланган овоз бериш тизимларидан фойдаланилса, зарур бўлади, у

шифрлаш алгоритмларининг бузилганлигини (decryption) ёки махфийлик калитларининг ноқонуний қўлга киритилганини текширади, овоз беришнинг яширинлигини бузиш учун шифрлаш тизимига қилинган ҳужумни тасдиқлайди;

5) суд-хатшунослик экспертизаси имзо ва қўлёзма матнларнинг физик (механик) хусусиятларини ўрганади, имзо варақларидаги ёки сайлов бюллетенларидаги имзо ва ёзувларнинг муаллифини, замонавий шароитда график планшетлар ёки электрон ручкалар орқали қўйилган рақамли қўлёзма имзоларни, сканер қилинган имзоларнинг ҳақиқий ёки нусха кўчирилган (монтаж) эканлигини, сайлов ҳужжатларига сохта ёзувлар киритиш ёки битта шахс томонидан бир нечта шахс номидан имзо қўйилганлиги (оммавий қалбакилаштириш) фактини, рақамли планшетларда қолдирилган электрон имзоларнинг ёки чоп этилган имзо варақаларидаги имзоларнинг айнан қайси шахсга тегишли эканлигини;

6) суд-лингвистик экспертизаси ёзувнинг шаклини эмас, балки унинг мазмунини ва муаллифининг тил хусусиятларини ўрганади, матннинг мазмуний тузилишини, ишлатилган сўз ва ибораларни таҳлил қилади, электрон бюллетенлар ёки тизимдаги изоҳларда қолдирилган матнларнинг авторини (муаллифини) унинг ёзиш услуби (идиолекти) асосида аниқлайди, сайлов ёки референдум ҳужжатларидаги матнли сохталикларни, тарғибот материалларида сайловчилар иродасига таъсир этувчи яширин манипуляцияларни ёки таҳдидларни аниқлайди, сохта имзоларни лингвист эмас, балки хатшунос (почерковед) аниқлайди, лингвист эса ўша имзо ёнидаги матннинг мантиқий ва услубий жиҳатларига баҳо беради;

7) суд-иқтисодий-статистика экспертизаси электрон тизимдаги овозлар сони ва ҳақиқий сайловчилар фаоллиги ўртасидаги статистик аномалияларни (масалан, бир сония ичида минглаб овозларнинг келиб тушиши ёки математик жиҳатдан мумкин бўлмаган натижалар) аниқлаб, сохталаштириш фактини;

8) суд-фонографик экспертизаси сайлов комиссияси аъзоларининг овозларни нотўғри санаш ёки ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳақидаги ўзаро телефон сўзлашувлари ёки овозли хабарларини;

9) видеоматериалларнинг суд экспертизаси сайлов участкаларидаги кузатув камералари ёки онлайн трансляция ёзувларида бюллетенларни ташлаш (вброс) ёки яширин овоз бериш тартибининг бузилиш ҳолатлари монтаж эмаслигини;

10) суд-радиотехника экспертизаси сайлов участкасидаги электрон қурилмалар ёки маълумот узатиш тармоқларига махсус радио-тўсқинликлар (Jamming) орқали таъсир ўтказилганини ёки маълумотларнинг ҳаво орқали (Wi-Fi/Bluetooth) ноқонуний тутиб қолинганини;

11) суд-психологик-филологик экспертизаси сайлов ҳужжатларини қалбакилаштиришда иштирок этган шахсларнинг ёзишмалари ва хатти-ҳаракатларида била туриб қилинган қасднинг мавжудлигини ва уларнинг руҳий иродаси қандай ифодаланганини аниқлайди.

5.19-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

149-модда. Асарга, ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, селекция ютуғига ва интеграл микросхема топологиясига нисбатан муаллифликни ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек ушбу интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман эълон қилингунига қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш оқибатларини бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга

мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[255].

Қонунчиликка кўра, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Бироқ, муаллифнинг меросхўрлари ёки муаллиф ўзининг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ишониб топширган шахс, шунингдек меросхўрлар бўлмаган тақдирда ваколатли давлат органи муаллифнинг ушбу ҳуқуқларини ҳеч қандай чекловларсиз ҳимоя қилишга ҳақлидир[256]. Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади ва улар саноат мулки объекти саналади ҳамда саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Агар саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса, бундай фойдаланиш патент эгасига тегишлидир, шу зайлда фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир нечта патент эгасига қарашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектга мутлақ лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Патент эгаси патент билан тасдиқланган саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқни патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай юридик ёхуд жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ва лицензия шартномаси Вазирликда рўйхатдан ўтказилиши керак.

---

[255] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[256] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2023 йил 23 июндаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектлари патентланганлигини кўрсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланиши мумкин.

Тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади. Саноат мулкига бўлган ҳуқуқлар ФКнинг 1082-моддасига мувофиқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади. Ихтирога, фойдали моделга ёки саноат намунасига муаллифлик (ҳаммуаллифлик) тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда муаллифликка даъво қилган ҳар бир шахснинг техник ечим, бадиий-конструкторлик ечим яратишдаги иштироки хусусиятини аниқлаш лозим. Бир нечта шахсларнинг ижодий меҳнати натижасида бир бутун (битта) техник ечим ёки бадиий-конструкторлик ечим яратилса, улар ушбу интеллектуал мулк объектининг муаллифлари деб топилади. Ҳаммуаллифликда биргаликда ёки алоҳида-алоҳида ишлаганлик, шунингдек ижодий улушнинг даражаси аҳамиятга эга бўлмайди. Асосийси бундай улушнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шахс ихтирога, фойдали моделга ёки саноат намунасига муаллиф (ҳаммуаллиф) деб топилиши учун у саноат мулк объектини яратишда ўзининг ижодий меҳнати билан қатнашган бўлиши керак. Яратиш деганда ижодий фаолият назарда тутилади. Шунга кўра, ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунаси яратилишига шахсий ижодий улуш қўшмаган, муаллифига фақат техник, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёхуд саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштиришга ва ундан фойдаланишга кўмаклашган шахслар муаллиф деб эътироф этилмайди. Саноат мулки объектларига нисбатан патент берилиши рад этилганлиги устидан низолашилганда, патентга лаёқатлилик шартлари “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонуннинг 6-8-моддалари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида текширилади. Саноат мулки объектини бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани ваколатли давлат органига биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади[257].

Шунингдек, агар селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир. Муҳофаза талаб қилинган селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий муҳофаза

[257] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2023 йил 23 июндаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

патент бериш ҳақидаги талабномага оид маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан селекция ютуғи тегишли реестрда рўйхатга олинадиган санага қадар белгиланади. Рухсат олмаган ҳолда:

селекция ютуғини етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

селекция ютуғини нав ёки насллик кондицияларига етказиш;

муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулотни сотишга таклиф қилиш, сотиш ва бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш;

сақлаш, олиб кириш, олиб чиқиш;

маълумотлар Апелляция кенгашига ёки талабнома берувчи ёхуд патент эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган расмий таомилларни амалга ошираётган шахсга ошкор этилишини истисно қилган ҳолда, селекция ютуғига оид тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилиш патент эгаси ҳуқуқларининг бузилиши деб эътироф этилади[258].

Муҳофаза қилинадиган топологияни, шу топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемани ўз ичига олган буюмни ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз қўллаш, олиб кириш, сотувга қўйиш, сотиш, такрорлаш (ўзига хос бўлмаган қисмини такрорлаш бундан мустасно) ва фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киритиш топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади. Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар[259].

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[260].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан

---

[258] Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[259] Ўзбекистон Республикасининг “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” 2001 йил 12 майдаги 218-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[260] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўзга шахсларга тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[261].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[262].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган

---

[261] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[262] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[263].

Рекламада қуйидагилар тақиқланади:

агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бошқа товар рекламасида қўлланиладиган ёки видео ва кино маҳсулотларида, шунингдек бошқа илм-фан, адабиёт ва санъат асарларида (муаллифлик ҳуқуқи), эфир ёки кабель орқали кўрсатувлар (эшиттиришлар) берувчи ташкилотларнинг ижроларида, фонограммаларида фойдаланиладиган умумий ечимни, матнни, тасвирни, мусиқали ёки овозли эффектларни айнан такрорлаш;

[263] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жисмоний шахснинг номидан ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) реклама қилиниши тақиқланган ёхуд реклама қилинишига нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган товарнинг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа товарнинг рекламаси кўринишида товарни реклама қилиш[264].

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш[265].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, асарга, ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, селекция ютуғига ва интеграл микросхема топологиясига нисбатан муаллифликни ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек ушбу интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман эълон қилингунига қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор этиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат ҳамда хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;

---

[264] Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[265] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;

3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;

4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;

5) қилмиш асарга, ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, селекция ютуғига ва интеграл микросхема топологиясига нисбатан қуйидаги усуллардан бирида содир этилган тақдирда жиноят таркиби вужудга келиши мумкинлиги:

муаллифликни ўзлаштириб олиш;

ҳаммуаллифликка мажбурлаш;

интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман эълон қилингунига қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор этиш;

6) алоқа;

7) ахборот;

8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) асарга, ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, селекция ютуғига ва интеграл микросхема топологиясига нисбатан муаллифликни ўзлаштириб олишга;

2) асарга, ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, селекция ютуғига ва интеграл микросхема топологиясига нисбатан ҳаммуаллифликка мажбурлашга;

3) асарга, ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, селекция ютуғига ва интеграл микросхема топологияси га нисбатан тўғрисидаги маълумотларни улар расман эълон қилингунига қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор этишга қаратилган ҳаракат бошланган вақтдан бошлаб;

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – ЖКнинг 149-моддасининг биринчи қисми ва иккинчи қисмининг “а, б, в” бандлари формал, ЖКнинг 149-моддасининг иккинчи қисми моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – асар, ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи ва интеграл микросхема топологияси.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) муаллифликни ўзлаштириб олиш (Плагиат). Мисол учун, дастурий таъминот ёки интеграл микросхема топологияси кодларини махсус дастурлар ёрдамида нусхалаб, фақат ўзгарувчилар номини “Copy-Paste” қилиб, кодни ўзгартириб, ўз номидан эълон қилиш ёки файлларнинг (PDF, CAD-чизмалар, дизайнлар) яратилиш тарихи ва асл муаллифи ҳақидаги маълумотларни (Metadata) дастурий йўл билан ўчириб, ўз маълумотларини киритиш орқали метамаълумотларни сохталаштириш ёхуд бировнинг илмий асари ёки ихтиро тавсифини сунъий интеллект орқали парафраз қилиш орқали қайта ёздириб, мазмунан ўхшаш, лекин сўзлари бошқача кўринишга келтириш орқали ўзлаштириш ёхуд ўзганинг саноат намунаси ёки фойдали модели чизмаларини интернет-дўконларда ўз муаллифлиги остида сотувга қўйиш ва рақамли бозорларда (Marketplace) сотиш;

2) ҳаммуаллифликка мажбурлаш. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, муаллифни босим остида у ёки бу шахсни муаллифлар рўйхатига киритишга мажбурлаш ёки муаллифнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни (расм, ёзишма) эгаллаб олиб, агар ҳаммуаллиф сифатида киритилмаса, уларни ошкор қилиш билан қўрқитиш, кибершонтажлик қилиш ёхуд раҳбар ёки тизим администратори томонидан муаллифнинг электрон базаларга, файл серверларига ёки илмий платформаларга киришини чеклаб қўйиш орқали ҳаммуаллифликни талаб қилиш ёинки ташкилот ичидаги лойиҳа бошқаруви тизимларида (Jira, Trello ва ҳ.к.) ўз номини лойиҳа иштирокчиси сифатида сохталаштириб қўшиб қўйиш орқали электрон ҳужжат айланишини манипуляция қилиш;

3) маълумотларни расман эълон қилингунга қадар ошкор этиш. Мисол учун, муаллифнинг розилигисиз янгилик ёки ихтиро ҳақидаги маълумотларни тарқатиб юбориш ёки патент идоралари, илмий-тадқиқот институтлари ёки муаллифнинг шахсий булутли хотирасига (Cloud storage) хакерлик ҳужумлари (Data Breach) билан бузиб кириб, чизма ва формулаларни ўғирлаш ёхуд янги селекция ютуғи ёки микросхема топологияси ҳақидаги сурат ва маълумотларни Telegram каналлар ёки форумларда (Reddit, GitHub ва ҳ.к.) аноним тарзда эълон қилиб юбориш ёки инсайд маълумотларни ижтимоий тармоқларга сизиб чиқариш ёхуд муаллифга сохта хат юбориш орқали унинг аккаунтини эгаллаш ва лойиҳа ҳужжатларини учинчи шахсларга юбориш ёинки муаллифнинг компьютерига махсус вирус ўрнатиш орқали унинг экран тасвирларини (screenshot) ёки киритаётган матнларини (keylogger) масофадан кузатиш ва маълумотларни тўплаш орқали содир этилиши мумкин.

Бировнинг дастурий кодини ўғирлаб, фақат ўзгарувчилар номини ўзгартириб (obfuscation), ўз номидан сотувга чиқариш, сунъий интеллект ёрдамида бировнинг муаллифлик услубини нусхалаш ва оригинал муаллифни кўрсатмасдан эълон қилиш, корпоратив тармоққа (Intranet) кириб, ҳали патентланмаган ихтиро чизмаларини интернетга сиздириш (leaking) орқали ҳам ушбу жиноят содир этилиши мумкин.

Бунда, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш оқибатларини бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасини ғайриқонуний ўзлаштириб олиш натижасида ушбу объектга патент олинган бўлса, муаллиф (ҳаммуаллиф) бундай патент устидан низолашиш ёки патентнинг патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) ўтказилишини сўраб, фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шу муносабат билан бундай низоларни кўришда ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасининг муаллифи ким эканлиги, ғайриқонуний ўзлаштириб олиш (масалан, ўғирлаш, алдаш, зўрлик, қўрқитиш ва ҳ.к.) далили мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқланиши лозим.

Шахс саноат мулк объектини ўзига тегишли эканлигини унинг яратилганлигини кўрсатувчи қўлёзма нусхалари, амалда унинг биринчи яратилганлиги ва (ёки) ундан фойдаланилганлигини тасдиқловчи бошқа далиллар билан исботлаши мумкин[266].

Маҳсулот (буюм)да ихтиронинг, фойдали моделнинг формуласи мустақил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга боғлиқ бўлган белги қўлланилган бўлса, ушбу маҳсулот (буюм) патентланган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан муҳофаза этиладиган усул эса – қўлланилган деб эътироф этилади. Агар бир хил ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари учун ёки фақат эквивалент белгилари билан фарқ қилувчи ихтиролар учун берилган устуворлик саналари ҳар хил бўлган иккита патент мавжуд бўлса, кейинроқ устувор санага эга бўлган патент ҳақиқий эмас деб топилгунга қадар ушбу патент эгасининг ҳаракатлари, ундан фойдаланиши аввалроқ устувор санага эга бўлган патентнинг бузилиши сифатида қаралмайди. Саноат мулки объекти устуворлиги белгиланган санага қадар унинг муаллифидан мустақил тарзда айнан ўхшаш бўлган ечимдан фойдаланган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирмаган тарзда, кейинчалик ҳам ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Шу муносабат билан, ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши деганда, саноат мулки объектининг устувор санасидан олдинги фойдаланиш ҳажмига нисбатан кейинги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг миқдорий ўзгариши (дона, килограмм, метр ва бошқалар),

[266] Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2002 йил 29 августдаги 397-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

шунингдек чиқариш ҳажмининг бошқа шаклларда кенгайиши тушунилади. Аввалдан фойдаланиб келаётган шахснинг патентланган саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳажмини ҳар қандай кенгайтириши патент эгасидан рухсат олиш заруратини келтириб чиқаради. Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган асосларда юзага келади. Ходим ва иш берувчи ўртасида маълум бир ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасининг хизмат вазифаларини ёхуд иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилганлиги тўғрисида низо юзага келган тақдирда, судлар ходимнинг меҳнат мажбуриятларининг мазмуни, иш берувчидан олинган аниқ топшириқнинг мавжудлиги ёинки йўқлигини ҳисобга олиши лозим[267].

Жиноят предмети интеллектуал мулк объектлари бўлган асар, ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи ёки интеграл микросхема топологиясидан бири ёки бир нечтаси бўлиши мумкин. Бунда, интеллектуал мулк объектлари рўйхати қуйидагича бўлиши мумкин:

Асарлар: Адабиёт, санъат ва фан асарлари, компьютер дастурлари.

Ихтиро ва фойдали модел: Техник ечимлар, қурилмалар.

Саноат намунаси: Буюмнинг ташқи кўриниши, дизайни.

Селекция ютуғи: Ўсимлик навлари, ҳайвон зотлари.

ИМТ топологияси: Микросхемадаги элементларнинг жойлашуви.

Ушбу ҳаракатлар нафақат маънавий ҳуқуқларни бузади, балки муаллифга катта иқтисодий зарар етказади. Айниқса, ихтиро ва селекция ютуқлари эълон қилинишидан олдин ошкор бўлса, уларни патентлаш имкони йўқолади. Шу сабабдан ҳам бунинг учун 2025 йилда Ўзбекистон Республикасида жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Моддада кўрсатилган объектларнинг ҳар бири рақамли маконда ўзига хос ҳимоя қатламига эга:

интеграл микросхема топологияси ва ахборот-коммуникация технологиялари: Дастурий таъминот кодлари ва чиплар архитектурасини ўгирлашда рақамли из Git-commit logs ва коднинг структуравий ўхшашлиги бўлиши мумкин;

саноат намунаси ва ихтиролар: 3D-моделлар ва техник чизмаларда рақамли из файлларнинг metadataси (яратилган вақти ва муаллифи) бўлиши мумкин;

асарлар: матн, мусиқа, видеода рақамли из Blockchain timestamping (вақт белгиси) ёки рақамли сув белгилари (watermarks) бўлиши мумкин.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

---

[267] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2023 йил 23 июндаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси муаллифликни ўзлаштириб олиш (плагиат) фактини исботлашда энг асосий воситадир, у икки

ёки ундан ортиқ матнни (мақола, диссертация, адабий асар) қиёсий таҳлил қилади, муаллифнинг ўзига хос услубини (идиолектини), сўз бойлигини ва жумла тузиш манерасини ўрганади, асарнинг айнан ким томонидан ёзилганлигини (идентификация) ва матннинг қайси қисмлари ўзлаштирилганлигини, айбланувчи буни ўзим ёзганман деб даъво қилганда, матннинг услубий таҳлили орқали ҳақиқий муаллифни, илмий ёки бадиий асарларнинг матни бошқа бир муаллифдан қай даражада сўзма-сўз ўзлаштирилганини (плагиат фоизини), матннинг сўзлари синонимларга алмаштирилган (парафраз қилинган) бўлса-да, асарнинг асосий мазмуни ва ижодий ўзига хослиги сақланиб қолганлигини ёки йўқлигини;

2) суд-компьютер-техникавий экспертизаси рақамли шаклдаги асарнинг (дастурий код, видео, электрон китоб ва ҳ.к.) муаллиф қурилмасида қачон яратилганини ва ким биринчи бўлиб унга эгалик қилганини, эълон қилинмаган интеллектуал мулк объекти муаллифнинг компьютери ёки булутли хотирасидан (Cloud) қандай қилиб қонунга хилоф равишда кўчириб олинганлигини (бузиб кириш ёки зарарли дастурлар орқали), ноқонуний олинган маълумотлар интернетга қайси IP-манзил ва қайси қурилма орқали биринчи бўлиб юкланганлигини, интеллектуал мулк объектлари, айниқса, дастурий кодлар ва интеграл микросхема топологиялари рақамли шаклда бўлганда файлларнинг мета-маълумотларини (яратилиш вақти, таҳрирлар тарихи, биринчи муаллиф қурилмасининг идентификатори) ўрганади, эълон қилингунига қадар ошкор этиш ҳолатларида маълумотнинг қайси IP-манзилдан тарқатилганини, иқтибос олинмаган код парчаларининг ўхшашлигини (source code comparison) ва файлнинг ҳақиқий эгаси кимлигини, расман эълон қилингунига қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор этиш фактини;

3) суд-патентшунослик экспертизаси ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқлари бузилганда тайинланади, техник чизмалар, формулалар ёки саноат намуналарининг янгилиги ва муаллифлик белгиларини давлат реестридаги маълумотлар билан солиштиради, интеллектуал мулк объектининг ўзига хос элементлари ўзлаштирилганлигини ва муаллифлик ҳуқуқи қайси босқичда бузилганлигини аниқлайди, илмий-техник ишланмаларга нисбатан муаллифликни тиклашда ҳуқуқий асос бўлади;

4) суд-иқтисодий (бухгалтерия) экспертизаси муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ёки асарнинг вақтидан олдин ошкор қилиниши натижасида муаллифга етказилган реал моддий зарар ёки бой берилган фойда миқдорини, ўзлаштириб олинган интеллектуал мулк объектининг (ихтиро, фойдали модель ёки асарнинг) баҳоланиш қийматини;

5) суд-товаршунослик экспертизаси бир дастурнинг коди (Source code) иккинчи бир дастурдан ўзлаштирилганлигини ва уларнинг ўзаро ўхшашлик

даражасини, дастурий таъминот ёки видеоўйиннинг лицензияли асл нусха эканлигини ёки ноқонуний равишда ўзгартирилган ва ўзлаштирилган шакли эканлигини;

6) суд-психологик-филологик экспертизаси мессенжерлар ва ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларда жабрланувчини ҳаммуаллифликка мажбурлаш учун ишлатилган таҳдид, қўрқитиш ёки руҳий босим ўтказиш элементларининг мавжудлигини, муаллифнинг розилигисиз маълумотларни ошкор этишда жабрланувчининг қаршилиги ёки қўрқув ҳолати ёзишмалар мазмунида қай даражада акс этганини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси видеоасарнинг (фильм, ролик, рақамли анимация) кадрлари ва тасвирий элементлари бошқа бир муаллифдан рухсатсиз кўчириб олинганлигини, видео файлга сунъий ўзгартиришлар киритилганлиги ёки у бошқа бир асл видеонинг ўзлаштирилган бўлаги эканлигини аниқлайди.

5.20-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

149^1-модда. Асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларни тайёрловчилар ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб;

д) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у етказилган моддий зарарнинг ўрнини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт[268].

Қонунчиликка кўра, вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар

[268] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим[269].

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Бироқ, муаллифнинг меросхўрлари ёки муаллиф ўзининг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ишониб топширган шахс, шунингдек меросхўрлар бўлмаган тақдирда ваколатли давлат органи муаллифнинг ушбу ҳуқуқларини ҳеч қандай чекловларсиз ҳимоя қилишга ҳақлидир[270]. Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади ва улар саноат мулки объекти саналади ҳамда саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Агар саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса, бундай фойдаланиш патент эгасига тегишлидир, шу зайлда фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир нечта патент эгасига қарашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектга мутлақ лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Патент эгаси патент билан тасдиқланган саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқни патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай юридик ёхуд жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ва лицензия шартномаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектлари патентланганлигини кўрсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланиши мумкин.

Тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган

---

[269] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-XII-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[270] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2023 йил 23 июндаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади. Саноат мулкига бўлган ҳуқуқлар ФКнинг 1082-моддасига мувофиқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади. Ихтирога, фойдали моделга ёки саноат намунасига муаллифлик (ҳаммуаллифлик) тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда муаллифликка даъво қилган ҳар бир шахснинг техник ечим, бадиий-конструкторлик ечим яратишдаги иштироки хусусиятини аниқлаш лозим. Бир нечта шахсларнинг ижодий меҳнати натижасида бир бутун (битта) техник ечим ёки бадиий-конструкторлик ечим яратилса, улар ушбу интеллектуал мулк объектининг муаллифлари деб топилади. Ҳаммуаллифликда биргаликда ёки алоҳида-алоҳида ишлаганлик, шунингдек ижодий улушнинг даражаси аҳамиятга эга бўлмайди. Асосийси бундай улушнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шахс ихтирога, фойдали моделга ёки саноат намунасига муаллиф (ҳаммуаллиф) деб топилиши учун у саноат мулк объектини яратишда ўзининг ижодий меҳнати билан қатнашган бўлиши керак. Яратиш деганда ижодий фаолият назарда тутилади. Шунга кўра, ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунаси яратилишига шахсий ижодий улуш қўшмаган, муаллифига фақат техник, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёхуд саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштиришга ва ундан фойдаланишга кўмаклашган шахслар муаллиф деб эътироф этилмайди. Саноат мулки объектларига нисбатан патент берилиши рад этилганлиги устидан низолашилганда, патентга лаёқатлилик шартлари “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонуннинг 6-8-моддалари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида текширилади. Саноат мулки объектини бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани ваколатли давлат органига биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади[271].

Шунингдек, агар селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир. Муҳофаза талаб қилинган селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий муҳофаза патент бериш ҳақидаги талабномага оид маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан селекция ютуғи тегишли реестрда рўйхатга олинадиган санага қадар белгиланади. Рухсат олмаган ҳолда:

селекция ютуғини етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

селекция ютуғини нав ёки насллик кондицияларига етказиш;

муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулотни сотишга таклиф қилиш, сотиш ва бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш;

---

[271] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2023 йил 23 июндаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

сақлаш, олиб кириш, олиб чиқиш;

маълумотлар Апелляция кенгашига ёки талабнома берувчи ёхуд патент эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган расмий таомилларни амалга ошираётган шахсга ошкор этилишини истисно қилган ҳолда, селекция ютуғига оид тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилиш патент эгаси ҳуқуқларининг бузилиши деб эътироф этилади[272].

Муҳофаза қилинадиган топологияни, шу топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемани ўз ичига олган буюмни ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз қўллаш, олиб кириш, сотувга қўйиш, сотиш, такрорлаш (ўзига хос бўлмаган қисмини такрорлаш бундан мустасно) ва фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киритиш топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади. Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар[273].

Қонунчилик талабига асосан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур[274].

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан ўзга шахсларга тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт[275].

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва

---

[272] Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[273] Ўзбекистон Республикасининг “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” 2001 йил 12 майдаги 218-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[274] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[275] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим[276].

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва

[276] Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мҳ-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт[277].

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш ва кабель орқали юборишни (ретрансляция ҳам шунга киради) амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, асардан, ижродан, фонограммадан ёхуд эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришидан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин. Ретрансляция муаллифлар, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, барчанинг эътиборига етказишга бўлган ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ҳақ миқдори ва фойдаланувчилар билан асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш учун шартнома тузиш шартлари, йиғилган ҳақни тақсимлаш ва тўлаш усули ҳамда мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот фаолиятининг бошқа муҳим масалалари хусусидаги қарорларни қабул қилиш фақат муаллифлар ёки бошқа ҳуқуқ эгалари томонидан умумий йиғилишда коллегиал тарзда амалга оширилади.

[277] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгаларидан олинган ваколатлар асосида фойдаланувчилар билан асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш учун шартномалар тузади. Шартномаларнинг шартлари фойдаланиладиган асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг тури ва ҳажмига қараб аниқланадиган битта тоифадаги барча фойдаланувчилар учун бир хил бўлиши керак. Мазкур ташкилотлар фойдаланувчилар билан шартномалар тузишни етарлича асосларсиз рад этишга ҳақли эмас. Бундай шартномалар уларда назарда тутилган усуллар билан барча асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишга рухсат беради ҳамда барча ҳуқуқ эгаларининг, шу жумладан ташкилотга ваколатларини бермаган ҳуқуқ эгаларининг номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилади. Ҳуқуқ эгаларининг фойдаланувчиларга нисбатан бундай шартномалар асосида уларнинг асарларидан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча эҳтимол тутилган мулкий эътирозлари шартномалар тузган мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан тартибга солиниши керак.

Фойдаланувчилар мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларга асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Маълумотлар ва ҳужжатларнинг рўйхати мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фойдаланувчилар билан тузадиган шартномаларда белгиланади.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар жамоавий асосда бошқариш учун олинган асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишни амалга оширишга ҳақли эмас.

Интервьюдан фойдаланишга фақат интервью берган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми-шарифи кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларни келгусида муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан тарқатишга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асарларга ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан:

асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишга доир муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларининг қўлланилиши йўли билан белгиланган чеклашларни олиб ташлашга қаратилган ҳаракатларни асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар

объектларидан фойдаланишни назорат қилувчи, муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёхуд асарларга ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгасининг рухсатисиз амалга оширишга;

ҳар қандай қурилмани ёки унинг таркибий қисмларини тайёрлашга, тарқатишга, прокатга беришга, вақтинчалик текин фойдаланиш учун беришга, импорт қилишга, реклама қилишга, улардан тижорат мақсадида фойдаланишга ёхуд хизматлар кўрсатишга, агар бундай ҳаракатлар натижасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлмай қолса ёки бундай техника воситалари кўрсатилган ҳуқуқларнинг лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминламаса, йўл қўйилмайди.

Асарни ёки турдош ҳуқуқлар объектини, муаллифни, турдош ҳуқуқлар эгасини ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгасини идентификацияловчи ҳар қандай ахборот ёхуд асардан ёки турдош ҳуқуқлар объектидан фойдаланиш шартлари ҳақидаги, асарнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектининг нусхасида мавжуд бўлган, уларга илова қилинган ёхуд бундай асарни ёки турдош ҳуқуқлар объектини барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд барчанинг эътиборига етказиш муносабати билан пайдо бўладиган ахборот, шунингдек шундай ахборотни ўз ичига олган ҳар қандай рақамлар ва кодлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборот деб эътироф этилади.

Қуйидагиларга:

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборотни асарни ёки турдош ҳуқуқлар объектини, муаллифни, турдош ҳуқуқлар эгасини ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгасининг рухсатисиз чиқариб ташлаш ёки ўзгартиришга;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахбороти асарни ёки турдош ҳуқуқлар объектини, муаллифни, турдош ҳуқуқлар эгасини ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгасининг рухсатисиз чиқариб ташланган асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини такрорлаш, тарқатиш, тарқатиш мақсадида импорт қилиш, омма олдида ижро этиш, барчанинг эътибори учун юборишга, барчанинг эътиборига етказишга йўл қўйилмайди[278].

Рекламада қуйидагилар тақиқланади:

агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бошқа товар рекламасида қўлланиладиган ёки видео ва кино маҳсулотларида, шунингдек бошқа илм-фан, адабиёт ва санъат асарларида (муаллифлик ҳуқуқи), эфир ёки кабель орқали кўрсатувлар (эшиттиришлар) берувчи ташкилотларнинг ижроларида, фонограммаларида фойдаланиладиган умумий ечимни, матнни, тасвирни, мусиқали ёки овозли эффектларни айнан такрорлаш;

жисмоний шахснинг номидан ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) реклама қилиниши тақиқланган ёхуд реклама қилинишига нисбатан тегишли чекловлар ёки

[278] Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ–42-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

талаблар белгиланган товарнинг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа товарнинг рекламаси кўринишида товарни реклама қилиш[279].

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш[280].

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – муаллифнинг муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқлари.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларни тайёрловчилар ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, адоват, безорилик, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат ҳамда хк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;

---

[279] Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[280] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;

5) қилмиш қуйидаги ҳаракатлардан бири кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, вужудга келиши:

асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш;

асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларни тайёрловчилар ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш;

6) алоқа;

7) ахборот;

8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланишга қаратилган ҳаракат;

2) асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш;

3) асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини тарқатиш;

4) асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини барчанинг эътиборига етказиш;

5) асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларни тайёрловчилар ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатишга қаратилган ҳаракат кўп миқдорда зарар етказилган вақтдан бошлаб;

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар), драма ва сценарий асарлари, матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари, мусиқали драма асарлари, хореография асарлари ва пантомималар, аудиовизуал асарлар, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари, манзарали-амалий ва саҳна безаги санъати асарлари, архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари, фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш

усулларда яратилган асарлар, жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар, барча турдаги ЭҲМ учун дастурлар, шу жумладан ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи бошланғич матн ҳамда объект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция тизимлари ва бошқа асарлар, шунингдек, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;

2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) муаллифликни ўзлаштириб олиш (Плагиат) усуллари. Мисол учун, дастурий кодларни, илмий асарларни ёки микросхема чизмаларини электрон форматда нусхалаб, рақамли кўчириш ва жойлаштириш (Copy-Paste) орқали муаллифлик белгиларини ўзгартириш ёки файлнинг (масалан, ихтиро чизмаси ёки асар матни) яратилган вақти, асл муаллифи ва қурилма ҳақидаги рақамли изларини (EXIF/Metadata) ўчириб, сохта маълумот киритиш орқали метамаълумотларни сохталаштириш ёхуд сунъий интеллект ёрдамида асарни мазмунан сақлаб қолган ҳолда шаклини ўзгартириш ва уни янги асар сифатида ўз номидан эълон қилиш ёинкиахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали сохта патент ва гувоҳномалар яратиб, бошқанинг селекция ютуғи ёки фойдали моделига эгалик қилиш;

2) ҳаммуаллифликка мажбурлаш усуллари. Мисол учун, шахсни босим остида ўз меҳнати натижасига бошқаларни қўшишга мажбурлаш ёки

муаллифнинг шахсий ҳаётига оид сирларни ёки маҳфий ёзишмаларини (хакерлик йўли билан олинган) эълон қилиш билан таҳдид қилиб, кибершонтажлик йўли билан ҳаммуаллиф сифатида киритилишини талаб қилиш ёхуд ташкилот ичидаги лойиҳа бошқаруви тизимларида (ERP, Cloud) муаллифнинг киришини чеклаш ёки файлларни ўчириб ташлаш билан қўрқитиш, административ блоклаш ёхуд ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали муаллифга руҳий босим ўтказиш (Cyberbullying);

3) маълумотларни расман эълон қилингунга қадар ошкор этиш усуллари. Мисол учун, хакерлик ҳужуми (Data Breach) орқали патент агентликлари ёки илмий институтларнинг серверларига бузиб кириб, лойиҳа ҳужжатларини интернетга сизиб чиқариш ёки фишинг (Phishing) уюштириб, муаллифга сохта хат юбориш орқали унинг булутли хотираси (iCloud, Google Drive) паролини қўлга киритиш ва у ердаги махфий ихтиро чизмаларини

тарқатиш ёхуд жосуслик (шпионлик) дастурлари (Spyware/Keyloggers)дан фойдаланиб муаллифнинг компьютерига махсус вирус юбориб, у ҳали асар ёки чизма устида ишлаётган жараёнидаёқ экран тасвирларини ўғирлаш ва эълон қилиш ёинки мессенжерлар орқали слив қилиб ишончли вакил ёки ҳамкор сифатида олинган махфий маълумотни Telegram ёки бошқа платформалардаги ёпиқ гуруҳларда тарқатиб юбориш;

4) Warez-сайтлар ва Torrent порталлари орқали тарқатиш. Мисол учун, дастурий таъминот, фильмлар, мусиқий асарлар ёки электрон китоблар лицензиясиз ҳолда махсус сайтлар ёки torrent трекерлар орқали бепул тарқатилиши ва улар орқали одатда серверларда контрафакт файлларни сақлайди ва фойдаланувчилар уларни оммавий равишда юклаб олиш имкониятига эга бўлиш;

5) Streaming piracy, яъни жонли эфирлар ёки пуллик каналларни ноқонуний ретрансляция қилиш. Мисол учун, спорт мусобақалари, кино каналлари ёки онлайн платформалар контенти лицензиясиз серверлар орқали қайта узатилиши;

6) Telegram ботлар орқали тарқатиш. Мисол учун, махсус ботлар яратилиб, улар орқали муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган китоблар, аудиокитоблар, мусиқа ёки фильмлар автоматик тарзда фойдаланувчиларга юборилади.

7. SaaS (Software as a Service) хизматларини бузиш. Мисол учун, булутли дастурий хизматларга ноқонуний кириш имкониятини берувчи “crack”ланган ёки ўғирланган аккаунтлар сотилиши ёки тарқатилиши;

8) NFT ва рақамли санъат ўғрилиги. Мисол учун, бошқа муаллифга тегишли рақамли асар унинг розилигисиз блокчейн тармоқларида NFT сифатида рўйхатдан ўтказилиб, сотувга чиқарилиши;

9) сунъий интеллектни ўқитишда муаллифлик асарларидан рухсатсиз фойдаланиш (AI Training). Мисол учун, муаллифнинг розилигисиз унинг асарлари сунъий интеллект моделларини ўқитишда ишлатилади ва кейин шу асосда янги маҳсулотлар яратилиши ва муаллифнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказиш;

10) Cyber-squatting. Мисол учун, машҳур бренд, асар ёки муаллиф номи билан боғлиқ домен номларини аввалдан рўйхатдан ўтказиб олиш ва кейин улардан фойда олиш ёки сотиш орқали интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузишнинг рақамли шаклларидан бирини амалга ошириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ўша ҳаракатлар такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, бу ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисобланади. Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у етказилган

моддий зарарнинг ўрнини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ушбу жиноят ва бошқа жиноятларда қуйидаги миқдорлар ҳамда хизмат мавқеидан фойдаланишда хизматчи деганда қуйидагилар тушунилади:

Муаллифлик ҳуқуқи объектлар турлари жумласига адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар); драматик ва сценарий асарлар; матнли ва матнсиз мусиқа асарлари; мусиқали-драматик асарлар; хореография асарлари ва пантомималар; аудиовизуал асарлар; рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари; манзарали-амалий ва саҳна безаги санъати асарлари; архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари; фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар; жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар; барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари ҳамда ФКнинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар киради (ФК 1042-модда). Ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс муаллиф ҳисобланиб, унга техник ёрдам кўрсатган шахслар (матн териш, корректировка қилиш ва бошқалар) асарнинг ҳаммуаллифлари деб тан олинмайди. ФКнинг 1056-моддаси ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида белгиланган муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари бузилган тақдирда, муаллиф ва (ёки) ҳуқуқ эгаси, уларнинг меросхўрлари, мулкий ҳуқуқларни жамоавий бошқариш ташкилоти, шунингдек ваколатли давлат органи томонидан ҳимоя қилиниши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқи ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этилган) ёки эълон қилинмаган асарлар бўлишидан қатъий назар, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза этилиши инобатга олиниши лозим. Муаллиф ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаш шарти билан, воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эга. Муаллифлик ҳуқуқи нафақат бутун асарга, балки унинг бир қисмига, агар асарнинг ушбу қисми ижодий фаолият натижаси бўлса ва мустақил равишда ишлатилиши мумкин бўлса қўлланилади. ФК 1041-моддасига кўра, муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилиши боис, улар ҳуқуқий муҳофаза объектига айланиши учун асар объектив равишда мавжуд бўлиши керак (масалан, картина яратиш ғоясининг ўзи ушбу ғояни муҳофаза объектига айлантирмайди). Бунда, асарнинг у ёки бу объектив шаклда ифодаланиши, қоида тариқасида, моддий предмет шаклида (масалан, китоб, ҳайкал ва ҳок.) акс эттирилиши тушунилади. Шунга кўра, илмий, илмий-публицистик ишларнинг “концепция”, “тизим” каби номларда юритилганлиги, уларни муаллифлик

объекти ҳисобланмаслигини англатмайди. Асар ёзма, оғзаки, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ҳамда электрон ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин (масалан, компьютер дастурлари ёрдамида яратилган асар ёки ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган файллар). Муаллифнинг объектга бўлган мутлақ ҳуқуқи яратилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқи ёки эгалик қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда ҳам муаллифда сақланиб қолади, яъни асар ифодаланган моддий объектга (масалан, китоб, ҳайкаллар, суратлар, расмлар) бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлиги, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлигини англатмайди. Муаллифлик ҳуқуқига оид низоларни кўришда муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарларда асарнинг шакли ёки шакл ва мазмунини фарқлаш лозим (масалан, мусиқа асарлари – ноталар, тасвирий санъат асарлари – чизиқлар, ранглар). Бунда муаллифлик ҳуқуқи фақатгина асарнинг шакли ёки шакл ва мазмун элементлари биргаликда муҳофаза қилиниши, мазмун элементининг биргина ўзи эса қонун билан муҳофаза қилинмайди. Асарнинг шакли ёки шакл ва мазмунини аниқлашда аксарият ҳолларда махсус билимлар талаб этилиши сабабли, заруратга қараб, ушбу тоифадаги ишларни ҳал этишда, асарнинг шакли ёки шакл ва мазмунини аниқлаш учун махсус билимга эга бўлган мутахассис фикрини олишлари ёки экспертиза тайинлаш лозим. Масалан, мусиқа асарларининг ўзаро ўхшашлиги юзасидан низо келиб чиққанда, ҳар иккала мусиқа асарининг шакли ва товушлари (ноталар ва уларнинг жойлашиши) бир хиллиги аниқланади. Ҳосила асарлар бошқа муаллифнинг ижодий фаолияти натижалари бўлган фан, адабиёт ва санъат асарлари ёки халқ ижодиёти асарларини қайта ишлаш, шунингдек таржима қилиш, тўплаш (йиғиш) ва бошқа тарзда жамлаш натижасида вужудга келади. Ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир. Ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ФК 1048-моддаси, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа асарлар жамлама асарлар ҳисобланади. Жамлама асар муаллифи (тузувчиси)га ижодий меҳнат натижасини ифодаловчи, мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган, материалларни танлаб олиш ёки жойлаштиришга бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир. Жамлама асарларга доир низоларни кўриб чиқишда, агар жамлама асар бошқа асарлар асосида яратилган бўлса, жамлама асарга киритилган асарларнинг ҳар бирига бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлиги аниқланиши лозим. Бунда тегишли муаллиф ва (ёки) ҳуқуқ эгасининг ёзма розилиги олинганлиги ёки муаллифлик шартномаси тузилганлиги жамлама асар таркибига киритилган асарларга бўлган ҳуқуқларга риоя этилган деб баҳоланади. ФКнинг 1060-моддаси, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 25-33-моддалари ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлақ ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилади. Шунга кўра судлар

мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказганлиги ва муаллифнинг қонуний манфаатлари асоссиз камситилганлиги ҳолатини тўғри аниқлаш мақсадида мутахассис фикри олиниши ёки экспертиза тайинланиши зарур. ФКнинг 1062-моддаси талабларидан келиб чиқиб судларга тушунтирилсинки, агар асар иш вақтида ёки иш берувчининг мулкидан фойдаланган ҳолда яратилиб, бироқ хизмат вазифалари доирасида ёки хизмат топшириғи тартибида яратилмаган бўлса, у хизмат асари ҳисобланмайди.

Муаллифлик ҳуқуқини бузиш жиноятларини аниқлаш ва исботлаш жараёнида рақамли излар муҳим далил манбаи ҳисобланади. Биринчи навбатда Hosting data, яъни сайт ёки сервер қаерда жойлашгани ва қайси ташкилот ёки шахс номига расмийлаштирилгани ўрганилади. Бу маълумотлар сервер инфратузилмасини ва жиноятни ташкил этган шахсларни аниқлашга ёрдам беради. Иккинчи муҳим манба Whois маълумотлари бўлиб, улар домен номи эгаси ҳақидаги техник маълумотлар, доменни рўйхатдан ўтказган шахс, рўйхатдан ўтказиш санаси ва алоқа маълумотларини аниқлаш имконини беради. Учинчи турдаги рақамли далил Payment logs, яъни тўлов журналларидир. Агар контрафакт маҳсулотлар сотилган бўлса, пул маблағлари қайси банк ҳисоб рақамига, электрон тўлов тизимига ёки криптовалюта ҳамёнига тушгани текширилади. Тўртинчи турдаги далил Source code, яъни дастурий таъминот манба коди ҳисобланади. Агар дастурий маҳсулот ўғирланган бўлса, унинг коди асл код билан таққосланиб, ўхшашлик даражаси аниқланади. Бешинчи турдаги рақамли далил Watermarks, яъни рақамли белгилар. Кўплаб рақамли файллар ичида яширин муаллифлик белгилари бўлади. Агар жиноятчи бу белгиларни ўчирган ёки ўзгартирган бўлса, махсус техник таҳлил орқали бу ҳолат аниқланиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқини бузиш жиноятларини тўлиқ ва холис текшириш учун бир нечта турдаги экспертизалар тайинланади. Биринчи навбатда интеллектуал мулк экспертизаси ўтказилади. Бу экспертиза асарнинг ҳақиқатан ҳам муайян муаллифга тегишли эканлигини ва гумон қилинган маҳсулот билан ўхшашлик даражасини (плагиат мавжудлигини) аниқлайди. Иккинчи муҳим экспертиза суд-компьютер-техникавий экспертизаси бўлиб, бу экспертиза доирасида гумонланувчининг компьютерлари, серверлари ёки бошқа рақамли қурилмалари текширилиб, асарнинг контрафакт нусхалари, тарқатиш учун ишлатилган дастурлар, файл журналлари ва тармоқ фаолияти аниқланади. Учинчи турдаги экспертиза суд-иқтисодий экспертизасининг вазифаси ҳуқуқ эгасига етказилган моддий зарар миқдорини, жумладан бой берилган фойдани ҳисоблашдан иборат. Тўртинчи турдаги экспертиза фоноскопик ва видеотехник экспертиза мусиқа ва видео материалларнинг техник параметрларини таҳлил қилиб, уларнинг асл манбаси ва контрафакт нусхалари ўртасидаги ўхшашликни аниқлаш имконини беради.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда замонавий рақамли экспертиза усуллари, халқаро ҳамкорлик ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси кибермуҳида, шу жумладан, кибермаконда муаллифлик ҳуқуқи бузилганда, масалан, кинолар, дастурий таъминотлар ёки электрон китоблар Интернет тармоғида тарқатилганда асосий ролни ўйнайди, веб-сайтлар, telegram-каналлар, торрент-трекерлар ва булутли хотиралар ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларини ўрганади, файлларнинг қачон юклангани, неча марта кўчирилгани (download count) ва қайси қурилмадан бошқарилганини, асарнинг барчанинг эътиборига етказилганлиги (making available to the public) ва Интернет тармоғидан фойдаланиб тарқатилганлиги фактини, контрафакт маҳсулотлар қайси сайт, ижтимоий тармоқдаги канал ёки файл алмашиш серверлари (FTP, Torrent) орқали тарқатилганини, асарнинг Интернет тармоғида неча марта кўрилгани ёки юклаб олинганини аниқлаш орқали жиноятнинг кўламини, асарнинг нусха кўчиришга қарши қўйилган техник ҳимоя воситалари (DRM – Digital Rights Management) қандай бузиб кирилганини;

2) суд-иқтисодий (бухгалтерия) экспертизаси лицензияланган маҳсулотнинг асл нархи ва ноқонуний тарқатилган нусхалар сонини, муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси бой берган фойдани, етказилган зарарнинг кўп миқдор ёки жуда кўп миқдор эканлигини, муаллифлик ҳуқуқи эгасига етказилган ҳақиқий зарар миқдорини (сотилмаган нусхалар ва лицензия тўловлари асосида), жиноий гуруҳ ёки шахснинг контрафакт нусхаларни тарқатиш орқали кўрган молиявий фойдасини;

3) суд-товаршунослик экспертизаси контрафакт маҳсулотларни оригинал нусхалардан фарқлаш учун зарур, рақамли ташувчилар (дисклар, флеш-карталар) ва улардаги техник ҳимоя воситаларини (DRM – Digital Rights Management, голограммалар), асарларнинг контрафакт нусха эканлигини ҳамда ишлаб чиқарувчи ҳақида ёлғон ахборот кўрсатилганини, маҳсулотнинг бозор қийматини, тарқатилаётган дастурий маҳсулот, фильм ёки мусиқий асарнинг лицензияли асл нусхага мослигини ёки ноқонуний (қароқчилик) нусха эканлигини, маҳсулотнинг қадоғида ёки рақамли интерфейсида ишлаб чиқарувчи, муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси ҳақида кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини;

4) суд-фонографик экспертизаси мусиқий асарлар, подкастлар ва қўшиқлардаги овозларни, ижрочининг овози ноқонуний равишда ишлатилганини, овоз ёзуви (фонограмма) рухсатсиз қайта ишланганини ёки тарқатилганини, турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф фойдаланилганини, ноқонуний тарқатилаётган аудиоёзувлардаги (ижрочининг овози, фонограмма) овозни асл ижрочиники билан солиштиради ва унинг айнанлигини, ёзувнинг қайси техник шароитда (масалан, концертда яширин ёзиб олиш ёки студиядан ўғирлаш) қўлга киритилганини;

5) суд-филологик экспертизаси муаллифликни идентификация қилиш мақсадида муаллифнинг индивидуал нутқ услубини (идиолект) таҳлил қилади, ҳатто рақамли нусхаларда муаллифнинг исми ўзгартирилган бўлса-да, эксперт сўз қўллаш манераси, синтактик қурилмалар ва пунктуация одатлари орқали

асл муаллифни аниқлай олади, муаллифлик ҳуқуқи эгалари ҳақида ёлғон ахборот кўрсатиш факторини илмий асосда фош этади, шунингдек, мазмуний таҳлил ва оригиналликни текшириб, асарнинг мазмуний тузилишини (сюжет, композиция, илмий ғоялар кетма-кетлиги) қиёсий ўрганади, интернетда тарқатилган рерайт (бошқа сўзлар билан қайта ёзилган) матнларни асл манба билан солиштириб, уларнинг мазмунан айнанлигини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси Интернет тармоғида тарқатилган фильм ёки видеороликнинг кадрлар кетма-кетлиги асл асар билан бир хил эканлигини ёки унга ноқонуний ўзгартиришлар киритилганлигини, видео “экранка” (кинотеатрда камерага туширилган) ёки рақамли асл нусхадан кўчирилганлигини аниқлайди.

6-БОБ. ШАХСГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

6.1-§. Шахсга қарши кибержиноятлар учун жазо тизими

1. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган жарима жазоси – айбдордан давлат даромадига Жиноят кодексида белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

1.1. Жазо миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш** бараваридан **олти юз** бараваригача.

1.2. Жазони алмаштириш шартлари –

агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа;

қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса;

кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган тақдирда;

жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда.

1.3. Жазони алмаштириш мумкин бўлган жазо тизими –

мажбурий жамоат ишлари;

ахлоқ тузатиш ишлари;

хизмат бўйича чеклаш;

озодликни чеклаш;

озодликдан маҳрум қилиш;

1.4. Жарима жазоси бошқа жазо билан алмаштирилганида унинг миқдори –

мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилади ва тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга;

ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

2. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси – суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлаш;

2.1. Жазони қўллаш шарти – чекланаётган ёки тақиқланаётган мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилиши лозим. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг

бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно.

2.2. Жазо муддати –

бир йилдан беш йилгача муддат – айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда;

бир йилдан уч йилгача муддат – қўшимча жазо тариқасида тайинланганда.

3. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган мажбурий жамоат ишлари жазоси – маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилиш;

3.1. Жазони ўташ жойи – маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади;

3.2. Жазо муддати ва ўташ шарти – бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

3.3. Жазо қўлланилмайдиган ҳолатлар –

пенсия ёшига етган шахсларга;

ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга;

ҳомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

ҳарбий хизматчиларга;

чет эл фуқароларига;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга;

3.4. Жазони алмаштириш шарти ва тартиби – маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

4. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси – шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилиш;

4.1. Жазони ўташ жойи – жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

4.2. Жазо муддати – олти ойдан уч йилгача;

4.3. Жазо қўлланилмайдиган ҳоллар –

пенсия ёшига етганларга;

меҳнатга қобилиятсизларга;

ҳомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

ҳарбий хизматчиларга;

4.4. Жазони алмаштириш шарти – агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

5. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган хизмат бўйича чеклаш жазоси – ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш;

5.1. Жазо муддати – Жиноят кодексининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача;

5.2. Жазони қўллашнинг алоҳида шарти – ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

6. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган озодликни чеклаш жазоси – суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаш;

6.1. Жазо муддати – бир ойдан беш йилгача;

6.2. Жазони ўташ жойи – суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

6.3. Жазо билан маҳкумнинг зиммасига юкланадиган қўшимча тақиқлар (чеклашлар) –

муайян жойларга бормаслик;

оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик;

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;

алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

6.4. Чеклов ва тақиқларни бекор қилиш ҳоллари – агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса;

6.5. Жазони алмаштириш ҳолатлари –

маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган;

суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда.

Бунда, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

6.6.Жазо қўлланилмайдиган ҳолатлар –

ҳарбий хизматчилар;

чет эл фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга.

7. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган интизомий қисмга жўнатиш жазоси – муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этиш;

7.1. Жазо муддати – Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга;

7.2. Алоҳида шарти – суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

8. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси – маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштириш;

8.1. Жазо муддати – бир ойдан йигирма йилгача муддатга. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

8.2. Жазо тайинлашнинг алоҳида шартлари – узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум қилиш ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

8.3. Жазо колониялари – ***озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:***

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказади.

8.4. Жазо тайинланмайдиган ҳолатлар – ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо:

ҳомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

қонунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

6.2-§. Шахсга қарши кибержиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби

1. Жазо тайинлашнинг умумий асослари – жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

2. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар –

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат Жиночт кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

3. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар –

а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;

в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;

д) ўта шафқатсизлик билан;

е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;

ж) ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;

и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;

к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;

м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;

н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;

о) мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

4. Енгилроқ жазо тайинлаш асослари ва тартиби –

Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Суд шу асосларни эътиборга олиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин.

Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин.

5. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш асослари –

а) жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодекси қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган ҳолатлар шартлари:

Жиноят кодекси 55-моддаси биринчи қисмининг “а” ва “б” бандларида назарда тутилган айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилган ҳолатлар мавжуд бўлган;

Жиноят кодекси 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган;

б) айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш асослари қўлланилмайдиган ҳолатлар – жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми);

6. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш – айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

7. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш –

1) тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар:

жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда;

жиноятнинг оғир-енгиллигини;

жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини.

2) жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори – Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида:

а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан:

жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш билан;

вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналарни ташкил этиш ёки сақлаш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда

қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмас.

3) иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш – суд ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

8. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш – шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд Жиноят кодексининг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди.

Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, Жиноят кодексининг Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг узил-кесил тайинланган муддати Жиноят кодексининг 45-моддасида назарда тутилган энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли

эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшиб ҳисобланади.

5. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш –

Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади.

Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

9. Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари –

Ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

а) озодликни чеклашнинг ёки интизомий қисмга жўнатишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишларининг ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига;

в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тўғри келади.

Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликни чеклаш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазоси билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади.

10. Ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш қоидалари –

ушлаб туришнинг, қамоққа олишнинг ёки уй қамоғининг ҳар бир куни:

а) озодликни чеклашнинг, интизомий қисмга жўнатишнинг, озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишларининг ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига;

в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тенглаштирилади.

ушлаб турилган, қамоқда ёки уй қамоғида сақланган шахсга жарима тайинлашда ушлаб туришнинг, қамоқда ёки уй қамоғида сақлашнинг бир куни – базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштирилади.

11. Жазо муддатларини ҳисоблаш –

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларнинг муддатлари – ойлар ва йиллар;

Жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари – суткалар;

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг муддатлари – соатлар билан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-XII-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
9. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
12. Ўзбекситон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида” 1996 йил 27 декабрдаги 349-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” 1996 йил 27 декабрдаги 353-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” 2001 йил 12 майдаги 218-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
16. Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
17. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига

ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2002 йил 29 августдаги 397-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида” 2003 йил 30 августдаги 530-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” 2004 йил 26 августдаги 660-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида” 2004 йил 2 декабрдаги 704-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида” 2004 йил 2 декабрдаги 706-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

24. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ–42-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

25. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида” 2008 йил 11 декабрдаги ЎРҚ–188-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” 2008 йил 7 январдаги ЎРҚ–139-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

27. Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” 2011 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–303-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

28. Ўзбекистон Республикасининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида” 2011 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–309-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

29. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

30. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ–336-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

31. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–344-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

32. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ–370-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

33. Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида” 2014 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ–374-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

34. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

35. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

36. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

37. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

38. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ–699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

39. Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

40. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида” 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–763-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

41. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

42. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

43. Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида” 2022 йил 9 июндаги ЎРҚ–777-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

44. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида” 2023 йил 3 июлдаги ЎРҚ–850-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

45. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

46. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

47. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида” 2024 йил 29 февралдаги ЎРҚ–917-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

48. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ–964-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

49. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

50. Ўзбекистон Республикасининг “Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2026 йил 21 январдаги ЎРҚ–1115-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши (олиб келиниши) тақиқланган буюмлар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

53. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

54. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган Махфий ахборотлар сирасига киритилган маълумотлар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

55. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

56. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

57. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг-ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

58. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришнинг алоҳида шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

59. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

60. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

61. Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

62. Вазирлар Маҳкамасининг “Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

63. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

64. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

65. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 14 ноябрдаги 19-мҳ-сон буйруғи (15.11.2023 й., рўй.: 3477) билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

66. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 15 ноябрдаги 20-мҳ-сон буйруғи (15.11.2023 й., рўй.: 3478) билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

67. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1345-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

68. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 24 декабрдаги 19-сон буйруғи (19.01.2026 й., рўй.: 3758-сон) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимида яратилган “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона”, “Электрон тиббий карта” ва “Электрон рецепт” модулларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

69. Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мҳ-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

70. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида” 1996 йил 20 декабрдаги 39-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

71. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

72. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

73. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2010 йил 29 октябрдаги 13-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

74. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2023 йил 23 июндаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ШАХСГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Кибералогия методи асосида тайёрланган ўқув-услубий қўлланма